

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЕТ ИНСТИТУТИ

АЗИМ ҲОЖИЕВ,

филология фанлари кандидати

ЎЗБЕК ТИЛИДА КЎМАКЧИ ФЕЪЛЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ

ТОШКЕНТ, 1966

Ўзбек тилидаги кўмакчи феълларни таҳлил қилишга бағишланган ушбу монографияда асосий ва кўмакчи феъллардан тузилган феъл конструкцияларининг характери; кўмакчи феълларнинг маъноси, қўлланишдаги хусусиятлари, шунингдек, улар ифодалайдиган маъноларнинг келиб чиқиши; кўмакчи феълларнинг семантик классификацияси; кўмакчи феълларнинг грамматик вид категориясига муносабати каби масалалар ёритилади.

Китоб тилишунослар, олий ўқув юртлари филология факультетларининг ўқитувчилари, аспирант ва студентларига, шунингдек, ўрта мактаб ўзбек тили ўқитувчиларига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир

филология фанлари кандидати

ЗОКИР МАЪРУФОВ

СУЗ БОШИ

Агглютинатив тиллар системасига кирувчи ўзбек тилида турли грамматик маъноларни ифодалашда аффиксация асосий усул ҳисобланади. Лекин турли грамматик маъноларни ифодалашда аналитик усул ҳам ўзига хос ўрин тутади. Буни, айниқса, феъл туркумида яққол кўриш мумкин.

Ўзбек тилида маълум кўмакчи феъллар группаси борки, улар мустақил феъллар билан бирикиб, асосий феълнинг маъносига турли қўшимча маънолар бериш учун хизмат қилади:

ёзиб юрмоқ — ҳаракатнинг давомлилиги;

ёзиб бермоқ — ҳаракатнинг ўзга учун бажарилиши;

ёзиб бўлмоқ — ҳаракатнинг тугал бажарилиши;

ёзиб кўрмоқ — ҳаракатнинг синаш, билиш учун бажарилиши ва ҳоказо.

Ўзбек тилшунослигида кўмакчи феъллар темаси бўйича анчагина ишлар қилинган. Кўмакчи феъллар ҳақида ёзилган айрим мақолалардан ташқари, шу темага бевосита алоқадор бўлган кандидатлик диссертациялари ҳам ёқланган. Шунингдек, ўзбек тилига оид дарслик ва қўлланмаларда ҳам кўмакчи феълларга алоҳида ўрин берилади. Лекин, шунга қарамай, ўзбек тилидаги кўмакчи феълларнинг ўзига хос хусусиятлари етарли даражада ёритилмаган. Кўмакчи феълларга алоқадор бўлган айрим масалалар эса деярли ҳал этилмаган.

Кўмакчи феъллар ҳақида фикр баён қилинган адабиётларнинг қарийб ҳаммасида шу феълларнинг ифодалайдиган маънолари тўғрисида гапирилади. Лекин ўзбек тилидаги кўмакчи феълларнинг маънолари, маъно нозикликлари ва қўлланишдаги хусусиятлари бу адабиётларда тўла ёритилмаган.

Кўмакчи феъллар темасидаги асосий масалалардан бири кўмакчи феъл ифодалайдиган маъноларнинг келиб чиқиши масаласидир. Бироқ кўмакчи феъллар темасининг ана шу муҳим томони ҳанузгача ишланмаган.

Ўзбек тилига оид адабиётларга назар ташласак, уларнинг айримларида кўмакчи феъллар феъл (қўшма феъл) ясовчи воситалар сифатида берилади, яъни етакчи феъл билан кўмакчи феълнинг ўзаро бирикуви сўз (феъл) ясалиши ҳодисаси сифатида қаралади¹. Айрим адабиётларда эса кўмакчи феъллар феълнинг вид шакллари ясайди деб кўрсатилади². Баъзи дарслик ва қўлланмаларда эса кўмакчи феъллар феъл ясовчилар сифатида ҳам, феълнинг вид шаклини ясовчилар сифатида ҳам берилади³.

Шунинг ўзиёқ кўрсатиб турибдики, ўзбек тилшунослигида кўмакчи феълларга алоқадор бўлган ва ҳал этилиши ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этадиган қатор масалалар бор.

Мазкур ишнинг кириш қисмида: 1) «Кўмакчи феъл» термини ҳақида; 2) етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топувчи бирикувларнинг характери ҳақида; 3) етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топувчи бирикувларнинг сўз бирикмалари ва қўшма сўзлардан (қўшма феъллардан) фарқи ҳақида фикр юритилади.

Ишнинг асосий қисмида қуйидаги масалалар ёритилади: 1) кўмакчи феълларнинг лексик-грамматик хусусиятлари; 2) кўмакчи феълларнинг маъноси, қўлланишдаги хусусиятлари ва кўмакчи феъл ифодалайдиган маънонинг келиб чиқиши; 3) кўмакчи феълларнинг семантик классификацияси; 4) кўмакчи феълларнинг вид категориясига муносабати.

Ишнинг нашр учун бериладиган ҳажми анча чегаралаб қўйилганлиги сабабли унда айрим масалалар (чунончи, етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувларда бўлиш-сизлик формасининг қўлланиши масаласи) берилмади.

Фактик материаллар бадиий асарлардан, газета ва журналлардан, шунингдек, оғзаки сўзлашувдан олинди. Бундан ташқари, ЎзССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти луғат секторининг картотекасидан ҳам максимал фойдаланилди.

Кўмакчи феъллар билан алоқадор бўлган айрим масалаларда, чунончи, қўшма феъллар ва вид категорияси масаласида, ўзбек тилшунослари бир хил фикрга келган эмаслар. Шу масалаларнинг мазкур ишда қандай ҳал этилганлиги ҳақида матбуот орқали ёки бошқа йўл билан фикрлар баён этилишини жуда истаймиз.

Автор

¹ С. Акбаров, Ўзбек тилида қўшма феъллар, Тошкент, 1953.

² Қаранг: С. Фердаус, Феълларнинг вид категорияси, «В. И. Ленин номидаги Урта Осё Давлат университетининг илмий асарлари (Ўзбек тили масалалари)», Тошкент, 1957, 84 — 93-бетлар.

³ Қаранг: «Хозирги замон ўзбек тили» (коллектив), ЎзФА нашриёти, Тошкент, 1957, 425 — 426-бетлар; У. Турсунов, Ж. Мухторов, Ҳозирги замон ўзбек тили, Морфология, Самарқанд, 1960.

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

- Б. к.* — «Бўрондан кучли»
Н. қ. — «Нур қидириб»
О. в. ш. — «Олтин водийдаи шабадалар»
О. к. — «Обид кетмоқ»
Опа-с. — «Опа-сингиллар»
О. ш. — «Оқсой шалолалари»
О. ю. — «Олтин юлдуз»
С. ҷ. — «Сўнмас чақмоқлар»
Т. ҳ. — «Тошкент ҳақиқати»
Ф. т. о. — «Фарғона тонг отгунча»
Ч. б. к. — «Чўлга баҳор келди»
Э. қ. — «Эрк қуши»
У. к. — «Утган кунлар»
Қор. қ. — «Қорақалпоқ қиссаси»
Қ. ҷ. — «Қўшчинор чироқлари»
Қ. У. — «Қизил Ўзбекистон»
Қ. қ. — «Қутлуғ қон»
Мас. — Масалаи

КИРИШ

1. «КҰМАҚЧИ ФЕЪЛ» ТЕРМИНИ ҲАҚИДА

«Кўмакчи феъл» ёки «ёрдамчи феъл» (русча «вспомогательный глагол») термини туркологик адабиётларда бир мунча кенг маънода қўлланиб келмоқда. Бу термин отлар билан бириқиб, қўшма феъл ясовчи ва боғлама вазифасида қўлландуви *қил, эт, айла, бўл* феълларига нисбатан ҳам¹ айрим адабиётларда² э- (*эди, экан...*) тўлиқсиз феълига нисбатан ҳам қўлланади.

Бундан ташқари, *ол, бер, қол, қўй, юр, тур, ташла, юбор* каби бир қатор феъллар борки, улар мустақил феъллар билан бириқиб, шу феълнинг маъносига турли қўшимча маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади ва ўзига хос хусусиятлари билан *қил, айла, эт, бўл* феълларидан ҳам, шунингдек, тўлиқсиз феълдан ҳам фарқланади. Мас., *ўқиб ол* бирикувидаги *ол* феъли ҳаракатнинг ўзи учун бажарилиши маъносини, *ўқиб кўр* бирикувидаги *кўр* феъли ўқиш ҳаракати синаш, билиш учун бажарилувчи ҳаракат эканлиги маъносини билдиради. Ана шундай феъллар ҳам туркологик адабиётларда «кўмакчи феъл» ёки «ёрдамчи феъл» (русча «вспомогательный глагол») номи билан юритилади³.

Қўринадики, «кўмакчи феъл» ёки «ёрдамчи феъл» термини туркологик адабиётларда бирмунча кенг маънода қўлланган.

¹ Қаранг: Н. А. Баскаков, Қарақалпақский язык, II, Фонетика и морфология, ч. I, М., 1952, стр. 326—330; А. Ф. Фуломов, Феъл, Тошкент, 1954, 72—75-бетлар; Н. К. Дмитриев, Грамматика башкирского языка, М.-Л., 1948, стр. 194—195.

² Қаранг: В. М. Насилов, Грамматика уйгурского языка, М., 1940, стр. 85; Н. К. Дмитриев, Юқоридаги асар, ўша бет.

³ Н. К. Дмитриевнинг юқоридаги асарида бу типдаги феълларга нисбатан «модал феъллар» («модальные глаголы») термини қўлланади (196—200-бетлар).

Лекин бундан қатъий назар, отларга бирикиб қўшма феъл ясовчи ва боғлама вазифасида келувчи *қил, эт, айла, бўл* феъллари билан тўлиқсиз феълни, шунингдек, феълларга бирикиб турли қўшимча маъно ифодаловчи *ол, бер, кет, ёт, кўр, чиқ, бўл, сол* каби феълларни бир темага бириктириб бўлмайди. Чунки *қил, эт, айла, бўл* феълларининг отлар билан бирикиб қўшма сўз ҳосил қилиши ёки боғлама вазифасида қўлланиши билан *ол, бер, кўр, туш* каби феълларнинг феъллар билан бирикиб турли қўшимча маъноларни ифодалаши бошқа-бошқа ҳодисалардир. Шунингдек, э- тўлиқсиз феълнинг боғлама вазифасида қўлланиши ва феълнинг турли замон формаларини ясашда қўлланиши ҳам мутлақо бошқа ҳодиса.

Шундай экан, юқоридаги ҳодисаларга нисбатан бир хил термин -- «кўмакчи феъл» ёки «ёрдамчи феъл» («вспомогательный глагол») термини қўлланишидан қатъий назар, уларни бир темага бирлаштириб бўлмайди.

Кўпчилик адабиётларда кўмакчи феъллар сарлавҳаси остида феъллар билан бирикиб, турли лексик ва грамматик маъноларни ифодаловчи *ол, бер, тур, юр, бор, кел* каби феъллар текширилади, яъни «кўмакчи феъл» ёки «ёрдамчи феъл» термини шу типдаги феълларга нисбатан қўлланади. Лекин кўмакчи феълларга бағишланган айрим ишларда кўрсатилган типдаги феъллар қаторига э- (*эди, экан*) феъли ҳам киритилади⁴. Лекин, юқорида кўриб ўтганимиздек, э- феъли билан кўмакчи феъл вазифасида қўлланувчи *ол, бер, кўр, юбор* каби феъллар ўртасида умумийлик йўқ. Э- феълига нисбатан «кўмакчи феъл» терминини қўллаш ҳам унчалик мувофиқ эмас. Кўпчилик адабиётларда бу феълга нисбатан «тўлиқсиз феъл» («недостаточный глагол») термини қўлланади. Бу термин э-феълнинг хусусиятига ҳар жиҳатдан мос келади.

От кесимлар таркибида боғлама вазифасида қўлланувчи феълларга нисбатан «кўмакчи феъл» ёки «ёрдамчи феъл» терминини қўллаш ҳам тўғри бўлмайди. Чунки боғламалар бирор лексик ёки грамматик қўшимча маъно ифодаламай, балки эга билан кесимни ўзаро боғлаш учун, кесимни шакллантириш учун хизмат қилади. Шундай экан, буларга «боғлама» терминидан бошқа яна «кўмакчи феъл» терминини қўллаш ортиқчадир. Бундан ташқари, боғламалар грамматиканинг синтаксис баҳсида, кўмакчи феъллар эса морфология баҳсида ўрганилади. Шу сабабли эга билан кесимнинг боғланишида мустақил феъл боғлама вазифасида қўлланадими ёки муста-

⁴ Қаранг: И. Е. Маманов, *Вспомогательные глаголы в казахском языке*, Алма-Ата, 1949.

күл бұлмаган феъл кўлланадими, бари бир, «боғлама» деб аталаверади.

Худдас, «кўмакчи феъл» термини феълларга бирикиб, турли лексик-грамматик маъноларни ифодалаш учун хизмат қилувчи *бошла, қўй, қол, ол, бер, юбор, кўр* каби феълларнинг хусусиятига ҳар жиҳатдан мөс келади. Бу терминни шу типдаги феълларга нисбатан кўллаш мақсадга мувофиқдир. Бу ишда ҳам фақат ана шу типдаги феъллар текширилади. Отлар билан бирикиб кўшма феъл ясовчи ёки боғлама вафи-фасида кўлланувчи феъллар, шунингдек, а- тўлиқсиз феълнинг текшириш бизнинг вазифага кирмайди.

2. ЕТАКЧИ ВА КЎМАКЧИ ФЕЪЛДАН ТАШКІЛ ТОПГАН БИРИКУВЛАРНИНГ ХАРАКТЕРИ

Етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувлар компонентларининг бирикиш формаси, ўзаро маъно муносабати ва бошқа томонлари билан бошқа типдаги феъл бирик-маларидан фарқланади. Шу сабабли кўмакчи феъллар анализдан олдин шу масадаларга тўхтаб ўтишга тўғри келади.

А. Равишдош формаси етакчи феълнинг асосий формасидир

Етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувларда етакчи феъл равишдош формасида бўлади. Шахс-сон, замон ва майл формалари кўмакчи феълга кўшилади: *айтиб берди, айтиб берялман, айтиб берса, айтиб берай* каби.

Етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувларда етакчи феъл равишдош формасида бўлса-да, лекин буларда равишдош формаси бирор маъно касб этмайди. Шунингдек, равишдош формаси ўз функциясини ҳам йўқотади. Етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топувчи бирикувларда равишдош формаси бирикув таркибидаги феълларни бириктирувчи восита сифатидагина кўлланади. Кўмакчи феъл бирдан ортиқ бўлганда ҳам ҳар бир феъл равишдош формаси орқали ўзаро боғланади: *ёзиб бериб тура қол*.

Туркий тилларга оид адабиётларнинг баъзиларида етакчи феълнинг ҳамма вақт равишдош формасида бўлиши айтилади⁵. Бироқ туркий тилларга оид айрим адабиётларда кўмакчи феълнинг фақат равишдош формасига эмас, шунингдек, феълнинг бошқа формаларига (мас., сифатдош формасига)

⁵ Қаранг: А. Харисов, Категория глагольных видов в башкирском языке, Уфа, 1944; А. Ф. Фуломов, Юқоридаги асар.

ҳам бирикиши мумкинлиги айтилади. Мас., И. Е. Маманов «танимаган бўлиб ўтира берди» гапидаги бўл феълини кўмакчи феъл, данш феълини етакчи феъл (асосий феъл) деб қарайди⁶. Тўғри, «танимаган бўлиб» бирикувида бўл феъли мустақил феъл эмас. У маъкур бирикувда «каби» деган маънони бийдиради. Танимаган сифатдоши эса аслида «киши» сўзига боғланади («танимаган киши бўлиб»). «Танимаган киши бўлиб» бирикувида етакчи ва кўмакчилик ҳолати бўлмаганидек, «танимаган бўлиб» бирикувида ҳам етакчи ва кўмакчилик ҳолати йўқ.

Умуман, айрим мустақил феъллар ёрдамчи сўзга айланиши мумкин. Лекин бундай ёрдамчи сўз (феъл)ларнинг сифатдош формасига ёки феълнинг бошқа формасига бириккан ҳолатини етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган феъл конструкциялари қаторига киритилавермайди. Мас., *чиқ* феълнинг *-(а)р* аффикси билан ясалган сифатдош формаси баъзи туркий тилларда, шунингдек, ўзбек тилининг айрим шеваларида «бўлса керак», «балки» деган маъноларни ифодалайди: *келган чиқар*⁷ (келган бўлса керак, келгандир). Лекин *келган чиқар* бирикувини етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил толувчи феъл конструкциялари қаторига киритиб бўлмайди. Чунки *чиқар* феъли бу маънони фақат сифатдош формасига бирикканда эмас, балки бошқа сўзларга бирикканда ҳам ифодалайверади: *бор чиқар* (бордир, бор бўлса керак).

Демак, айрим феъллар мустақил феъл сифатида қўлланиши билан бирга ёрдамчи феъл (ёрдамчи сўз) сифатида қўлланиши (ёрдамчи сўзга айланган бўлиши) ҳам мумкин. Лекин бу феъллар кўмакчи феъл («вспомогательный глагол») эмас, балки ёрдамчи сўз («служебное слово») ҳисобланади. Шундай экан, ўз-ўзидан, бундай феълларнинг сифатдош формасига ёки феълнинг бошқа формасига бириккан ҳолатини етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил толувчи феъл конструкциялари қаторига (демак, бу феълларни кўмакчи феъллар қаторига) киритиш тўғри бўлмайди.

Етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувларда етакчи феъл билан кўмакчи феълнинг бир хил формада қўлланиши ҳодисаси ҳам бор: *айтди-қўйди, ёзди-олди каби*. Лекин бу асосий ҳолат ҳисобланмайди. Чунки, биринчидан, кўмакчи феъл етакчи феълга равишдош формаси орқали бирикмай, фақат шу типда (айтди-қўйди типида) бирикиши бирор-та ҳам кўмакчи феълда учрамайди. Иккинчидан, бу типда бирикиш барча кўмакчи феъллар доирасида эмас, балки маъ-

⁶ И. Е. Маманов, Юқоридаги асар.

⁷ Қаранг: И. Е. Маманов, Юқоридаги асар, 58-бет.

лум кўмакчи феъллар доирасидагина учрайди. Мас., *бор, кел, юр, тур*, ёз кўмакчи феъллари етакчи феъл билан юқоридаги кўринишда бирикмайди. Бундай бирикиш, асосан, уюшиқ ҳолатдан келиб чиққан бирикувларда учрайди. Мас., *ёзиб олди, тикилиб қолди* бирикувлари аслида уюшиқ ҳолатдан келиб чиққан: *ёзиб олди* — ёзди ва олди, *тикилиб қолди* — тикилди ва шундай ҳолатда қолди. *Ишлай бошлайди, йиқила ёзди* каби бирикувлар компонентлари тобе ва ҳоким ҳолатдаги сўз бирикмаларидан келиб чиққан. Шу сабабли улар *ишлади-бошлади, йиқилди-ёзди* тарзида қўлланмайди.

Хулоса қилиб айтганда, етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган феъл бирикувларида етакчи феълнинг асосий формаси равишдош формасидир. Бунинг сабаби шундаки, етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувлар аслида икки мустақил феълнинг бирикувидан иборат сўз бирикмаларидан келиб чиққан. Икки мустақил феълнинг ўзаро бирикуви эса равишдош формаси орқали юз беради.

Б. Етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувларнинг сўз бирикмалари ва қўшма сўзлардан фарқи

Етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувлар ҳам туркологик адабиётларда турлича номланиб келмоқда. Уларнинг айримларида бундай бирикувларга нисбатан «сўз бирикмаси» («словосочетание») термини қўлланса⁸, айримларида «қўшма феъл» (яъни «қўшма сўз») термини қўлланади⁹.

Ташқи кўриниши жиҳатидан етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувлар сўз бирикмасига ҳам, қўшма феълларга ҳам ўхшайди. Шу туфайли бундай бирикувларга нисбатан «сўз бирикмаси» ёки «қўшма сўз» терминини қўллаш фарқсиздек кўринади. Лекин «сўз бирикмаси» ва «қўшма сўз» терминлари бир-бирдан бутунлай фарқли бўлган тил ҳодисаларига нисбатан қўлланади. «Сўз бирикмаси» деганда бирдан ортиқ мустақил сўзнинг ўзаро грамматик алоқага киришувидан ҳосил бўлган, ўзича тугал фикр ифодаламайдиган тил бирлиги тушунилади. Сўз бирикмалари синтаксисда текширилади. «Қўшма сўз» термини эса бирдан ортиқ ўзак негиздан ташкил топган бир сўзни билдиради. Қўшма сўз ҳодисаси сўз ясалиши баҳсида ўрганилади.

⁸ Қаранг: А. А. Юлдашев, Система словообразования и спряжения глаголов в башкирском языке, М., 1958, стр. 72—73.

⁹ Қаранг: С. Акбаров, Ўзбек тилида қўшма феъллар, Тошкент, 1953; А. Ф. Фуломов, Юқоридаги асар, 72—76-бетлар.

Етакчи ва кўмакчи феъллардан ташкил топган бирикувларни сўз бирикмалари қаторига ҳам, қўшма сўзлар қаторига ҳам киритиб бўлмайди.

Етакчи ва кўмакчи феъллардан ташкил топган бирикувларнинг сўз бирикмасидан фарқли хусусиятлари сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:

1) сўз бирикмаси ҳамма вақт бирдан ортиқ мустақил сўзнинг ўзаро бирикувидан ҳосил бўлади: *кулиб гапирмоқ* (иккала феъл ҳам лексик-грамматик жиҳатдан мустақил). Етакчи ва кўмакчи феъллардан ташкил топган бирикувлар эса ҳамма вақт мустақил феъл билан кўмакчи феълнинг бирикувидан ҳосил бўлади: *гапириб бермоқ* (*гапир* — мустақил феъл, *бер* — кўмакчи феъл);

2) сўз бирикмасини ҳосил қилувчи сўзлар ўртасида ҳамма вақт грамматик алоқа мавжуд бўлади: *кулиб гапирмоқ* (*кул* — тобе, *гапир* — ҳоким). Демак, бирдан ортиқ мустақил феълнинг ўзаро бирикувидан ҳосил бўлган сўз бирикмаларида равишдош формаси ўз маъносини сақлайди. Етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувларнинг компонентлари ўртасида эса синтактик алоқа бўлмайди. Бундай бирикувларда равишдош формаси ўз маъносини йўқотади, бирикув компонентлари бир бутун ҳолда гап бўлаги вазифасида келади: *гапириб бермоқ, гапириб бериб турмоқ, гапириб бериб тура қолмоқ* каби.

Етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувларнинг қўшма сўз эмаслигини кўрсатувчи асосий белгилар сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:

√1) қўшма сўзларда бирдан ортиқ сўзнинг бирикувидан янги маъноли бошқа бир сўз ҳосил бўлади. Мас., *сотиб олмоқ, олиб келмоқ* қўшма сўз ҳисобланади. *Сотиб олмоқ* феъли *сотмоқ* ва *олмоқ* феълларидан фарқланувчи янги сўз. Шунингдек, *олиб келмоқ* феъли ҳам *олмоқ* ва *келмоқ* феълларидан тамомила бошқа маъно ифодаловчи янги феъл (янги сўз) ҳисобланади.

Етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувларда бирикув таркибидаги сўзлардан фарқланувчи бошқа янги бир сўз ҳосил бўлмайди, балки биринчи феъл ўз маъносини сақлайди ва у асосий (етакчи) феъл ҳисобланади. Кейинги феъл эса унга қўшимча маъно берганлиги сабабли у кўмакчи феъл ҳисобланади. Мас., *ёзиб бер* бирикуви *ёз* ва *бер* феъллари маъносидан фарқланувчи тамомила янги маъно ифодаламайди, яъни бунда *ёз* ва *бер* феълларининг бирикуви учинчи бир феълни келтириб чиқармайди, балки *ёз* феъли ўз маъносини сақлайди, *бер* кўмакчи феъли эса *ёз* феълнинг маъносига

қўшимча маъно беради (ёзиш ҳаракатининг ўзга учун бажарилиши маъносини билдиради);

2) етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувларда етакчи феъл билан кўмакчи феълнинг ўртасида юклармалар қўлланиши ҳам мумкин: *Гап билан овозра бўлиб, кечикиб ҳам қолибман* (З. Фатхуллин, Ғунчалар), *Вой, қурибейна кетинг сиз!* (Яшин, Номус ва муҳаббат), *Шундайм унча-мунча ишни иш демайман. Қўрқма ёққўя қолинг* (С. Анорбоев, Ғўзаллик излаб).

— *Туз эдикки, эриб кетамизми?*

— *Эриб-ку кетмаймиз, лекин ...* (А. Қаҳҳор, Қ. ч.).

Қўшма сўз компонентлари ўртасида ҳеч қандай сўз (шунингдек, ёрдамчи сўз) қўлланмайди. Чунки қўшма сўз, неча компонентдан ташкил топшидан қатъий назар, бир сўз ҳисобланади. Бир сўз ичида яна бошқа сўзнинг қўлланиши мумкин эмас. Бу ҳодиса ҳам етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувларнинг қўшма сўз эмаслигини, балки унинг ҳар бир компоненти (бири мустақил, бошқаси кўмакчи бўлишидан қатъий назар) алоҳида-алоҳида сўз эканлигини кўрсатади;

3) етакчи ва кўмакчи феъллардан ташкил топган бирикувларда етакчи феъл форма ясовчи қўшимчаларни қабул қилиши мумкин;

а) бўлишсизлик формаси (-ма) билан қўлланади: *билмай қолди, келмай қўйди, ишламай юрди, сезмай турди* каби;

б) даража ясовчи -роқ аффиксини қабул қила олади: *Отачойни ерга қўйиб, ўрнашиброқ олди* (Р. Файзий, Ч. б. к) *Чирогнинг пилигини кўтариброқ қўйди* (А. Қаҳҳор, Қ. ч.) *Э, азиз дўстим, сал қийналиброқ қолдим* (А. Қаҳҳор, Ҳи-ҳи).

Бирикув таркибидаги етакчи феълнинг ўзи алоҳида грамматик форма қабул қилиши ҳам етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувларнинг қўшма сўз (қўшма феъл) эмаслигини кўрсатади. Чунки, қўшма сўзларда унинг компонентлари шу қўшма сўз доирасида сўз эмас, балки сўзнинг элементи ҳисобланади¹⁰. Шу сабабли унинг компонентлари ҳеч вақт мустақил ҳолда грамматик форма қабул қилмайди. Ҳар бир сўз ўзига грамматик форма қабул қила олар экан, албатта, бу бирикув қўшма сўз бўлмайди, балки бирикувнинг ҳар бир компоненти алоҳида сўз ҳисобланади;

4) етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувларнинг етакчи қисми қўшма феъл бўлиши мумкин: *Эртага юк*

¹⁰ Қаранг: А. И. Смирницкий, Қ. вопросу о слове, «Вопросы теории и истории языка», М., Изд-во АН СССР, 1952, стр. 192—193.

устига миндириб шаҳарга олиб тушиб қўй... (Ойбек, Қ. қ). *Ё муздаккина қатиқ опкириб берайми?* (С. Анорбоев, О. ш.)

Олиб тушиб қўй, опкириб берайми бирикувларининг олиб туш, опкир қисми қўшма феъл ҳисобланади. Кейинги феъллар шу қўшма феълнинг маъносига қўшимча маъно киритади. Бу бирикувлар ташқи кўринишдан уч сўздан ташкил топганга ўхшаса ҳам, лекин икки сўздан ҳосил бўлган, яъни *олиб туш* — бир сўз (қўшма сўз), *қўй* — иккинчи сўз (қўмакчи сўз). *Опкир* — бир сўз, *бер* — иккинчи сўз;

5) етакчи ва қўмакчи феълдан ташкил топган бирикувларнинг етакчи қисми жуфт ёки такрорий сўзга тенг бўлиши мумкин: *Раҳимнинг майкаси йиртилиб, ҳамма ёғи тирналган, афт-анғори қизариб-бўзариб кетган эди* (Ҳ. Назир, С. ч.). *Шу сабабли совет кишилари партияни астойдил қўллаб-қувватлаб келмоқдалар* (Т. ҳ.). *Шубҳа ва қўрқув билан атрофига қараб-қараб қўйди* (Ойбек, Қ. қ.). *Бошқа ҳеч гапга ўрин қолмаган бўлса ҳам яна узиб-узиб олди* (А. Қаҳҳор, Синчалак).

Агар етакчи ва қўмакчи феъллардан ташкил топувчи бирикувлар қўшма сўзлар (қўшма феъллар) қаторига киритиладиган бўлса, у ҳолда *қўллаб-қувватлаб келмоқ, қараб-қараб қўймоқ* каби етакчи қисми жуфт ёки такрорий сўзлардан ташкил топган бирикувларни ҳам қўшма феъллар қаторига киритиш лозим бўлади. Чунки булар ҳам етакчи ва қўмакчи қисмдан ташкил топади. Лекин бундай бирикувларнинг қўшма сўз (қўшма феъл) бўла олмаслигига шубҳа бўлмаса керак;

6) ниҳоят, етакчи ва қўмакчи феълдан ташкил топган бирикувларнинг қўшма сўзлардан фарқли асосий белгиси сифатида яна шуни айтиш мумкинки, бундай бирикувларда бирдан ортиқ етакчи феълга бир қўмакчи феъл қўлланиши мумкин, яъни етакчи феъл уюшиб келиши мумкин: *Еруғ дунёдан бўлган умидимиз бу камбағалчиликни еб, кемириб ташлаётибди* (А. Қаҳҳор, Қ. ч.). *Ун ёшидан бери ўқитиб, едириб, кийдириб келаман* (А. Қодирий, М. ч.). *Учрашиб, киноларга бориб, умуман яқинлашиб, дўстлашиб борарканман, Насибанинг ақлли ва босиқ бир қиз эканига ишончим орта борди* (О. Ғубов, Икки муҳаббат).

Бундай ҳолларда бошқа сўзлар ҳам қўлланиши мумкин: *Бу қадар балиқни сақлашнинг сира иложи йўқ эди. Мўйноққа ташиниш учун эса қайиқ етишмайди. Хонадонлар қуришиб ҳам, музлатиб ҳам, тузлаб ҳам, туйиб ҳам олдилар* (А. Мухтор, Қор. қ.). *Елғон, сохталик бири иккинчисини*

бошлаб келиб, тобора чуқурлашиб, тобора хунуллашиб борар экан (А. Мухтор, Опа-с.). Йил сайин совхознинг ери кенгайиб, техникаси кўпайиб, одамлари ўсиб бормоқда (М. Жўра, Мирзачўлнинг туҳфаси).

Етакчи қисмнинг уюшиб келиши, ҳатто, улар орасида яна бошқа сўзларнинг қўлланиши мумкинлиги етакчи ва кўмакчи феъллардан ташкил топувчи бирикувларнинг қўшма сўз бўла олмаслигини яна ҳам очиқроқ кўрсатади. Қўшма сўзларда унинг компонентлари бир-бирдан ажралмайди, улар ҳеч вақт уюшган ҳолда бўлмайди. Қўшма сўз компонентлари бир-бирдан ажратилса, қўшма сўз йўқолади. Чунки, юқорида кўриб ўтганимиздек, қўшма сўзнинг компонентлари шу қўшма сўз доирасида сўз эмас, балки сўзнинг (қўшма сўзнинг) элементлари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу компонентлар бир-бирдан ажралган ҳолда қўлланмайди. Акс ҳолда компонентларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида сўзга айланади.

Кўрсатилган белгиларнинг ўзиёқ етакчи феъл билан кўмакчи феълнинг бирикувидан янги сўз (қўшма сўз) ҳосил бўлмаслигини, бундай бирикувларда ҳар бир сўз (уларнинг бири мустақил, бошқаси ёрдамчи сўз бўлишидан қатъий назар) алоҳида-алоҳида сўз ҳисобланишини кўрсатади. Шундай экан, албатта, етакчи феъл билан кўмакчи феълнинг ўзаро бирикишини сўз ясалиши (қўшма сўз ясалиши) ҳодисаси деб ҳисоблаб бўлмайди ва бундай бирикувларга нисбатан «қўшма сўз» ёки «қўшма феъл» терминини қўллаш тўғри бўлмайди.

ҚУМАКЧИ ФЕЪЛЛАР

I. ҚУМАКЧИ ФЕЪЛЛАРНИНГ ЛЕКСИК-ГРАММАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбек тилида тамомила кўмакчи феълга айланган (фақат кўмакчи феъл сифатида қўлланадиган) феъл йўқ. Айрим мустақил феъллар кўмакчи феъл вазифасида ҳам қўлланади: *бошла, ёт, тур, юр, ўтир, бўл, бит, ол, бер, қол, қўй, чиқ, бор, кел, кет, юбор, ташла, сол, туш, ўл, ўт, ет, кўр, қара, боқ, бил, ёз.*

Юқориди кўрсатилган феъллар ҳам мустақил феъл, ҳам кўмакчи феъл сифатида қўллана олишлигидан, айрим ҳолларда уларнинг мустақил феъл ёки кўмакчи феъл эканлигини белгилаш бирмунча қийин бўлади. Шу сабабли кўмакчи феъллар анализидан олдин кўмакчи феълларнинг лексик-грамматик хусусиятлари (кўмакчи феълни белгилаш принциплари) ҳақида тўхтаб ўтишга тўғри келади.

Кўмакчи феълларнинг лексик-грамматик хусусиятлари маълум даражада юқориди ҳам айтилди; бу феъллар кўмакчи феъл вазифасида қўлланганда, мустақил маъно билдирмайди, гапнинг мустақил бўлаги бўлиб келмайди. Улар ўзи бирикиб келган феълнинг маъносига турли қўшимча маъно беради ва шу феъл билан бирликда гап бўлаги бўлиб келади. Равишдош формасидаги феъл билан шахсли феълнинг ўзаро бирикувида шахс-сон билан тусланган феъл шундай хусусиятга эга бўлмаса, у кўмакчи феъл эмас, балки мустақил феъл ҳисобланади. Мас., *ирғиб тушди* бирикувида *туш* феъли кўмакчи феъл бўлиши ҳам мумкин, мустақил феъл бўлиши ҳам мумкин: *отдан ирғиб тушди*. Бунда *туш* феъли ҳаракатни билдиради. Равишдош формасидаги феъл шу ҳаракатнинг қандай бажарилганлигини англатади (шунга кўра бу бирикувда *туш* феъли мустақил феъл ҳисобланади): *Камолхонов бир ирғиб т у ш д и, гангиди...* Бу гапдаги *ирғиб тушди* бирикувида *туш* феъли ҳаракат билдирмайди. Ўзи бирор сўзни бошқариб ҳам гапнинг мустақил бўлаги бўлиб ҳам келмайди. Бу бирикувда

асосий маъно *ирғи* феъли ифодалаган маънодир. *Туш феъли* шу феъл билдирган ҳаракатнинг характеристикасини, яъни ҳаракатнинг йўналишини кўрсатади ва маънони кучли оттенка билан ифодалайди. Шунга кўра, у кўмакчи феъл ҳисобланади.

Кўпгина кўмакчи феълларнинг маъноси шу феълларнинг мустақил маъносидан бутунлай фарқланади. Уларнинг бундай маънолари асосида ҳаракат тушунчаси бўлмайди: *еб қол, ёза олади* каби. Бундай ҳолларда равишдош формасидаги феълнинг асосий феъл эканлигини, унга бирикиб келган феълнинг кўмакчи феъл эканлигини белгилаш қийин бўлмайди. Мас., *ёза олмоқ* бирикувида *ол* феъли ҳаракат маъносини эмас, балки қодирлик маъносини билдиради. Шунга кўра, унинг мустақил феъл эмаслиги аниқ сезилиб туради. Бироқ шундай кўмакчи феъллар ҳам борки, улар ифодалайдиган маъно шу феълларнинг мустақил феъл сифатида ифодалайдиган маъносидан тамомила бошқа маъно бўлмай, балки мустақил маъноларидан бирига тўғри келади. Мас., *бўл* кўмакчи феълнинг маъноси унинг мустақил феъл сифатида ифодалайдиган маъносига тўғри келади: *ёзиб бўлдим* — ёзишни тугатдим. Ана шундай ҳолларда равишдош формасига бирикиб келган феълнинг мустақил феъл ёки кўмакчи феъл эканлигини белгилаш қийинроқ бўлади.

Лекин бирор феълнинг кўмакчи феъл ёки мустақил феъл эканлиги унинг мазкур бирикувда ўз маъносини ифодалашга ёки ўз маъносидан тамомила бошқа маъно ифодалашига қарабгина белгиланмайди. Мас., *ишлай бошлади, ёзиб бўлди* бирикувларида *бошла* ва *бўл* феъллари ифодалайдиган маъно шу феълларнинг мустақил феъл сифатида қўлланганда ифодалайдиган маъносига тўғри келади. Лекин *ишлай бошлади* бирикувида *бошла* феъли кўмакчи феъл ҳисобланади. Чунки равишдош формасидаги феъл билан шахсли феълнинг ўзаро бирикувида (агар бу бирикув бир сўзга — қўшма феълга айланмаган бўлса) ҳамма вақт равишдош формасидаги феъл шахсли феълнинг белгисини кўрсатади. Бунда асосий ҳаракат шахсли феъл билдирган ҳаракат бўлади. Шахсли феъл билан равишдош формасидаги феълнинг ўзаро бирикувида равишдош формасидаги феъл билдирган ҳаракатнинг асосий ҳаракат бўлиши, шахс-сон билан тусланган феълнинг равишдош формасидаги феъл билдирган ҳаракатнинг характеристикасини кўрсатиши фақат етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топувчи бирикувларга хос хусусиятдир. *Ишлай бошлади* бирикувида ҳам худди шу ҳодисани кўрамыз, яъни бу бирикувда ҳам равишдош формасидаги феъл *бошла* феълнинг белгисини кўрсатмайди (синтактик жиҳатдан унга тобе эмас), аксин-

ча, бошла феъли равишдош формасидаги феъл билдирган ҳаракатнинг характеристикасини кўрсатади (шу ҳаракатнинг бошланганлигини билдиради). Шунинг учун ҳам *ишлай бошлади* бирикувида бошла феъли ифодалайдиган маъно шу феълнинг мустақил маъносидан бошқа маъно бўлмаса ҳам, у (*бошла* феъли) кўмакчи феъл ҳисобланади.

Кўринадик, равишдош формасидаги феъл билан шахсли феълнинг ўзаро бирикувида шахс-сон билан тусланган феълнинг кўмакчи феъл ёки мустақил феъл эканлигини белгилашда шу феълнинг мустақил феъл сифатида ифодалайдиган маъносини ёки бутунлай бошқа маънони ифодалашини асос қилиб олиш тўғри бўлмайди. Кўмакчи феълларнинг ифодалайдиган маъноси мустақил феъл сифатида қўлланганда ифодалайдиган маъносига тўғри келиши мумкин. Лекин бу маъно асосий маъно бўлмай, равишдош формасидаги феъл билдирган ҳаракатни бирор жиҳатдан конкретлаштирувчи маъно бўлади. Шунинг учун ҳам бундай маънони ифодаловчи феъл кўмакчи феъл ҳисобланади.

Кўмакчи феъллар ўзи бирикиб келган феълнинг маъносига қўшимча маъно бериши билан (форма ясовчи) аффиксларга яқин туради. Лекин уларни аффикслар қаторига киритиб бўлмайди. Кўмакчи феъллар сўзлик белгиларини тамомила йўқотган эмас. Уларнинг аффикслардан фарқли асосий (сўзлик) белгилари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Кўмакчи феълларнинг ҳаммаси мустақил феъл сифатида ҳам қўлланади.

2. Аффикслар сўзга бевосита бирикаверади. Кўмакчи феъллар эса феълга бирор восита (равишдош формаси) орқали бирикади. Чунки икки феълнинг ўзаро бирикиши (бири мустақил, бири кўмакчи бўлишидан қатъий назар) ҳамма вақт бирор грамматик восита ёрдамида бўлади.

3. Айрим кўмакчи феълларнинг маъноси шу феълларнинг мустақил феъл сифатида ифодалайдиган маъносига тўғри келади (мас., *бошла*, *бўл* кўмакчи феъллари).

4. Феъл туркумига ҳос форма ясовчи аффикслар ўзи бирикиб келган феълнинг маъносига бирор қўшимча грамматик маъно ифодалайди. Мас., *ишлатяпти* феъл формасидаги -*т* аффикси даража маъносини, -*яп* аффикси замон маъносини, -*ти* аффикси шахс-сон маъносини билдиради. Бу аффикслар кўрсатилган маънодан бошқа маъно ифодаламайди. Демак, бу аффикслар феълнинг муқим бир грамматик формасини ясайди. Кўмакчи феълларнинг айримлари феълга ҳос грамматик маъноларни ифодалайди. Лекин бирорта ҳам кўмакчи феъл феълга ҳос фақат маълум бир грамматик маънони ифодалаш билан чегараланмайди. Бирор грамматик маънони

ифодаловчи кўмакчи феъллар шу моментнинг ўзида яна бошқа бир маънони ҳам, бирор қўшимча маънони ҳам ифодалайди. Мас., *ривожланиб-бормоқ* бирикувида *бор* кўмакчи феъли давомлилик маъносини билдиради. Лекин бу бирикувда фақат давомлилик маъносигина эмас, шунингдек, йўналиш маъноси ҳам ифодаланади, бу маъно *бор* кўмакчи феълига хос маънодир. Бундай ҳолларда кўмакчи феъл ифодалайдиган маънолардан бири шу феълнинг мустақил маъносининг ўзига тўғри келади. Мас., *ривожланиб, бормоқ* бирикувидаги йўналиш маъноси *бор* мустақил феълидаги йўналиш маъносининг ўзидир.

5. Кўмакчи феълнинг айримлари баъзи феъллар билан бирикканда бир хил маънони, бошқа феъллар билан бирикканда яна бошқа бир маънони ифодалайди. Мас., *думалаб кетмоқ* бирикувида *кет* кўмакчи феъли йўналиш маъносини билдирса, *семириб кетмоқ* бирикувида ҳаракат-ҳолатнинг юқори даражада юз бериши маъносини билдиради. Форма ясовчи аффикслар эса ҳамма вақт муқим бир грамматик маънони ифодалайди.

6. Ниҳоят, кўмакчи феълларнинг аффикслардан фарқли белгиларидан яна бири шуки, улар сўзларга хос ташқи белгисини сақлайди: *ёза олмоқ*, *йиқила ёзмоқ* каби.

Кўмакчи феълларнинг лексик-грамматик хусусиятлари ана шулардан иборат. Демак, кўмакчи феъллар грамматикализацияга учраган, лекин тўлиқ грамматикализацияланмаган.

II. КҰМАКЧИ ФЕЪЛЛАРНИНГ МАЪНОСИ, ҚҰЛЛАНИШДАГИ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАР ИФОДАЛАЙДИГАН МАЪНОНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ

Ҳар бир кўмакчи феълнинг анализида қуйидаги уч ҳодисага тўхтаб ўтиш лозим бўлади: 1) кўмакчи феълнинг маъно доираси; 2) кўмакчи феълнинг қўлланишдаги хусусиятлари; 3) кўмакчи феъл ифодалайдиган маънонинг келиб чиқиши.

Кўмакчи феъллар ана шу ҳодисалар бўйича алоҳида-алоҳида текширилиши мумкин. Лекин бундай қилинганда, ортиқча қайтариқлар юз беради. Шу сабабли юқоридаги уч ҳодисани ҳар бир кўмакчи феълнинг ўз доирасида баён қилиш мақсадга мувофиқдир. Лекин бунга киришишдан аввал кўмакчи феълларнинг умумий хусусиятларига тўхтаб ўтамиз.

* * *

Кўмакчи феълларнинг баъзилари бир маъноли, баъзилари эса кўп маънолидир. Мас., *бошла* кўмакчи феъли фақат бир маънога эга бўлса, *ол, қўй, тур, кет* кўмакчи феъллари бирдан ортиқ маънога эга.

Кўп маъноли кўмакчи феъллар бир моментнинг ўзидан бирдан ортиқ маънони эмас, балки ҳар гап доирасида (ҳар гап етакчи феъл билан бирикканда) ўша маъноларидан биттасини ифодалайди. Баъзан кўмакчи феълнинг қандай маъно ифодалаганлиги контекстан ташқарида аниқ бўлмайди. Бундай ҳолларда унинг қандай маъно ифодалашини контекст ёки умумий ҳолат аниқ кўрсатади. Мас., *ўрганиб қол* бирикувида *қол* кўмакчи феъли ҳаракат-ҳолатнинг маълум даражада юз бериши маъносини ёки ҳаракатнинг вақти ганиматда бажарилиши маъносини ифодалаши мумкин. Унинг бу маънолардан қайси бирини ифодалаши контекстда (оғзаки нутқда умумий ҳолатдан) реаллашади: *китоб ўқишни ўрганиб*

қолди (ўрганиш маълум даражада юз берган), ёшлигингда ўрганиб қол («вақти ганиматда» маъносида).

Баъзи кўмакчи феълларнинг маъноси ва вазифаси бир-бирига жуда яқин, ҳатто, бир хил бўлади. Мас., *кўр, қара, боқ* кўмакчи феъллари бир хил маънони — етакчи феълдаги ҳаракат — билиш, синаш учун бажарилувчи ҳаракат эканлиги маъносини билдиради: *еб кўр — еб қара — еб боқ*. Булар фақат қўлланишдаги хусусиятлари билан фарқланади. *Ёт, тур, юр, ўтир, бор, кел* кўмакчи феълларининг ҳаммаси давомлик маъносини билдиради. Лекин бу феълларнинг ҳаммаси ҳам ўзига хос оттенкалари ва қўлланишдаги хусусиятлари билан бир-биридан фарқланади. Мас., *бор* ва *кел* кўмакчи феъллари давомлик маъносини йўналиш оттенкаси билан ифодалайди. Шу хусусияти билан улар *ёт, тур, юр, ўтир* кўмакчи феълларидан фарқланади. Лекин *бор* ва *кел* кўмакчи феъллари ҳам ўзаро фарқли хусусиятларга эга. Мас., *бор* феълда эса сўзловчи ёки сўзловчи томонидан, *кел* феълда эса сўзловчи ёки сўзловчи томонига бўлади ва ҳоказо.

Кўмакчи феъллар қўлланиш доирасининг кенг ёки торлиги ва равишдош формасининг қайси тури билан бирикишига кўра ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Кўмакчи феълларнинг баъзилари фақат sanoқли феъллар доирасидагина, айримлари эса жуда кўп феъллар доирасида қўллана олади. Бу ҳолат шу кўмакчи феъл билдирадиган маънонинг хусусияти ёки кўмакчи феълнинг бошқа хусусиятлари билан изоҳланади. Мас., *бошла* ва *бўл* кўмакчи феъллари жуда кўп феъллар доирасида қўллана олади. Чунки деярли барча феъллар билдирадиган ҳаракатлар бошланувчи ёки туговчи ҳаракат сифатида бўла олади. Шунинг учун ҳам бошланиш ва тугаш маъносини ифодалаш учун *бошла* ва *бўл* кўмакчи феъллари деярли барча феъллар доирасида қўллана олади.

Кўмакчи феълнинг кенг қўлланиши ёки кам феъллар доирасида қўлланиши улар ифодаладиган маъно билан шу феълларнинг мустақил маънолари ўртасида боғланишнинг бор ёки йўқлигига ҳам боғлиқ. Бирор кўмакчи феълнинг маъноси билан унинг мустақил маъноси ўртасида боғланиш бўлмаса, бу кўмакчи феъл шу маъноси билан жуда кўп феъл доирасида қўллана олади (шу маъносида кўп феъллар билан бирика олади). Мас., *қол* кўмакчи феълнинг *-а, -й* аффикси билан ясалган равишдошга бирикканда ифодаладиган маъноси (*ола қол* типдаги бирикувларда ифодаладиган маъноси) *қол* феълнинг бирор маъносига боғланмайди. Шу сабабли *қол* кўмакчи феъл бу маъноси билан кўп феъллар доирасида қўллана олади. Шунингдек, *қол* феълга зид маъно бил-

дирувчи феъллар билан ҳам бирика олади: *кета қол, бора қол* каби. Ҳатто, *қол* феълнинг ўзи билан ҳам бирика олади: *қола қол*.

Кўмакчи феълларнинг баъзиларида унинг мустақил маъносидаги асосий элементлар йўқолса-да, шу феъл билдирадиган ҳаракатга хос айрим белгилар сақланган бўлади. Ана шу нарса кўмакчи феълнинг қўлланиш доирасини маълум даражада чегаралаб қўяди. Фикримизнинг исботи учун бир-икки мисол келтирайлик.

Чиқ кўмакчи феъли тугаллик, тўла бажарилиш маъноси билдиради. Лекин у шу маънода ҳар қандай ҳаракатга нисбатан қўлланавермайди. Мас., хат ёки бирор ҳикояни ёзиб тугатиш (ёзиб бўлиш) маъносини ифодалашда *чиқ* кўмакчи феъли қўлланмайди. Фақат ҳаракатни ўз устига олган объект кириш ва чиқиш пунктларига (бошланиш ва тугаш пунктларига) эга бўлсагина *чиқ* кўмакчи феълни қўллаш мумкин бўлади: *китобни ўқиб чиқмоқ*.

Кўринадики, *чиқ* кўмакчи феълида *чиқ* мустақил феъли билдирадиган ҳаракатга хос хусусият сақланган, яъни *ўқиб чиқди* бирикувида чиқиш тушунчаси маълум даржада бўлади. Бу нарса *чиқ* кўмакчи феълнинг қўлланиш доирасини анча чегаралаб қўяди. Чунки ҳаракатни ўз устига олган объект ҳамма вақт кириш ва чиқиш пунктларига эга бўлган объект бўлавермайди.

Кўмакчи феълларнинг айримлари равишдошнинг фақат бир тури (-а, -й ёки -(у)б аффикси билан ясалган тури) билан, айримлари ҳар икки тури билан бирика олади. Мас., *бошла, ёз* кўмакчи феъллари равишдошнинг фақат -а, -й аффикси билан ясалган турига бирикади; *қўй, туш, чиқ, юр, ўтир, юбор, ташла, бўл, ет, ўл, бит, ўт, қара, боқ* кўмакчи феъллари фақат -(у)б аффикси билан ясалган турига бирикади; *ол, бер, сол, қол, кет, бор, кел, тур, кўр* кўмакчи феъллари равишдошнинг ҳар икки тури билан бирика олади.

Равишдошнинг ҳар икки тури билан бирика олувчи кўмакчи феъллар -а, -й аффикслари билан ясалган турига бирикканда бошқа маъно, -(у)б аффикси билан ясалган турига бирикканда эса бошқа бир маънони ифодалайди: *олиб бер — ола бер, ёзиб ол — ёза ол, кўриб қол — кўра қол* каби. Равишдошнинг иккала турига бирикканда ҳам бир хил маъно ифодаланиши бир-икки кўмакчи феълдагина учрайди: *савалаб кетди — савалай кетди* (иккаласида ҳам давом маъноси кучли оттенка билан ифодаланади). Лекин бундай ҳолларда ҳам равишдошнинг -(у)б аффикси орқали ясалган турига бириккан формаси билан -а, -й аффикслари орқали ясалган турига бириккан формаси маънодаги нозик оттенкаси ёки

бирига нисбатан иккинчисининг кенг қўлланиши ва шу каби хусусиятлари билан ўзаро фарқланади.

Кўмакчи феълларнинг равишдошнинг қайси тури билан бирикиши шу кўмакчи феълларнинг асида қандай бирикма негизида кўмакчи феълга айланганлиги билан изоҳланади, яъни етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган феъл конструкцияси асида қандай формадаги феъл бирикмасидан (сўз бирикмасидан) келиб чиққан бўлса, ҳозир ҳам бирикишнинг ўша формаси сақланади. Мас., *ишлай бошла* феъл конструкцияси асида *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдош билан шахсли феълдан (*бошқа* феълдан) ташкил топган сўз бирикмасига тенг бўлган. Шу формадаги сўз бирикмаси бора-бора феълнинг аналитик конструкциясига айланган. Икки феълнинг ўзаро бирикиш формаси эса сақланиб қолган. Бошқача қилиб айтганда, *бошқа* феълнинг кўмакчи феълга айланиши феъл бирикмасининг *ишлаб бошлади* формасида эмас, балки *ишлай бошлади* формасида юз берган. Шу сабабли у ҳозир ҳам ўзидан олдинги (етакчи) феълга *-а, -й* равишдош ясовчилари орқали бирикади.

Ташла кўмакчи феъли билан ясалган бирикувлар эса *-(у)б* аффикси билан ясалган равишдошнинг *ташла* феълга бириккан феъл бирикмасидан (сўз бирикмасидан) келиб чиққан ва бирикишнинг шу формаси ҳозир ҳам сақланган.

Шуни ҳам айтиш керакки, ўзбек тилида кўмакчи феълларнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдошга бирикишига нисбатан *-(у)б* аффикси орқали ясалган равишдошга бирикиши кенгроқ ҳодиса, яъни кўмакчи феълларнинг кўпчилик қисми равишдошнинг *-(у)б* аффикси билан ясалган турига бирикади. Ўзбек тилидаги кўмакчи феълларнинг ўн олтитаси (*қўй, туш, чиқ, ёт, юр, кел, юбор, ташла, бўл, ёт, ўл, бит, ўт, боқ, қара*) фақат равишдошнинг *-(у)б* аффикси билан ясалган турига бирикади. Фақат *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдошга бирикадиганлари учта: *бошла, ёз, бил*. Равишдошнинг иккала тури билан бирикадиганлари саккизта: *ол, бер, қол, бор, кўр, тур, кет, сол*.

Бундан ташқари, *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдошга бирикувчи кўмакчи феълларнинг маъно доираси *-(у)б* аффикси билан ясалган равишдошга бирикувчи кўмакчи феълларнинг маъно доирасига нисбатан тор бўлади, яъни кўп маънолилик, асосан, *-(у)б* аффикси билан ясалган равишдошга бирикувчи кўмакчи феъллардагина бўлади. Мас., фақат равишдошнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган турига бирикувчи *бошла, бил* кўмакчи феълларининг иккаласи ҳам бир маънолидир (биттадан маънога эга). Равишдошнинг *-(у)б* аффикси билан ясалган турига бирикувчи *қўй, чиқ,*

туш каби кўмакчи феъллар эса бирдан ортиқ маънога эга.

Рашишдошнинг иккала тури билан бирикувчи кўмакчи феълларда ҳам, агар бу кўмакчи феъллар кўп маъноли бўлса, унинг маъноларининг кўпчилик қисми *-(u)б* аффикси билан ясалган рашишдошга бирикканда ифодаланадиган маънолар бўлади. Мас., қол кўмакчи феъли ўндан ортиқ маънога эга. Бу маънолардан саккизтаси рашишдошнинг *-(u) б* аффикси билан ясалган турига бирикканда ифодаланадиган маънолардир.

Демак, етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топувчи бирикувларнинг *-(u) б* аффикси орқали ҳосил бўладиган тури бирикувчи кўмакчи феълларнинг сон (миқдор) жиҳатдан кўплиги билан ҳам, шунингдек, ифодаланадиган маъноларнинг кўплиги жиҳатдан ҳам *-а, -й* аффикслари орқали ҳосил бўладиган турига нисбатан асосий ўринда туради.

Нима учун шундай, деган савол туғилиши мумкин. Бунинг объектив сабаблари бор, албатта.

-а, -й аффикслари билан ясалган рашишдошга бирикувчи кўмакчи феълларнинг *-(u) б* аффикси билан ясалган рашишдошга бирикувчи кўмакчи феълларга нисбатан озлиги, биринчи навбатда, шу билан изоҳланадики, *-а, -й* аффикслари билан ясалган рашишдошга бирикувчи кўмакчи феълларнинг келиб чиқиши тарихий жиҳатдан анча илгари даврларга бориб тақалади. Мас., *бошла, ёз, бил* феълларининг кўмакчи феъл сифатида қўлланиши анча қадимдан бошланган. Аниқроқ қилиб айтганда, *-а, -й* аффикслари билан ясалган рашишдошга бирикувчи кўмакчи феълларнинг келиб чиқиши *-а, -й* аффиксларининг рашишдош ясовчи актив форма бўлган даврларида юз берган. Бу аффиксларнинг рашишдош ясовчи актив форма сифатида қўлланиши эса анча узоқ даврларга боради. Ҳатто, XV—XVI асрлардаёқ *-а, -й* аффикслари рашишдош ясовчи сифатида анча пассивлашиб қолган. Шу даврларда рашишдошнинг *-а, -й* аффикси билан ясалган тури, асосан, такрорий ҳолда қўлланган¹. Шундай экан, *-а, -й* аффикслари билан ясалган рашишдошнинг шахсли феъл билан бирикувидан ҳосил бўладиган феъл бирикмаларидан (сўз бирикмаларидан) кўмакчи феълнинг келиб чиқиши ана шу даврлардан сўнг юз бермаган, албатта. Буни ўзбек тили тарихига оид материаллар ҳам кўрсатади. Демак, рашишдошнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган турига бирикувчи кўмакчи феъллар *-(u) б* аффикси билан ясалган рашишдошга бирикувчи кўмакчи

¹ Бу ҳақда А. М. Шчербакнинг фикрига тамомила қўшилиш мумкин. Қаранг: А. М. Шчербак, Грамматика староузбекского языка, М.-Л., 1962, стр. 168—169.

фeълларга нисбатан кам бўлади. Чунки кўмакчи фeълларнинг сони тарихда (мас., XIII—XVI асрлардан илгари) ҳозиргига нисбатан анча кам эди. Ҳозирги ўзбек тилида қўлданувчи кўмакчи фeълларнинг кўпчилиги анча кейинги даврларда, баъзилари эса жуда ҳам яқин даврларда келиб чиққан.

Шундай экан, албатта, бу кўмакчи фeъллар **-(u) б** аффикси билан ясалган равишдошга бирикади. Чунки улар **-(u) б** аффикси билан ясалган равишдошнинг шахсли фeъл билан бирикишидан ҳосил бўлган фeъл бирикувларидан келиб чиқади ва кўмакчи фeълга айлангандан сўнг ҳам бирикишнинг шу формаси сақланиб қолади.

Демак, **-а, -й** аффикслари билан ясалган равишдошга бирикувчи кўмакчи фeълларнинг **-(u) б** аффикси билан ясалган равишдошга бирикувчи кўмакчи фeълларга нисбатан камлигининг асосий сабаби **-а, -й** равишдош ясовчиларининг тил тараққиёти процессида пассивлашишидadir. **-а, -й** аффикслари орқали ясалган равишдош билан шахсли фeълнинг бирикишидан ташкил топган бирикувлар асосида кўмакчи фeълнинг келиб чиқиши анча илгари даврлардагина юз берган. Кейинги даврларда ана шу ҳодиса бутунлай йўқолган. Равишдош ясовчи **-(u) б** аффикси эса тобора активлашиб борган² ва бу аффикс билан ясалган равишдошнинг шахсли фeъл билан бирикишидан ҳосил бўлган бирикувлар асосида яна бир қатор кўмакчи фeъллар вужудга келган. Бу кўмакчи фeълларнинг етакчи фeълга бирикиш усули сақланган, яъни мустақил фeъл сифатида қўлланганда равишдошнинг **-(u) б** аффикси билан ясалган турига бириккан шахсли фeъл кўмакчи фeълга айлангандан кейин ҳам равишдошнинг шу турига бирикади.

Кўп маънолилиқ ҳодисасининг, асосан, **-(u) б** аффикси билан ясалган равишдошга бирикувчи кўмакчи фeълларда бўлиши ҳам **-а, -й** аффикслари билан ясалувчи равишдошнинг пассив формага айланиши, **-(u) б** аффикси билан ясалувчи равишдошнинг актив формага айланиши билан изоҳланади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, **-а, -й** аффикслари билан ясалган равишдошга бирикувчи кўмакчи фeъллар равишдош ясовчи **-а, -й** аффикслари актив ясовчи бўлган вақтларда келиб чиққан ва улар фақат бир маънони билдирган (бир маъноли бўлган). Бу кўмакчи фeъллар ўша даврларда қандай маъно ифодалаган бўлса, ҳозир ҳам шу маънони англатади.

² А. Ғ. Ғуломовнинг «**-(u) б** аффикси билан ясалган равишдошнинг қўлланиш доираси **-а, -й** аффикслари орқали ясалган равишдошнинг қўлланиш доираси ҳисобига кенгай борган» деган фикри ҳақиқатга мос келади. Қаранг: А. Ғ. Ғуломов, Фeъл, Тошкент, 1954, 78-бет.

Бундан ташқари, айнан бир феълнинг ўзидан тил тараққиёти процессида бир-биридан фарқли маъноларни ифодаловчи бирдан ортиқ кўмакчи феъл келиб чиққан, яъни омоним кўмакчи феъллар вужудга келган. Мас., қол кўмакчи феъли ҳозирги ўзбек тилида ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъносини, тасодиф, қутилмаганлик маъносини, шунингдек, ҳаракатнинг вақти ғаниматда бажарилиши маъносини билдиради. Қол кўмакчи феълнинг бу маънолари қол мустақил феълнинг турли маънолари асосида ёки қол мустақил феъли билдирган ҳаракатнинг турли хусусиятларидан келиб чиққан, Қол феъли дастлаб ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъносини ифодаловчи кўмакчи феълга айланган. Қол кўмакчи феълнинг бу маъноси қол мустақил феълнинг «бирор ўринда ёки ҳолатда қолиш» маъноси таъсирида келиб чиққан.

Қол феълида субъект актив бажарувчи сифатида бўлмайди, балки фақат қолувчи сифатида бўлади. Шундай бўлгач, субъект қолган ҳолат у учун қутилмаган, тасодифий ҳолат бўлиши мумкин. Бу нарса кейинчалик қол феълнинг тасодиф, қутилмаганлик маъносини ифодаловчи кўмакчи феълга айланишига олиб келади.

Қол феълида субъект бирор ўткинчи шароитга (вақтга) нисбатан қолувчи сифатида бўлади. Вақт (шароит) ўткинчи бўлганидан унинг ғанимат шароитлиги маъноси келиб чиқади. Кейинчалик қол феъли ана шу маънони («вақти ғанимат» маъносини) ифодаловчи кўмакчи феълга айланади (қол кўмакчи феълнинг бу маъноларининг келиб чиқиши «қол кўмакчи феъли» баҳсида тўла анализ қилинади).

Кўринадикки, қол феълнинг ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъносини ифодаловчи кўмакчи феълга айланиши, тасодиф, қутилмаганлик маъносини ифодаловчи кўмакчи феълга айланиши, шунингдек, «вақти ғанимат» маъносини ифодаловчи кўмакчи феълга айланиши алоҳида-алоҳида юз берган ҳодисалардир. Қол феълнинг шу маъноларни ифодаловчи кўмакчи феълга айланиши анча кейинги даврларда (-а, -й аффикслари билан равишдош ясалиши пассив ҳодисага айлангандан кейинги даврларда) юз берган. Аниқроқ қилиб айтганда, қол феълнинг бу маъноларни ифодаловчи кўмакчи феълга айланиши -(и)б аффикси билан ясалган равишдошнинг қол феъли билан бирикишидан ҳосил бўлган феъл бирикувлари негизида юз берган. Худди шундай ҳодисани ол, қўй, туш кўмакчи феълларида ҳам кўриш мумкин.

-а, -й аффикслари билан ясалган равишдошнинг шахсли феъл билан бирикиши орқали сўз бирикмаси ҳосил бўлиши

кейинчалик жуда пассив ҳодисага айланиши сабабли бундай бирикувлар негизда бир феълнинг бир неча маънони ифодаловчи кўмакчи феълга айланиши ҳодисаси ҳам юз бермаган.

Оқорида айтилганлардан маълум бўлдики, *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдошга бирикувчи кўмакчи феълларга нисбатан *-(и) б* аффикси билан ясалган равишдошга бирикувчи кўмакчи феълларнинг сон жиҳатдан кўплиги ва кўп маънолилиқ ҳодисасининг, асосан, *-(и) б* аффикси билан ясалган равишдошга бирикувчи кўмакчи феълларда бўлиши *-а, -й* аффикслари билан равишдош ясалишининг анча қадимдан пассив ҳодисага айланиши, *-(и) б* аффикси билан равишдош ясалишининг, аксинча, актив ҳодисага айланиши билан изоҳланади.

Кўмакчи феълларнинг маъноси ва қўлланишдаги хусусиятлари ҳақида гапирганда, яна қуйидаги бир ҳодисага тўхтаб ўтиш лозим.

Етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топувчи бирикувлар бир кўмакчи феълли ёки бирдан ортиқ кўмакчи феълли бўлиши мумкин. Бир етакчи феълга бирдан ортиқ кўмакчи феълнинг қўлланиши ҳодисаси, айниқса, бир етакчи ва икки кўмакчи феълли ҳолатлар ўзбек тилида кўп учрайди. Бир етакчи ва уч кўмакчи феълли ҳолатлар эса нисбатан кам: *Элмурод ... дунё хабарларидан ўқиб бера бошлади* (П. Турсун, Уқитувчи). *Қиз бола мағрур бўлади, кўнглидагини ҳар қадамда сочиб ташлайвермайди* (А. Мухтор, Опа-с.). *Утап ялиниб-ёлвориш фойда бермаслигини кўриб, кўнглидаги гапнинг ҳаммасини тўқиб солақолди* (Х. Фулом, Машъал). *Камбағал бўлсанг ҳам колхозга қўш ҳайдаб бермай қўя қол* (П. Турсун, Уқитувчи).

Бирдан ортиқ кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувлар ҳам, худди бир етакчи ва бир кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувлар каби икки қисмга — етакчи қисм ва кўмакчи қисмга бўлинади³. Мас., *ўқиб бера бошлади* бирикувида *ўқиб* — етакчи қисм, *бера бошлади* — кўмакчи қисм; *ўқиб бериб тура қол* бирикувида *ўқиб* — етакчи қисм, *бериб тура қол* — кўмакчи қисм.

Бирдан ортиқ кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувларда ҳар бир кўмакчи феъл бир етакчи ва бир кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувлардагидек маънони ифодалайди. Шунга кўра, бирдан ортиқ кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувларда кўмакчи феъллар ифодалайдиган маънога яна тўхтаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Бу ўринда фақат

³ А. Ф. Гуломов, кўрсатилган асар, 73-бет.

Бирдан ортиқ кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувларнинг айрим хусусиятлари, бундай бирикувларда кўмакчи феълларнинг қўлланишидаги хусусиятлари, бирикув компонентларининг маъно муносабатлари ҳақидагина гапириш мумкин бўлади.

Бирдан ортиқ кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувларда ҳар бир кўмакчи феъл ўзига хос маъноси билан қатнашади. Агар бирикув таркибидаги бирор кўмакчи феъл тушириб қолдирилса, шу кўмакчи феъл ифодаладиган маъно ҳам йўқолади. Мас., *ўқиб бериб тур* бирикувида *бер* кўмакчи феъли ҳаракатнинг ўзга томонига йўналиши (ўзга учун бажарилиши) маъносини, *тур* кўмакчи феъли давом маъносини билдиради. Шу кўмакчи феъллардан бири тушириб қолдирилса, у ифодаладиган маъно ҳам йўқолади: *ўқиб бериб тур* — *ўқиб бер* — *ўқиб тур*.

Бирдан ортиқ кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувларда ҳар бир кўмакчи феъл ўз маъноси билан қатнашишдан қатъий назар, уларнинг ҳар бирининг маъноси фақат етакчи феълнинг маъносига қўшимча тарздаги маъно бўлавермайди, балки маънолар муносабати бир оз бошқачароқ бўлади. Бунда биринчи кўмакчи феъл ифодалаган маъно бевосита етакчи феълнинг маъносига қўшимча тарздаги маъно ҳисобланади. Кейинги кўмакчи феълнинг маъноси эса ўзидан олдинги кўмакчи феъл билан етакчи феълнинг бирикувидан ифодаланадиган маънога қўшимча тарздаги маъно бўлади. Мас., *ўқиб бериб тур* бирикувида *бер* кўмакчи феъли ўқиш ҳаракатининг ўзга учун бажарилиши маъносини, *тур* кўмакчи феъли эса давомлилик маъносини билдиради. Лекин бу давомлилик, умуман, ўқиш ҳаракатининг давомлилиги эмас, балки ўзгага йўналган (ўзга учун бажариладиган) ҳаракатнинг давомлилигидир. Демак, *ўқиб бериб тур* бирикувида *тур* кўмакчи феъли ифодаладиган маъно фақат *ўқи* феълнинг маъносига қўшимча тарздаги маъно бўлмай, балки *ўқиб бер* бирикуви ифодаладиган маънога ҳам қўшимча тарздаги маънодир. Бунинг далили сифатида шуни ҳам айтиш мумкинки, агар бирдан ортиқ кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувларда ҳар бир кўмакчи феъл ифодаладиган маъно фақат етакчи феъл маъносининг ўзига қўшимча тарздаги маъно бўлганида эди, у ҳолда бундай бирикувларда кўмакчи феълларнинг қўлланиш ўрни эркин бўларди, яъни кўмакчи феълларнинг ўрнини алмаштириш мумкин бўлаверар эди. Мас., *ўқиб бериб тур* бирикувида *бер* кўмакчи феъли ифодалаган маъно ҳам, *тур* кўмакчи феъли ифодалаган маъно ҳам фақат *ўқи* феълнинг ўз маъносига қўшимча тарздаги маъно бўлганида, бу бирикувни *ўқиб туриб бер* тарзида қўллаш ҳам мум-

кин бўлар эди. Ҳақиқатда эса, бундай қўлланмайди. Ана шунинг ўзиёқ бирдан ортиқ кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувларда кейинги кўмакчи феълнинг маъноси фақат етакчи феълнинг маъносига қўшимча тарздаги маъно бўлмай, балки ўздан олдинги кўмакчи феъл билан етакчи феълнинг бирикувидан ифодаланадиган маънога қўшимча тарздаги маъно бўлишини кўрсатади. Кўмакчи феъл учта бўлганда ҳам худди шундай ҳолат юз беради. Мас., *ўқиб бериб тура қол* бирикувида *қол* кўмакчи феълнинг маъноси фақат *ўқи* феълнинг ўз маъносигагина қўшимча тарздаги маъно бўлмай, *ўқиб бериб тур* бирикуви ифодалайдиган маънога ҳам қўшимча тарздаги маъно ҳисобланади.

Етакчи ва кўмакчи феъллардан ташкил топувчи бирикувларда, одатда, равишдошнинг *-(u) б* аффикси билан ясалган турига бирикувчи кўмакчи феъл олдин, *-а, -й* аффикслари билан ясалган турига бирикувчи кўмакчи феъл кейин қўлланади. *-а, -й* аффикслари орқали ясалган равишдошга бирикувчи кўмакчи феълнинг етакчи феълга *-(u) б* аффикси билан ясалган равишдошга бирикувчи феълдан олдин бирикиши деярли учрамайди. Мас., *олиб бера қол, ишлаб юра тур*. Лекин *ола қолиб бер, ишлай туриб юр* типидagi бирикиш йўқ. Бунинг сабаби равишдош ясовчи *-(u) б* ва *-а, -й* аффиксларининг хусусияти билан изоҳланмайди, балки кўмакчи феълнинг *-(u) б* ва *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдошга бирикканда ифодалайдиган маъносининг хусусиятидан келиб чиқади. Мас., *ёзиб кўра қол* бирикувида биринчи ўринда *кўр* кўмакчи феълнинг, иккинчи ўринда *қол* феълнинг қўлланиш сабаби *кўр* феълнинг *-(u) б* аффикси билан ясалган равишдош формасига, *қол* феълнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдош формасига бирикишидан эмас, балки шу кўмакчи феъллар билдирадиган маъно таъсиридан келиб чиқади. *Кўр* кўмакчи феъли равишдошнинг *-(u) б* аффикси билан ясалган турига бирикканда ҳаракатнинг синаш, билиш учун бажарилувчи ҳаракат эканлигини билдиради: *ёзиб кўр*. *Қол* кўмакчи феъли равишдошнинг *-а, -й* аффикси билан ясалган турига бирикканда, ҳаракатни бажаришга даъват, илтимос, руҳсат маъносини билдиради: *ёза қол*. Синаш, билиш учун қилинадиган ҳаракатни бажаришни илтимос қилиш (шунга даъват этиш) мумкин. Бу маъно *ёзиб кўр* бирикувида *қол* кўмакчи феълни бириктириш орқали ифодаланади: *ёзиб кўра қол*. Лекин ҳаракатни бажаришга даъват, илтимос сигналмайди. Шунинг учун ҳам *ёза қол* бирикувида *кўр* кўмакчи феъли бирикмайди.

Кўмакчи феълларнинг маъноси ва қўлланишдаги хусусиятларининг умумий характеристикаси шулардан иборат.

Етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувлар аслида ё тобе ва ҳоким алоқасидаги сўз бирикмаси (феъл бирикмаси), ё тенг алоқали бирикув (уюшиқ ҳолат) бўлган. Тил тараққиёти процессида ана шундай бирикувларнинг айримларининг иккинчи компоненти (бирикма тарҳибидаги иккинчи феъл) лексик ва грамматик мустақиллигини йўқота бориб, бирикма лексик-грамматик жиҳатдан бир бутун ҳолга келади. Мас., *ишлаб тур* бирикуви аслида тобе ва ҳоким алоқасидаги феъл бирикмаси (сўз бирикмаси) бўлган: *ишлаб тур* — ишлаган ҳолатда тур. *Ёзиб бер* бирикуви аслида тенг алоқали бирикма бўлган: *ёзиб бер* — ёз ва бер.

Мустақил феълнинг кўмакчи феълга айланиши ҳамма вақт ҳам шу феълнинг ўз маъносини йўқотиши натижасида юз беравермайди. Шунингдек, кўмакчи феълнинг маъноси ҳар доим ҳам шу феълнинг мустақил маъносидан келиб чиқарвермайди, яъни мустақил феъллар ўз маъносини йўқотиши натижасида кўмакчи феълга айланади ва кўмакчи феълнинг маъноси шу феълнинг мустақил маъносидан келиб чиқади, деган умумий ҳукм чиқариш мумкин эмас. Кўмакчи феъл ўз асл маъносини йўқотмаган бўлиши, шунингдек, кўмакчи феълнинг маъноси унинг мустақил маъносидан келиб чиқмаган бўлиши ҳам мумкин. Мас., *бошла* кўмакчи феълнинг маъноси шу феълнинг мустақил феъл сифатида ифодалайдиган маъносига тўғри келади (бу ҳақда гапирилган эди).

Кўмакчи феълнинг айримларида унинг асл маъносидаги асосий элементлар йўқолиб, баъзи элементигина сақланган бўлади, яъни унда шу феъл ифодалайдиган ҳаракатнинг бирор элементи сақланади. Ана шу элемент кўмакчи феъл ифодалайдиган маъно бўлиб қолади. Мас., *ёзиб ол* бирикувида *ол* кўмакчи феъли ҳаракатнинг субъект томониغا йўналиши маъносини (субъектнинг ўзи учун бажарилишини) билдиради. Йўналишнинг субъект томониغا бўлиши маъноси *ол* феъли билдирадиган ҳаракатнинг бир элементидир, яъни олиш ҳаракатида йўналиш ҳамма вақт субъект томониغا бўлади (ҳаракатни ўз устига олган объект субъект томониغا йўналади).

Айрим кўмакчи феълларнинг маъноси унинг мустақил маъносидан эмас, балки шу феъл билдирган ҳаракатнинг хусусияти билан боғлиқ ҳолда келиб чиқади. Мас., *қол* кўмакчи феъли равишдошнинг *-(и) б* аффикси билан ясалган турига бирикканда, етакчи феълдаги ҳаракатни бажариш учун мавжуд бўлган шароит ўтиб кетувчи (йўққа айланувчи) шароит эканлиги маъносини, ҳаракатнинг шу ғанимат шароитда бажарилиши маъносини билдиради: *йқиб қол*, *еб қол* каби. Бу маъно *қол* мустақил феълнинг маъносидан келиб чиқмаган, балки *қол* феъли ифодалайдиган ҳаракатнинг хусусияти шу

маънони келтириб чиқарган. Мас., *ёшликда ўқиб қол* гапида *қол* феъли ўз маъноси билан («қолиш» маъноси билан) қатнашган. Унинг ана шу маъноси ёшликнинг ўқиш учун ғанимат шароит (вақт) эканлиги маъносини келтириб чиқаради, яъни *ёшликда ўқиб қол* бирикувида *қол* феъли субъектнинг қолувчи эканлигини кўрсатади. Субъектнинг қолувчи эканлиги ёшликнинг ўтувчи (кетувчи) эканлиги маъносини келтириб чиқаради. Ўқиш ҳаракати амалга ошириладиган бу вақт (ёшлик вақти) доимий эмас, балки ўткинчи вақт экан, албатта, у ғанимат вақт бўлади. Демак, бу маъно бевосита *қол* феъли билдирган ҳаракатнинг хусусиятидан келиб чиқяпти. *Ёшликда ўқиб қол* бирикувида *қол* феъли ўз маъноси («қолиш» маъноси) билан қатнашса-да, лекин бундаги асосий нарса субъектнинг қолиши эмас, балки ёшликнинг ўқишни амалга ошириш учун қулай (ғанимат) шароит эканлигидир, Бу маъно бевосита *қол* феълининг иштироки билан келиб чиқиши сабабли ёшликда *ўқиб қол* бирикувида *қол* феъли шу маънони ифодаловчи сўз сифатида қаралади. Кейинчалик *қол* феъли фақат ана шу маънони ифодалаш учун ҳам қўллана бошлайди. Ҳозирда эса бу ҳодиса ўзининг тўла ифодасини топган, яъни *қол* феъли тўла даражада ана шу маънони ифодаловчи кўмакчи феълга айланган.

Юқорида айтилганлардан кўринадики, мустақил феълнинг кўмакчи феълга айланиши ва улар ифодалайдиган маънонинг келиб чиқиши барча кўмакчи феълларда бир хил йўл билан бўлган эмас. Уларнинг айримлари ўз маъносини ифодалаган ҳолда кўмакчи феълга айланган, айримлари ўз маъносини озми-кўпми даражада йўқотган ҳолда кўмакчи феълга айланган. Лекин уларнинг маъноси бевосита мустақил маъносидан келиб чиққан. Айримлари эса ўз маъносидан бутунлай бошқа маънони (феълларга хос бўлмаган маънони) ифодаловчи сўз сифатида қўлланган. Натижада, мустақил феъллар кўмакчи феълга айланган. Бундай кўмакчи феълларнинг маъноси уларнинг мустақил маъносидан келиб чиқмайди.

Кўмакчи феълларнинг маъно тараққиётида шу нарса ҳам характерлики, баъзи кўмакчи феълларнинг ҳозирги вақтда ифодалайдиган маъноси шу феъллар кўмакчи феълга айлангандан кейин келиб чиққан. Бунда икки хил ҳодисани кўриш мумкин.

Айрим кўмакчи феълларнинг бирор маъноси шу кўмакчи феълнинг *-(и) б* аффикси орқали ясалган равишдошга бириккан формаси билан *-а, -й* аффикслари орқали ясалган равишдошга бириккан формаси ўртасида маъно жиҳатдан дифференциация юз бериши натижасида келиб чиққан. Мас., *қол* феъли тарихан равишдошнинг *-а, -й* аффикслари билан ясал-

ган турига бирикканда ҳам, ҳозирги ўзбек тилида *-(у)* б аффикси билан ясалган равишдошга бирикканда билдирадиган маънони ифодалаган: ... *мутаҳаййир бўлиб тура қолди* («Бобирнома»). Бу мисолдаги *тура қолди* бирикувида *қол* феъли ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъносини билдиради. Ҳозирги ўзбек тилида эса бу маъно *қол* феълининг *-(у)* б аффикси билан ясалган равишдошга бириқиши орқали ифодаланади: *туриб қолди*. *Қол* феълининг *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдошга бириккан формаси билан *-(у)* б аффикси орқали ясалган равишдошга бириккан формаси маълум давргача бир хил маънода қўлланган. Кейинчалик бу икки форма ўртасида маъно жиҳатдан дифференциация юз берган. Ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъноси фақат равишдошнинг *-(у)* б аффикси билан ясалган турига бириккан формаси орқали ифодаланиб, *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдошга бириккан формаси бошқа маънони касб эта бошлаган. Маънодаги бу дифференциация ҳозирги ўзбек тилида тўла даражада ўз ифодасини топган (бу ҳақда *қол* кўмакчи феъли баҳсига қаранг).

Кўмакчи феълнинг маъноси унинг бошқа бирор маъноси асосида келиб чиқиши мумкин. Бундай ҳолларда шу маънонинг келиб чиқишида етакчи феълдаги ҳаракатнинг хусусияти ҳам маълум даражада роль ўйнайди. Мас., *қол* кўмакчи феълнинг асосий маъноларидан бири ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъносидир. Шунингдек, бу кўмакчи феъл ҳозирги ўзбек тилида ҳаракат-ҳолатнинг тўла даражада эмас, балки маълум даражада бажарилиши маъносини ҳам билдиради: *семириб қолди, пишиб қолди* каби. Унинг бу маъноси юқоридаги маъноси асосида келиб чиққан. Бу маънонинг келиб чиқишида етакчи феълдаги ҳаракатнинг хусусияти ҳам маълум даражада роль ўйнайди. Мас., *ўрганиб қолди* бирикувида *қол* феъли ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъносини билдиради. Лекин бу юзага келган ҳолат тўла даражада эмас, балки маълум даражададир. Бу маънонинг келиб чиқиш асоси шундаки, ўрганиш бирданига (бир йўла) бўладиган ҳодиса эмас. Ўрганиш аввал бўлмай, энди юзага келар экан, албатта, у тўла даражада бўлмайди. Ана шундан «қисман бажарилиш» маъноси келиб чиқади. Кўмакчи феъл маъносининг унинг бирор маъноси асосида келиб чиқиши ҳодисасини *қол* кўмакчи феълнинг бошқа маъноларида, шунингдек, *тур* ва *бер* кўмакчи феълларида ҳам кўриш мумкин (шу кўмакчи феъллар баҳсига қаранг).

Биз кўмакчи феълларнинг маъноси, қўлланишдаги хусу-

сиятлари ва улар ифодалайдиган маънонинг келиб чиқишидаги барча кўмакчи феъллар учун умумий бўлган томонлар ҳақида тўхтадик. Энди ана шу ҳодисалар нуқтаи назаридан ҳар бир кўмакчи феълни алоҳида-алоҳида текшириб чиқамиз.

Бошла

Бошла кўмакчи феъли равишдошнинг *-а*, *-й* аффикслари билан ясалган турига бирикади ва ҳаракатнинг бошланиши маъносини билдиради⁴.

Мажлис тамом бўлиб кишилар ... тарқала бошлади (А. Қаҳҳор, Сароб). *Ой... қора бахмал кечанинг юзига гавҳар парда ёна бошлади* (Х. Шамс, Ҳуқуқ).

Келтирилган мисолларда *бошла* кўмакчи феъли ифодалайдиган маъно изоҳ талаб этмайди. Бу маъно *бошла* феъли мустақил феъл сифатида қўлланганда ифодалайдиган маъносига тўғри келади.

Ишлай бошламоқ, *ёза бошламоқ* каби бирикувларда *бошла* феъли ифодалайдиган маъно шу феълнинг мустақил феъл сифатида билдирадиган маъносининг ўзи бўлганидан, бундай бирикувларда ҳам *бошла* феъли мустақил феълга ўхшаб кўринса-да, у ўз маъноси билан қатнашишдан қатъий назар, кўмакчи феъл ҳисобланади. Чунки равишдош формасидаги феъл билан шахсли феълдан ташкил топган бирикувларда ҳар бир феъл лексик-грамматик жиҳатдан ўз мустақиллигини сақлаган бўлса, ҳамма вақт равишдош формасидаги феъл шахсли феълнинг белгисини кўрсатади. Аксинча ҳолат (шахсон билан тусланган феълнинг равишдош формасидаги феъл белгисини кўрсатиши) фақат етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувлардагина бўлади. *Ишлай бошлади*, *ёза бошлади* типидagi бирикувларда ҳам *бошла* феъли ўз маъноси билан қатнашишдан қатъий назар, равишдош формасидаги феъл *бошла* феълнинг белгисини кўрсатмайди. Аксинча, *бошла* феъли равишдош формасидаги феълнинг характеристикасини (бошланишини) кўрсатади. Шунинг учун ҳам у кўмакчи феъл ҳисобланади.

Бошла кўмакчи феъли ифодалайдиган маънода тарихан *кириш* кўмакчи феъли ҳам қўлланган. Мас., «Бобирнома»да ҳаракатнинг бошланиши маъносини ифодалаш учун *бошла* кўмакчи феъли билан бирга *кириш* феъли ҳам кенг қўлланган.

Бошла кўмакчи феълига мисоллар: *Ахсидин шайх Боязид давлатхоҳлик изҳор қилиб, киши йибора бошлади*; *Бу*

⁴ *Бошла* феъли туркий тилларнинг кўпчилигида кўмакчи феъл вазифасида қўлланади ва ҳаммасида ҳам бир хил маънони—ҳаракатнинг бошланиши маъносини билдиради.

минган отим ҳам сустлик қила бошлади. Илгаридин хабар кела бошладиким, Танбал ҳам черикни йиғиб Ахсиға келибтур.

Кириш кўмакчи феълига мисоллар: Яна бир бу ким, ул фурсатда андоқ от ўлати бўлдиким, тавила-тавила отлар йиқилиб ўла киришти. Ишрат паймоналарин тўлдуруб, соқийлар юруб мажлис аҳлиға тутакериштилар. Якшанба кунин ойнинг йиғирма тўртида Канор гузариға тушуб, фармон бўлдиким, черик эли ўтакиришгайллар.

Келтирилган мисолларда кириш феъли ҳозирги ўзбек тилида худди бошла кўмакчи феъли ифодалайдиган маънони (ҳаракатнинг бошланиши маъносини) ифодалайди ва у кўмакчи феъл ҳисобланади⁵. Лекин ҳозирги ўзбек тилида кириш феъли шу маънони ифодаловчи кўмакчи феъл сифатида қўлланмайди. Шундай бўлиши ҳам табиийдир. Чунки тилда айнан бир маънони ифодаловчи бирдан ортиқ сўзнинг бўлиши вақтинчалик ҳодиса ҳисобланади. Ортиқча дублетларнинг бўлиши тил табиатига мос келмайди. Тил тараққиёти процесидан бундай бир хил маъноли сўзлардан бири ё истеъмолдан чиқиб кетади, ёки улар ўртасида маъно жиҳатдан дифференциация юз беради. Бир хил маъно ифодаловчи бошла ва кириш феълларида шу ҳодисанинг биринчиси юз берган, яъни ҳаракатнинг бошланишини ифодаловчи кўмакчи феъл сифатида бошла феъли истеъмолда қолган-у, кириш кўмакчи феъли бўлса, чиқиб кетган.

Истеъмолдан нега бошла кўмакчи феъли эмас, балки кириш кўмакчи феъли чиқиб кетган, деган савол туғилиши мумкин. Биринчидан, бошла кўмакчи феъли тарихан кириш кўмакчи феълига нисбатан актив бўлган, албатта. Иккинчидан, бунинг боиси бошла ва кириш мустақил феълларининг ҳозирги ўзбек тилидаги ҳолати билан ҳам изоҳланади, яъни ҳозирги ўзбек тилида «начинать» маъносида, асосан, бошла феъли қўлланади. Кириш феъли бу маънода бошла феълига нисбатан жуда кам қўлланади. Шундай бўлгач, ҳаракатнинг бошланиши маъносини ифодаловчи кўмакчи феъл сифатида бошла кўмакчи феълнинг қолиши, кириш кўмакчи феълнинг эса истеъмолдан чиқиб кетиши табиийдир.

Сўзлашув тилида бошла кўмакчи феълни -(и) б аффикси орқали ясалган равишдош формаси билан қўллаш ҳоллари ҳам кўп учрайди: ёғиб бошлади, энди еб бошлаган эди, гапи-

⁵ Шу нарса характерлики, тува тилида ҳаракатнинг бошланишини ифодалаш учун кир феъли қўлланади. Қаранг: Ф. Г. Исхаков, А. А. Пальмбах, Грамматика тувинского языка, Фонетика и морфология, М., 1961, стр. 412.

риб бошлади каби⁶. Бу ҳодиса ёзма нутқда ҳам учраб туради: *Бу кундан бошлаб мени мазах қилиб бошладилар* (А. Қодирий, У. к.). *Қўрбоши йигитлари томонидан Ҳасанали ҳам қидирилиб бошлангач, улардаги... умид ҳам бўшга чиқди* (А. Қодирий, У. к.).

Бизнингча, бу ҳодиса, биринчидан, *бошла* кўмакчи феълнинг маъноси унинг мустақил феъл сифатида ифодалайдиган маъносига тўғри келиши ва, иккинчидан, ҳозирги ўзбек тилида равишдошнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган формасига нисбатан *-(и) б* аффикси билан ясалган формасининг активлиги таъсирида юз берган бўлса керак.

Ишлай / *бошлади*, *кела* / *бошлади* типдаги бирикувлар аслида ҳоким ва тобе муносабатидаги феъл бирикмасига (сўз бирикмасига) тенг бўлган. *Ишлай*, *кела* равишдош формаси «ишлашга», «келишга» деган маънони билдирган: *ишлай бошлади* — ишлашга бошлади, *кела бошлади* — келишга бошлади⁷. Тил тараққиёти процессида *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдош формаси ўзининг ана шу маъно ва вазифасини йўқота борган. Ҳозирги ўзбек тилида эса *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдош формаси бу маънода қўлланилмайди. Натижада *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдошнинг *бошла* феъли билан бирикишидан ҳосил бўлувчи бирикманинг характери ҳам ўзгаради, яъни бирикма таркибидаги *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдош формасининг бирор маънони ифодаламаслиги натижасида бирикма таркибидаги феъллар ўртасида синтактик алоқа ҳам бўлмайди, бирикма лексик ва грамматик жиҳатдан бир бутун ҳолда келади.

Ет, тур, юр, ўтир

Ет, тур, юр, ўтир кўмакчи феъллари ўзаро фарқли белги-хусусиятларга эга бўлиши билан бирга, умумий белги-хусусиятларга ҳам эга. Бу кўмакчи феъллар ўзларига хос умумий хусусиятлари билан бошқа кўмакчи феъллардан фарқланиб туради. Улар кўмакчи феъл сифатида жуда кенг қўлланиши ва турли маъно оттенкаларини ифодалаши билан характер-

⁶ Ф. А. Абдуллаевнинг Хоразм шеваларидан ёзиб олган текстларида ҳам шу ҳодиса учрайди: *...уннан сон дамақ басъна гъльп димақъъ еп башлаптъ...* Қаранг: Ф. А. Абдуллаев. Хоразм шевалари, 1, Тошкент, 1961. 342-бет.

⁷ Равишдошнинг *ишлай, кела* формаси тарихан «ишлашга, келишга» маъносига кўп қўлланган: *...кичик хонни кўра борадурғонда...* («Бобирнома») — «Кичик хонни кўришга бораётганда» каби. Бу маълум ҳодиса бўлгани учун ортиқча фактлар келтириб ўтирмаймиз.

лидир. Туркологияда бу тўрт кўмакчи феъл ҳақида махсус ишларнинг юзага келганлиги ҳам уларнинг бошқа кўмакчи феъллар ичида алоҳида хусусиятга эга эканлигининг далилидир⁸.

Ёт, тур, юр, ўтир кўмакчи феъллари ўзаро умумий хусусиятларга эгаллиги сабабли бу хусусиятларни шу тўрт кўмакчи феъл доирасида умумий текширган маъқул. Акс ҳолда, бир кўмакчи феълда, масалан, *ёт* кўмакчи феълида айтилган гапларни бошқа (*тур, юр, ўтир каби*) кўмакчи феълларда ҳам такрорлашга тўғри келади. Бу феъллар учун умумий бўлган белги-хусусиятлар айтилгандан сўнг уларнинг ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари устида алоҳида-алоҳида фикр юрита-миз.

Даставвал, бу феъллар мустақил феъл сифатида қўлланганда бошқа феъллардан фарқланувчи ўзига хос белги-хусусиятлари ҳақида баҳс юритамиз. Чунки бу феъллар мустақил феъл сифатида қўлланганида уларнинг барчаси учун умумий бўлган белги-хусусиятлар ўша феъллар кўмакчи феъл сифатида қўлланганда ҳам сақланади.

1. Феъллар ё ҳаракатни, ёки ҳолатни билдиради. *Ёт, тур, юр, ўтир*, феъллари эса ҳаракатни ҳам, шунингдек, ҳолатни ҳам ифодалай олади. Мас., *диванга ётмоқ* (ҳаракат), *диванда ётмоқ* (ҳолат); *жойидан турмоқ* (ҳаракат), *жойида турмоқ* (ҳолат); *стулга ўтирмоқ* (ҳаракат), *стулда ўтирмоқ* (ҳолат) ва ҳоказо.

Юр феъли *ёт, тур, ўтир* феълларидан бошқачароқ хусусиятга эга. Мас., *тоққа қараб юрмоқ, тоғда юрмоқ*. Юзаки қараганда, иккала мисолда ҳам *юр* феъли ҳаракат ифода-лайдигандек кўринади. Ҳақиқатда бундай эмас. *Тоққа қараб юрди* бирикувида *юр* феъли ҳаракатни билдиради ва шу ҳаракатнинг юзага келганлиги ифодаланади. Иккинчи бирикувда эса *юр* феъли ҳолатни билдиради. Бунда субъектнинг шу ҳаракатни бошлаганлиги эмас, балки шундай ҳолатда (юриш ҳолатида) бўлганлиги ифодаланади. *Юр* феълининг ҳолатни ифодалани куйидаги мисолларда аниқ кўринади: *Онам, укаларим учун бу ерларда юр б м а н...* (Ойбек, Қ. қ.). *Андижон шаҳрида юр г а н ошноларга салом* (Муқимий).

Иккала мисолда ҳам *юр* феъли субъектнинг бирор жой (ўрин)да мавжудлиги маъносини билдиради.

⁸ Қаранг: Х. Жубанов, Заметки о вспомогательных и сложных глаголах, вып. II, Алма-Ата, 1936; А. П. Поцелуевский, К вопросу о происхождении формы настоящего времени в тюркских языках юго-западной группы, Ашхабад, 1948; Ф. Г. Исхаков, Формы настоящего времени глагола изъявительного наклонения в тувинском языке. Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков, ч. II, Морфология, М., 1956, стр. 304—313.

Армонки кўпроқ ю р м а д и м
Бир-икки ҳафта турмадим (Муқимий).

Бу мисолда *юр* феъли *тур* феълига қиёсланса, унинг ҳолат ифодалаганлиги очиқ кўринади, яъни бунда *тур* феъли ҳам, *юр* феъли ҳам субъектнинг назарда тутилган жойда кўпроқ бўлмаганлигини билдиради.

Демак, *юр* феъли *тоққа қараб юрмоқ* бирикувида ҳаракатни, *тогда юрмоқ* бирикувида ҳолатни билдиради.

2. *Ёт, тур, юр, ўтир* феъллари давомлилик маъносига эга. Бу феълларнинг бундай маънога эга ёки эга эмаслиги (яъни буларнинг давомлиликни қачон ифодалай олиши ва қачон ифодалай олмаслиги) уларнинг ҳаракат ёки ҳолат ифодалашига қараб белгиланади. Бу феъллар ҳаракат билдирганда давомлилик маъносига эга бўлмайди. Мас., *ўрнига ётди, ўрнидан турди, ўрнига ўтирди* бирикувларида *ёт, тур, ўтир* феъллари давомлилик маъносига эга эмас. Буларда фақат шу ҳаракатнинг амалга ошганлиги ифодаланади. *Ёт, тур, юр, ўтир* феъллари ҳолат билдирганда, қайси замон формасида бўлишидан қатъий назар, давомлилик маъноси ифодаланади: *ўрнида ётди, ўрнида турди, ўрнида ўтирди, ўрнида ётган эди, ўрнида турган эди, ўрнида ўтирган эди* ва ҳоказо. Буларда субъектнинг *ётган, ўтирган, турган* ҳолатда мавжуд бўлиши ифодаланади. Ана шу мавжудлик маъносидан давомлилик маъноси келиб чиқади.

3. Феълнинг *-(у) б* аффиксидан ясалган равишдош формасини шахс-сон билан туслаш орқали ўтган замон эшитилганлик феъли ҳосил қилинади⁹. *Ёт, тур, юр, ўтир* феъллари *-(у) б* аффиксини олиб, шахс-сон билан тусланганда ҳозирги замон маъноси ифодалайди: *Қаранг, қанча ер бекор ёт и б д и* (С. Анорбоев, Эртаги куннинг ташвиши билан). *Фақат бурчакдаги стол устида беш-ўнга китоб, газеталар т у р и б д и* (Х. Нуъмон, Фасллар). *Мана, ҳозир ўз ёғида ўзи қоврилиб, қоронғида бетоқат ю р и б д и* (Ойбек, О. в. ш.).

— *Қаерда ўтирибсиз, Тўлаган ака?*

— *Сельсоветда ўтирибман, нима эди?* (А. Қаҳҳор, Қ. ч.).

Ёт, тур, юр, ўтир феълларининг *-(у) б* аффикси билан ясалган равишдош формаси шахс-сон билан тусланганда, ҳозирги маъносининг ифодаланиши ёки ифодаланмаслиги ҳам уларнинг ҳаракат ёки ҳолатни ифодалашига қараб белгиланади.

Бу феъллар ҳаракат билдирганда, уларнинг *-(у) б* аф-

⁹ «Ўтган замон эшитилганлик феъли» термини А. Ф. Фуломовники. Қаранг: А. Ф. Фуломов, Феъл, Тошкент, 1954, 28-бет.

фиксини олиб, шахс-сон билан тусланган формаси ҳамма вақт ўтган замон маъносини билдиради (яъни ўтган замон эшитилганлик феъли ҳисобланади); *диванга ётибди, ўрнидан турибди, жойига ўтирибди* каби. Ҳолат билдирганда эса шу формада ҳозирги замон маъносини ифодалайди: *диванда ётибди, жойида турибди, жойида ўтирибди* каби (мисоллар юқорида берилди).

Шуни ҳам айтиш керакки, *ёт, тур, юр, ўтир* феълларининг *-(и) б* аффиксини олиб, шахс-сон билан тусланган формаси ҳамма вақт ҳозирги замон маъносини ифодалайвермайди. Бу формада ўтган замон эшитилганлик маъноси ҳам ифодаланади: *Мулла Бурхон унинг маҳтоб орасида келаётган ўз офтоби эканини аниқлабди ва Ситора кўрсатган жойга бориб, уни кутиб туриш учун қум устидан настега сирғилиб тушиб, чўзилиб ёт и б д и* (С. Айний, Эсдалиқлар). *Хон бир бегуноҳ одамни ғазабига олиб, тошбўрон қилдирибди. «Тош отмаган одам қолмасин» деб ўзи тепасида тур и б д и* (А. Қаҳҳор, Қ. ч.). *Уктам электр фонарчасини ёқиб соатига тутди. Икки соат ю р и ш и б д и* (Ойбек, О. в. ш.). *Мулла Бурхон ҳам Ситоранинг келишини кутиб, чиллахонадан бирон жойга чиқмай ў т и р и б д и, Ситора кўп кутдирмабди* (С. Айний, Эсдалиқлар).

Ёт, тур, юр, ўтир феълларининг *ётибди, турибди, юрибди, ўтирибди* формасида ҳозирги замон маъносини ҳам, шунингдек, ўтган замон маъносини ҳам ифодалашни қизиқ ҳодисадир¹⁰. Туркий тилларнинг кўпчилигида бу тўрт феълнинг ҳозирги замон формаси уларнинг *-(а) р, -(у) р* аффикси билан ясалган сифатдош формасини шахс-сон билан тушлаш орқали ҳосил қилинади¹¹. *Ётирман, ётирсан, ётир; турурман, турурсан, турур* каби.

Бу формада ҳозирги замон маъносининг ифодаланишини исботлаш осон. Чунки *-(а) р* аффикси билан ясалган сифатдош формасини шахс-сон билан тушлаш орқали ҳозирги-келаси замон феъли ҳосил қилинади. Шунинг учун ҳам *ётирман, ётирсан, ётир; турурман, турурсан, турур* формасида ҳозирги замон маъносининг ифодаланиши қонунийдир.

Ўзбек тилида *ётибди, турибди, юрибди, ўтирибди* феъл формалари орқали ҳозирги замон маъносининг ифодаланиши бошқачароқ исботни талаб этади.

Аввало шуни айтиш керакки, бу феъллар *ётибди, турибди,*

¹⁰ Бу ўринда фақат учинчи шахс формаси келтирилди. Лекин айтилган фикр учала шахсга тааллуқли. Бундан сўйг ҳам фақат учинчи шахс формасини келтираверамиз.

¹¹ Туркий тилларда *-(а) р* аффикси *-(у) р, -(и) р* каби вариантларга эга.

юрибди, ўтирибди формасида азалдан ҳам ўтган замонни, ҳам ҳозирги замонни ифодалаган деб қараш тўғри бўлмайди. Уларнинг шу формада ўтган замонни ифодалаши ҳозирги замонни ифодалашига нисбатан қадимийроқ ҳодисадир. Чунки, *ёт, тур, юр, ўтир* феъллари ҳам маълум вақтларга қадар умумий қонунга бўйсунган, яъни *-(и) б* аффикси билан ясалган равишдош формасининг шахс-сон билан тусланишидан ўтган замон феъли ҳосил бўлиши бу феълларга ҳам тааллуқли бўлган. Ҳозирги ўзбек тилида *ёт, тур, юр, ўтир* феълларининг *ётибди, турибди, юрибди, ўтирибди* формаси ўтган замон маъносига нисбатан ҳозирги замон маъносида кўп қўлланса-да, лекин бу форманинг асосий функцияси ҳозирги замон маъносини ифодалашдан иборат деб бўлмайди. Феълларнинг *-(и) б* аффикси билан ясалган равишдош формаси шахс-сон билан тусланганда ўтган замон эшитилганлик феъли бўлиши қонуни ҳозирги ўзбек тилида *ёт, тур, юр, ўтир* феълларига нисбатан ҳам ўз кучини сақлаган (Буни юқорида келтирилган мисолларда ҳам кўриб ўтдик). Бу феъллар *ётибди, турибди, юрибди, ўтирибди* формасида ҳозирги замон маъносида қанчалик кенг қўлланмасин, бу ҳодиса асосий қонунга нисбатан истисно сифатида қаралиши керак.

Ёт, тур, юр, ўтир феълларининг *ётибди, турибди, юрибди, ўтирибди* формасида ҳозирги замон маъносининг ифодаланиши шу феълларнинг лексик маъноси билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун ҳам бу ҳодисани исботлашда шу феълларнинг лексик хусусиятидан келиб чиқishi керак бўлади.

Ётибди, турибди, юрибди, ўтирибди феълларида ҳозирги замон маъносининг *-(и) б* аффиксига дахли йўқ. Бу аффикс ҳозирги замон феъли ясовчи *-яп, -ётиб, -моқ*да аффиксларига, шунингдек, ҳозирги-келаси замон феъли ясовчи *-(а) р* аффиксига хос бўлган давомлилик маъносига эга эмас. Мас., *ишламоқ* феълининг ўтган замон давом феъли формаси қуйидагича ясалади: *ишлар эди, ишлаётган эди, ишламоқда эди*. Бунда давомлилик маъноси бевосита *-(а) р, -ёт, -моқ*да аффиксларига ҳосдир. *-(и) б* аффикси бу хусусиятдан маҳрум, шунинг учун ҳам *ишлаб эди* формасида ҳеч вақт давомлилик ифодаланмайди.

Ётибди, турибди, юрибди, ўтирибди формасида ҳозирги замон маъносининг *-(и) б* аффиксига дахли йўқлигини яна шу нарса билан ҳам исботлаш мумкинки, бу феълларнинг ҳозирги замон маъноси уларнинг *-(и) б* аффикси билан ясалган равишдош формасини тушлаш орқалигина эмас, шунингдек, *-г а н* аффикси билан ясалган сифатдош формасини шахс-сон билан тушлаш орқали ҳам ифодаланади: *Эсидан чиқмай Муқимий ёдида т у р г а н м и к и н* (Муқимий). *Ёдида турган-*

микан — ёдида турибдимикин. Демак, *-(и)б* аффиксининг ҳозирги замон маъносига ҳеч қандай дахли йўқ. *Ётибди, турибди, юрибди, ўтирибди, ётган, ўтирган, турган, юрган* формасида ҳозирги замон маъносининг ифодаланиши шу феълларнинг лексик хусусияти билан изоҳланадиган ҳодисадир. Шунинг учун ҳам бу ҳодисани асосий қондага нисбатан истисно сифатида қараш тўғрироқдир. Бунинг исботи сифатида қуйидаги фактни келтириш ўринлидир.

Феъл туркумига хос грамматик формалардан бири бўлишли-бўлишсизлик формасидир. Ҳар бир феъл ё бўлишли, ё бўлишсиз формада бўлади: *борди-бормади, боряпти-бормаяпти, боради-бормайди*. Бўлишсизлик формаси феълга замон формасидан аввал қўшилади ва унинг замон маъносига ҳеч қандай таъсири бўлмайди. *Ёт, тур, юр, ўтир* феъллари ҳам ҳаракат билдирганда, қайси замон формасида бўлишидан қатъий назар, бўлишсизлик формасини қабул қила олади ва қайси замон формасида бўлса, ўша замон маъноси ифодаланаверади: *ётди-ётмади, турди-турмади, юрди-юрмади, ўтирди-ўтирмади; ётибди-ётмабди, турибди-турмабди; юряпти-юрмаяпти, ўтиряпти-ўтирмаяпти* каби. Бу феъллар ҳолат билдирганда ҳам, асосан, шу хусусият сақланади. Лекин уларнинг *-(и) б* аффикси билан ясалган равишдош формаси шахс-сон билан тусланиб, ҳозирги замонни ифодалаганда, бўлишсизлик формасига эга бўлмайди. Мас., *(диванда) ётибди, (жойида) турибди* формаси контекстга кўра, ўтган замон ёки ҳозирги замон маъносини ифодалай олади. Лекин *(диванда) ётмабди, (жойида) турмабди* формасида фақат ўтган замон маъноси ифодаланади (ҳеч вақт ҳозирги замон маъноси ифодаланмайди). Бу нарса *юр, ўтир* феълларига ҳам тааллуқли, яъни *юр, ўтир* феъллари ҳам *юрмабди, ўтирмабди* формасида ҳамма вақт ўтган замон маъносини билдиради.

Энди бу феълларнинг *ётибди, турибди, юрибди, ўтирибди* формасида ҳозирги замон маъносининг ифодаланиш сабабига тўхтаб ўтайлик.

Ётибди, турибди, юрибди, ўтирибди формасида ҳозирги замон маъносининг ифодаланишига сабаб бу феълларнинг ҳолат билдирганда давомлилик маъносига эга бўлишидир. Чунки давомлиликни ифодалаш ҳозирги замон феъл формаларининг барчасига хос хусусиятдир: *ишляяпти, ишляётган* эди каби. Буларнинг иккаласида ҳам давомлилик маъноси ифодаланади ва бу маъно ҳозирги замон формасига *-яп, -ёт* аффиксларига хос маънодир. *Ётибди, турибди, юрибди, ўтирибди* феълларида ҳам давомлилик маъноси бор. Лекин бу маъно *-(и) б* аффиксига эмас, балки шу феълларнинг ўзагига (*ёт, тур, юр, ўтир* қисмига) хос маънодир: *далада ишляётган*

эди, далада юрган эди. Иккала мисолда ҳам давомлилик маъноси бор. Биринчисида давомлилик маъноси *-ёт* аффикси орқали ифодаланади. Иккинчисида эса бу маъно бевосита *юр* феълнинг ўзига хос маънодир.

Энди бу феълларнинг кўмакчи феъл сифатида қўлланиши, ифодалайдиган маънолари ва уларнинг ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари баҳсига ўтамиз.

Бу кўмакчи феъллар ҳозирги ўзбек тилида жуда кенг қўлланади. Улар етакчи феълга *-(и) б* равишдош ясовчиси орқали бирикади: *ишлаб ётмоқ, ишлаб турмоқ, ишлаб юрмоқ, ишлаб ўтирмоқ* каби. Фақат *тур* кўмакчи феъли *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдош формаси билан ҳам бирика олади: *вла турмоқ, ишлай турмоқ.*

Юқоридаги кўмакчи феъллар ўтимли феъллар билан ҳам, ўтимсиз феъллар билан ҳам бирика олади: *ёзиб ётибди, йиглаб ётибди; ёзиб турибди, йиглаб турибди; ёзиб юрибди, йиглаб юрибди; ёзиб ўтирибди, йиглаб ўтирибди* каби.

Бу тўрт феълнинг кўмакчи феъл сифатида қўлланиши ҳақида гапирганда, яна уларнинг ҳаракатни ҳамда ҳолатни ифодалашини фарқлаш лозим бўлади. *Ёт, тур, юр, ўтир* феъллари ҳаракатни билдирганда (ҳаракат феъли сифатида) ҳеч вақт кўмакчи феъл вазифасида келмайди, улар ҳамма вақт лексик жиҳатдан мустақиллигини ва грамматик жиҳатдан ҳокимлигини сақлайди. Фақат ҳолатни билдиргандагина кўмакчи феъл вазифасида кела олади.

Юқорида *ёт, тур, юр, ўтир* ҳолат феълларининг давомлилик маъносига эгаллиги, шунингдек, *ётибди, турибди, юрибди, ўтирибди* формасида ҳозирги замон маъносини ифодалашни айтиб ўтилди. Бу феъллар кўмакчи феъл вазифасида қўлланганда ҳам шу хусусиятларини сақлайди.

1. *Ёт, тур, юр, ўтир* феъллари кўмакчи феъл вазифасида қўлланганда, қандай замон формасида бўлишидан қатъий назар, етакчи феълдаги ҳаракатнинг давомлилиги, такрорийлиги маъносини билдиради. Шунингдек, буйруқ ва шарт майли формасида ҳам, ҳаракат номи формасида ҳам давомлиликни ифодалайверади:

*Тоғда очилган лола
Териб тўдалай дейман,
Яшнаб ётган ғўзамни
Кунда бир кўрай дейман* (Халқ қўшиғи).

Элмурод ... муҳим маълумотлар ва сўзларни қоғозга ёзиб ҳам турди (П. Гурсун, Уқитувчи). Сиз биринчи навбат бедани келтиргунча, Карим ота билан Мирвали банги ғарам

тушатурган жойни ёноқроқ, сув тўхтамайтурган қилиб те-
кислаб турсинлар (А. Қодирий, О. к.). Камол Қари-
мийнинг ҳикоялари университетнинг сўнги курсида ўқи-
б юрган йилларидаёқ тўплам бўлиб чиққан эди (Саид Аҳ-
мад, Илҳом париси). Эшикни қоқмасдан бурун, гўё уларни
кутиб ўтирган каби боғ эгаси чиқди (Ойбек, Қ. қ.).

2. *Ёт, тур, юр, ўтир* кўмакчи феълларининг *-(у) б* аффик-
си орқали ясалган равишдош формаси шахс-сон билан тус-
лаңганда, етакчи феълдаги ҳаракатнинг ҳозирги замонга оид-
лиги ифодаланади, яъни аниқ ҳозирги замон феълнинг тас-
вирий формаси шу тўрт кўмакчи феъл ёрдамида ясалади:
*Май ойининг ҳаётбахш қуёши ўзининг эркаловчи, заррин нур-
ларини оламга сочиб ётибди* (Х. Зиёхонова, Унутилмас
хатолар). *Ҳали душманларимиз тинчигани йўқ ... ҳушёрликни
қўлдан бердинг, калланга соламан, деб пойлаб турибди*
(А. Мухтор, Опа-с.). *Мен звенога Ғуломжонни мўлжалла-
б юрибман...* (Х. Нуъмон, Фасллар). *Ҳали келишгани
йўқ, ўзим ҳам хавотир бўлиб ўтирибман* (А. Қаҳқор,
Қ. ч.).

Ҳозирги замон феълнинг тасвирий формаси (*ишлаб ётибди*,
ишлаб турибди, *ишлаб юрибди* формаси) аниқ ҳозирги
замон феъли тарихида биринчи босқич ҳисобланади¹². Туркий
тилларнинг барчасида ҳам аниқ ҳозирги замон феълнинг аф-
фикслар орқали ясалувчи формаси ана шу тасвирий форман-
дан келиб чиққан (*-моқда* аффикси мустасно).

Энди *ёт, тур, юр, ўтир* феълларининг кўмакчи феълга ай-
ланиши ва уларнинг бир асосий маънони — давомлилик маъ-
носини ифодалаш сабабига тўхтаб ўтамыз.

Ёт, тур, юр, ўтир феъллари субъектнинг бир-биридан фарқ-
ли бўлган конкрет ҳолатини ифодалаш билан бирга, булар-
нинг маъносида умумий томон ҳам бор. Мас., *ёт* феъли «би-
рор нарса устида горизонтал жойлашган ҳолатда бўлмоқ»
маъносини, *тур* феъли «оёқ таянчида тик (вертикал) ҳолатда
бўлмоқ» маъносини, *юр* феъли «бирор юзада қўзғолиш (дви-
жение) ҳолатида бўлмоқ» маъносини, *ўтир феъли* думба
таянчида гавдани тик (вертикал) тутган ҳолатда бўлмоқ»
маъносини билдиради¹³.

¹² Баъзи туркий тилларда аниқ ҳозирги замон феъли ҳозирги вақтда
ҳам фақат аналитик йўл билан (*ёт, тур, юр, ўтир* кўмакчи феълларининг
ёрдами билан) ясалади. Қаранг: Ф. Г. Исхаков, *Формы настоящего*
времени глагола изъявительного наклонения в тувинском языке, «Исследо-
вания по сравнительной грамматике тюркских языков», II, Морфология,
М., 1956, стр. 304—313.

¹³ *Ёт, тур, юр, ўтир* феъллари яна бошқа маъноларга ҳам эга, албатта.
Лекин бу ўринда уларнинг ҳамма маъносини санаб ўтирмаймиз.

Изоҳлардан кўриниб турибдики, *ёт, тур, юр, ўтир* феълларининг маъносида икки томон (икки қирра) бор: 1) ҳар бир феъл ифодалайдиган конкрет ҳолат; 2) шу ҳолатда бўлиш (находиться). Ана шу иккинчиси *ёт, тур, юр, ўтир* феълларининг ҳаммаси учун умумий, яъни бу феълларнинг ҳар бири бир-биридан фарқли конкрет ҳолатни ифодалаши билан бирга уларнинг ҳаммаси шундай ҳолатда бўлишни ҳам ифодалайди. Ҳатто, уларнинг маъносидаги «бўлиш» (находиться) элементи кейинчалик бу феълларнинг асосий маъноларидан бирига айланган (ўша маъно келиб чиққан). Ҳозирги ўзбек тилида бу феълларнинг ҳаммаси ҳам ана шу маънога эга: *Бу кенг, баланд ва қурум босган бинога кирган одам ҳақиқатан ҳам ҳар бир бурқда бир «дев» ётган деб ўйлаши мумкин эди* (С. Айний, Эсдаликлар). *У (Зиёдилла) Сергейнинг сўзларидан.. «лашқари ислом»нинг ишонган кишилари қамалиш арафасида турганини тушунди* (Ҳ. Фулом, Машъал). *Аллақандай тўфон-мўфон замонда юрибсиз-а. Яқиндагиларни, айниқса ҳозирги кунда санқиб юрган товламачиларни фош қилинг-да* (Ойбек, О. в. ш.).

Ўтир кўмакчи феъли «находиться» маъносини ифодалаган ҳолларда ҳам субъектнинг шу феъл ифодалайдиган ҳолати маъноси бутунлай йўқолмайди, балки маълум даражада сақланади:

— *Қаерда ўтирибсиз, Тўлаган ака?*

— *Сельсоветда ўтирибман, нима эди?* (А. Қаҳҳор, Қ. ч.).

Мисолдан кўриниб турибдики, Тўлаган ака ўтирган ҳолатда. Лекин бунда асосий нарса субъектнинг қандай ҳолатда эканлиги эмас, балки қаерда мавжуд эканлигидир.

Демак, *ёт, тур, юр, ўтир* феъллари ҳозирги ўзбек тилида «мавжуд бўлмоқ» («находиться») маъносига эга. Улар кўмакчи феъл сифатида қўлланганда, худди шу маъноси билан қатнашади (шу маънони билдиради) ва субъектнинг етакчи феълдаги ҳаракат-ҳолатда (шу ҳаракат-ҳолат процессида) мавжуд бўлиши маъносини билдиради:

Тоғ этакларидан то қорли чўқчиларгача арчазорлар. Улар кишин-ёзин кўм-кўк бўлиб ётади (Мирмуҳсин, Ҳамзаобод). *Абдизукур икковимиз... йўлга тушганимизда ҳам кўкдаги юлдузлар чарақлаб турган эди* (С. Анорбоев, Раис ишда). *Аччиқ устида шундай бўлиб кетди-ю, ўшандан бери нима қилишимни билмай юрибман* (А. Қаҳҳор, Қ. ч.). *Баҳробоьдаги уй-жойини, қавм-қариндошини, ер-дўстини ташлаб келиб, биз билан жафо чекиб ўтирибдим и, баракалла!* (А. Қаҳҳор, Қ. ч.).

Кўм-кўк бўлиб ётади, чарақлаб турган эди, билмай юриб-

ман, жафо чекиб ўтирибди бирикувларида асосий нарса субъектнинг мавжуд бўлиши эмас, балки равишдош формасидаги феъллар билдирган ҳаракат-ҳолатидир. *Ёт, тур, юр, ўтир* феъллари ифодалаган маъно («мавжуд бўлиш» маъноси) равишдош формасидаги феъл ифодалаган маънога қўшимча маъно ҳисобланади.

Ёт, тур, юр, ўтир феъллари бирор сўз билан бирикиб келганда, шу феъллар ифодалаган ҳолат асосий ўринда турса, улар ҳамма вақт лексик жиҳатдан мустақиллигини ва грамматик жиҳатдан ҳокимлигини сақлайди: *диванда ётибди, стулда ўтирибди* каби. Бундай ҳолларда субъектнинг ўрни, ҳолати, шунингдек, бу ўрин ва ҳолатда мавжудлиги тўла ифодаланади. Бунда субъектнинг ҳолати ва мавжуд бўлиши маъноси *ёт, тур, юр, ўтир* феъллари орқали ифодаланади.

Ёт, тур, юр, ўтир феъллари ўрин келишиги формасидаги сўзни бошқариб келган ҳолларда шу феъллар ифодалаган ҳолат асосий ўринда бўлмаслиги, балки асосий диққат субъектнинг қандай ўрин ёки вақтда мавжудлигига қаратилган бўлиши мумкин. Бунда ўрин ёки вақтни ўрин келишигидаги сўз кўрсатади, мавжуд бўлиш маъноси эса *тур, ёт, юр, ўтир* феъллари орқали ифодаланади: *кўчада турибди, кўчада юрибди*. Бундай ҳолларда *ёт, тур, юр, ўтир* феълларининг лексик ва грамматик жиҳатдан мустақиллиги сезилиб туради. Лекин бу мустақиллик мазкур феъллар ҳолатни ҳам ифодалаган ҳолларидаги каби тўла даражадаги мустақиллик эмас. Масалан, *байрам арафасида турибмиз* гапида *тур* феъли лексик жиҳатдан, шунингдек, синтактик жиҳатдан ҳам мустақил кесим ҳисобланади. Лекин бу мустақиллик тўла маънодаги мустақиллик эмас. Шунинг учун ҳам келтирилган мисолда *тур* феъли тушириб қолдирилса ҳам мазмун деярли ўзгармайди: *байрам арафасида турибмиз — байрам арафасидамиз*.

Ёт, тур, юр, ўтир феъллари равишдош формасидаги феъллар билан бирикиб келганда уларнинг маъносидаги конкрет ҳолат элементи (ётиш, туриш, ўтириш, юриш ҳолатлари) билан «мавжуд бўлиш» элементи тўла сақланса, улар лексик ва грамматик жиҳатдан мустақил бўлади. Равишдош формасидаги феъл синтактик жиҳатдан *ёт, тур, юр, ўтир* феълларига тобе бўлади: *караватда газета ўқиб ётибди, хаёл суриб ўтирибди* каби. Бунда субъектнинг газета ўқиган ҳолда ётганлиги, хаёл сурган ҳолда ўтирганлиги ифодаланади.

Ана шундай бирикувларда субъектнинг *ёт, тур, юр, ўтир* феъллари билдирган конкрет ҳолати асосий эътиборда бўлмай, бу феъллар ўз маъносидаги «мавжуд бўлиш» элементи билан қатнашса, уларнинг (*ёт, тур, юр, ўтир* феълларининг) асосий сўзлик хусусияти йўқолади. *Ишлаб ётмоқ, ишлаб тур-*

моқ, ишлаб ўтирмоқ каби бирикувларда *ёт, тур, юр, ўтир* феъллари билдирадиган маънодаги асосий нарса—конкрет ҳолат бўлмагач, бу феълларнинг ўзи ҳам асосий феъл сифатида бўлмайди. Равишдош формасидаги феъл ифодалаган ҳаракат-ҳолат субъектнинг асосий ҳаракат-ҳолати бўлиб, бу феъл асосий феъл ҳисобланади. *Ёт, тур, юр, ўтир* феъллари ўз маъносидаги бир элемент («находиться» элементи) билан қатнашади. Бу элемент асосий феъл ифодалаган маънога қўшимча тарздаги маъно бўлади. Шунга кўра, *ёт, тур, юр, ўтир* феъллари равишдош формасидаги феълга нисбатан кўмакчи феъл ҳисобланади. Мас., *ишлаб ётмоқ, ишлаб турмоқ, ишлаб юрмоқ, ишлаб ўтирмоқ* бирикувларида субъектнинг ишлаш вақтида *ёт, тур, юр, ўтир* феъллари ифодалаган ҳолатда бўлиши ифодаланмайди. Бу бирикувларда *ёт, тур, юр, ўтир* феъллари фақат «находиться» маъноси билан қатнашади. Бу маъно эса келтирилган типдаги бирикувларда ҳамма вақт иккинчи даражали (асосий бўлмаган) маъно ҳисобланади.

Шундай ҳоллар ҳам борки, *ёт, тур, юр, ўтир* феълларининг ҳолат маъносини (ётиш, туриш, юриш, ўтириш ҳолатларини) ҳам ифодалаганлиги ёки фақат «находиться» маъноси билан қатнашганлиги аниқ бўлмайди. Бундай ҳолларда *ёт, тур, юр, ўтир* феълларининг асосий феъл ёки кўмакчи феъл эканлигини белгилаш ҳам қийин бўлади, яъни бундай ҳолларда *ёт, тур, юр, ўтир* феълларини асосий феъл деб ҳам, кўмакчи феъл деб ҳам қарайвериш мумкин бўлади:

Мана, бу ўрис китоб билан дардлашиб ётибди (Ойбек, Қ. қ.). *Унинг бутун ҳаракатини, авзойини кузатиб турган Сидиқжон бошини қуйи солди* (А. Қаҳҳор, Қ. ч.). *Умрзоқ отанинг кўзи звено ерларини ўлчаб юрган кишиларга тушди ва машинани тўхтатди* (Ш. Рашидов, Ғолиблар). *Тезроқ боринг, меҳмонлар кутиб ўтирибди* (Т. ҳ.).

Келтирилган мисоллардаги *дардлашиб ётибди, кузатиб турган, ўлчаб юрган, кутиб ўтирибди* бирикувларида *ёт, тур, юр, ўтир* феъллари «находиться» маъноси билан бирга ҳолат маъносини (ётиш, туриш, юриш, ўтириш ҳолатларини) ҳам билдиради. Шунга кўра, улар мазкур бирикувларда мустақил феълдек кўринади. Лекин бу бирикувларда *ёт, тур, юр, ўтир* феъллари маълум даражада ўз маъносини сақлаганлигидан қатъий назар, уларни мустақил феъл (асосий феъл) дея олмаймиз. Буларда қайси феълнинг (равишдош формасидаги феъл ёки *ёт, тур, юр, ўтир* феълларининг) асосий феъл эканлиги мазкур бирикувларда улардан қайси бири ифодалаган ҳаракат-ҳолатнинг асосий эканлигига қараб белгиланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, келтирилган мисолларда *ёт, тур, юр, ўтир* феъллари эмас, балки уларга бирикиб

келган равишдош формасидаги феъл асосий феъл ҳисобланади. Буни нима билан исботлаш мумкин?

Биринчидан, мазкур бирикувларда равишдош формасидаги феъллар ўз мустақиллигини тўла сақлаганлиги туфайли гапда маълум сўзларни бошқариб келади. *Ёт, тур, юр, ўтир* феъллари бирор сўзни бошқариб келмайди.

Иккинчидан, кесимга қўйиладиган сўроққа *ёт, тур, юр, ўтир* феъллари эмас, балки уларга бирикиб келган равишдош формасидаги феъл жавоб бўлади.

Учинчидан, мазкур бирикувларда равишдош формасидаги феъл асосий феъл (асосий маънони ифодаловчи феъл) бўлгани сабабли уларни тушириб қолдириш мумкин эмас. *Ёт, тур, юр, ўтир* феълларини тушириб қолдириб, улар ифодалаган маънони бошқа грамматик формалар орқали ифодалаш ҳам мумкин: *дардлашиб ётибди — дардлашяпти, кутиб ўтирибди — кутяпти* каби. Бунда маъно оттенкасида қисман ўзгариш рўй берса-да, лекин асосий маъно ўзгармайди.

Агар бу типдаги бирикувларда *ёт, тур, юр, ўтир* феъллари ифодалаган ҳолат асосий бўлса, улар мустақил сўроққа жавоб бериб, маълум сўзларни бошқариб келади ва бирикув таркибидан уларни тушириб қолдириш мумкин бўлмайди. *Ёт, тур, юр, ўтир* феълларига бирикиб келган равишдош формасидаги феъл эса шу феълларнинг белгисини кўрсатади ва синтактик жиҳатдан ҳол вазифасида бўлади:

Мана бу ўрис китоб билан дардлашиб ётибди, лаби қимирламаса ҳам, гаплашаётибди (Ойбек Қ. қ.). *Погодин ён-верига қаради, унинг кўзи харсанг устида кулиб турган* *Лоланинг кўзига тушди* (Ш. Рашидов, Ғолиблар).

Биринчи мисолда *дардлашиб ётибди* бирикувидаги *дардлашмоқ* феъли билдирган ҳаракатни бажараётганда субъект ҳақиқатан ётган ҳолатда. Лекин бундаги асосий нарса субъектнинг ётган ҳолати эмас, балки дардлашаётганлигидир. Шунинг учун ҳам сўзловчи субъектнинг айнан шу ҳолатда бажараётган иккинчи ҳаракатини (гаплашиш ҳаракатини) ифодалашда *ёт* феълени қўлламай бу феъл ифодалайдиган маънони *ётиб* аффикси орқали ифодалайверади (*гаплаша — ётибди*).

Иккинчи мисолда бунинг аксини кўрамиз. *Харсанг устида кулиб турган* бирикувида *тур* феъли лексик мустақиллигини тўла сақлаган. Шунга кўра, у ўрин келишигидаги сўзни ҳам бошқармоқда. Кесимга қўйиладиган сўроққа ҳам *тур* феъли жавоб бўлади. Равишдош формасидаги феъл (*кулиб*) унинг белгисини кўрсатади ва ҳол вазифасида келади. Бу бирикувда *тур* феъли асосий феъл бўлганлигидан уни тушириб қол-

дириш мумкин эмас. Аксинча, равишдош формасидаги феълни тушириб қолдириш мумкин, яъни *харсанг устида кулиб турган* мисолидаги *кулиб турган* бирикуви ўрнида *қулаётган* формасини қўлаш мумкин бўлмайди. Аксинча, *кул* феълни тушириб қолдириб, *харсанг устида турган* тарзида ифодалаш мумкин.

Демак, *ишлаб ётибди*, *ишлаб турибди*, *ишлаб ўтирибди* типидagi бирикувларда *ёт*, *тур*, *юр*, *ўтир* феълларининг маъносида конкрет ҳолат маъноси, шунингдек, «мавжуд бўлмоқ» (находиться) элементи ҳам тўла сақланса, уларнинг лексик ва грамматик жиҳатдан мустақиллиги ҳам тўла сақланади. Агар *ёт*, *тур*, *юр*, *ўтир* феълларининг маъносидаги конкрет ҳолат элементи кучсизланса ёки бутунлай бўлмаса, уларнинг лексик-грамматик жиҳатдан мустақиллиги йўқолади. Шунга кўра, улар ўзи бирикиб келган равишдош формасидаги феълга нисбатан иккинчи даражали (ёрдамчи) маънони ифодаловчи феъл-кўмакчи феъл сифатида бўлади. Бундай ҳолларда *ёт*, *тур*, *юр*, *ўтир* феълларининг маъносидаги асосий нарса-конкрет ҳолат ўрнида равишдош формасидаги феъл ифодалаган ҳаракат-ҳолат туради. *Ёт*, *тур*, *юр*, *ўтир* феъллари фақат «мавжуд бўлмоқ» (находиться) маъноси билан қолади. Бу феъллар мустақил феъл сифатида қўлланганда, улар маъносида қуйидаги ҳолатни кўрамир:

Ҳар биридаги конкрет ҳолат:	Маънодаги умумий қирра:	
бутун гавда билан горизонтал жойлашган ҳолат(да)	← ————— <i>ёт</i> ————— →	↓
оёқ билан таянган тик ҳолат(да)	← ————— <i>тур</i> ————— →	
қўзғалиш (движение) ҳолати(да)	← ————— <i>юр</i> ————— →	мавжуд бўлмоқ (находиться)
думба билан таяниб, гавдани тик тутган ҳолат(да)	← ————— <i>ўтир</i> ————— →	↑

Ёт, *тур*, *юр*, *ўтир* феълларининг ана шу икки томонининг йиғиндиси улар ифодалаган маънонинг изоҳидир. *Ёт*, *тур*, *юр*, *ўтир* феъллари мустақил феъл сифатида бўлганда, уларнинг маъносидаги ана шу икки томон (икки қирра) тўла сақланади.

Бу феъллар кўмакчи феъл сифатида бўлганда, бирикувнинг маъносида қуйидаги ҳолатни кўрамир:

ишдаш ҳаракат-ҳолати(да)		ишлаб	o ← ёт		мавжуд бўлмоқ (находиться)
		ишлаб	o ← тур		
		ишлаб	o ← юр		
		ишлаб	o ← ўтир		

Демак, бунда *ёт, тур, юр, ўтир* феълларининг маъносига элементлар тўла сақланмайди, балки маънодаги асосий томон (асосий қирра), яъни улар ифодалайдиган ҳолат мавжуд бўлмай, балки уларнинг ўрнида равишдош формасидаги феъл ифодалаган ҳаракат-ҳолат бўлади. *Ёт, тур, юр, ўтир* ўз маъноларидаги умумий қирра — мавжуд бўлмоқ (находиться) қирраси билан қатнашади. Шунинг учун ҳам бундай бириқувларда равишдош формасидаги феъл асосий феъл, *ёт, тур, юр, ўтир* феъллари эса кўмакчи феъл ҳисобланади.

Оқорида *ёт, тур, юр, ўтир* кўмакчи феълларининг умумий белги-хусусиятлари ҳақида гапирганда уларнинг ҳаммасининг давомлилик маъносини ифодалаши (давомлилик маъносига эгаллиги) айтилган эди. Бунинг сабабини юқоридаги шаклдан аниқ кўриш мумкин: ундаги феълларнинг ҳаммаси кўмакчи феъл вазифасида ўзининг мустақил маъносига «мавжуд бўлмоқ» (находиться) элементи (қирраси) билан қатнашмоқ да. Ана шу «мавжуд бўлмоқ» элементидан давомлилик маъноси келиб чиқади, яъни «ишлаб турибди» деган сўз «ишлаган ҳолатда мавжуд» деган сўздир. «Ишлаган ҳолатда мавжуд» деган сўз «ишлаш ҳаракат-ҳолати давом этяпти» деган сўздир.

Айтилганлардан маълум бўлишича, *ёт, тур, юр, ўтир* кўмакчи феъллари икки асосий белги-хусусиятлари билан умумийликка эга: 1) бу кўмакчи феълларнинг ҳаммаси давомлилик маъносига эга; 2) уларнинг ҳаммаси ҳам равишдош ясовчи *-(и) б* аффиксини олиб, шахс-сон билан тусланганда, етакчи феълдаги ҳаракатнинг ҳозирги замонга оидлигини ифодалайди.

Ёт

1. *Ёт* мустақил феъли жонли предметларга нисбатан ҳам, жонсиз предметларга нисбатан ҳам қўлланаверади: *уйда укам ётибди, ёрда қоғоз ётибди*. Шунга кўра *ёт* феъли кўмакчи феъл вазифасида жонли предметлар бажарувчи ҳаракатни билдирадиган феъллар билан ҳам, жонсиз предметлар бажарувчи ҳаракатни билдирадиган феъллар билан ҳам бирика олади: *эрталабдан бери ишлаб ётибди, дарахтнинг бир шохи синиб ётибди* каби.

2. *Et* кўмакчи феъли ўз маъносини, қисман бўлса-да сақлаган ҳолда етакчи феълдаги ҳаракатнинг давомлилиги ва ҳозирги замонга оидлигини билдиради. Ўз маъносини маълум даражада сақлаши сабабли бундай ҳолларда унинг ўрнида *тур, юр, ўтир* кўмакчи феълларини қўллаб бўлмайди: *Бизнинг кампир бўлса, бу чўлда тилсим борлигини, уни олов пишқирадиган бир аждаҳо пойлаб ётишини... худди ростдай қилиб гапирарди* (Ойбек О. в. ш.). *Мана, бу ўрис китоб билан дардлашиб ётибди...* (Ойбек, Қ. қ.).

3. *Et* кўмакчи феъли етакчи феълдаги ҳаракатни кучайтиради (кучли оттенка билан ифодалайди): *Капсанчилар ҳозир битта колхоз бўлган. Дарёдан сув чиқаришга уришиб ётишибди* (А. Қаҳҳор, Қ. ч.) *Ҳеч кимга хор-зор бўлмай, деб тиришиб-тирмашиб ётибман* (Ойбек, Қ. қ.).

Et кўмакчи феълнинг ҳаракатни кучли оттенка билан ифодалаш хусусияти унинг қўлланиш доирасини маълум даражада чегаралаб қўяди. Чунки ҳар қандай ҳаракат жоңжаҳд билан (зўр бериб) бажариладиган ҳаракат бўлавермайди: *хат ёзишни биялпти, раҳбарликни уддалаяпти*. Бу гапдаги *биялпти, уддалаяпти* феъллари ифодалаган ҳаракатлар субъект жоңжаҳди билан бажарадиган ҳаракатлар бўлмагани учун ҳам, биялпти, уддалаяпти феъл формаси ўрнида *билиб ётибди, уддалаб ётибди* формасини қўллаб бўлмайди, яъни бу феъллар билан *ёт* кўмакчи феъли бирика олмайди.

4. *Et* кўмакчи феъли субъектнинг етакчи феълдан англашилган ҳолатда мавжудлиги маъносини билдиради: *Бориб қарасам, учала водокачка ҳам вайрон-валангор, эгилган-букилган темир-терсақлар занглаб ётибди* (А. Қаҳҳор, Қ. ч.). *У... қари чолниқига ўхшаш тиришиб ётган қонсиз юзи дан чўпиллатиб-чўпиллатиб ўпди*. (М. Исмоилий, Ф. т. о.).

Et кўмакчи феъли субъектнинг етакчи феълдан англашилган ҳолатда мавжудлиги (унинг етакчи феъл ифодалаган ҳолати мавжудлиги) маъносини билдирган ҳолларда субъект актив бажарувчи сифатида бўлмайди, яъни унинг ҳолати динамик характерга эга бўлмайди. Бу ҳолат субъект томонидан актив бажарилмайдиган статик (тинч) ҳолат бўлади: *занглаб ётибди, тиришиб ётган* бириқувларида субъект томонидан бажарилаётган ҳаракат-ҳолат йўқ (субъект занглаш, тиришиш ҳаракатини бажараётгани йўқ). Субъект етакчи феълдан англашилган ҳолатда тинч давом этипти (у ҳаракатда эмас, балки тинч ҳолатда).

Юр, ўтир кўмакчи феъллари субъектнинг статик ҳолатини (шундай ҳолатда мавжудлигини) кўрсатмайди. Фақат *тур кўмакчи* феъли *ёт* кўмакчи феъли каби, субъектнинг статик ҳолатда мавжудлигини ифодалай олади. Шунга қарамай, *ёт*

кўмакчи феъли субъектнинг статик ҳолатда мавжудлигини ифодалаган ҳолларда унинг ўрнида *тур* кўмакчи феълени қўллаш маъно оттенкасига таъсир этади. Чунки *ёт* кўмакчи феъли субъектнинг бирор статик ҳолатда мавжудлигини билдирган ҳолларда ҳам шу ҳолатни кучли оттенка билан ифодалайди: *Атрофларда меваларнинг чарақлаб ётган гуллари ям-яшил ипак гиламлар тўшалган дала хусини яна ҳам сўиб юборган* (Х. Зиёхонова, Унутилмас хатолар). *Аллоннинг бир жувози тақа-тақ тўхтади, чўлонларда балиқ сасимоқда, увилдириқхонани пашша босиб ётибди* (А. Мухтор, Қор. қ.).

Субъектнинг тинч ҳолатини қол кўмакчи феъли ҳам ифодалайди. Лекин бундан қатъий назар, субъектнинг статик ҳолатини ифодаловчи қол кўмакчи феъли ўрнида *ёт* кўмакчи феълени ва, аксинча, *ёт* кўмакчи феъли ўрнида қол кўмакчи феълени қўллаш мумкин бўлмайди. Чунки *ёт* ва қол кўмакчи феъллари субъектнинг статик ҳолатини билдирган вақтларда уларнинг ҳар бири ўзига хос яна бошқа қўшимча маъноларни ҳам ифодалайди. Мас., қол кўмакчи феъли субъектнинг статик ҳолатини билдирганда, етакчи феъллардаги ҳаракатнинг ба-жарилганлиги ва ҳолатга айланганлигини (шундай ҳолат юзга келганлигини), динамиканинг статикага ўтишини билдиради (қол кўмакчи феълнинг биринчи маъносига қаранг). *Ёт* кўмакчи феъли динамиканинг статикага айланишини кўрсатмайди, балки у субъектнинг етакчи феълдан англашилган ҳолатда мавжудлигини билдиради. Шунингдек, *ёт* кўмакчи феъли маънони кучайтириш хусусиятига эга. *Қол* кўмакчи феъли бу хусусиятдан маҳрум. Қиёсланг: *эшик очилиб қолибди — эшик очилиб ётибди, юзи кўкариб қолибди — юзи кўкариб ётибди*.

5. *Ёт* кўмакчи феъли барча майл ва замон формаларида қўллана олади. Лекин биз тўплаган материаллар шуни кўрсатадики, *ёт* кўмакчи феъли бошқа майл ва бошқа замон формаларига нисбатан аниқлик майлининг ҳозирги замон формасида кўп қўлланади¹⁴.

Тур

Тур мустақил феъли жонли предметларга нисбатан ҳам, жонсиз предметларга нисбатан ҳам қўлланаверади: *Ташқарида одам турибди. Стол устида китоб турибди*. Унинг бу хусусияти

¹⁴ Проф. Н. А. Баскаковнинг кўрсатишича, *ёт* кўмакчи феъли қорақалпоқ тилида ҳам худди шундай хусусиятга эга. Қаранг: Н. А. Баскаков, Каракалпакский язык, II, Фонетика и морфология, ч. 1, М., 1952, стр. 369.

кўмакчи феъл сифатида қўлланганда ҳам сақланади. Шунга кўра, тур кўмакчи феъли жонли предметлар бажарадиган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан ҳам, жонсиз предметлар бажарадиган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан ҳам бирика олади: *Карим хат ёзиб турди. Шамол эсиб турди.*

Тур кўмакчи феъли равишдошнинг ҳар иккала тури *-(и) б* ва *а-, -й* аффикслари орқали ясалган тури) билан бирика олади: *ёзиб тур, ёза тур; бориб тур, бора тур* каби.

Юқоридаги хусусиятларига кўра, бу кўмакчи феълнинг қўлланиш доираси жуда кенгдир.

I. Тур кўмакчи феъли равишдошнинг *-(и) б* аффикси орқали ясалган турига бирикканда, қуйидаги маъноларни ва маъно оттенкаларини билдиради:

1) етакчи феълдаги ҳаракатнинг маълум конкрет чегараланган вақт ичида давом этишини билдиради: *Сидиқжон анҳорнинг нариги ёғида анжир очаётган бўлиб, қизни кузатиб турган эди* (А. Қаҳҳор, Қ. ч.). *Улар машинадан тушиб, йўл четидаги дарахтлар орқасига ўтиб турдилар* (Ойбек, О. в. ш.).

Тур кўмакчи феъли ҳаракатнинг маълум конкрет вақт ичида давом этишини билдириши сабабли, у ҳозирги замон формасида қўлланганда, етакчи феълдаги ҳаракатнинг худди нутқ моментида бўлаётганлиги ифодаланади: *Нима гап, қандай жанжал бўлганини ҳам пайқаб турибман* (А. Мухтор, Опа-с.).

— *Кўнглингда қандай ўй борлиги кўзингдан кўриниб турибди.*

— *Шуни айтайми-айтмайми, деб ўйлаб турибман* (С. Айний, Дохунда).

Демак, тур кўмакчи феъли ҳаракат-ҳолатнинг маълум конкрет вақт доирасида бажарилишини билдиради. Бу кўмакчи феъл ҳаракат давомлилигининг вақт нуқтаи назаридан чегараланганлигини билдириши билан давомлиликни ифодаловчи *ёт, юр, ўтир* кўмакчи феълларидан фарқланади.

Тур кўмакчи феълнинг бу хусусиятини қандай изоҳлаш мумкин?

Бизнингча, бу ҳодиса тур мустақил феъли билдирган ҳолатнинг хусусиятидан келиб чиқади.

Киши (шахс) ёки бошқа жонли нарса тик ҳолатда қимирламай (юрмай, ўтирмай, ётмай ва ҳоказо) узоқ тура олмайди. Бошқача қилиб айтганда, туриш ҳолати узоқ давом этувчи ҳолат эмас. Айтайлик, одамнинг бир сутка қимирламай тик ҳолатда туриши объектив ҳолда мумкин бўлмайдиган ҳодисадир. Шунингдек, одам бирор ҳаракатни бажариш процессида узоқ вақт тик турган ҳолатда бўлиши ҳам мумкин эмас. Мас.,

бирор китобни беш-олти соат тик турган ҳолатда (юрмай, ўтирмай) ўқиш объектив ҳолда мумкин бўлмайдиган ҳодисадир. Демак, *тур* феъли билдирган ҳолатнинг давомлилиги (ўзгармай давом этиши) объектив ҳолда чегараланган бўлиб, у қисқа вақт давом этувчи ҳолатдир. Тур кўмакчи феълида давомлиликнинг вақт нуқтай назаридан чегараланган бўлиши *тур* мустақил феъли билдирган ҳолатнинг ана шу хусусиятидан келиб чиқади;

2) етакчи феълдаги ҳаракатнинг маълум белгили вақт ичида, бирор ҳаракат ёки ҳодиса амалга ошгунча бажарилиши маъносини «вақтинча» деган маънони билдиради. Бундай ҳолларда контекстда етакчи феълдаги ҳаракатнинг бажарилиш муддатини (қай вақтгача давом этишини) кўрсатувчи сўз ёки сўзлар бирикмаси қатнашиши ҳам мумкин: *То шаҳардан муаллим келгунча, бўлис ўзлари ўқитиб турадилар* (Х. Фулом, Машъал). *Сиз ўқишга кетганингизда, дарахтларга ўзим қараб тураман* (Ш. Рашидов, Фолиблар). *Сувни тежаб сафлаш керак. Одамларингизга айтинг, ҳозирча тўхтаб туришин* (П. Қодиров, Қадрим).

Тур кўмакчи феъли юқоридаги маънони ифодалаган ҳолларда ўз маъносини («стоять» маъносини) бутунлай йўқотади. Шунинг учун ҳам у бу маънода *тур* феълига қарама-қарши маъно билдирувчи *ёт, юр, ўтир* феъллари билан ҳам, ҳатто, *тур* феълининг ўзи билан ҳам бирика олади: *бирпас юриб тур, бир пас ўтириб тур, туриб тур* каби;

3) *тур* кўмакчи феъли айрим феъллар билан бирикканда, етакчи феълдаги ҳаракатнинг такрорийлиги маъноси ифодаланаяди: *Район газетаси ишнинг бориши ва айрим қолақ бригада, ҳатто, айрим одамларнинг қандай ишлаётгани тўғрисида тез-тез ёзиб тура-р эди* (А. Қаҳҳор, Қ. ч.). *Улар Олимжон кетган кунлардан бошлаб... бир-бирлари билан санимий ва дўстона хат олишиб турдилар* (Ш. Рашидов, Фолиблар). *Биз томонларга ҳам бориб туринг* (Ойбек, О. в. ш.).

Ҳаракатнинг такрорийлиги маъноси бевосита *тур* кўмакчи феълининг ўзига хос маъно эмас. Бу маъно *тур* кўмакчи феълининг маъноси билан етакчи феълнинг лексик хусусиятига ҳам боғлиқдир. Шунинг учун ҳам *тур* кўмакчи феъли айрим феъллар билан бирикканда, етакчи феълдаги ҳаракатнинг худди нутқ моментиде бўлаётганлиги ёки такрорланиб давом этаётганлиги маъноси фақат контекстда реаллашади. Қуйидаги мисолларни қиёсланг: *Элмурод муҳим маълумотлар ва сўзларни қоғозга ёзиб ҳам турди* (П. Турсун, Ўқитувчи). *Сиз ўқтин-ўқтин ёзиб турдингиз-ку, лекин Ҳамдам акамдан сира дарак йўқ* (Ойбек, О. в. ш.).

Бориб туринг, келиб туринг каби бирикувлардаги такрорийлик маъноси қандай изоҳланади, деган савол туғилиши мумкин. Бунинг боиси шундаки, мас., *бориб туринг* бирикувида *бор* феъли ифодалаган ҳаракат ҳар сафар бир марта (однокртно) бажариладиган ҳаракатдир. *Тур* кўмакчи феъли шу ҳаракатнинг тугамаслигини билдиради. Бир марта бўладиган ҳаракат тугамаган экан, албатта, у такрорланаётган бўлади.

Кўринадики, такрорийлик маъноси *тур* кўмакчи феъли бир марта бўладиган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бириккандатина ифодаланади;

4) субъектнинг етакчи феълдан англашилган ҳолатда мавжудлигини билдиради: *Ҳў анови нашватини қаранг, ўғлим,— деди у... меваларининг кунгай томони қизариб турган нашвати дарахтига имо қилиб* (М. Исмоилий, Ф. т. о.). *Шамол тўхтади, ҳавони қоплаб турган булут ғойиб бўлди* (Ш. Рашидов, Ғолиблар).

Тур кўмакчи феъли субъектнинг етакчи феълдан англашилган ҳолатда мавжудлигини билдирганда, субъект актив бажарувчи сифатида бўлмайди. Бу ҳолат — субъект томонидан актив бажарилмайдиган статик ҳолат бўлади: *қизариб турган нашвати* бирикувида субъект (нашвати) қизариш ҳаракатини бажараётгани йўқ, балки у шу ҳолатда (қизарган ҳолатда) мавжуд, холос;

5) равишдош ясовчи *-(и) б* аффикси билан қўлланганда (шахс-сон билан тусланмаган ҳолатда), субъектнинг иккинчи бир ҳаракатни бажарган вақтида етакчи феълдаги ҳаракатни давом эттираётганлиги (етакчи феълдаги ҳаракатни бажариш процессида иккинчи бир ҳаракат бажарганлиги) ифодаланади. Бундай ҳолларда иккинчи бир ҳаракатни билдирувчи сўз контекстда қатнашади: *кулиб туриб жон олмоқ, еб туриб маърамоқ* каби. Бунда икки ҳодиса бор:

а) агар бирор феъл ифодалаган ҳаракат бажарилгандан сўнг тинч ҳолатга айланадиган ҳаракат бўлса, *тур* кўмакчи феъли бундай феъллар билан бириккандда, субъектнинг етакчи феълдаги ҳаракатни бажариш процессида иккинчи бир ҳаракатни бажариши эмас, балки етакчи феълдан англашилган ҳолатда (тинч ҳолатда) иккинчи бир ҳаракатни бажариши ифодаланади: *Эшикни беркитиб туриб сўради*. Бунда эшикни беркитиш процессида сўраганлик эмас, балки беркитган ҳолатда сўраганлик ифодаланади;

б) етакчи феълдаги ҳаракат тинч ҳолатга айланмайдиган ҳаракат бўлса, субъектнинг шу ҳаракатни бажариш процессида иккинчи бир ҳаракатни бажарганлиги ифодаланади: *сўзлаб туриб кўз ташламоқ, йиғлаб туриб гапирмоқ* каби.

Тур кўмакчи феълнинг *-(и) б* аффикси билан ясалган

равишдош формасига бирикканда ифодалайдиган маънолари шулардан иборат. Унинг давомлиликни ифодаловчи кўмакчи феъл сифатида *ёт, юр, ўтир* кўмакчи феълларидан фарқланувчи асосий хусусияти давомлиликнинг вақт нуқтаи назаридан чегараланганлигини кўрсатишидир. «Вақтинча», «ҳозирча» деган маънони *ёт, юр* ёки *ўтир* кўмакчи феъли ифодаламай, фақат *тур* кўмакчи феълнинг ифодалаши ҳам бу кўмакчи феълнинг асосий хусусияти чегараланган давомни билдириш эжанлигини кўрсатади.

II. *Тур* кўмакчи феълнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдош формасига бирикканда ифодалайдиган маънолари *-(и) б* аффикси билан ясалган равишдош формасига бирикканда ифодалайдиган маъноларидан тубдан фарқ қилмайди. Равишдошнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган турига бирикканда ифодалайдиган маъноларини унинг *-(и) б* аффикси билан ясалган равишдошга бириккан формаси ҳам ифодалай олади. Аксинча, *-(и) б* аффикси билан ясалган равишдошга бириккан формаси ифодалайдиган баъзи маъноларни *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдошга бириккан формаси ифодалай олмайди. Мас., *-(и) б* аффикси билан ясалган равишдошга бирикканда ифодаланадиган такрорийлик маъноси, шунингдек, субъектнинг етакчи феълдан англашилган (тинч) ҳолатда мавжуд бўлиши маъноси *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдошга бирикканда ифодаланмайди.

Лекин *тур* кўмакчи феъли равишдошнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган турига бирикканда ифодаланадиган маъноларни равишдошнинг *-(и) б* аффикси билан ясалган турига бириккан формаси ҳам ифодалай олишидан қатъий назар бу икки форма (*ёзиб тур* ва *ёза тур* формалари) ўзига хос маъно оттенкалари ва бошқа хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилади. Қўйида ана шу фарқларни кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

Тур кўмакчи феъли равишдошнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган турига бирикканда, қўйидаги маъноларни ва маъно оттенкаларини ифодалайди:

1) етакчи феълдаги ҳаракатнинг вақтинча, бирор бошқа ҳаракат юз бергунча давом этиши маъносини (русча «пока» деган маънони) билдиради: *ола тур, қўя тур, ёза тур, ишлай тур* каби¹⁵.

¹⁵ *Тур* кўмакчи феъли бошқа баъзи туркий тилларда ҳам шу маънони ифодалайди. Қаранг: И. Е. М а м а н о в, *Вспомогательные глаголы в казахском языке*, Алма-Ата, 1949, стр. 58; А. Х а р и с о в, *Категория глагольных видов в башкирском языке*, Уфа, 1944, стр. 48.

Тур кўмакчи феъли бу маънони ифодалаган ҳолларда ўз асл маъносини бутунлай йўқотади. Шунинг учун ҳам *ёт*, *ўтир*, *юр* феъллари билан, ҳатто, *тур* феълнинг ўзи билан ҳам бирикаверади: *эта тур*, *юра тур*, *ўтира тур*, *тура тур* каби.

Тур кўмакчи феъли буйруқ майли формасида етакчи феълдаги ҳаракатнинг вақтинча, бошқа бирор ҳаракат юзага келгунча давом этиши маъносини билдирган ҳолларда буйруқ кучсизланиб, етакчи феълдаги ҳаракатни вақтинча бажариб туришга даъват ифодаланади: *ўтира туринг*, *ҳали вақт эрта*.

Тур кўмакчи феъли равишдошнинг *-(и) б* аффикси билан ясалган турига бирикканда ҳам юқоридаги маънони ифодалай олади: *бирпас ўтира тур*, *бирпас ўтириб тур* каби. Лекин бу икки форма ўзига хос маъно оттенкалари ва бошқа хусусиятлари билан бир-биридан фарқланади.

Биринчидан, *ўтира тур* формасида етакчи феълдаги ҳаракатнинг давомлилиги *ўтириб тур* формасидагига нисбатан қисқароқ бўлади¹⁶. *ёзиб тур* — *ёза тур*.

Иккинчидан, *тур* кўмакчи феъли равишдошнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган турига бирикканда, контекстан ташқарида ҳам «ҳозирча», «вақтинча» деган маънони ифодалайверади. Равишдошнинг *-(и) б* аффикси билан ясалган турига бирикканда эса бу маъно, кўпинча, контекстда реаллашади. Мас., *ёза тур* формасида ҳамма вақт «ҳозирча», «вақтинча» деган маъно ифодаланади. *ёзиб тур* формасида эса шу маъно ҳам, шунингдек, етакчи феълдаги ҳаракатнинг маълум конкрет вақтда бажарилиши маъноси ҳам ифодаланиши мумкин. Бу маънолардан қайси бири ифодаланганлиги контекстда реаллашади: *Уканга хат ёзиб тур* — такрорийлик. *Сен хат ёзиб тур*, *мен ҳозир келаман* — «ҳозирча» («мен келгунча») деган маъно: *сен айтиб тур*. *У ёзсин* — ҳаракатнинг маълум конкрет вақтда бажарилиши маъноси.

Учинчидан, *тур* кўмакчи феъли баъзи феълларга равишдош ясовчи *-(и) б* аффикси орқали бирикиб, «вақтинча», «ҳозирча» деган маънони билдирган ҳолларда субъектнинг етакчи феълдаги ҳаракатни бажаришда вақтинча, ҳозирча давом этиши эмас, балки етакчи феълдаги ҳаракатни бажарган ҳолатда вақтинча, ҳозирча мавжуд бўлиши ифодаланади (*бориб тур*, *чиқиб тур* каби):... *Чойни бўлса ичиб бўлдинг, энди ҳовлига чиқиб тур!* *Жиндек ҳуфия гапимиз бор* (С. Аҳмад, Ҳукм).

Бу мисолда субъектнинг ҳаракатни бажариши ва ундан юзага келган статик ҳолатда вақтинча мавжуд бўлиши маъноси ифодаланади.

¹⁶ Қаранг: А. Ф. Фуломов, Феъл, Тошкент, 1954, 82-бет.

Тур кўмакчи феъли равишдошнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган турига бирикканда, ҳеч вақт субъектнинг тинч ҳолатда вақтинча мавжуд бўлиши маъносини билдирмайди, балки ҳамма вақт субъектнинг етакчи феълдаги ҳаракатни вақтинча, ҳозирча бажаришда давом этиб туриши маъносини ифодалайди: *бора тур, чиқа тур* каби.

Тўртинчидан, *тур* кўмакчи феъли равишдошнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган турига бирикиб, буйруқ майли формасида қўлланганда, буйруқ кучсизланиб, етакчи феълдаги ҳаракатни вақтинча, ҳозирча бажариб туришга даъват, хайрихоҳлик маъноси ифодаланади. Равишдошнинг *-(и)* б аффикси билан ясалган турига бирикканда эса буйруқ, кўпинча, ўз кучида қолади (кучсизланмайди). Қиёсланг: *ишлай тур — ишлаб тур, ўтира тур — ўтириб тур*.

Шуни ҳам айтиш керакки, *тур* кўмакчи феъли «вақтинча», «ҳозирча» деган маънони ифодалаган ҳолларда унинг етакчи феълга икки марта (кетма-кет) қўшилиши ҳам учрайди. Бунда етакчи феъл *-(и)* б аффикси билан ясалган равишдош формасида, унга бириккан биринчи *тур* кўмакчи феъли *-а* аффикси билан ясалган равишдош формасида бўлади: *ишлаб тура тур, ўқиб тура тур* каби.

Тур кўмакчи феъли етакчи феълга икки марта (кетма-кет) қўшилган ҳолларда унинг маъноси таъкидланади ва етакчи феълдаги ҳаракатнинг бажарилиш муддати *ишлаб тур* формасидагига нисбатан, шунингдек, *ишлай тур* формасидагига нисбатан ҳам қисқароқ бўлади;

2) равишдош ясовчи *-(и)* б аффикси билан қўлланганда (шахс-сон билан тусланмаган ҳолатда), субъектнинг етакчи феълдаги ҳаракатни давом эттираётган ҳолда бошқа ҳаракатни бажариши ифодаланади. Бу ҳаракатни билдирувчи феъл контекстда қатнашади: — *Ботиралидай ўғилни тукқан онага ҳар қанча ҳурмат оз!— деди Эътибор опа... Тўлқинни кўрпачага ёт қиза туриб* (Ҳ. Ғулум, Машъал). *Муслим троллейбусга чиқа туриб бир қизнинг оёғини ғарч этиб босиб олди* (Ҳ. Зиёхонова, Кўнгил).

Тур кўмакчи феъли равишдошнинг *-(и)* б аффикси билан ясалган турига бирикканда ҳам субъектнинг етакчи феълдаги ҳаракатни бажариш давомида иккинчи бир ҳаракатни бажариши маъносини ифодалайди. Лекин шуниси характерлики, *тур* кўмакчи феъли равишдошнинг *-(и)* б аффикси билан ясалган турига бирикиб, шу маънони ифодалаган ҳолларда унинг ўрнида равишдошнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган турига бириккан формасини қўллаб бўлмайди ва, аксинча, *-а, -й* аффикслари билан ясалган турига бириккан формаси ўрнида *-(и)* б аффикси билан ясалган турига бириккан

формасини қўллаб бўлмайди. Мас., юқорида келтирилган мисоллардаги *ётқиза туриб, чиқа туриб* формасидаги бирикувлар ўрнида *ётқизиб туриб, чиқиб туриб* формасидаги бирикувларни қўллаб бўлмаганидек, *соқолини силаб туриб гапирди* жумласида қўлланган *силаб туриб* формасидаги бирикув ўрнида *силаб туриб* формасидаги бирикувни қўллаб бўлмайди.

Умуман, *тур* кўмакчи феълнинг бу маънода *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдошга бириқишига нисбатан *-(и) б* аффикси билан ясалган равишдошга бириқиши кўп феъллар доирасида бўлади. *Тур* кўмакчи феъли бу маънони ифодалашда *-а, -й* аффикслари орқали бириккан феълларга *-(и) б* аффикси орқали ҳам бирика олади. Мас., юқоридаги *ётқиза туриб, чиқа туриб* бирикувларидаги *ётқиз, чиқ* феълларига равишдош ясовчи *-(и) б* аффикси орқали ҳам бирика олади (маънода маълум ўзгариш бўлишидан қатъий назар): *ётқизиб туриб, чиқиб туриб, қўшиб туриб* каби. Лекин равишдош ясовчи *-(и) б* аффикси орқали бирика оладиган жуда кўп феълларга *-а, -й* равишдош ясовчиси орқали бирика олмайди. Мас., *кулиб туриб гапирмоқ, терлаб туриб сув ичмоқ* бирикувларидаги *кул, терла* феълларига *-а, -й* равишдош ясовчиси орқали бирика олмайди (*кула туриб, терлай туриб* формасида қўлланмайди).

Тур кўмакчи феълнинг бу маънони ифодалашда равишдош ясовчи *-а, -й* аффикслари орқали қандай феълларга бирика олиши ёки бирика олмаслиги шу феълларнинг лексик хусусиятига боғлиқ бўлади.

Баъзи феъллар шундай хусусиятга эга бўладики, улар ифодалаган ҳаракат бажарилгандан сўнг субъектнинг тинч ҳолати юзага келиши мумкин бўлади. Мас., *чиқ, ётқиз* феъллари. *Тур* кўмакчи феъли ана шундай хусусиятга эга бўлган феълларга равишдош ясовчи *-(и) б* аффикси орқали бирикканда, ҳамма вақт субъектнинг етакчи феълдан англашилган тинч ҳолат давомида иккинчи бир ҳаракатни бажариши маъноси ифодаланади: *чиқиб туриб гапирмоқ, ётқизиб туриб сўрамоқ* каби.

Тур кўмакчи феъли фақат ана шундай хусусиятга эга бўлган феълларгагина равишдош ясовчи *-а, -й* аффикслари орқали бирика олади ва субъектнинг етакчи феълдаги ҳаракатни бажариш процессида иккинчи бир ҳаракатни бажариши ифодаланади (мисоллар юқорида берилган). Қиёслаб: *чиқиб туриб — чиқа туриб, ётқизиб туриб — ётқиза туриб*. Демак, *тур* кўмакчи феъли ҳолатга айланиши мумкин бўлган ҳаракатни билдирувчи феълларга *-(и) б* аффикси орқали бирикканда, етакчи феъл ҳаракат билдирувчи феъл сифатида эмас, балки ҳолат (тинч ҳолат) билдирувчи феъл сифатида бўлади.

ва тур кўмакчи феъли шу ҳолатнинг давомлилиги маъносини билдиради. Шу феълларга *-а, -й* равишдош ясовчиси орқали бирикканда эса етакчи феъл ҳаракат билдирувчи феъл оифатида бўлади ва тур кўмакчи феъли етакчи феълдаги ҳаракатнинг давомлилиги маъносини билдиради.

Ўзбек тилида жуда кўп феъллар билдирадиган ҳаракатлар тинч ҳолатга айланмайдиган ҳаракатлардир. Тур кўмакчи феъли субъектнинг шу феъллар билдирган ҳаракатни бажариш процессида иккинчи бир ҳаракатни бажариши маъносини ифодалашда етакчи феълга ҳамма вақт равишдош ясовчи *-(и) б* аффикси орқали бирикади. Мас., субъектнинг *ўқимоқ, ишламоқ, гапирмоқ, ёзмоқ* феъллари билдирган ҳаракатни бажариш процессида иккинчи бир ҳаракатни бажарганлигини ифодалашда тур кўмакчи феъли бу феълларга фақат *-(и) б* равишдош формаси орқали бирикади: *ўқиб туриб қараб қўйди, ишлаб туриб, ... гапириб туриб, ёзиб туриб...* Шу маънони ифодалашда бу феълларга равишдош ясовчи *-а, -й* аффикси орқали бирикмайди;

3) тур кўмакчи феъли билмоқ, кўрмоқ, бўлмоқ феъллари билан бирикиб, *-(и) б* равишдош формаси билан қўлланганда (шахс-сон билан тусланмаган ҳолатда), «билгани ҳолда», «кўргани ҳолда», «бўлгани ҳолда» деган маъно ифодаланади. Шунинг билан бирга, гап ичидаги бирор сўз ифодалаган ҳаракат ёки ҳодисанинг етакчи феъл билдирган ҳаракатга зидлиги ҳам ифодаланади¹⁷: *Алижонга секин қаради-да, ундан истиҳола қилди шекилли, оғзига келган гапни дарров гапира олмади.*

— *Бола-чақаси бўла туриб бировнинг қизига ... (Ҳ. Нуъмон, Фасллар). Эргашнинг хулқини бўла туриб унга бир оғиз шипшитиб қўймаганига энди қаттиқ ўқинди (А. Мухтор, Опа-с.). Амирнинг раҳмсизлик билан одамларни ўлдирётганини кўра туриб бош кўтаришига ботинадимми? (С. Айний, Дохунда).*

Тур кўмакчи феъли билмоқ, кўрмоқ феълларига *-(и) б* равишдош ясовчиси орқали бирикканда ҳам шу маъно ифодаланиши мумкин:

Бир бечорага тухмат қилишса-ю, бўлиб туриб, кўра туриб жим ўтирсам, гуноҳ бўлмайдимми? (М. Исмоилий, Ф. т. о.). Она кўриб-бўлиб туриб уқасини қўлдан чиқариб юборган катта ўғлидан хафа эди (Шухрат, Она).

¹⁷ А. Харисовнинг кўрсатишича, бошқирд тилида ҳам худди шу ҳодиса бор. Қаранг: А. Харисов, Категория глагольных видов в башкирском языке, Уфа, 1944, стр. 49—50.

Лекин *тур* кўмакчи феълининг бу маънода равишдошнинг *-(и) б* аффикси билан ясалган формасига бирикишидан кўра, *-а, -й* аффикслари билан ясалган турига бириккан ҳолда қўлланиши кўп учрайди.

Лекин, шуниси ҳам борки, *тур* кўмакчи феъли кўр, бил феълларига бирикканда, ҳаракатнинг фақат онгли равишда бажарилиши ифодаланиши ва бунда бошқа бирор ҳаракатнинг бажарилиши етакчи феълдаги ҳаракатга зид бўлмаслиги мумкин. Қиёсланг: *билиб туриб қиляпти — била туриб қиляпти*. Биринчисида зидлик бўлиши ҳам мумкин, бўлмаслиги ҳам. Иккинчисида эса, албатта, зидлик маъноси бўлади. Шу сабабли *билиб туриб* формаси ўрнида *била туриб* формасини қўллаш ҳамма вақт ҳам мумкин бўлавермайди. Аксинча, *била туриб* формаси ўрнида *билиб туриб* формасини қўллаш ҳамма вақт мумкин бўлади. Лекин зидлик маъносини ифодалашда, асосан, *била туриб* формаси қўлланади.

Юр

Юр мустақил феъли, асосан, жонли предметларга нисбатангина қўллана олади. Жонсиз предметларга нисбатан эса, асосан, кўчма маънода қўлланади. *Юр* феъли кўмакчи феъл вазифасида қўлланганда ҳам, асосан, жонли предметлар бажарадиган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бирикади: *Эшитишимга қараганда, одамларни менга қарши қутуртириб юрган эмиш* (Уйғун, Навбахор). *Урмонжон хўп ҳам тўйлиб-тошиб юрган экан, юрагини роса бўшатди* (А. Қаҳҳор, Қ. ч.).

Жонсиз предметлар бажарувчи ҳаракатни билдирадиган феълларга бирикканда, кўчма маънода бўлади: *Кўк юзида сузиб юрган булут парчалари офтобни бир зумда юз кўйга соляпти* (А. Қаҳҳор. Минг бир жон). *Қият овули ўрнида пайдо бўлган катта кўлнинг изғирини тезак тутунини эски латта каби судраб юрибди* (А. Мухтор, Қор. қ.).

Юр кўмакчи феъли, асосан, жонли предметлар бажараётган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бирика олиши сабабли унинг кўмакчи феъл вазифасида қўлланиш доираси ёт, *тур* кўмакчи феълларининг қўлланиш доирасига нисбатан анча чегарали.

Юр кўмакчи феъли равишдошнинг *-(и) б* аффикси билан ясалган формасига бирикиб, қуйидаги маъноларни билдиради:

1) етакчи феълдаги ҳаракатнинг узоқ давомлилигини билдиради: *Ахир, уч киши бирдан қийналиб юргунча, бир киши қийналса яхшироқ эмасми?* (Уйғун, Ҳаёт қўшиғи). *Ни-*

ма демоқчи эканингизни тушундим. Кўк қўқорни қора совлиққа ёки қорани кўкка қўйиб, альбинаид билан касалланмаган соғлом қўзи олиб юрганмиз, демоқчисиз (С. Анорбоев, Раҳимовнинг жавоби).

Нима учун давомлилик юр кўмакчи феълида *ёт, тур, ўтир* кўмакчи феълларидагига нисбатан узоқ бўлади, деган саволнинг туғилиши табиий.

Юр феъли кўмакчи феъл вазифасида қўлланганда етакчи феълдаги ҳаракатнинг узоқ давомлилиги маъносининг ифодаланиш сабаби шундаки, бунда субъект етакчи феълдаги ҳаракатни бажариш процессида фақат юрган ҳолатда бўлиши шарт эмас. Субъект бу ҳаракати давомида юрган, ўтирган, турган ва ётган бўлиши ҳам мумкин. Мас., *неча кундан бери ййлаб юрибман* деганда, албатта, субъект неча кундан бери фақат юриш ҳолатида бўлган эмас. У шу вақт ичида юрган ҳам, турган ҳам, ётган ҳам, ўтирган ҳам. Лекин *юр* феъли кўмакчи феъл вазифасида қўлланганда, субъектнинг ётган, турган, ўтирган ҳолатлари (шу ҳолатларни бажарганлиги) назарда тутилмайди. Бунда асосий нарса субъектнинг юриш ҳолатида бўлганлигидир. Шунинг учун ҳам унинг ётган, турган, ўтирган ҳолатлари учун кетган вақт (шу ҳолатлари давомида ўтган вақт) ҳам юриш ҳолатидаги вақти сифатида қаралади. *Ишлаб юрмоқ, ййлаб юрмоқ* бирикувларида давомликнинг *ишлаб турмоқ, ййлаб турмоқ, ишлаб ўтирмоқ, ййлаб ўтирмоқ* бирикувларидагига нисбатан узоқроқ бўлиши (узоқ давомнинг ифодаланиш сабаби), бизнингча, ана шундан.

Бундан ташқари, юриш ҳолатининг бажарилиш ўрни ҳам ётиш, туриш, ўтириш ҳолатларининг бажарилиш ўрнига нисбатан кенгроқ доирани ташкил этади, яъни субъектнинг ётиш, туриш, ўтириш ҳолати маълум бир кичик ўринда (ётиш, туриш, ўтириш ҳолатида субъект ишғол этадиган ўринда) бажарилади. Субъектнинг юриш ҳолатида мавжуд бўладиган ўрни (шу ҳолатни бажарадиган ўрни) эса кенг, чегараланмаган бўлади. *Юр* кўмакчи феълида давомлиликнинг *тур, ёт, ўтир* кўмакчи феълларидагига нисбатан узоқ бўлиши ҳам эҳтимол шундандир, яъни *юр* феълида ҳаракат-ҳолатнинг бажарилиши жой-макон нуқтаи назаридан кенг доирада бўлганидек, вақт нуқтаи назаридан ҳам кенг (узоқ) вақт доирасида бўлади.

2. *Юр* кўмакчи феъли етакчи феълдаги ҳаракатнинг бажарилиши мақсадга мувофиқ эмаслигини, маъқул бўлмаган ҳаракат эканлигини билдиради: *Бўлди энди, ҳазилни бас қилинлар,.. яна йй и н д а н йқ ч и қ и б ю р м а с и н* (Уйғун, Қалтис ҳазил). *Тўй қизиганда яна бир балони бошлаб*

ю р м а, — деб. Тўламат мўйлов Кўчқорга қўл чўзди (С. Анорбоев, - Оқсой).

Келтирилган мисолларда юр кўмакчи феъли ифодалаган маъно, шу феъл (юр феъли)нинг асл маъноси билан боғланмайди, яъни бу маъно юр мустақил феълнинг лексик мундарижасидан келиб чиқмайди. Шунинг учун бундай ҳолларда юр кўмакчи феълига хос бўлган асосий хусусиятлар ҳам бўлмайди. Чунончи, юр кўмакчи феълнинг асосий хусусиятларидан бири давомлиликни ифодалашдир. Юқоридаги мисолларда давомлилик ифодаланмайди. Шунингдек, юр кўмакчи феъли равишдош ясовчи -(и) б аффиксини олиб, шахс-сон билан тусланганда, етакчи феълдаги ҳаракатнинг ҳозирги замонга оидлиги ифодаланadi; *ишлаб юрибман*. Юқоридаги маънода қўлланганда эса шу формада ҳеч вақт ҳозирги замон маъноси ифодаланмайди.

Юр кўмакчи феъли билдирган бу маънода *ўтир* кўмакчи феъли ҳам қўлланади. Ҳатто, *ўтир* кўмакчи феъли бу маънода юр кўмакчи феълига нисбатан кўпроқ қўлланади. Шунингдек, юр ва *ўтир* кўмакчи феълларидаги бу маънонинг келиб чиқиш йўли ва уларнинг қўлланишдаги хусусиятлари ҳам деярли бир хил. Шунини ҳисобга олиб, бу ҳақда *ўтир* кўмакчи феъли баҳсида тўхташни маъқул кўрдик.

Утир

Утир мустақил феъли жонли предметларга (яъни шу ҳаракат-ҳолатни бажара олувчи предметларга) нисбатангина қўлланади. Жонли предметлар ичида шу ҳаракат-ҳолатни (ўтириш ҳаракат-ҳолатини) бажарувчи, асосан, одамдир. Демак, *ўтир* феъли, кўпинча, одамга нисбатан қўлланади. Унинг бу хусусияти кўмакчи феъл сифатида қўлланганда ҳам сақланади. Бундан ташқари, *ўтир* кўмакчи феъли субъект ўтирган ҳолда бажариши мумкин бўлган ҳаракатни билдирувчи феъллар билангина бирикади. Чунки *ўтир* кўмакчи феъли ҳали ўз (асл) маъносидан бутунлай узоқлашмаган. Бу ҳодисалар *ўтир* кўмакчи феълнинг қўлланиш доирасини анча чегаралаб қўяди.

1. *Утир* кўмакчи феъли ҳам *ёт*, *тур*, юр кўмакчи феъллари каби давомлилик маъносини билдиради. Бу кўмакчи феъл давомлилик маъносини ифодалаган ҳолларда ўз маъносини тамомида йўқотмайди (маълум даражада ўз маъносини сақлайди). Шунинг учун ҳам *ёзиб ўтирмоқ*, *ишлаб ўтирмоқ* каби бирикувларда *ўтир* феълнинг мустақил феъл ёки кўмакчи феъл эканлигини белгилаш бир оз қийинроқ бўлади:

Қия столлардан иккитасида икки йиғит бош кўтармай и ш-

лаб ўтирибди (А. Мухтор, Опа-с.). Улар иккови хуфтон намозидан кейин масжиддан бирга қайтишиб, алламаҳалгача суҳбатлашиб ўтиришади (Қ. Фулом, Машъал).

Ўтир кўмакчи феъли маълум даражада ўз маъносини сақлаши сабабли бу кўмакчи феъл билан ясалган бириқувларда етакчи феълдаги ҳаракат-ҳолат маълум конкрет вақт ичиде бажарилувчи ҳаракат-ҳолат бўлади (ўтириш ҳолатида бажарилувчи ҳаракат-ҳолат бўлади). Шу сабабли ўтир кўмакчи феъли равишдош ясовчи *-(и) б* аффиксини олиб, шахс-сон билан тусланганда, етакчи феълдаги ҳаракатнинг худди нутқ momentiда бажарилаётганлиги ифодаланади: *ишлаб ўтирибди, ёзиб ўтирибди* каби¹⁸.

2. Ўтир кўмакчи феъли етакчи феълдаги ҳаракат мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳаракат эканлигини, шу ҳаракатнинг бажарилишига субъект ёки сўзловчининг тарафдор эмаслиги маъносини билдиради: *Агар ота-онангиз мен билан шу ерда умр қилишингизга рози бўлишса, ўзингиз ҳам шуми хоҳлагангиз, шариат-тариқат деб ўтирмаймиз* (А. Қаҳҳор, Қ. ч.). *Одам бўлсанг, шунақа бемаза гапларни гапириб ўтирармидинг?!* (Уйғун, Навбаҳор).

Ўтир кўмакчи феъли ҳаракатнинг бажарилишига субъект ёки сўзловчининг тарафдор эмаслиги маъносида қўлланишида ҳам айрим хусусиятларга эга.

Ўтир кўмакчи феъли бу маънода қўлланганда, кўпинча, давомлилик маъносига эга бўлмайди. Шунинг учун ҳам *-(и) б* аффиксини олиб, шахс-сон билан тусланганда, асосан, ўтган замон маъносини билдиради (ҳозирги замонни билдириши кам учрайди): *Қўйинглар-э? Яна мен сизларга ишониб юзга қўл қўйиб ўтирибман-а!* (Уйғун, Қалтис ҳазил). *Мен содда шунинг гапига ишониб ўтирибман* (А. Қаҳҳор, Қ. ч.).

— *Раис индамади дегин?*

— *Индаш қаёқда, ўзи таклиф қилиб ўтирибди-ю!* (Уйғун, Навбаҳор).

Ўтир кўмакчи феъли давомлилик маъносида қўлланганда, унинг равишдош ясовчи *-(и) б* аффиксини олиб, шахс-сон билан тусланган формаси контекста кўра, ҳозирги замон ёки ўтган замон маъносини ифодалаши мумкин. Ўтган замон маъносини билдирганда, бу форма «ўтган замон эшитилганлик»

¹⁸ Шунинг учун ҳам Х. Жубанов *ўтир* кўмакчи феъли билан ясалган ҳозирги замон феъл формасини «Настоящее — активное данное», деб атайди ва бундай аташ шу форманинг моҳиятига жуда мос келади. Қаранг: Х. Жубанов, Заметки о вспомогательных и сложных глаголах, вып. II, Алма-Ата, 1936, стр. 15.

фёъли ҳисобланади. Утир кўмакчи фёъли «ҳаракатнинг ба-
жарилишига сўзловчининг тарафдор эмаслиги» маъносида
қўлланганда ҳам унинг *ўтирибман, ўтирибсан, ўтирибди* фор-
маси ўтган замон маъносини билдиради. Лекин бунда у ўтган
замон эшитилганлик маъносини эмас, балки ўтган замон
аниқлик маъносини билдиради (ўтган замон аниқлик фёъли
ҳисобланади). *Мулла Бурҳон ҳам Ситоранинг келишини ку-
тиб, ... бирон жойга чиқмай ўтирибди. Ситора ҳам кўп
кутдирмабди* (С. Айний, Эсдалиқлар). *Тирик одамни, дабду-
рустдан: «Йўқ қилинди»,—деб ўтирибди* (А. Мухтор,
Опа-с.).

Биринчи мисолда *ўтир* кўмакчи фёъли давомлилик маъно-
сини билдиради. Иккинчи мисолда эса ҳаракатнинг бажари-
лишига сўзловчининг тарафдор эмаслиги маъносини (бу ҳа-
ракат сўзловчига маъқул бўлмаган ҳаракат эканлигини) бил-
диради. Бу мисоллардаги *чиқмай ўтирибди* бирикуви ҳам,
деб ўтирибди бирикуви ҳам ўтган замон маъносини билди-
ради. Лекин биринчи мисолда ўтган замон эшитилганлик маъ-
носи, иккинчисида эса ўтган замон аниқлик маъноси ифода-
ланади, яъни биринчи мисолда сўзловчи ҳаракатни ўзи кўр-
маган (кузатмаган).

Утир кўмакчи фёъли бу маъноси билан буйруқ-истак май-
лида ҳамма вақт бўлишсиз формада қўлланади: *айтиб ўтир-
ма, сўраб ўтирма, хафа қилиб ўтирмасин, жавоб беролмай
ўтирмай* каби. Бунинг сабаби шундаки, сўзловчи ўзи тараф-
дор бўлмаган (ўзи хоҳламаган) ҳаракатни бажаришни буюр-
майди ва ўзи ҳам шундай ҳаракатни бажаришни истамайди.
Аксинча, буйруқ ва истақ шундай ҳаракатни бажармасликка
нисбатан бўлади.

Утир кўмакчи фёълининг юқоридаги маънони ифодалаши-
ни қандай изоҳлаш мумкин, яъни унинг бу маъноси қаердан
келиб чиққан?

Аввало шуни айтиш керакки, *ўтир* кўмакчи фёълининг
бу маъноси унинг мустақил маъноларидан бирортасига боғ-
ланмайди. Ўзбек тили фактларининг кўрсатишича, *ўтир* кў-
макчи фёълининг бу маъноси анча яқин вақтларда юзага
келган, яъни *ўтир* фёъли кўмакчи фёълга айлангандан кейин
келиб чиққан. Бунинг далили сифатида қуйидагиларни ай-
тиш мумкин.

Биринчидан, ўзбек тили тарихига оид манбаларда *ўтир*
кўмакчи фёълининг шу маъноси учрамайди.

Иккинчидан, *ўтир* кўмакчи фёълининг бу маъноси унинг
давомлилик маъноси даражасида кенг оммалашмаган. Шу-
нинг учун ҳам бу маъноси, асосан, контекстда реаллашади.

Оғзаки нутқда эса умумий ҳолатдан келиб чиқади. Унинг давомлилик маъноси эса контекстдан ташқарида ҳам реаллашаверади. Мас., *ёзиб ўтирибди* бирикувида, албатта, ҳаракатнинг (ёзишнинг) худди нутқ momentiда бажарилаётганлиги англашилади. Ҳаракатнинг (ёзишнинг) бажарилишига сўзловчининг тарафдор эмаслиги маъноси шу бирикувнинг ўзидан аниқ сезилиб турмайди: *Шуни ҳам ёзиб ўтирибди-я*, дейилганда эса ёзишнинг бажарилганлигига сўзловчининг тарафдор эмаслиги аниқ ифодаланади. Демак, бу маъно маълум сўзлар ёрдамида реаллашяпти. Шунинг ўзиёқ *ўтир* кўмакчи феълидаги бу маънонинг ундаги давомлилик маъноси даражасида асосий маънога айланмаганлигини кўрсатади.

Ўтир кўмакчи феълининг кўрсатилган маъноси, бизнингча, унинг (*ўтир* кўмакчи феълининг) давомлилик маъноси негизида келиб чиққан. Бунга далил сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин.

Сўзловчининг тарафдор эмаслиги маъносида фақат *ўтир* кўмакчи феъли эмас, шунингдек, давомлиликни ифодаловчи *юр* кўмакчи феъли ҳам қўлланади (бу ҳақда *юр* кўмакчи феъли баҳсида гапирилган эди). Ҳатто, бадиий адабиётларда *тур* кўмакчи феълени ҳам шу маънода қўллаш ҳоллари учрайди: «*Четан*» колхозининг энг фаол аъзоси, батрақ Берди татар ўртоққа алоҳида тўхтамоқчи бўлганимиздан бу ўринда ўқувчини у билан таништириб ўтирмаймиз (А. Қодирий, О. к.).

Тур кўмакчи феълининг бу маънода қўлланиши умумий характерга эга эмас, албатта. Лекин унинг шу маънода қўлланишининг учраши ва *юр* феълининг ҳам шу маънода қўлланиши кўрсатилган маънонинг *тур*, *юр*, *ўтир* кўмакчи феълари ифодаладиган давомлилик маъносига алоқаси борлигидан (давомлилик маъноси негизидан келиб чиққанлигидан) далолат беради.

Бундан ташқари, *ўтир* кўмакчи феъли ҳаракатга субъектнинг тарафдор эмаслиги маъносини билдирган ҳолларда бу ҳаракатнинг конкрет вақтда бажарилиши маъноси ҳам ифодаланиши мумкин:

— *Лолахон,— деди Сарвихон,— шу ишни ҳам машиналаштира бўлмасмикан? Экскаватор шунча юкни чиқариб қўйибди-ю, биз бунга амбарлаб ўтирибмиз* (Ҳ. Нуъмон, Фасллар).

Ўзбек тили фактларининг кўрсатишича, *айтиб ўтирамани*, *сўраб ўтирмайди* каби бирикувларда дастлаб, умуман, ҳаракатнинг бажарилишига сўзловчининг тарафдор эмаслиги маъноси эмас, балки ҳаракат-ҳолатни давом эттиришга (шундай ҳаракат-ҳолатда ортиқча тўхташга) тарафдор эмас-

лиги ифодаланган: *Сергей уни илгаридан яхши билгани учун ортиқча мулозимат қилиб ўтирмади-да, Ороловга буюрди...* (Х. Булом, Мащъал). *Кўй, сен билан маслаҳатлашиб ўтираманми?* (Х. Шамс, Ҳаж қилиш ўрзусида).

Иккала мисолда ҳам субъектнинг, умуман, етакчи феълдаги ҳаракатнинг бажарилишига тарафдорсизлиги эмас, балки шу ҳаракатнинг давом этишига (чўзилишига) тарафдор эмаслиги ифодаланади. Бу маънонинг реаллашишида бўлишсизлик формаси ифодайдиган ёки контекстнинг ўзидан келиб чиқадиган инкор маъноси ҳам муҳим роль ўйнайди.

Ҳаракатнинг давом этишига сўзловчининг қатъиян тарафдор эмаслигини ифодалашда, кўпинча, *ўтир* кўмакчи феъли етакчи феълдан ажралган ҳолда ва гапнинг бошида қўлланади. Бу ҳодиса жонли сўзлашувда кўп учрайди: *Ўтираманми сен билан ади-бади этишиб қаби*.

Кўринадики, «тарафдор эмаслик» дастлаб ҳаракатнинг давомлилигига нисбатан бўлган ва бу маъно инкор маъносининг таъсирида келиб чиққан (ҳозирда ҳам *ўтир* феълининг бу маънода, асосан, бўлишсиз формада қўлланишининг сабаби ҳам ана шунда). Кейинчалик эса *ўтир* кўмакчи феъли, умуман, ҳаракатнинг бажарилишига сўзловчининг тарафдор эмаслиги маъносида ҳам қўллана бошлаган ва бу маънода фақат бўлишсиз формада эмас, бўлишли формада ҳам қўлланаверган. Лекин бундай ҳолларда *ўтир* кўмакчи феълининг шу маъноси гапнинг умумий мазмунидан аниқ реаллашади¹⁹.

* * *

Демак, *ёт, тур, юр, ўтир* кўмакчи феъллари ўзаро умумий белги-хусусиятларга эга бўлиши билан бирга, уларнинг ҳар бири ўзига хос белги-хусусиятларга ҳам эга. Ана шу хусусиятлар ҳақида айтилганларнинг қисқача хулосаси қуйидагича:

I. Умумий белги-хусусиятлари:

- 1) *ёт, тур, юр, ўтир* кўмакчи феълларининг ҳаммаси давомлилик маъносини ифодалайди;
- 2) бу феълларнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган равиш-

¹⁹ *Ўтир* кўмакчи феълининг бу маънода қўлланишидаги хусусиятлари ва бу маъносининг келиб чиқиши ҳақида айтилган гаплар шу маънони ифодаловчи *юр* кўмакчи феълига ҳам тааллуқли, яъни шу гапларнинг айнан ўзини *юр* кўмакчи феълига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Ортиқча тақрорлар бўлмаслигини ҳисобга олиб, фикримизни фақат *ўтир* кўмакчи феъли тимсолида баён этдик ва мисолларни ҳам шу феълдан келтирдик.

дош формаси шахс-сон билан тусланганда, кўпинча, ҳозирги замон маъноси ифодаланади;

3) бу феъллар ифодалайдиган давомлилик маъноси уларнинг асосий (мустақил) маъносидаги «мавжуд бўлмоқ» (находиться) элементида (маънодаги шу қиррадан) келиб чиқади;

4) бу кўмакчи феълларнинг ҳар бирининг ўзига хос қўшимча оттенкаси шу феъллар билдирадиган ҳолатнинг кўнкрет хусусиятидан келиб чиқади.

II. Ф а р қ л и б е л г и - х у с у с и я т л а р и:

1) *ёт* кўмакчи феъли:

а) бу кўмакчи феъл жонли предметлар бажарадиган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан ҳам, жонсиз предметлар бажарадиган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан ҳам бирика олади. Шунинг учун ҳам у жуда кўп феъллар доирасида қўлланади;

б) ҳаракатни кучли оттенка билан ифодалайди: *ишлаб ётибди, ёғиб ётибди*;

в) субъектнинг етакчи феълдан англашилган тинч (статик) ҳолатда мавжудлиги маъносини билдиради ва бу маънони кучли оттенка билан ифодалайди: *занглаб ётибди, қуриб ётибди*;

г) бу кўмакчи феъл буйруқ ва шарт майли формаларига нисбатан, шунингдек, аниқлик майлининг ўтган замон ва келаси замон формаларига нисбатан ҳозирги замон формасида жуда кўп қўлланади;

2) *тур* кўмакчи феъли:

а) бу кўмакчи феъл равишдошнинг *-(и)б* аффикси орқали ясалган тури билан ҳам, *-а, -й* аффикслари орқали ясалган тури билан ҳам бирика олади: *ишлаб тур, ишлай тур*;

б) жонли предметлар бажарадиган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан ҳам, жонсиз предметлар бажарадиган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан ҳам бирика олади: *бир оз ишлаб турди, ёмғир ёғиб турди*. Шу боисдан у жуда кўп феъллар доирасида қўллана олади;

в) етакчи феълдаги ҳаракатнинг маълум конкрет, чегараланган вақт ичида давом этишини билдиради (давомлиликни чегаралайди): *ишлаб турди*;

г) етакчи феълдаги ҳаракатнинг бирор бошқа ҳаракат ёки ҳодиса юз бергунча давом этиб туриши маъносини, «вақтинча» маъносини билдиради: *тўхтаб туришсин, ташқарига чиқиб тур*;

д) етакчи феълдаги ҳаракатнинг такрорийлигини билдиради: *хабар олиб тур, хат ёзиб турдим*;

е) субъектнинг етакчи феълдан англашилган тинч (ста-

тик) ҳолатда мавжудлигини билдиради: *қизариб турган, осилиб турибди*;

ё) равишдош ясовчи *-(у)б* аффикси билан қўлланганда (шахс-сон билан тусланмаган ҳолатда), етакчи феълдаги ҳаракатнинг бажарилиши процессида иккинчи бир ҳаракатнинг бажарилиши ифодаланади: *сўзлаб туриб кўз ташлади*.

Тур кўмакчи феъли равишдошнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган турига бирикканда ҳам асосан ана шу маъноларни ифодалайди. Фақат бу икки форма (*тур* феълнинг *-(у)б* ва *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдошга бириккан формаси) ўзига хос маъно оттенкалари ва баъзи хусусиятлари билангина фарқланади;

3) *юр* кўмакчи феъли:

а) бу кўмакчи феъл, асосан, жонли предметлар бажарадиган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан, жуда кам даражада жонсиз предметлар бажарадиган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бирикади. Шунга кўра, унинг қўлланиш доираси *ёт, тур* кўмакчи феълларининг қўлланиш доирасига нисбатан тор;

б) ҳаракатнинг давомлилиги *ёт, тур, ўтир* кўмакчи феълларидагига нисбатан *юр* кўмакчи феълида узоқ бўлади;

в) ҳаракатга сўзловчининг тарафдор эмаслиги маъносини билдиради: *тагин уларга айтиб юрма*;

4) *ўтир* кўмакчи феъли:

а) бу кўмакчи феъл деярли ҳамма вақт шахс (одам) бажарадиган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бирикади ва, кўпинча, ўз маъносини маълум даражада сақлайди. Шу сабабли унинг қўлланиш доираси *юр* кўмакчи феълнинг қўлланиш доирасига нисбатан ҳам жуда тор;

б) бу кўмакчи феъл етакчи феълдаги ҳаракатнинг маълум конкрет вақт ичида давом этишини билдиради: *ўқиб ўтирган эди*;

в) ҳаракатга сўзловчининг тарафдор эмаслиги маъносини билдиради: *айтиб ўтирма*.

Бор

Бор кўмакчи феъли равишдошнинг *-(у)б* аффикси орқали ясалган тури билан ҳам, *-а, -й* аффикслари орқали ясалган тури билан ҳам бирика олади: *кўнайиб борди, кўная борди, чуқурлашиб борди, чуқурлаша борди*. Бу кўмакчи феъл ўтимли феъллар билан ҳам, ўтимсиз феъллар билан ҳам бирика олади: *ошиб боряпти, унутиб боряпти*.

Бор кўмакчи феъли равишдошнинг *-(у)б* аффикси билан ясалган турига бирикканда ҳам, *-а, -й* аффикслари билан

ясалган турига бирикканда ҳам бир хил маънони — давомлилик маъносини ифодалайди: *Кундан-кунга Зайнабнинг с у с а й и б, ўзига беғоналашиб борганини яхши анелар эди* (А. Қодирий, У. к.). *Қурт боқишда содир бўлган камчиликларни ўз вақтида тузатиб боришлари керак* (Қ. У.). *Негаки, бу орол совет кишилари қўлида. У энди кенга я б о р а д и* (Р. Файзий, Ч. б. к.).

Бор кўмакчи феълининг *-(и)б* ва *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдошга бириккан формаси бир хил маъно ифодаласа ҳам, лекин уларнинг *-(и) б* аффикси орқали ясалган равишдошга бириккан формаси билан *-а, -й* аффикслари орқали ясалган равишдошга бириккан формасининг бири ўрнида иккинчисини қўллаш ҳамма вақт ҳам мумкин бўлавермайди. Бу икки форма ўзига хос хусусиятларга эга. Лекин бу хусусиятлар ҳақида гапиришдан олдин, умуман, *бор* кўмакчи феълининг давомлиликни ифодаловчи бошқа кўмакчи феъллардан фарқли хусусияти ҳақида тўхтаймиз. Ундан кейин *эўрая борди* ва *эўрайиб борди* формалари ўртасидаги фарқли белгиларни тушуниш осонроқ бўлади.

Бор кўмакчи феъли етакчи феълдаги ҳаракатнинг давомлилигини ифодалаш билан бирга, бу ҳаракатнинг бирор пунктга қараб йўналувчи ҳаракат эканлигини (шу пунктга қараб йўналишда давом этувчи ҳаракат эканлигини) билдиради. Давомлиликни ифодаловчи *ёт, тур, юр, ўтир, бер* кўмакчи феъллари ана шу йўналиш оттенкасига эга эмас: *Бу йил ҳам неча кун ҳаво булут бўлиб, ёмғир ёққанини ё з и б о р а м а н, денг?* («Муштум»)

Агар *ёзиб бораман* бирикувидаги *бор* кўмакчи феъли ўрнида *тур ёки юр* кўмакчи феъллари қўлланса, «йўналиш» оттенкаси йўқолади.

Бор кўмакчи феъли ҳаракатнинг давомлилигини ифодалаган ҳолларда шу ҳаракатнинг бошланиш пункти йўналиш бошланган пункт, ҳаракатнинг тугаш пункти эса йўналиш қаратилган пункт ҳисобланади.

Ёт, тур, ўтир, юр кўмакчи феъллари қўлланганда давомли ҳаракатнинг бошланиш ва тугаш пунктлари контекстда аниқ ифодаланиши мумкин. Мас., *эрталабдан кечгача ёмғир ёғиб турди* гапида ҳаракатнинг бошланиш ва тугаш пункт (вақт)лари аниқ ифодаланган. Лекин бу пунктлар йўналиш бошланган ва йўналиш қаратилган пунктлар эмас. Бунинг сабаби шундаки, *ёт, тур, юр, ўтир* ҳолат феъллари бирор томонга қараб бўладиган ҳаракатни билдирмайди. Шунинг учун ҳам улар кўмакчи феъл вазифасида қўлланганда, йўналиш оттенкасига эга бўлмайди.

Давомлиликни ифодаловчи *ёт, тур, юр, ўтир* кўмакчи

фeъллари билан *бор* кўмакчи фeълининг ўзаро ўхшаш ва фарқли томонларини қуйидагича кўрсатиш мумкин.

$A = A^1 \xrightarrow{\text{(ёзиб) бор}} B = B^1$

$A \xrightarrow{\text{(ёзиб) ёт, тур, юр, ўтир}} B$

A — ҳаракатнинг бошланиш пункти;

B — ҳаракатнинг тугаш пункти;

A^1 — йўналиш бошланган пункт;

B^1 — йўналиш қаратилган (тугайдиган) пункт.

Икки пункт оралиғи (стрелка ўтган оралиқ) — ҳаракатнинг давомлилиги.

A ва A^1 , B ва B^1 ўртасига тенглик аломати (=) нинг қўйилиши тенгликни кўрсатади, яъни ҳаракатнинг бошланиш пункти йўналиш бошланган пунктнинг ўзидир. Шунингдек, ҳаракатнинг тугаш пункти йўналиш қаратилган пунктдир.

Кўринадики, буларнинг иккаласида ҳам давомлилик, шунингдек, ҳаракатнинг бошланиш ва тугаш пунктлари бор. Лекин иккинчисида «йўналиш» тушунчаси йўқ.

Демак, *бор* кўмакчи фeъли давомлиликни ифодаловчи бошқа кўмакчи фeъллардан йўналиш оттенкасига эгаллиги билан фарқланади²⁰.

Бор кўмакчи фeъли ифодалайдиган йўналиш уч хил ҳолида бўлиши мумкин:

1. Йўналиш вақт доирасида бўлади. Бунда ҳаракатнинг йўналиши бошланадиган пункт ҳам, йўналиши қаратилган пункт ҳам вақтда бўлади: *Бой бўлса, ҳужра ҳақини, ҳар кунги об-овқатни чўтга солиб борган ва ниҳоят унинг қарзи бадалига ёлғиз қизи Қумрини тортиб олган* (Х. Ғулом, Машъал). *Соат олтидан ўтиб бораётир, дараги бўлмади* (А. Қаҳҳор, Ужар). *Дафтарга каникулда қилган ишларимни ҳеч қолдирмай ёзиб бормоқчиман* (Р. Файзий, Экскурсия).

2. Йўналиш макон (жой) да бўлади. Бунда йўналишнинг бошланиш пункти ҳам, йўналиш қаратилган пункт ҳам (макон) жойда бўлади: *Йўлда Жўрахоннинг ҳалокатини айтиб борди* (Саид Аҳмад, Тўлқинлар). *Ботиб бораётган қуёшнинг шуъласи дарёни қип-қизартириб юборди* (А. Қаҳҳор, Хотинлар).

3. Йўналиш даражада бўлади. Бунда йўналишнинг бош-

²⁰ *Кел* кўмакчи фeъли ҳам давомлиликни йўналиш оттенкаси билан ифодалайди. Лекин йўналиш оттенкасига эга бўлган *бор* ва *кел* кўмакчи фeъллари ҳам ўзаро фарқли белги-хусусиятларга эга. Бу ҳақда *кел* кўмакчи фeъли баҳсида тўхтаимиз.

ланиш пункти ҳам, йўналиш қаратилган пункти ҳам даражада бўлади: *Башорат синглицининг ўз кўз ўнгида ўзгариб бораётганини сезарди* (А. Мухтор, Опа-с.). *Ундаги безовталик авжига минган сари кўнглида ашулага иштиёқ кучайиб борарди* (М. Исмоилий, Ф. т. о.).

Ҳар икки мисолда ҳам етакчи феъл ифодалаган ҳаракат даражасининг бошланғич пунктдан охири пунктга (даражанинг энг охири пунктига) қараб йўналиши ифодаланади. Йўналиш даражанинг бошланғич пунктдан охири (энг юқори) пунктга қараб бўлганлиги учун бундай ҳолларда ҳамма вақт даражанинг борган сари кучайиб (ривожланиб) бориши ифодаланади. Демак, бунда ҳаракатнинг бошланиш пункти даражанинг бошланиш пункти бўлади ва бу пункт йўналишнинг бошланиш пункти ҳисобланади. Даражанинг юқори пункти эса йўналиш қаратилган пункт бўлади.

Энди *бор* кўмакчи феълнинг *-(у)б* аффикси орқали ясалган равишдошга бириккан формаси билан *-а, -й* аффикслари орқали ясалган равишдошга бириккан формаси ўртасидаги фарқли белгиларга тўхтаб ўтайлик.

1. *Бор* кўмакчи феълнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдошга бириккан формаси *-(у)б* аффикси билан ясалган равишдошга бириккан формасига нисбатан кам қўлланади.

Бор кўмакчи феълнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдошга бириккан тури, асосан, ўтган замон формасида қўлланади. Бошқа замон формаларида, айниқса, ҳозирги замон формасида қўлланиши жуда ҳам кам учрайди (бунинг сабаби ҳақида бир оз кейинроқ гапирамиз). Унинг *-(у)б* аффикси билан ясалган равишдошга бириккан тури эса барча замон формасида қўлланаверади: *Ўзини шу қуриб бораётган мажнун толга ўхшатди* (М. Исмоилий, Ф. т. о.). *Ўзларингга маълум, саройнинг харажати кундан-кунга ошиб бормоқда* (Ж. Шарипов, Хоразм).

Бу мисоллардаги *қуриб бораётган, ошиб бормоқда* формаси ўрнида *қурий бораётган, оша бормоқда* формаси қўлланмайди. Қўллаган билан асосий маъно ўзгармаса-да, лекин сунъийлик аниқ сезилади.

Юқорида йўналишнинг уч хил аспектда (вақт, макон ва даража аспектида) бўлишини кўрдик. *Бор* кўмакчи феълнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдошга бириккан формасининг қўлланиши, асосан, йўналишнинг даража аспектида учрайди. Йўналишнинг вақт аспектида қўлланиши жуда кам учрайди. Макон аспектида қўлланиши эса деярли учрамайди.

Демак, *бор* кўмакчи феълнинг *-а, -й* аффикслари орқали

ясалган турига бириккан формаси билан *-(u)б* аффикси орқали ясалган равишдошга бириккан формаси ўртасидаги фарқли белгилардан бири — биринчисининг иккинчисига нисбатан кам қўлланишидан иборат.

2. Бор кўмакчи феълнинг *-а, -й* аффикслари орқали ясалган равишдошга бириккан формаси маъно оттенкаси ва маъносидagi баъзи нозик белгиси билан *-(u)б* аффикси орқали ясалган равишдошга бириккан формасидан фарқланади.

Бу форма ҳаракатнинг йўлакай бажарилувчи ҳаракат эканлигини кўрсатади. Худди шу маънода унинг *-(u)б* аффикси билан ясалган равишдошга бириккан формаси ҳам қўлланади. Лекин бу маъно бевосита шу форманинг ўзи орқали ифодаланмайди, балки контекст ёки умумий ҳолатдан реаллашади. Контекст шу маънони аниқ кўрсатмаса, бу ҳаракатнинг йўлакай бажарилувчи ҳаракат ёки асосий ҳаракат эканлиги аниқ бўлмайди. *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдошга бириккан формаси эса контекстдан ташқарида ҳам ҳаракатнинг йўлакай бажарилувчи ҳаракат эканлигини аниқ ифодалайди: *Биз республика қишлоқ хўжалик ил-форларининг ҳамма ишларини кузатиб борамиз* (М. Жўра, Келинг, беллашамиз).

Бу мисолда етакчи феълдаги ҳаракатнинг асосий ҳаракат ёки йўлакай бажарилувчи ҳаракат эканлиги аниқ ифодаланмайди. Агар *кузатиб борамиз* формаси ўрнида *кузата борамиз* формаси қўлланса, етакчи феълдаги ҳаракат йўлакай бажарилувчи ҳаракат эканлиги ифодаланади.

Лекин ҳаракатнинг йўлакай бажарилувчи ҳаракат эканлиги, кўпинча, контекст ёки умумий ҳолатдан маълум бўлиб туради. Шу сабабли йўлакай бажарилиш маъносида ҳам *-(u)б* аффикси билан ясалган равишдошга бириккан формаси қўлланаверади. Бу ҳодиса *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдошга бириккан формасининг қўлланиш доирасини анча чегаралаб қўяди.

Бор кўмакчи феълнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдошга бириккан формаси «йўлакай бажарилиш» оттенкасига эга бўлгани учун етакчи феълдаги ҳаракат асосий ҳаракат сифатида бўлган ҳолларда бу форма қўлланмайди: *Қорни очиб, овқатга иштаҳаси ортиб бораётганини сезди* (Х. Нуъмон, Фасллар).

Қизил гулсан — баргинг йўқ,

Хўб йиғитсан — ёринг йўқ.

Умринг ўтиб боради,

Лодонсан, хабаринг йўқ (Халқ қўшиғи).

Иккала мисолда ҳам етакчи феълдаги ҳаракат йўл-йўла-

кай бажарилувчи ҳаракат эмас. Шунинг учун ҳам *ортиб бораётганини, ўтиб боради* формасидаги бирикув ўрнида *орта бораётганини, ўта боради* формасидаги бирикувни қўллаб бўлмайди.

Оқорида *бор* кўмакчи феълнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдошга бириккан турининг, асосан, ўтган замон формасида қўлланишини айтган эдик. Бунинг сабаби ҳам шу форманинг «йўлакай бажарилиш» («йўлдошлик») оттенкасига эгаллиги билан изоҳланади. Мас., «*кунлар шу тариқа ўта борди*» дейилади, лекин «*ўта боряпти*» дейилмайди, балки «*ўтиб боряпти*» дейилади. Чунки сўзловчининг ўзи ҳозир ҳам бор. Айтилаётган кунлар (вақтлар) эса ўтган. Демак, маълум ҳодисали вақтлар сўзловчига «йўлдош» бўлган. Шунинг учун ҳам бунда «йўлдошлик» («ҳамроҳлик») оттенкасини ифодаловчи *ўта борди* формасини қўллаш мумкин. Ҳозирги замон маъносид асосан вақтнинг ўтиш ҳаракати бошқа бирор ҳаракатга «йўлдош» — бошқа бирор ҳаракат билан бирга боровчи ҳаракат бўлмайди. Аксинча, бошқа ҳаракатлар вақт билан бирга боровчи (унга йўлдош тарзидаги ҳаракат) бўлиши мумкин. Шу сабабли йўналиш вақт аспектида бўлганда ва ҳаракат субъекти вақтнинг ўзи бўлганда, *бор* кўмакчи феълнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдошга бириккан тури ҳеч вақт ҳозирги замон формасида қўлланмайди: *Соат олтидан ўтиб бораётир, дараги бўлмади* (А. Қаҳқор, Ужар).

Бу мисолдаги *ўтиб бораётир* формаси ўрнида *ўта бораётир* формасини қўллаб бўлмайди. Чунки бунда вақтнинг ўтиш ҳаракати бирор бошқа ҳаракатга йўлдош тарзидаги ҳаракат эмас.

Демак, етакчи феълдаги ҳаракат субъектнинг асосий ҳаракати бўлса (йўлакай бажарилувчи ҳаракат бўлмаса), йўналиш оттенкасидаги давомни ифодалаш учун ҳамма вақт *бор* кўмакчи феълнинг *-(у)б* аффикси билан ясалган равишдошга бириккан формаси қўлланади. Ҳаракат йўлакай бажарилувчи ҳаракат бўлса, бундай ҳаракатнинг давомличилигини ифодалашда *бор* кўмакчи феълнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдошга бириккан формаси ҳам, *-(у)б* аффикси билан ясалган равишдошга бириккан формаси ҳам қўлланаверади.

Энди *бор* кўмакчи феъли ифоралайдиган давомлилик маъносининг келиб чиқиши ва унинг давомлиликни йўналиш оттенкаси билан ифодалаш сабабига тўхтаб ўтайлик.

Бор феъли субъектнинг макондаги ўзи мавжуд бўлган пунктдан (йўналиш бошланувчи пунктдан) йўналиш қаратилган пунктга қараб бўладиган ҳаракатини билдиради (Бу маъ-

но бор мустақил феълининг асосий маъноларидан биринчиси). Шу хусусиятига кўра, бор феъли макон (жой) билдирувчи сўзларни бошқариб келади. Бу бошқариш икки келишик формасида — чиқиш ва жўналиш келишиклари формасида бўлади. Йўналиш бошланувчи пунктни билдирувчи сўз чиқиш келишиги формасида, йўналиш қаратилган пунктни билдирувчи сўз эса жўналиш келишиги формасида бўлади.

Демак, бор феълининг маъносида маконда бўладиган қўзғолувчи ҳаракат ва йўналиш элементлари бор. Бор феъли мустақил феъл сифатида қўлланганда, унинг маъносидаги мана шу элементлар сақланади.

Бор феъли мажозий (кўчма) маънода қўлланиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда унинг маъносидаги бир элемент — макондаги йўналиш бошланувчи пунктдан йўналиш қаратилган пунктга томон бўладиган қўзғолувчи ҳаракат йўқ бўлади. Ана шу элемент бўлмагач, бор феъли макон келишигидаги (чиқиш ва жўналиш келишигидаги) сўзларни бошқариб ҳам келмайди. Бор феъли шу ҳолатда равишдош формасидаги феъллар билан бирикиб келганда, унинг лексик ва грамматик жиҳатдан мустақиллиги жуда кучсизланади. Бунда равишдош формасидаги феъл ифодалаган ҳаракат асосий ҳаракат сифатида бўлади ва кесимга қўйиладиган сўроққа ҳам равишдош формасидаги феъл жавоб бўлади. Бор феъли ўз маъносидаги йўналиш элементи билан қатнашади. Мас., *хотираларни ёзиб бормоқ, кўнайиб бормоқ* бирикувларида бор феълининг маъносидаги маконда бўладиган қўзғолувчи ҳаракат элементи йўқ. Фақат йўналиш элементи сақланган, холос. Лекин бу йўналиш макондаги бир пунктдан иккинчи пунктга қараб йўналиш эмас, балки вақт ва даражанинг бир пунктдан иккинчи пунктига қараб йўналишидир. Шунинг учун ҳам мазкур бирикувларда бор феъли асосий сўз сифатида эмас, шу боисдан у макон билдирувчи сўзларни бошқариб келмайди.

Демак, бундай ҳолларда бор феълининг маъносидаги бир элемент — йўналиш элементи сақланиб қолади ва бор феъли шу маънони ифодаловчи сўз сифатида қатнашади.

Хўш, бор кўмакчи феъли билдирган йўналиш маъноси унинг асл маъносида мавжуд нарса экан, бу кўмакчи феълнинг давомлилик маъноси қаердан келиб чиққан, деган савол туғилиши табиий.

Юқорида айтиб ўтдикки, бор мустақил феъли субъектнинг ўзи мавжуд бўлган пунктдан бошқа пунктга қараб бўладиган йўналишдаги ҳаракатини билдиради. Субъект ана шу йўналиш қаратилган пунктга етганда бориш ҳаракати амалга ошади. Демак, бунда йўналиш бошланадиган пункт билан йўналиш қаратилган пункт ораси маълум давомли масофага

эга бўлади. Субъект бирор ҳаракат (мас., юриш, учиш ҳаракати) билан йўналиш бошланувчи пунктдан йўналиш қаратилган пункт орасидаги масофани босиб ўтади. Масофа эса, айтиб ўтганимиздек, давомли масофадир. Бас, шундай экан, шу масофанинг бошидан охиригача бўладиган ҳаракат ҳам давомли бўлади.

Бироқ масофа бўйлаб бўладиган ҳаракат (мас., юриш ёки учиш ҳаракати) бор феъли билдирган ҳаракатнинг бажарилиш усулини кўрсатувчи ҳаракатдир. Аммо бор феълининг лексик маъносида ҳаракатнинг бажарилиш усули ифодаланмайди. Шуниси характерлики, ана шу усул сифатидаги ҳаракат (йўналиш қаратилган пунктга боришда бажариладиган ҳаракат) давомли ҳаракат бўлади. Мас., субъектнинг ўз уйдан ишхонасигача боргунча бўлган ҳаракати (юриш ҳаракати), албатта, давомли ҳаракат бўлади. Бунда йўналиш юриш билан бажарилади (юриш ҳолатда йўналади). Хотираларни ёзиб бормоқ гапида ҳам бор феъли субъектнинг вақтнинг маълум пунктдан келгусидаги пунктига қараб йўналишини билдиради. Ёзиш ҳаракати эса ана шу йўналишда бажариладиган ҳаракатдир. Бошқача қилиб айтганда, субъект шу ёзиш ҳаракати билан вақтнинг келгусидаги пунктига қараб йўналишда бўлади. Йўналиш ўтадиган оралиқ эса давомли. Шунга кўра, бу давомли масофа бўйлаб бажарилувчи ҳаракат ҳам (ёзиш ҳаракати ҳам) давомли бўлади.

Демак, бор кўмакчи феъли билдирадиган йўналиш тушунчаси шу феълининг мустақил маъносидаги йўналиш элементининг ўзидир. Етакчи феълдаги ҳаракатнинг йўналиши бўйлаб бажарилувчи ҳаракат эканлигидан давомлилик маъноси келиб чиқади.

Бор кўмакчи феълининг давомлиликни билдириши ва давомлиликни йўналиш оттенкаси билан ифодалаш сабаби ана шундай изоҳланади.

Қ и с қ а х у л о с а л а р :

1. Бор кўмакчи феъли равишдошнинг (-и)б аффикси, шунингдек, -а, -й аффикслари орқали ясалган тури билан бирикади.

2. Равишдошнинг иккала турига бирикканда ҳам бир хил маънони — йўналиш оттенкасидаги давомлилик маъносини билдиради.

3. Йўналиш уч аспектда: а) вақт аспектида; б) макон аспектида; в) даража аспектида бўлади.

4. -а, -й аффикслари билан ясалган равишдошга бириккан формаси -(и)б аффикси билан ясалган равишдошга бириккан формасига нисбатан кам қўлланади.

5. -а, -й аффикслари билан ясалган равишдошга бириккан формаси «йўл-йўлакай бажарилиш» оттенкасига эга.

6. Бор феълининг кўмакчи феълга айланиши кўчма маънода қўлланганда унинг маъносидаги маконда бўладиган қўзғолувчи ҳаракат элементининг номаъжудлиги билан изоҳланади.

7. Бор кўмакчи феъли ифодалайдиган йўналиш тушунчаси шу феълнинг асл маъносидаги йўналиш тушунчасининг ўзгинасидир.

8. Ҳаракатнинг йўналиш бошланадиган пунктдан йўналиш қаратилган пункт орасидаги масофа бўйлаб бажарилишидан давомлилик маъноси келиб чиқади.

Кел

Кел кўмакчи феъли равишдошнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган; турига бирикади: *фойдаланиб келмоқ, сақлаб келмоқ каби*²¹.

Бу кўмакчи феъл ўтимли феъллар билан ҳам, ўтимсиз феъллар билан ҳам бирика олади.

Кел кўмакчи феъли давомлилик маъносини билдиради: *Бригада ўша йилдан буён йилга ҳосилни уч-беш центнердан ошириб келляпти* (Р. Файзий, Дўрмонлик йигит). *Сиз одамларни эзиб, уларнинг меҳнати билан бойлик орттириб келдингиз* (П. Турсун, Уқитувчи).

Кел кўмакчи феъли давомлиликни йўналиш оттенкаси билан ифодалайди (юқоридаги мисолларга қаралсин). Шу хусусияти билан *кел* кўмакчи феъли *бор* кўмакчи феълига ўхшайди.

Йўналиш *кел* кўмакчи феълида ҳам худди *бор* кўмакчи феълидаги каби уч хил аспектда бўлади:

1. Вақт аспектида. Бунда йўналишнинг бошланиш пункти ҳам, йўналиш қаратилган пункт ҳам вақтда бўлади: *Неча йиллардан бери қалбида сақланиб келаятган эзгу армонлар унинг бутун асабларини уйғотиб юборган эди* (С. Зуннунова, Қўллар). *Пайғамбаримиз буйруғи ила мусулмон аёллари асрлар қоронғида кўр бўлиб келди, энди қуёш улар учун ҳам барқ урсин* (Ойбек, Н. қ.);

2. Макон аспектида. Бунда йўналишнинг бошланиш ва тугаш пунктлари маконда бўлади: *Асқар ота уни йўл бўйи санисираб келганидан қаттиқ хижолат бўлди* (А. Қаҳҳор, Хотинлар). *Мен ҳам ҳалигача ўзимда тажриба қилиб кўрма-*

²¹ Равишдошнинг *-а* аффикси билан ясалган турига бирикиши фақат бир феълда — *бул* феълида учрайди: *була келди*. Лекин бунда *кел* кўмакчи феълига хос бўлган давомлилик маъноси эмас, балки яқинлашганлик маъноси ифодаланади. Демак, *кел* кўмакчи феълнинг *-а* аффикси билан ясалган равишдошга бирикиши ҳам ва бунда ифодалайдиган маъноси ҳам умумий характерга эга эмас, балки якка ҳолдир.

ган бир юрак эзилиши, бутун авзони жи м и р л а т и б к е л а д и г а н қандайдир бир ички хиссиёт билан беихтиёр кўзимга ёш олдим (Ғ. Ғулӯм, Ёдгор);

3. Йўналиш даража аспектида бўлади: *Ғапинг тўғри-ку, лекин колхозларинг дуруст бўлиб келаетипти* (А. Қаҳҳор, Қ. ч.). *Энди сабза уриб келаетган кўкатларнинг, ҳали очилмаган ўрик гулларининг муаттар ҳидларини таратиб енгил шамол эсмоқда* (О. Ёқубов, Икки муҳаббат).

Шуни ҳам айтиш керакки, *кел* кўмакчи феъли ҳар жиҳатдан бор кўмакчи феълига тенг келавермайди (унга ўхшамайди). *Кел* кўмакчи феъли фақат давомлилик маъносидагина бор кўмакчи феъли билан ўзаро фарқланмайди. Йўналишнинг характери ва бошқа хусусиятлари жиҳатидан *бор* ва *кел* кўмакчи феъллари ўзаро фарқланади.

Бор ва *кел* кўмакчи феълларининг ўзаро фарқи, аввало, улардаги йўналишнинг хусусиятида кўринади: *бор* кўмакчи феълида сўзловчи йўналиш бошланадиган томонда бўлади, *кел* кўмакчи феълида эса сўзловчи йўналиш қаратилган томонда бўлади: *Бугундан бошлаб хотираларни ёзиб борасан* (Ҳ. Назир, С. ч.). *Совет ҳукумати космик тадқиқотлар соҳасидаги Совет Иттифоқининг муваффақиятларини фақат совет халқининг ютуқлари эмас, шу билан бирга бутун инсониятнинг ҳам ютуқлари, деб ҳамиша ҳисоблаб келди ва ҳисобламоқда* (Т. ҳ.)

Қиёслаш учун келтирилган юқоридаги масалаларнинг биринчисида сўзловчи йўналиш бошланадиган томонда, иккинчисида эса йўналиш қаратилган (йўналиш тугаган) томонда. *Бор* ва *кел* кўмакчи феъллари ифодалаган йўналишдаги бу фарқни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$A = C \xrightarrow{\text{бор}} B$$

$$A \xrightarrow{\text{кел}} B = C$$

А — йўналиш бошланадиган пункт, В — йўналиш қаратилган пункт; С — сўзловчи.

Бор ва *кел* кўмакчи феълларидаги йўналишнинг ана шу фарқи бу икки феълнинг ўзаро яна бошқа фарқли хусусиятларини келтириб чиқаради. Бу фарқли хусусиятлар йўналишнинг вақт ва даража аспектида учрайди. Йўналиш макон аспектида бўлганда эса, юқорида кўриб ўтганимиздек, *бор* ва *кел* феълларининг ўзаро фарқи биринчисида сўзловчининг йўналиш бошланадиган томонда бўлиши, иккинчисида эса йўналиш қаратилган томонда бўлишидир.

Йўналиш вақт аспектида бўлганда, *бор* кўмакчи феъли учала замон (ўтган, ҳозирги ва келаси замон) формасида қўллана олади, яъни етакчи феъл ва *бор* кўмакчи феълидан ташкил топган бирикув учала замон маъносига эга бўла олади: *ёзиб бордим, ёзиб боряпман, ёзиб бораман*. Етакчи феъл ва *кел* кўмакчи феълидан ташкил топган бирикув эса фақат ўтган замон ва ҳозирги замон формасига эга бўлади: *ишлаб келди, ишлаб келяпман*. Лекин ҳеч вақт *бугундан буён ишлаб келаман* ёки *эртадан бошлаб ишлаб келаман* дейилмайди. Бунинг сабаби нимада?

Юқорида кўриб ўтдикки, *бор* кўмакчи феълида сўзловчи йўналиш бошланадиган томонда бўлади. Сўзловчи мавжуд бўлган пункт эса нутқ моментига тенг келади.

Бас, шундай экан, бу ҳаракат нутқ моментидан сўнг бошланувчи ва давом этувчи ҳаракат бўлади. Нутқ моментидан кейинги вақт эса келаси замон ҳисобланади. Шунинг учун ҳам етакчи феъл ва *бор* кўмакчи феълидан ташкил топган бирикувлар келаси замон формасига эга бўлади: *Бундан буён ёзиб бораман*.

Кел кўмакчи феълида бунинг аксини кўрамиз. Етакчи феъл ва *кел* кўмакчи феълидан ташкил топган бирикувларда сўзловчи йўналиш қаратилган томонда бўлади. Сўзловчи мавжуд бўлган пункт нутқ моментига тенг келади. Нутқ momenti эса ҳозирги замон доирасидаги бир моментдир.

Демак, *кел* кўмакчи феълида йўналиш фақат нутқ моментига давом этганлигидан, етакчи феъл ва *кел* кўмакчи феълидан ташкил топган бирикувлар, ўз-ўзидан, келаси замон маъносига эга бўлмайди. Чунки келаси замон нутқ моментидан сўнг бошланади.


Кел кўмакчи феъли билан ясалган бирикувлар буйруқ майли формасида ҳам қўлланмайди. Бунинг сабаби ҳам юқоридагича изоҳланади, яъни буйруқ майлида ҳаракатнинг бажарилиши ёки бажарилмаслиги мантиқан нутқ моментидан кейин юз берадиган ҳодисадир. Нутқ моментига ҳаракатни бажаришга буйруқ бўлади, холос. Шунинг учун ҳам ҳеч вақт *бугундан бошлаб хотираларни ёзиб кел* дейилмайди.

Бор ва *кел* кўмакчи феълларининг майл ва замон формаларида қўлланишдаги ўзаро фарқи ва бу фарқнинг асоси шундан иборат.

Бу айтилганлар яна бир қизиқ масала (*бор* кўмакчи феъли билан ясалган бирикувларнинг ўтган замон формасида қўллана олиш сабаби) устида тўхтаб ўтишни тақозо этади.

Юқорида кўриб ўтдикки, *кел* кўмакчи феъли билан ясалган бирикувларда йўналиш сўзловчи томонга бўлиши сабабли бу типдаги бирикувлар келаси замон маъносига эга бўлмайди.

Шундай экан, *бор* кўмакчи феъли билан ясалган бирикувлар ҳам ўтган замон маъносига эга бўлмаслиги (ўтган замон формасида қўлланмаслиги) керак эди. Чунки бундай бирикувларда сўзловчи йўналиш бошланадиган томонда бўлади. Йўналиш сўзловчи мавжуд бўлган пунктдан (яъни нутқ моментида) бошланар экан, унинг ўтган замони бўлмайди. Бунинг боиси шундаки, сўзловчи ўзи сўзлаётган вақтда келаси замонда бўлиши мантиқан мумкин бўлмаганидек, ўтган замонда бўлиши ҳам мантиқан мумкин эмас. Агар буни шакл орқали ифодаласак, қуйидагича бўлади:




Чизиқчалардан ташкил топган стрелка — объектив замон (вақт). Унинг ўртасидаги кичик доирача (O) — нутқ моменти. Юқори ва пастки стрелкалар — ҳаракатнинг йўналиши. C — сўзловчи.

Бор ва *кел* кўмакчи феълларидаги йўналиш шундай характерга эга. Кўришиб турибдики, *бор* кўмакчи феъли билан ясалган бирикувлар ўтган замон маъносига, *кел* кўмакчи феъли билан ясалган бирикувлар эса келаси замон маъносига эга бўлмаслиги керак. Лекин *бор* кўмакчи феъли билан ясалган бирикувлар ўтган замон маъносида ҳам қўлланади: *ри-вожланиб борди*.

Бор кўмакчи феъли билан ясалган бирикувлар ўтган замон формасида қўлланганда, ҳозирги замон позициясидан гапирувчи шахс фикран ўтмишга чекинади ва ўзини гўё ҳаракатни вақт билан бирга кузатиб боргандек тасаввур қилади. Бунда ҳаракатнинг тугаш пункти ҳам ўтмишда бўлади. Албатта, бу ҳаракат ҳам (гарчи ҳозирга қадар келмаган бўлсада) ўтмишдан ҳозирга қараб йўналган бўлади. Лекин *бор* кўмакчи феъли билан ясалган бирикувлар ўтган замон формасида қўлланганда, ҳаракатнинг ўтмишдан ҳозирга қараб йўналиши ифодаланмайди, яъни ҳаракат йўналишининг сўзловчи мавжуд бўлган вақтга муносабати қуйидагича бўлмай,

ёзиб борди



аксинча, ҳаракат йўналишининг бошланиш пункти ҳам, тугаш пункти ҳам ўтмишнинг ўзида бўлади. Буни қуйидагича ифодалаш мумкин:

□ — ҳаракат йўналиши (бажарилиши) тугаган пункт.

Шаклдан кўриниб турибдики, ҳаракатнинг йўналиши ўтмишдаги бирор пунктда тугаган бўлса ҳам, аммо йўналиш, барибир, ўтмишдан ҳозирга қараб бўлган. Гап шундаки, бор кўмакчи феъли ана шу нарсани таъкидламайди (ҳаракатнинг ҳозирга қараб йўналишини кўрсатмайди). Худди шу шаклнинг ўзида *бор* кўмакчи феъли ўрнида *кел* кўмакчи феъли қўллansa, ҳаракатнинг ўтмишдан ҳозирга йўналганлиги ифодаланади. Мас., *хотираларни қирқинчи йилгача ёзиб борди*, дейиш ҳам мумкин, *хотираларни қирқинчи йилгача ёзиб келди*, дейиш ҳам мумкин. Ҳар иккаласида айнан бир ҳаракатнинг қирқинчи йилгача давом этганлиги ифодаланади. Лекин биринчисида ҳаракатнинг ҳозирга қараб йўналганлиги таъкидланмайди. Иккинчисида эса, аксинча, ана шу нарса таъкидланади.

Кел кўмакчи феъли билан ясалган бирикувларда ҳозирга қараб йўналишнинг ҳамма вақт ифодаланиши сабабли контекстда ана шу маънога мос келувчи *шу вақтгача*, *неча йилдан буён* каби сўз ёки сўзлар бирикмаси қатнашиши ҳам мумкин бўлади. Бундай сўзлар қатнашган ҳолларда *кел* кўмакчи феъли ўрнида *бор* кўмакчи феълени қўллаш ҳамма вақт мумкин бўлавермайди. Мас., *қадимдан ишлаб келган*, *шу вақтгача ишлаб келган эди*, *уч йилдан буён ишлаб келди* гапларида *кел* кўмакчи феъли ўрнида *бор* кўмакчи феълени қўллаш мумкин эмас.

Йўналишнинг ўтмишдан ҳозирга қараб бўлишини кўрсатувчи сўзлар бўлмаса, *кел* кўмакчи феъли ўрнида *бор* кўмакчи феълени қўллаш мумкин бўлади (лекин бу ҳам ҳамма вақт эмас). Бунда йўналишнинг ўтмишдан ҳозирга қараб бўлиши тушунчаси йўқолади. Қиёсланг: *воқеаларни ёзиб келдим* — *воқеаларни ёзиб бордим*.

Умуман, *бор* кўмакчи феъли билан ясалган бирикувларнинг ўтган замон маъносида қўлланиши кам учрайди. Бу маънода, асосан, *кел* кўмакчи феъли билан ясалган бирикувлар қўлланади. *Бор* кўмакчи феъли билан ясалган бирикувларнинг ўтган замон маъносида қўлланиши, кўпинча, йўналиш даража аспектида бўлганда учрайди (бу ҳақда кейинроқ гапираимиз).

Бор кўмакчи феъли билан ясалган бирикувлар ҳам, *кел* кўмакчи феъли билан ясалган бирикувлар ҳам ҳозирги замон

маъносида қўллана олади: *хотираларни ёзиб боряпман, хотираларни ёзиб келяпман*. Бунда ҳам бор ва кел кўмакчи феълларининг ўзаро фарқи — биринчисида йўналишнинг ҳозирги замондан келгусига қараб бўлишида, иккинчисида эса йўналишнинг ўтмишдан ҳозирга қараб бўлишидадир.

Бор ва *кел* кўмакчи феъли билан ясалган бирикувлар ҳозирги замон маъносида қўлланса-да, ҳар бири ўзига хос маъно оттенкасига эга бўлиши сабабли уларнинг бири ўрнида иккинчисини қўллаш билан йўналишнинг характери ўзгаради. Агар йўналишнинг характерини ўзгартириш объектив ҳолатга мос келмайдиган бўлса, *бор* ва *кел* кўмакчи феълларининг бири ўрнида иккинчисини қўллаш мумкин бўлмайди: *Лекин, Собирининг шунча жабр-ситамларига қарамай, онаси нима учун отасиникига бормаслигининг сабабига тушунмай келди* (Ҳ. Зияхонова, Унутилмас хатолар). *Ҳаммадан ҳам бир ёстиққа умид билан бош қўйиб келаяётган хотининики ўтиб тушди* (Шуҳрат, Мукофот).

Келтирилган мисоллардаги *тушунмай келади, бош қўйиб келаяётган* бирикувларини *тушунмай боради, бош қўйиб бораётган* бирикувлари билан алмаштириб бўлмайди. Чунки булардаги ҳаракат ўтмишдан ҳозирга қараб давом этаётган ҳаракатдир.

Соат ўн иккидан ўтиб боряпти гапида *бор* кўмакчи феълнинг ўрнида *кел* кўмакчи феълни қўллаб бўлмайди. Чунки бунда *ўн икки* вақти сўзловчи мавжуд бўлган вақт ҳисобланади. Эндиги йўналиш, албатта, келгусига қараб бўлади. *Кел* кўмакчи феъли эса келгусига қараб йўналишни билдирмайди.


Йўналиш вақт (замон) аспектида бўлганда *бор* ва *кел* кўмакчи феълларида бўладиган ўзаро фарқли хусусиятлар шулардан иборат. Умуман, йўналиш вақт аспектида бўлганда ўтган замон ва ҳозирги замон маъносида *бор* кўмакчи феълига нисбатан *кел* кўмакчи феъли кўп қўлланади.

Энди *бор* ва *кел* кўмакчи феълларининг даража аспектидаги ўзаро фарқли хусусиятларига тўхтаб ўтайлик.

Йўналиш даража аспектида бўлади, деган сўз ҳаракатнинг замонда бўлишини инкор этиш эмас. Ҳар қандай ҳаракат замон ва маконда бўлади. Шундай экан, *бор* ва *кел* кўмакчи феъллари даражама-даража ривожланиш хусусиятига эга бўлган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бирикканда ҳам йўналишнинг (вақт) замонда бўлиши йўқолмайди. Гап шундаки, *бор* ва *кел* кўмакчи феъллари даражама-даража ривожланиш хусусиятига эга бўлмаган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бирикканда, йўналиш вақт аспектининг ўзида бўлади. Даражама-даража ривож-


ланиш хусусиятига эга бўлган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бирикканда эса йўналиш даражада ҳам бўлади, яъни бундай бирикувларда етакчи феълдаги ҳаракат ўз даражасидаги бир пунктдан (даражанинг бошланиш томонидан) иккинчи бир пунктга (даражанинг юқори босқичи томонига) йўналишда бўлади: *кўпайиб бормоқ*, *кўпайиб келмоқ*. Ана шу аспектда ҳам *бор* ва *кел* кўмакчи феъллари фарқли хусусиятларга эга.

Бор кўмакчи феъли билан ясалган бирикувларда ҳам, *кел* кўмакчи феъли билан ясалган бирикувларда ҳам йўналиш даражанинг қуйи босқичидан юқори босқичига қараб бўлади. Лекин *бор* феъли йўналишнинг даражадаги охириги (энг юқори) пунктга қараб бўлишини билдиради, *кел* кўмакчи феъли эса ҳаракатнинг ривожланишида давом этишини ифодаласа ҳам, бироқ унинг даражадаги охириги пунктга қараб ривожланаётгани ифодаланади: *шамол кучайиб боряпти*, *шамол кучайиб келяпти*. Фикр аниқроқ бўлсин учун, *бор* ва *кел* феълларидаги йўналишнинг характерини кўрсатувчи шаклни (шаклдаги белгилар изоҳи юқорида келтирилган) келтирамиз:



Шу шаклга даражани ҳам қўшсак қуйидагича бўлади (даражани шартли равишда нуқталар билан ифодалаймиз):

Зўрайиб боряпти



Зўрайиб келяпти

Иккала мисолда ҳам (*зўрайиб боряпти* ва *зўрайиб келяпти* гапларида) даражанинг бошланиш ва охириги пунктлари аниқ эмас, факт шуки, даражанинг ривожланиши бошланган ва ҳозир давом этапти. Бу маънода иккала гап ҳам бир-биридан фарқланмайди. Лекин *шамол зўрайиб боряпти* гапида зўрайишнинг борган сари юқори пунктга қараб ривожланаётгани ифодаланади. *Шамол зўрайиб келяпти* гапи-

да ҳам шамолнинг кучайишда (ривожланишда) давом этаётганлиги ифодаланади. Лекин охирги пунктга томон ривожланаётганлиги ифодаланмайди. Бу нарса *бор* ва *кел* феълларидаги йўналишнинг характери билан изоҳланади. *Шамол зўрайиб боряпти* гапида ривожланишнинг сўзловчи олдида (нутқ моментиди) бўлаётганлиги ва ундан келгусига қараб яна шундай ривожланишда бўлиши ифодаланади. Чунки *бор* кўмакчи феълида йўналиш сўзловчи томондан келгусига қараб бўлади (юқоридаги шаклга қаранг). *Шамол зўрайиб келяпти* гапида йўналиш ҳеч вақт сўзловчи мавжуд бўлган пунктдан (нутқ моментидан) келгусига ўтмайди. Сўзловчининг ўзи йўналиш қаратилган томонда бўлади (шаклга қаранг). Шунинг учун ҳам *зўрайиб келяпти* гапида даражанинг охирги пунктига қараб ривожланишда яна давом этиши бўлмайди.

Кел кўмакчи феъли билан ясалган бирикувларда, кўпинча, қаракатнинг энди юзага келганлиги (яқинда бошланганлиги) ифодаланади: *гуллар очилиб келяпти, узум қизариб келяпти, қовунлар пишиб келяпти* каби. *Бор* кўмакчи феъли бундай хусусиятга эга эмас. Мас., *қовунлар пишиб келяпти*, деганда пишишнинг энди юзага келаётганлиги ифодаланади. Худди шу бирикувда *кел* кўмакчи феъли ўрнида *бор* кўмакчи феъли деярли қўлланмайди. Бунинг сабаби нимада? Бу нарса ҳам *бор* ва *кел* кўмакчи феълларидаги йўналишнинг характери билан изоҳланади.

Юқорида кўрдикки, *кел* кўмакчи феъли билан ясалган бирикувларда даража охирги пунктга эмас, балки сўзловчи мавжуд бўлган пунктга қараб йўналади. Субъект мавжуд бўлган пункт эса даражанинг юқори пункти эмас. Даражанинг йўналиши юқори (охирги) пунктга қараб бўлувчи йўналиш экан, албатта, у ҳали нормал даражага етмаган бўлади. Чунки юқори даражага қараб йўналиш нормал даражадан сўнг бошланади. Демак, бунда даража энди нормал ҳолатга йўналаётган даража бўлади. Ана шундан даражанинг энди юзага келаётганлиги (энди юз бера бошлаганлиги) аёнлашилади.

Бор кўмакчи феъли эса, юқорида кўриб ўтганимиздек, келгусига қараб бўлаётган йўналишни билдиради. Даражадаги йўналиш яна (келгуси пунктга қараб) давом этаётган (борган сари ривожланаётган) даража бўлади. Шунинг учун ҳам *бор* кўмакчи феъли билан ясалган бирикувларда даражанинг энди юзага келаётганлиги ифодаланмайди.

Демак, *бор* ва *кел* кўмакчи феълларининг даража аспектидаги асосий фарқи — уларнинг биринчиси даражанинг

охирги пунктга (юқори ҳолатга) қараб тобора ривожланиши маъносини, иккинчиси даражанинг яқинда юзага келганлиги (ҳали нормал ҳолатга етмаганлиги) маъносини билдиради²².

Биз юқорида бор кўмакчи феъли билан ясалган бирикүүлارнинг ўтган замон формасида қўлланиши, асосан, йўналиш даража аспектида бўлганда учрашини айтган эдик. Йўналиш даража аспектида бўлганда *бор* кўмакчи феъли учала замон формасида ҳам қўлланаверади ва ҳамма вақт даражанинг қуйи ҳолатдан юқори ҳолатга қараб ривожланиши маъносини билдиради. Бундай ҳолларда йўналишнинг ўтмишдан ҳозирга қараб давом этиши (йўналиши) назарда тутилмайди, балки асосий нарса даражанинг орта бориши (кучайишда давом этиши) бўлади. *Бор* кўмакчи феъли ана шу маънони билдирганда, ўтган замон формасида қўлланганда ҳам унинг ўрнида *кел* кўмакчи феълени қўллаб бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, *кел* кўмакчи феъли ҳаракатнинг юқори пунктга қараб ривожланиши маъносини билдирмайди. Бу маъно барча замон формаларида ҳам фақат *бор* кўмакчи феъли орқали ифодаланади. Йўналиш даража аспектида бўлганда *бор* кўмакчи феъленинг ўтган замон формасида ҳам кенг қўлланиш сабаби ана шунда.

Бор ва *кел* кўмакчи феълларининг ўзаро фарқли хусусиятлари шулардан иборат.

Энди *кел* феъленинг кўмакчи феълга айланиши, унинг давомлилик маъносининг келиб чиқиши ва давомлиликни йўналиш оттенкаси билан ифодалаш сабабига тўхтаб ўтайлик.

Кел мустақил феъли макондаги бирор пунктдан сўзловчи мавжуд бўлган томондаги пунктга қараб бўладиган ҳаракатни билдиради (бу маъно *кел* феъленинг биринчи маъносидир). Шу хусусиятига кўра, *кел* феъли макон (жой) билдирувчи сўзларни бошқариб келади. Бу бошқариш икки келишик формасида — чиқиш ва жўналиш келишиклари формасида бўлади. Йўналиш бошланувчи пунктни билдирувчи сўз чиқиш келишиги формасида, йўналиш қаратилган пунктни билдирувчи сўз жўналиш келишиги формасида бўлади.

Демак, *кел* феъленинг маъносида маконда бўладиган қўзғолувчи ҳаракат ва йўналиш элементлари бор. *Кел* феъли

²² *Кел* кўмакчи феъли бошқа туркий тилларнинг баъзиларида ҳам шу маънони ифодалайди. Қаранг: Ф. Г. Исхаков, А. А. Пальмбах, Грамматика тувинского языка, Фонетика и морфология, М., 1961, стр. 413; И. Е. Маманов, Вспомогательные глаголы в казахском языке, Алмата, 1949, стр. 66.

мустақил феъл сифатида қўлланганда унинг маъносидаги ана шу элементлари тўла сақланади.

Кел феъли кўчма (мажозий) маънода қўлланиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда унинг маъносидаги бир элемент — маконда бўладиган қўзғалувчи ҳаракат элементи йўқ бўлади. Шу сабабли *кел* феъли макон келишигидаги (чиқиш ва жўналиш келишигидаги) сўзларни бошқармайди. *Кел* феъли равишдош формасидаги феъл билан бирикиб, кўчма маънода қўлланганда, унинг лексик-грамматик жиҳатдан мустақиллиги жуда кучсизланади. *Кел* феълига бирикиб келган равишдош формасидаги феъл ифодалаган ҳаракат эса асосий ҳаракат сифатида бўлади ва кесимга қўйиладиган сўроққа ҳам ана шу равишдош формасидаги феъл жавоб бўлади. *Кел* феъли ўз маъносидаги бир элемент — йўналиш элементи билангина қатнашади. Мас., *шу вақтгача лақиллатиб келяпти* гапида *кел* феълининг маъносидаги маконда бўладиган қўзғалувчи ҳаракат элементи йўқ, фақат йўналиш элементи сақланган. Лекин бу йўналиш ҳам макондаги бир пунктдан иккинчи бир пунктга қараб бўладиган йўналиш эмас, балки вақт (замон)даги бир пунктдан иккинчи бир пунктга қараб бўладиган йўналишдир. *Кел* феълининг маъносидаги элементлар тўла сақланмаганлиги учун у *лақиллатиб келмоқ* бирикувида мустақил феъл сифатида бўла олмайди. Унинг маъносида сақланиб қолган йўналиш тушунчаси равишдош формасидаги феъл ифодалаган маънога қўшимча маъно сифатида бўлади. *Кел* феъли ана шу қўшимча маънони (йўналиш маъносини) ифодаловчи сўз сифатида бўлади ва у ўзи бирикиб келган сўзга нисбатан ёрдамчи сўз ҳисобланади.

Кел феълининг кўмакчи феълга айланиши ва йўналиш тушунчасини билдириш сабаби ана шунда.

Кел кўмакчи феъли ифодалайдиган йўналиш тушунчаси унинг асл маъносида бор бўлган нарса экан, унинг давомлилик маъноси қаердан келиб чиққан, деган саволнинг туғилиши, табиий.

Давомлилик маъноси *кел* мустақил феълининг лексик хусусиятидан келиб чиқади.

Юқорида айтиб ўтдикки, *кел* мустақил феъли макондаги бирор пунктдан сўзловчи томондаги пунктга қараб бўладиган ҳаракатни билдиради. Субъект ана шу йўналиш бошланадиган пунктдан йўналиш қаратилган пунктга етганда келиш ҳаракати амалга ошади. Йўналиш бошланувчи пункт билан йўналиш қаратилган пунктнинг ораси маълум давомли масофага эга. Демак, субъект келиш ҳаракатини бажаришда ўзининг бирор ҳаракати (мас., юриш, учиниш) билан ана шу

давомли масофадан ўтади. Масофа давомли экан, шу масофа бўлаб бўладиган ҳаракат ҳам давомли бўлади. Бироқ бу ҳаракат *кел* феъли билдирган ҳаракатнинг бажарилиш усулини кўрсатувчи ҳаракатдир. *Кел* феълининг ўзида ана шу усул сифатидаги ҳаракат ифодаланмайди.

Кел феъли кўмакчи феъл вазифасида қўлланганда, бажариш усули сифатидаги ҳаракат ўрнида равишдош формасидаги феъл билдирган ҳаракат туради. Мас, *мактабига келди* бирикувидаги *кел* феълида йўналиш ҳам бор, шу йўналишда бажарилган ҳаракат (айтайлик, юриш ҳаракати) ҳам бор. Лекин йўналишда бажарилувчи ҳаракат (юриш) ифодаланмайди. *Воқеаларни ёзиб келди* гапида ҳам йўналиш ва йўналишда бажарилган ҳаракат (ёзиш) бор. Бунда йўналиш давомида бажарилувчи ҳаракат махсус феъл орқали ифодаланмайди.

Демак, *воқеаларни ёзиб келди* гапида *кел* феъли субъектнинг макондаги ёки замондаги бирор пунктдан сўзловчи томонидаги пунктга қараб йўналишини билдиради. Равишдош формасидаги феъл (*ёз* феъли) билдирган ҳаракат шу йўналишда бажарилувчи ҳаракат бўлади. Икки пункт орасидаги масофа эса давомли масофадир. *Ёзиш* ҳаракати шу масофа бўлаб бажарилар экан, албатта, у давомли бўлади. *Кел* кўмакчи феълининг йўналиш оттенкасига эгаллиги ва давомлилик маъносини ифодалаш сабаби ана шунда.

Қисқа хулосалар:

1. *Кел* кўмакчи феъли равишдошнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган турига бирикади.

2. Бу кўмакчи феъл давомлилиكنи йўналиш оттенкаси билан ифодалайди.

3. *Кел* кўмакчи феъли билан ясалган бирикувларда йўналиш сўзловчи томонига қараб бўлади.

4. Йўналиш уч аспектда: 1) вақт аспектида; 2) макон аспектида; 3) даража аспектида бўлади.

5. *Кел* кўмакчи феъли билан ясалган бирикувлар фақат ўтган замон ва ҳозирги замон маъносида қўллана олади.

6. Йўналиш даража аспектида бўлганда, *кел* феъли даражанинг бошланғич этапи юзага келганлигини (йўналиш шу босқичда бўлаётганини) билдиради.

7. *Кел* феълининг кўмакчи феълга айланиши кўчма маънода қўлланганда, унинг маъносидаги маконда бўладиган кўзғолувчи ҳаракат элементининг бўлмаслиги билан изоҳланади.

8. *Кел* кўмакчи феъли ифодалайдиган йўналиш тушунчаси унинг асл маъносидаги йўналиш тушунчасининг ўзидир.

9. Етакчи феълдаги ҳаракатнинг йўналиш бошланувчи

пункт билан йўналиш қаратилган пункт орасидаги масофа бўйлаб бажарилишидан давомлилик маъноси келиб чиқади.

Бўл

Бўл кўмакчи феъли равишдошнинг *-(и)б* аффикси орқали ясалган тури билан бирикади. Бу кўмакчи феъл ўтимли феъллар билан ҳам, ўтимсиз феъллар билан ҳам бирика олади.

Бўл кўмакчи феъли англатадиган маънолар:

1. Тугаллик, тўла бажарилиш маъносини билдиради: *Ўтап ўз улушига тушган зовурни хотини билан қайнасанинг ёрдамида ҳаммадан аввал қазиб бўлди* (Х. Фулом, Машғал). *Бундай пайтларда у, то қўлини ювиб бўлмаганча, касалга орқасини ўгириб турар эди* (С. Зуннунова, Қалдирғоч).

Бўл кўмакчи феъли бирор объект устида бўладиган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бирикканда, тугаллик ана шу объектга нисбатан бўлади, яъни ҳаракатнинг объект устида тўла бажарилиши (ҳаракат қилинадиган объектнинг тугаши) маъноси ифодаланади: *Китобни ўқиб бўлди. Ерни эртага ҳайдаб бўламиз* каби.

Баъзан тугаллик объектга нисбатан эмас, балки ҳаракатга нисбатан бўлиши ҳам мумкин. Мас., *чойни ичиб бўлиб, кинога борамиз* гапида тугаллик ҳаракатга нисбатандир (бундан чойнинг тугаши маъноси англашилмайди).

Етакчи феълдаги ҳаракат бирор объект устида бўлмайдиган ҳаракат бўлса, тугаллик ҳаракатнинг ўзига нисбатан бўлади (шу ҳаракатнинг тугаши, тамом бўлиши ифодаланади): *ёғиб бўлди, тарқаб бўлди, йўнаб бўлди* каби.

Бўл кўмакчи феъли ифодалайдиган тугаллик, тамом бўлиш маъноси *бўл* мустақил феъли ифодалайдиган маънонинг ўзидир, яъни *бўл* феъли мустақил феъл сифатида қўлланганда ҳам тугаллик, тамом бўлиш маъносини билдиради: *Бўлинг тезроқ. Ҳозир турамиз...* (А. Қаҳҳор, Қ. ч.). *Бўлди ми? Сиз билан сўзбозликка вақтим йўқ* (Ойбек, Қ. қ.).

Бу мисолларда ҳам *бўл* феъли тугаш (тугатиш), тамом бўлиш маъносини билдиради.

Бўл кўмакчи феъли ифодалайдиган маъно *бўл* мустақил феъли билдирадиган маънонинг ўзи бўлганидан, *бўл* кўмакчи феълнинг мустақиллик даражаси бошқа кўмакчи феъллардагига нисбатан кучлироқ бўлади.

Бу ҳодиса равишдош формасидаги феъл билан *бўл* феълдан ташкил топган бирикувларда *бўл* феълнинг мустақил феъл ёки кўмакчи феъл эканлигини белгилашни бирмунча

қийинлаштиради, яъни бундай ҳолларда *бўл* феъли ўз мустақиллигини сақлагандек (мустақил феълдек) кўринади. Лекин *йқиб бўлмоқ, келиб бўлмоқ, еб бўлмоқ* каби бирикувларда *бўл* феъли лексик-грамматик жиҳатдан тўла мустақилликка эга эмас. Бу бирикувларда асосий ҳаракат *бўл* феъли билдирган ҳаракат эмас, балки равишдош формасидаги феъл билдирган ҳаракат асосий ҳаракат ҳисобланади. Агар *бўл* феъли билдирган ҳаракат асосий ҳаракат бўлганда, равишдош формасидаги феъл *бўл* феълининг белгисини кўрсатар эди. Келтирилган бирикувларда эса кесимга қўйиладиган сўроққа ҳам, асосан, равишдош формасидаги феълнинг ўзи жавоб бўла олади. *Бўл* феъли равишдош формасидаги феъл билдирган ҳаракатнинг характеристикасини (тугаллигини) кўрсатади. Шахсли феъл равишдош формасидаги феъл билдирган ҳаракатнинг характеристикасини кўрсатар экан, ўз-ўзидан, у кўмакчи феъл ҳисобланади.

2. *Бўл* кўмакчи феълнинг тугаллик, тамом бўлиш маъносини ифодалаш итақчи феълдаги ҳаракатнинг давомли ҳаракат эканлигини ҳам келтириб чиқаради. Чунки ҳаракат тамом бўлиш пунктига эга экан, албатта, у бошланиш пунктига ҳам эга бўлади. Мас., *одамлар йиғилиб бўлди* гапида йиғилиш бирданга бўладиган ҳаракат эмас, балки бу ҳаракат маълум шахс (ёки шахсларнинг) келиши билан бошланади ва охириги шахснинг (ёки шахсларнинг) келиши билан тугайди. Агар йиғиладиган шахснинг ҳаммаси бирдан келса (бирликда келса), *йиғилиб бўлди* дейилмайди. Шу хусусиятига кўра, *бўл* кўмакчи феъли бир лаҳзанинг ўзида бажариладиган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бирикканда эса бошқача маъно — русча «уже» деган маъно ифодаланади. Мас., яшириниб турган ёки яширинмоқчи бўлган одамни кўриш (кўриб қолиш, сезиб қолиш) аввал бошланиб, сўнгра тамом бўладиган ҳодиса эмас. Бу маънода кўриш ҳаракати бир лаҳзада (кўз тушиши биланоқ) бажариладиган ҳаракатдир. Шунинг учун ҳам, *бўл* кўмакчи феъли *кўр* феъли билан унинг шу маъносида бирикканда, ҳаракатнинг охирига етиши, тамом бўлиши маъносини эмас, балки бирор шахс бошқа бир ҳаракатни бажаргунча, субъектнинг шу ҳаракатни бажариб қўйиши маъносини («уже» деган маънони) билдиради: *кўриб бўлди* (сен яширингунингча кўриб бўлди). *Кетиб бўлди, уриб бўлди, сезиб бўлди* каби бирикувларда ҳам худди шу маъно ифодаланади. Бу маъно *бўл* кўмакчи феълнинг асосий маъноларидан бирига айланган. Шунинг учун *бўл* кўмакчи феъли бу маъно билан тўла бажарилиш маъносини ифодаловчи кўмакчи феъллардан сўнг ҳам қўллана олади. Мас., *уй ёниб кетиб бўлди* гапида *кет* кўмакчи

феъли ҳаракатнинг тўла бажарилиши маъносини билдиради (*уй ёниб кетди*). *Бўл кўмакчи феъли эса юқоридаги маъносини ифодалайди.*

Кетиб бўлди, сезиб бўлди каби бирикувларда ҳам тугаллик маъноси бор, албатта. Лекин бундаги тугаллик «охирига етиш, тамом бўлиш» маъносидаги тугаллик эмас. Қиёсланг: *ўқиб бўлди — кетиб бўлди*. Биринчисида ҳаракатнинг объект устида тўла бажарилиши (бошидан охиригача етиши) ифодаланади. Иккинчисида эса етакчи феълдаги ҳаракат бошланиш ва тамом бўлиш пунктларига эга бўлган ҳаракат эмас. Шунинг учун ҳам *кетиб бўлди* бирикувида «уже» деган маъно ифодаланади. Агар кетувчи шахс кўп бўлса ва кетиш олдинма-кетин юз берадиган бўлса, *бўл кўмакчи феъли ҳаракатнинг охиригача етиши (тамом бўлиши) маъносини билдиради: Одамлар кетиб бўлсин, кейин маслаҳатлашамиз*. Кетувчи шахс битта бўлса, ҳаракатнинг охирига етиши маъноси эмас, балки юқоридаги маъно («уже») ифодаланади:

— *Салим қани?*

— *Кетиб бўлди.*

3. Ҳаракатнинг бажарилиши учун имкониятнинг борлиги (бўлишсиз формада — имкониятнинг йўқлиги) маъносини билдиради: *Ҳамма илми фақат савод орқалигина ўрганиб бўлади* (П. Турсун, Уқитувчи). *Чанқовни томчи билан қондириб бўлмайди* (Ойбек, Н. қ.).

Мумкинлик, имкониятнинг борлиги (бўлишсиз формада — мумкин эмаслик, имкониятнинг йўқлиги) маъносини *ол кўмакчи феъли* ҳам ифодалайди. Лекин *бўл* ва *ол кўмакчи феъллари* ўзаро фарқли хусусиятларга эга.

*Бўл кўмакчи феъли ҳаракатнинг бажарилишидаги объектив имкониятга нисбатан қўлланади*²³. *Ол кўмакчи феъли эса субъектнинг ўзидаги имконият маъносини билдиради: бориб бўлади — бора олади.*

Ол кўмакчи феъли субъектнинг ўзидаги имкониятни билдириши сабабли бу маънода учала шахс формасида ҳам қўлланаверади: ёза оламан, ёза оласан, ёза олади. Бўл кўмакчи феъли эса бу маънода шахс-сон билан тусланмайди, фақат учинчи шахс формасидагина қўлланади: ёзиб бўлади. Лекин бунда ҳам *бўл* феъли учинчи шахс формасида бўлишидан қатъий назар, мазмунан учинчи шахс ифодаланмайди. Имконият учала шахс учун умумий бўлади.

²³ Қаранг: А. Н. Кононов, Грамматика современного узбекского литературного языка, М.—Л., 1960, стр. 201.

Бит (битир)

Бит кўмакчи феъли равишдошнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган турига бирикади ва ҳаракатнинг тўла бажарилиши, охирига етиши маъносини билдиради. *Бит* феъли ўтимсиз феъллар билан, *битир* феъли ўтимли феъллар билан бирикади: *Кичикроқ водийнинг ҳар ер-ҳар еридан суюқ тутун кўтарилмоқда — қишлоқ батамом ёниб битган* (А. Қаҳҳор, О. ю.). *Колхозимиз... шартномада кўрсатилган миқдор ерга йигирма иккинчи апрелда юз фойиз чигит экиб битирди* (А. Қодирий, О. к.).

Ҳаракатнинг тўла бажарилиши, тамом бўлиши маъноси *бўл* кўмакчи феъли орқали ҳам ифодаланишини кўрдик. Лекин шу маънони ифодаловчи *бит (битир)* кўмакчи феъли ўзига хос хусусияти билан *бўл* кўмакчи феълидан фарқланади.

Ҳаракатнинг тўла бажарилиши маъносида қўлланган *бит (битир)* феъли ўрнида *бўл* кўмакчи феълини қўллаш ҳамма вақт мумкин бўлади. Аксинча, *бўл* кўмакчи феъли ўрнида *бит (битир)* кўмакчи феълини қўллаш ҳамма вақт мумкин бўлавермайди. Мас., *ёниб битди, экиб битирди* бирикувларидаги *бит, битир* феъллари ўрнида *бўл* кўмакчи феъли қўллана олади (*ёниб бўлди, экиб бўлди*), лекин *йўнаб бўлди, келиб бўлди* бирикувларидаги *бўл* кўмакчи феъли ўрнида *бит (битир)* кўмакчи феълини қўллаб бўлмайди.

Бит (битир) феъли, асосан, бирор объект устида бўладиган ҳаракатни билдирувчи феъллар билангина бирикади ва шу объектнинг тугаши маъносини билдиради. Ана шундай хусусиятга эга бўлмаган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан *бит (битир)* кўмакчи феъли деярли бирикмайди. Мас., *бу феъл ухламоқ, йиғламоқ, кулдирмоқ, кутмоқ* каби феъллар билан бирика олмайди. *Бўл* кўмакчи феъли эса бундай феъллар билан ҳам бирикиб, тугаллик маъносини ифодалай олади.

Бит (битир) феъли бирор объект устида бўладиган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бирикканда, ҳамма вақт шу объектнинг тугашини билдиради. Объект тугамаган ҳолда, умуман, ҳаракатнинг тугаши маъносида қўлланмайди. Мас., *чойни ичиб битирмоқ* бирикувида, албатта, чойнинг тугаши ифодаланади. *Бўл* феъли эса объектнинг тугаши маъносини ҳам, шунингдек, объект тугамаган ҳолда ҳаракатнинг тугаши маъносини ҳам ифодалайверади.

Бундан ташқари, *бит (битир)* феъли бирор объект устида бўлувчи ҳаракатнинг тугаши, тўла бажарилишини ифодалашда жуда ҳам қўлланади, бунда деярли ҳамма вақт *бўл* кўмакчи феъли ишлатилади.

Бир оғиз сўз билан айтганда, тугалликни ифодаловчи *бит* (*битир*) феълнинг қўлланиш доираси *бўл* феълнинг қўлланиш доирасига нисбатан жуда чегарали.

Бит (*битир*) феълнинг кўмакчи феъл вазифасида ифода-лайдиган маъноси унинг мустақил феъл сифатида ифода-лайдиган маъносининг айнан ўзидир, яъни бу феъл мустақил феъл сифатида қўлланганда ҳам тугаллик, тўла бажарилиш маъносини ифодалайди (шундай маънога эга): *ишим битди, ишимни битирдим*.

Бит (*битир*) феълнинг кўмакчи феъл вазифасида ифода-лайдиган маъноси мустақил феъл сифатида қўлланганда ифода-лайдиган маъносининг ўзи бўлгани учун ҳам *ёниб битмоқ*, *ёзиб битирмоқ* каби бирикувларда унинг кўмакчи феъл ёки мустақил феъл эканлигини белгилаш бир оз қийинроқ бўлади. Ҳақиқатда ҳам, ана шу бирикувларда *бит* ва *битир* феълларининг мустақиллик даражаси *ёниб бўлди*, *ёзиб бўлди* каби бирикувлардаги *бўл* феълнинг мустақиллик даражасига нисбатан кучлироқ. Лекин бундай бирикувларда *бит* ва *битир* феъллари ўз маъносини қай даражада сақламасин, улар тўла маънода мустақилликка эга эмас. Буларда субъект бажарадиган асосий ҳаракат ёниш ва ёзиш ҳаракатидир. Шунинг учун ҳам *ён* ва *ёз* феъллари равишдош формасида бўлишидан қатъий назар, *бит*, *битир* феълларининг белгисини кўрсатмайди. Аксинча, *бит*, *битир* феъллари *ён* ва *ёз* феъллари ифодалаган маънога қўшимча маъно (тугаллик маъносини) ифода-лайди. Бу ҳодиса *ёниб битмоқ*, *ёзиб битирмоқ* каби бирикувларда *бит*, *битир* феълларининг кўмакчи феъл эканлигини кўрсатади.

Чиқ кўмакчи феъли равишдошнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган турига бирикади. Бу кўмакчи феъл ўтимли феъллар билан ҳам, шунингдек, ўтимсиз феъллар билан ҳам бирика олади: *йиғлаб чиқмоқ*, *алаҳлаб чиқмоқ*, *ўқиб чиқмоқ*, *айланиб чиқмоқ* каби.

Чиқ кўмакчи феъли англатадиган маънолар:

1. Тугаллик, тўла бажарилиш маъносини билдиради. Бундаги тугаллик қуйидаги ҳодисаларга нисбатан бўлиши мумкин:

1) етакчи феълдаги ҳаракатнинг шу ҳаракат йўналган ёки ҳаракатни ўз устига олган объект бўйлаб (шу объект устида) тўла бажарилиши маъноси ифодаланади. Объект бир бутун (яхлит) ёки бирдан ортиқ бўлиши мумкин: *Бундан йиғирма уч йил аввал Матқовул ўзининг забардаст кетмони билан Сал-*

төнбунинг тўрт таноб ерини тўрт кун деганда ағдариб
чиқди (М. Исмоилий, Ф. т. о.). Мақсуд икки ҳафтадан бери
бир неча марта ўқишчи қилди... бир нарча қоғоздаги сатр-
ларни яна кўздан кечиргуси келди (Р. Файзий, Ч. б. к.). Шер-
бек аввал касал молларни, сўнгга қолган ҳамма молларни
уқоқилиб чиқди (С. Анорбоев, Оқсой).

Келтирилган мисолларда субъектнинг етакчи феълдаги
ҳаракатни шу ҳаракат йўналган объект устида тўла бажар-
ганлиги (ўз ҳаракати билан шу объектлар доирасидан чиқ-
қанлиги) ифодаланади. Бундан тугаллик маъноси ҳам келиб
чиқади. Лекин бундаги асосий нарса етакчи феълдаги ҳара-
катнинг тугаши эмас, балки ҳаракат йўналган (ҳаракат ба-
жариладиган) объектнинг тугашидир.

Чиқ феъли кўмакчи феъл вазифасида келганда ҳам, қис-
ман бўлса-да, ўз маъносини сақлайди, яъни бундай ҳолларда
субъектнинг бирор объект доирасидан чиқиши англашилади.
Ҳатто, ана шу нарса алоҳида таъкидланади. Шунинг учун *чиқ*
кўмакчи феъли субъектнинг ўз ҳаракати билан шу ҳаракат
йўналган объектни тугатишини ифодаласа ҳам унинг ўрнида
бўл кўмакчи феълни қўллаб бўлмайди: *Қўлга киргизиб ол-
ган янги ерларни айлашиб чиқиш учун Матчон тўра ик-
кита навкарини эргаштириб қум тарафга жўнади* (Ж. Шари-
пов, Хоразм). *Олимов, ўз одатича, кўзойнаги четидан ҳар бир
болага синчиклаб эҳн солиб чиқди* (Ж. Назир, С. ч.).

Келтирилган иккала мисолда ҳам *чиқ* кўмакчи феъли ўр-
нида *бўл* кўмакчи феълни қўллаш мумкин эмас.

Чиқ кўмакчи феълнинг ўзига хос хусусиятини аниқроқ
тасаввур этиш учун уни *бўл* кўмакчи феълга қўслаб кўриш
мумкин. Бунда *чиқ* кўмакчи феълнинг *бўл* кўмакчи феъли-
дан фарқланувчи икки асосий хусусиятини аниқлашнинг ўзи ки-
фоядир.

Биринчидан, *чиқ* кўмакчи феъли бирор тўла объект у-
стида бўладиган ҳаракатни билдирувчи феъллар билангина
бирика олади ва субъектнинг ўз ҳаракати билан шу объект-
ни тугатиши маъносини ифодалайди. *Бўл* кўмакчи феъли учун
бу нарса шарт эмас. У ҳар қандай феъл билан бирикиб, шу
феълдаги ҳаракатнинг тўла бажарилиши маъносини ифода-
лайверади. Мас., *хат ёзмоқ*. Хат ҳали йўқ нарса, у энди ёзили-
ши керак. Шунинг учун ҳам, ёзиш ҳаракатининг тугал бажар-
илишини ифодалаш учун *чиқ* кўмакчи феълни қўллаш
мумкин бўлмайди (чиқиладиган объектнинг ўзи йўқ). Бу ҳа-
ракатнинг тугал бажарилишини ифодалаш учун *бўл* кўмакчи
феъли қўлланаверади: *хат ёзиб бўлди* (*хатни ёзиб бўлди*). Бу
нарса тугалликни ифодалаш *бўл* кўмакчи феълнинг асосий
функцияси эканлигини (*бўл* кўмакчи феъли тугалликни ифо-

даловчи сўз эканлигини) кўрсатади. *Чиқ* кўмакчи феъли тўла маънода ҳаракатнинг тугал бажарилишини билдирувчи сўз бўлмаганлигидан ҳар қандай ҳаракатнинг тугаллигини ифодалаш учун бу кўмакчи феълни қўллаш мумкин бўлавермайди. Мас., *ёнмоқ, тарқамоқ, гапирмоқ, емоқ, ичмоқ* каби феъллар ифодалаган ҳаракатнинг тугал бажарилишини ифодалаш учун *чиқ* кўмакчи феълни қўллаш мумкин эмас. Бу маънони ифодалаш учун, албатта, *бўл* кўмакчи феъли қўлланади.

Иккинчидан, *чиқ* кўмакчи феълнинг субъектнинг бирор ҳаракат-ҳолат билан шу ҳаракат-ҳолат йўналган объектни тугатиши маъносида қўлланиши ҳам маълум даражада чегарали, яъни *чиқ* кўмакчи феъли бирор объект устида бўлувчи ҳаракатни билдирадиган феъллар билан ҳамма вақт ҳам бирикавермайди (субъектнинг ҳар қандай объектни тугатиши маъносида қўллана олмайди). *Чиқ* кўмакчи феълнинг шу маънода қандай ҳолларда қўлланиши ёки қўлланмаслиги етакчи феълдаги ҳаракат йўналган объектнинг характери билан изоҳланади.

Чиқ кўмакчи феълнинг бирор феъл билан бирикиб, субъектнинг шу феъл (етакчи феъл) ифодалаган ҳаракат билан бирор объектни тугатиши маъносида қўлланиши учун етакчи феълдаги ҳаракат йўналган объект кириш (бошланиш) ва чиқиш (тугаш) пунктларига эга бўлган объект бўлиши керак. Мас., *китобни ўқимоқ* бирикмасида *ўқимоқ* феъли бошқариб келган сўз ифодалаган предмет (китоб) бошланиш (кириш) ва тугаш (чиқиш) пунктларига эга бўлган предмет (объект)-дир. Шунинг учун ҳам субъектнинг ўқиш ҳаракати билан китобни тугатишини ифодалаш учун *чиқ* кўмакчи феълни қўллаш мумкин: *китобни ўқиб чиқмоқ*.

Агар бирор феълга бошқарилиб келган сўз ифодалаган объект (предмет) чиқиладиган (чиқиш пунктига эга бўлган) объект сифатида тасаввур этилмаса, *чиқ* кўмакчи феъли субъектнинг шу объект устидаги ҳаракатининг тугал бажарилишини ифодалаш учун қўлланмайди (аниқроғи, қўллана олмайди). Мас., *нонни емоқ* бирикувида *емоқ* феъли бошқариб келган сўз ифодалаган объект (нон) чиқиладиган объект эмас. Шунинг учун ҳам субъектнинг емоқ ҳаракати билан шу объектни тугатганлигини ифодалаш учун *чиқ* кўмакчи феълни қўллаб бўлмайди. Бу маънони ифодалаш учун *бўл* кўмакчи феъли қўллана олади.

Кўринадики, ҳаракатнинг тўла бажарилишини ифодалаш учун ҳамма вақт *бўл* кўмакчи феълни қўллаш мумкин. *Чиқ* кўмакчи феълнинг бирор ҳаракатнинг тугал бажарилиши маъносида қўлланиши учун, биринчидан, бу ҳаракат бирор объект устида бўладиган ҳаракат бўлиши керак, иккинчидан,

бу объект чиқиладиган объект сифатида тасаввур қилинадиган бўлиши керак;

2) етакчи феълдаги ҳаракат йўналган объект бошланиш ва тугаш (кириш ва чиқиш) пунктларига эга бўлмаслиги, лекин ҳаракат субъекти шундай пунктларга эга бўлиши мумкин. Бунда *чиқ* кўмакчи феъли шу объект устида ҳаракат қилувчи субъектнинг тугашини билдиради: *Ҳамма уни бир-бир уриб чиқди. Утирганлар бу гулни бир-бир ҳидлаб чиқди* каби.

Демак, *чиқ* кўмакчи феъли бирор феълга бирикиб келганда, етакчи феълдаги ҳаракат йўналган объектнинг ёки ҳаракат субъектнинг тугаши маъноси билан бирга шу объект ёки субъектнинг чиқиладиган тасаввурдаги объект ёки субъект эканлиги ҳам ифодаланади. Ана шу нарса таъкидланмай, фақат тўла бажарилиш маъносининг ўзигина ифодаланадиган бўлса, *чиқ* кўмакчи феъли эмас, балки *бўл* кўмакчи феъли қўлланаверади;

3) субъектнинг етакчи феъл ифодалаган ҳаракат-ҳолат билан маълум чегарага эга бўлган вақтни тугатишини, шу вақт тугагунча етакчи феъл ифодалаган ҳаракат билан машғул бўлиши маъносини билдиради: *Қиш бўйи аллақайси гўр остларида ж у н ж и б ч и қ қ а н қуш зотлари: чумчуқлар, читтаклар, кўрғайлар, сазвалар... ўз тўплари билан вижир-вижир, чуғур-чуғур сайраб куладилар* (А. Қодирий, У. к.). *Ота шу ҳолда тонг отгунча совуқ билан олишиб чиқди* (С. Анорбоев, Оқсой).

Кейинги мисолда *чиқ* кўмакчи феъли субъектнинг тонг отгунча бўлган вақтни совуқ билан олишган ҳолда ўтказганини, яъни шу вақтни совуқ билан олишган ҳолда тугатганини билдиради. Бу ерда гап етакчи феъл ифодалаган ҳаракатнинг (совуқ билан олишишнинг) тонг отгандан сўнг тугаган ёки тугамаганлигида эмас. Бу ҳаракат тонг отгандан сўнг давом этган бўлиши ҳам мумкин, давом этмаган (тугаган) бўлиши ҳам мумкин. Лекин *чиқ* кўмакчи феъли буни ифодаламайди. Биринчи мисолда ҳам *чиқ* кўмакчи феъли субъектнинг бутун қишни етакчи феъл ифодалаган ҳаракат-ҳолатда (жунжиган ҳолатда) ўтказганлигини (жунжиган ҳолатда қишни тугатганлигини) билдиради. Бунда жунжиш ҳолатининг қишдан сўнг давом этган ёки давом этмаган (тугаган)лиги ифодаланмайди.

Чиқ кўмакчи феъли бирикиб келган етакчи феълдаги ҳаракат ёки ҳолат шу ҳаракат-ҳолат давом этган маълум чегарали вақтнинг тугаши билан унинг (етакчи феъл ифодалаган ҳаракат-ҳолатнинг) ўзи ҳам тугаган бўлиши мумкин. Лекин бу нарса аҳамиятли бўлмаганидан кўп вақт ноаниқ ҳолда қо-

лаверади. Тугаган ёки тугамаганлиги аниқ бўлганда эса, бу аниқлик *чиқмоқ* феъли орқали эмас, балки контекстдаги бошқа сўз ёки сўзлар бирикмаси орқали ифодаланади: *Кечаси билан қор ёғиб чиқди*. *Кечаси билан ёғиб чиққан қор тинди, булут ёрилиб, қуёш чиқди* (Х. Нуъмон, Фасллар). Биринчи мисолда *чиқ* кўмакчи феъли қорнинг ўз ҳаракати (ёғиш ҳаракати) билан туннинг тугатганлигини ифодалайди. Қор кейин ҳам ёғдими ёки ёғмадими — бу номаълум. Иккинчи мисолда эса қорнинг тун (кечаси) тугагандан кейин ҳам ёққанлиги (ёғишда давом этганлиги) аниқ. Лекин буни *чиқ* кўмакчи феъли ифодалаётгани йўқ. Бу маъно кейинги жумлалардан англашилади. Бу мисолда ҳам *чиқ* кўмакчи феъли қор ўзининг ёғиш ҳаракати билан кечаси (тун)ни тугатганлигини, шу ҳаракати билан кечаси (тун)дан чиққанлигини билдиради.

Шуни айтиш керакки, субъектнинг бирор ҳаракат ёки ҳолатни бажариш билан маълум чегарага эга бўлган вақтни ўтказишини, шу вақт доирасидан чиқишини ифодалаш учун ҳамма вақт *чиқ* кўмакчи феълени қўллаш мумкин бўлавермайди. Мас., *қиши билан китоб ўқиб чиқди* дейиш мумкин. Лекин *ёзи билан китоб ўқиб чиқди* д-илмайди. Еки *бир ой китоб ўқиб чиқди* дейилмайди. Шунингдек, *кечаси билан йиғлаб чиқди* дейиш мумкин. Лекин *кун билан йиғлаб чиқди* дейилмайди. Бу ҳодиса маълум сабабга эга.

Мас., кун (кундуз кун) тугаши билан кеч киради — кечаси (тун) бошланади. Шунга кўра, *кеч кирди* дейиш мумкин. Лекин *кун кирди* ёки *кундузи кирди* дейилмайди. Кун (кундуз)нинг тугаши билан кеч (тун)нинг бошланиши кечаси (тун)нинг кириши экан, ўз-ўзидан, тун (кечаси)нинг тугаш моменти унинг (туннинг) чиқиш пункти бўлади. Бошқача қилиб айтганда, сутканинг икки қисмидан бири, яъни тун (кечаси) ички қисм, иккинчи қисми, яъни кундуз (кундуз кун) — сутканинг ёруғ қисми) ташқи қисм сифатида тасаввур қилинади. Демак, кечаси (тун) сутканинг кундуз (ёруғ) қисмидан қилинадиган (кундузнинг тугашидан бошланадиган) ва кундузга чиқадиغان бўлаги ҳисобланади.

Мана шу нарса субъектнинг бирор ҳаракат билан кечаси (тун)ни тугатишини (тундан чиқишини) ифодалаш учун *чиқ* кўмакчи феълени қўллашга имкон беради.

Сутканинг тун (кечаси) қисми ички қисм, кундузи ташқи қисм сифатида тасаввур қилинганидек, қиш — фаслнинг ички қисми, ёз — ташқи қисми сифатида тасаввур қилинади. Шунинг учун субъектнинг бирор ҳаракат-ҳолат билан қишнинг тугатишини (қишдан чиқишини) ифодалаш учун *чиқ* феълени қўллаш мумкин бўлади. Ёз ва кундузи ташқи қисм сифатида тасаввур қилинганидан субъектнинг бирор ҳаракат-ҳолат би-

лан ёз ёки кундузини тугатганлигини ифодалаш учун *чиқ* кўмакчи феълини қўллаш мумкин бўлмайди.

Демак, *чиқ* кўмакчи феъли субъектнинг бирор ҳаракат-ҳолат билан фақат тун (кечаси) ёки қишни тугатишини (тун ёки қишдан чиқишини) ифодалаш учунгина қўллана олади. Бошқа вақт доирасини (мас., ёзни) тугатишини ифодалаш учун эса *чиқ* кўмакчи феълини қўллаб бўлмайди.

Чиқ кўмакчи феъли субъектнинг етакчи феълдаги ҳаракат билан шу ҳаракат йўналган объектни тугатишини, шунингдек, бу ҳаракат билан қиш ёки тун (кечаси)ни тугатишини билдирган ҳолларда етакчи феълдаги ҳаракатнинг давомлилиги, такрорийлиги ҳам англашилади: *кечаси билан йиғлаб чиқди, ҳикояни бошдан-оёқ сўзлаб чиқди* каби. Лекин бундаги давомлилик маъносини *чиқ* феълининг маъноси билан боғлаб бўлмайди. *Чиқ* феълда давомлилик маъноси йўқ. Буларда *чиқ* кўмакчи феъли ифодалайдиган маъно қиш ёки кечасининг тугаши маъносидир. Давомлилик маъноси эса етакчи феъл бошқариб келган сўз ифодалаган предмет ёки вақтнинг хусусиятидан келиб чиқади, яъни бу маъно шу предмет ёки вақтнинг бошланиш (кириш) ва тугаш (чиқиш) пунктларига эғалигидан келиб чиқади. Предмет ёки вақт бошланиш (кириш) ва тугаш (чиқиш) пунктларига эга экан, ўз-ўзидан, у давомли бўлади. Субъектнинг ўз ҳаракати билан шу давомли объект ёки вақтни тугатганлигидан бу ҳаракатнинг давомлилиги маъноси келиб чиқади. Лекин бундан қатъий назар, *кечаси билан қор ёғиб чиқди, ҳикояни бошдан-оёқ сўзлаб чиқди* кабиларда асосий нарса етакчи феълдаги ҳаракатнинг давомлилиги эмас, балки давомли объект ёки вақтнинг тугашидир. *Чиқ* кўмакчи феъли ана шу маънони ифодалайди.

Чиқ кўмакчи феълининг бу маъноси шу сўзнинг мустақил феъл сифатида қўлланганда ифодалайдиган қуйидаги маъноси билан алоқадор.

Чиқ феъли кўп маъноли сўз бўлиб, унинг асосий маъноларидан бири субъектнинг (ҳаракат субъектнинг) маълум чегарага эга бўлган макон ёки вақтдан ташқари ўтиши (*кирмоққа қарама-қарши*) маъносидир: *уйдан чиқмоқ, қишдан чиқмоқ* каби. *Қишдан чиқди* деган сўз қишни тугатди деган сўздир. Демак, *чиқ* феъли маълум даражада *тугат* феъли билан синоним бўла олади. *Чиқ* сўзининг кўмакчи феъл ҳолатида ифодалайдиган юқорида кўрсатилган маъноси ҳам худди шу маънонинг ўзидир: *Бердибой келаси кузни кутади, қиши билан мой жувозни қўшиб, Хайрининг ишқида ашула айтиб чиқади. Қишдан чиққач, деҳқончиликка урнайди* (А. Қодирий, О. к.).

Иккала гапда ҳам *чиқ* феъли тугатиш маъносини (субъектнинг қишни тугатганлигини) билдиради. Фарқ шундаки, *қишдан чиқди* бирикувида *чиқ* феъли мустақил феъл... *қиши билан... ашула а й т и б ч и қ д и* бирикувида эса асосий ҳаракат — *ашула айтмоқ*. *Чиқ* феъли ифодалаган ҳаракат эса унга нисбатан ёрдамчи ҳолатдаги ҳаракатдир. Бу бирикувда *чиқ* феъли мустақил сўз сифатида бўлмагани учун ҳам бирор сўзни бошқариб келмайди;

2. *Чиқ* кўмакчи феъли от (кенг маънода) + *бўл* феъли билан бирикиб келганда, натижа, оқибат *бўл* феълига боғланиб келган от ифодалаган маънодагича бўлишини билдиради: *Хўш, оқибат н и м а б ў л и б ч и қ д и* (Ҳ. Фулом, Машъал). *Шунинг билан бирга (муҳаббат) кўп вақтлар кишига з а р а р л и ҳ а м б ў л и б ч и қ а д и р.* (А. Қодирий, О. к.). *Дастлабки сотиш б у х и л д а б ў л и б ч и қ д и. У молини сотмади — сувга оқизди* (Ойбек, Қ. қ.).

Чиқ феъли мустақил феъл сифатида қўлланганда ҳам шу маънони ифодалай олади: *Аммо иш Мирзакаримбой ўйлаганича чиқмади* (Ойбек, Қ. қ.). *Кошки эди шу гап ёлғон ч и қ с а* (А. Қаҳҳор, Қ. ч.). *Бироқ орадан кўп ўтмай, Карим отанинг тахмини тўғри ч и қ и б қ о л д и* (А. Қаҳҳор, Тўйда аза).

Демак, *чиқ* кўмакчи феълнинг *нима бўлиб чиқди, шундай бўлиб чиқди* каби бирикувларда ифодалайдиган маъноси ҳам унинг мустақил феъл сифатида қўлланганда ифодалайдиган маъносининг ўзи. Лекин *нима бўлиб чиқди, шундай бўлиб чиқди* каби бирикувларда *чиқ* феъли лексик-грамматик жиҳатдан тўла мустақилликка эга эмас. Бундай бирикувлар таркибидан *чиқ* феъли тушириб қолдирилса ҳам асосий маъно ўзгармайди: *охири нима бўлиб чиқди — охири нима бўлди, шундай бўлиб чиқди — шундай бўлди*. Бу ҳодиса келтирилган типдаги бирикувларда *чиқ* феълнинг асосий феъл эмаслигини кўрсатади.

Қ и с қ а х у л о с а л а р :

1. *Чиқ* кўмакчи феъли равишдошнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган турига бирикади.

2. Бу кўмакчи феъл, асосан, тугаллик маъносини билдиради. Тугаллик объектга, субъектга ёки вақтга нисбатан бўлиши мумкин.

3. Ҳаракатнинг бирор объект устида тўла бажарилиши маъносини ифодалашда *чиқ* кўмакчи феълени қўллаш учун объект кириш ва чиқиш пунктларига эга бўлган бўлиши керак. Акс ҳолда *чиқ* кўмакчи феъли қўлланмайди.

4. Тугаллик вақтга нисбатан бўлганда, *чиқ* кўмакчи феъли субъектнинг бирор ҳаракат-ҳолат билан тун (кечаси) ёки қишни тугатиши маъносидагина қўлланади.

5. Чик кўмакчи феъли деярли ҳамма вақт озми-кўпми даражада ўз асл маъносини сақлайди. Бу нарса унинг қўлланиш доирасини анча чегаралаб қўяди.

Ет

Ет кўмакчи феъли равишдошнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган турига бирикади ва ҳаракатнинг тўла даражада (нормал даражада) юзага келиши (бўлишсиз формада тўла даражада юзага келмаслиги) маъносини билдиради (*тушуниб етди* — *тушуниб етмади*, *пишиб етди* — *пишиб етмади* каби): *Аҳмад вазифасини яхши англаб етмаган бўлса-да, «хўп» деб дафтарни олди* (Ҳ. Назар, С. ч.). *Мен... Куропаткинни ишдан четлатиш масаласи аллақачон пишиб етган, деб ҳисоблайман* (Н. Сафаров, Шарқ тонги).

Ет кўмакчи феъли билан ясалган бирикувларда ифодаланган тўла бажарилиш (бўлишсиз формада эса тўла бажарилмаслик) маъноси бевосита *ет* феълининг маъносидан келиб чиқади. Бундай бирикувларда *ет* феъли маълум даражада ўз маъносини сақлайди, яъни *тушуниб етмоқ*, *пишиб етмоқ* бирикувларида «етиш» маъноси бор. Буларда ҳаракатнинг тўла бажарилиш пунктига етиши (охирги пунктига етиши) англашилади. Охирги пунктга етиш, деган сўз ҳаракат тўла бажарилди деган сўзидир.

Ет феъли билан ясалган бирикувларда ҳаракатнинг тўла бажарилиш (юзага келиш) пункти қуйидаги ҳодисаларга нисбатан бўлиши мумкин:

1) тўла бажарилиш (юзага келиш) пункти маконда бўлади. Бундай ҳолларда гап ичида ана шу пунктни кўрсатувчи сўз қатнашади. Субъект бирор ҳаракати билан шу пунктга етганда етакчи феълдаги ҳаракат бажарилади: *Бу хатим бориб етмасдан тагин хат келди* (А. Қаҳҳор, Хотинлар). *Ойпошша рўйхатчи аёлнинг столи ёнида «севгилим мени қутқаришга келиб етма димикан?» деган хаёл билан атрофига қаради* (П. Турсун, Уқитувчи).

Бажарилиш пунктининг маконда бўлишида *ет* кўмакчи феъли, асосан, *бор* ва *кел* феъллари билан бирикади. Чунки макон бўйлаб бўладиган ҳаракатлар ичида, асосан, *бор* ва *кел* феъллари билдирган ҳаракат макондаги маълум пунктга етганда юзага келадиган (бажариладиган) ҳаракатлардир (*бор* ва *кел* кўмакчи феълларига қаранг). Бошқа феъллар ифода-лайдиган ҳаракатлар бундай хусусиятга эга эмас:

2) бажарилиш пункти вақтда (замон) да бўлади: *Оманинг гапидан шу маълум бўлдики, олма пишиб, тагига тушиш пайти келиб етибди* (Ҳ. Фулом, Машъал).

Бунда ҳам ет кўмакчи феъли, асосан, кел феъли билан бирикади (сабаби ҳақида юқорида фикр юритган эдик):

3) тўла бажарилиш пункти ҳаракатнинг даражасида бўлади. Бундай ҳолларда етакчи феълдаги ҳаракат аста-секин (даражама-даража) ривожланиш хусусиятига эга бўлган ҳаракат бўлади ва ривожланиш маълум даражага етганда ҳаракат тўла бажарилган бўлади: *Зайнаб Кумушнинг тўлиши иб етмаган гавдасига ва ўн олти ёшлар чамаси ғубор тегмаган хуснига ҳайрон бўлиб, мулоҳазасини айтишига кўрқди* (А. Қодирий, У. к.). *Қўшоқнинг гаплари, айниқса, Жобирнинг қора дилини очиб бераётгандай кўринар, лекин Жобир юзидаги ҳақиқий ниҳоб ҳали тоза очилиб етмаган эди* (Х. Шамс, Душман).

Ет кемакчи феъли ҳамма вақт ўз асл маъносини — мустақил феъл сифатида қўлланганда ифодалайдиган маъносини маълум даражада сақлаши сабабли унинг қўлланиш доираси анча чегарали, у санокли феъллар доирасидагина қўлланади.

Ут

Ут кўмакчи феъли равишдошнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган турига бирикади ва қуйидаги маъноларни билдиради:

1. Тугаллик маъносини билдиради: *Шунинг учун ҳам энгил саноат ходимларининг яқинда бўлиб ўтган республика кенгашида бу масалага алоҳида эътибор берилди* (Т. ҳ.). *Бу орада қанча сувлар оқиб кетди... Қанча воқеалар бўлиб ўтди* (Сайд Аҳмад, Тўлқинлар).

Тугаллик, тамом бўлиш маъносини *бўл* кўмакчи феъли ҳам билдиради. Лекин тугалликни ифодаловчи *бўл* ва *ўт* кўмакчи феъллари ўзаро фарқли хусусиятларга эга.

Бўл кўмакчи феъли бу маънода *-(и)б* аффикси билан ясалган равишдош формасидаги ҳар қандай феъл билан бирикаверади: *ёзиб бўлди, сайраб бўлди, экиб бўлди* каби. *Ут* кўмакчи феъли эса тугаллик маъносида фақат *бўл* феъли билан бирика олади. Шунда ҳам *бўл* феълининг барча маъноларида эмас, балки... содир бўлмоқ... .. юз бермоқ... («происходить», «совершаться») маъноси доирасида бирикади, яъни *бўл* феъли фақат шу маънони билдирган ҳоллардагина *ўт* кўмакчи феъли у билан бирикади. Бунда *бўл* феъли бирор воқеа-ҳодисанинг содир бўлиши, юзага келиши маъносини, *ўт* кўмакчи феъли шу воқеа-ҳодисанинг тугаши маъносини билдиради. Мас., *тўй бўлиб ўтди* бирикувида *бўл* феъли тўйнинг юзага келганлигини, *ўт* феъли унинг (тўйнинг) тугаганлигини, тамом бўлганлигини билдиради.

Кўринадики, *ўт* кўмакчи феъли бирор ҳаракат-ҳолатнинг тугашини эмас, балки воқеа-ҳодисанинг тугаши маъносини билдиради.

Ҳаракат-ҳолат ҳамма вақт бирор субъект томонидан бажарилади. Бажарувчи шахс сўзловчи ёки тингловчи, ёки ўзга бўлиши мумкин. Шунга кўра, бажарилувчи ҳаракат шу уч шахсдан бирига оид бўлади. *Мажлис бўлиб ўтди* типигаги бирикувларда бажарувчи шахс йўқ. Гарчи бирикув учинчи шахс формасида бўлса ҳам, мазмунан учинчи шахс ифодаланмайди. Бунинг сабаби — *мажлис бўлди* бирикувининг ўзида ҳам бажарувчи шахс ифодаланмайди.

Ўт кўмакчи феълининг бу маъноси мустақил феъл сифатида ифодалайдиган «тугамоқ»... «тамом бўлмоқ»... маъносининг ўзидир: *мажлис ўтди* (мажлис тамом бўлди, тугади), *тўй ўтди* (тўй тугади, тамом бўлди).

Лекин юқоридаги мисолларда *ўт* феъли худди шу маънони ифодалашидан қатъий назар, у лексик-грамматик жиҳатдан мустақилликка эга эмас. *Тўй ўтди*, *мажлис ўтди* бирикувларида *ўт* феъли лексик-грамматик жиҳатдан мустақилликка эга. *Мажлис бўлиб ўтди*, *тўй бўлиб ўтди* бирикувларида асосий ҳаракат *бўл* феъли ифодалаган ҳаракатдир. Мас., *кеча ишхонамизда мажлис бўлиб ўтди* гапида асосий нарса — мажлисининг бўлганлиги. Шунинг учун кесимга қўйиладиган сўроққа ҳам шу феъл жавоб бўлади. Ҳозирги замон маъносида эса *ўт* феъли қўлланмайди: *мажлис бўляпти*. Демак, *мажлис бўлиб ўтди* бирикувида *ўт* феъли ифодалайдиган тугаллик маъноси асосий ҳаракатнинг характеристикасини кўрсатувчи маънодир. Шу сабабли *ўт* феъли кўмакчи феъл ҳисобланади.

2. Субъектнинг етакчи феълдаги ҳаракатга тўхташи маъносини билдиради: *Марҳамат саёҳатнинг вазифаси ва тасрибинини яна бир марта тушунтириб ўтди* (Ҳ. Назир, С. ч.). *Сўзга чиққан... ўртоқлар... омма билан алоқани бундан буён ҳам мустаҳкамлай боришга қаратилган ўз мулоҳазаларини айтиб ўтдилар* (Т. ҳ.). *Утап сўз олиб, Эъвозхоннинг камтарлик қилиб айтмаган сўзларини бирма-бир санаб ўтди* (Ҳ. Ғулوم, Машъал).

Келтирилган мисолларда *ўт* кўмакчи феъли маълум даражада ўз маъносини сақлайди (яъни «ўтиш» маъноси сезилиб туради). Ана шундан «тўхташ» («остановиться», «касаться») маъноси келиб чиқади. Мас., *гапириб ўтди*, *санаб ўтди* бирикувларида *ўт* феъли субъектнинг гапириш ва санашдан ўтганлигини кўрсатади. Демак, бунда субъектнинг йўналишда эканлиги ҳам англашилади. Субъект ўз йўналишида шу ҳаракатда (гапириш ва санашда) бўлди, деган сўз шу ҳаракатга тўхтади (дахл этди), деган сўздир.

Лекин бу бирикувларда *ўт* феъли лексик-грамматик жиҳатдан мустақилликка эга эмас. У бирор сўзни бошқариб ҳам келмайди, яъни субъектнинг қаерга ўтганлиги ёки қаердан ўтганлиги эътиборга олинмайди. Шунинг учун санаб *ўтди*, *айтиб ўтди* каби бирикувларда *ўт* феълининг маълум даражада сақланган ўз маъноси эмас, балки шу маъно таъсирида келиб чиқадиган маъно — «тўхташ» маъноси асосий ўринда туради. Бошқача қилиб айтганда, етакчи феълнинг маъносига қўшимча тарздаги маъно «ўтиш» маъноси эмас, балки «тўхташ» маъноси бўлади. Бу маъно бевосита *ўт* феълининг қатнашувидан келиб чиқиши сабабли бирикув тартибида *ўт* феъли шу маънони ифодаловчи сўз сифатида бўлади.

Субъектнинг йўналишда бажарадиган ҳаракати фақат етакчи феълдаги ҳаракатнинг ўзи бўлса, юқорида кўрсатилган маънонинг ўзи ифодаланadi. Баъзан етакчи феълдаги ҳаракат субъектнинг ўз йўналишида бажарадиган ҳаракатларидан бири (шу ҳаракат орасидаги ҳаракат) бўлади. Буни контекст кўрсатади. Бундай ҳолларда субъектнинг шу ҳаракатга йўлакай тўхташи (уни йўлакай бажариб ўтиши) ҳам англашилади: *...бу фикримни бир даража арз қилиб ўтган эдим* (А. Қодирий, У. к.). *Бўтабойнинг ишларини танқид қилганимда, мактаб масаласини ҳам қистириб ўтсам бўлар эди* (А. Қаҳҳор, Қ. ч.).

Биринчи мисолда йўналишда бажариладиган ҳаракат фақат етакчи феълдаги ҳаракатнинг ўзи ва бунда субъектнинг шу ҳаракатга тўхташи ифодаланadi. Иккинчи мисолда етакчи феълдаги ҳаракат йўналишда бажарилувчи бошқа ҳаракатлар орасидаги (бошқа ҳаракат давомида бажарилувчи) ҳаракат эканлиги англашилади. Шунга кўра, бу мисолда «тўхташ» маъноси билан бирга етакчи феълдаги ҳаракатнинг «йўлакай» бажарилиши ҳам ифодаланadi. Лекин «йўлакай» деган маъно контекст ёки умумий ҳолатдан келиб чиқади. *Ўт* кўмакчи феълнинг бевосита ўзига ҳос бўлган маъно — етакчи феълдаги ҳаракатга тўхташ маъносидир.

Ол

Ол кўмакчи феълнинг етакчи феълга бирикиши уч хит кўринишга эга: 1) етакчи феълга равишдош ясовчи *-(и)б* аффикси орқали бирикади: *кўриб олди*; 2) *-а, -й* равишдош ясовчилари орқали бирикади: *кўра олди*; 3) ҳеч қандай воситасиз бирикади: *кўрди-олди*.

Бу кўмакчи феъл ўтимли феъллар билан ҳам, ўтимсиз феъллар билан ҳам бирика олади: *ўқиб олмоқ, билиб олмоқ, бориб олмоқ*.

Ол кўмакчи феълининг англадиган маънолари:

1. Ол кўмакчи феъли равишдошнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган турига бирикканда, қуйидаги маъноларни билдиради:

1. Етакчи феълдаги ҳаракатни ўз устига олган объектнинг субъект томонига йўналиши маъносини билдиради: *Шунинг учун ҳам қурилишдаги ва қўриқдаги одамларни чақириб олдидим-у, ғўза парваришига юбордим* (Ш. Рашидов, Б. к.). *Сидиқжон ҳаммасини йиғиштириб олдиди, айвоннинг тоқчасига элтиб қўйди* (А. Қаҳҳор, Қ. ч.).

Ҳаракатни ўз устига олган объектнинг субъект томонига йўналиши ол феълининг асл (мустақил) маъносида бор нарса, яъни ол мустақил феъли «бирор нарсани ўзига қабул қилмоқ, ўз томонига ўтказмоқ» маъносини билдиради. Лекин келтирилган мисолларда ол феъли лексик ва грамматик жиҳатдан тўла мустақилликка эга эмас. Буларда равишдош формасидаги феъл ифодалаган ҳаракат асосий ҳаракат ҳисобланади. Кесимга қўйиладиган сўроққа ҳам ана шу равишдош формасидаги феъл жавоб бўлади. Ол феъли билдирган ҳаракат асосий ҳаракат бўлмагани сабабли, уни (ол феълени) тушириб қолдирилса ҳам, асосий маъно ўзгармайди.

2. Ҳаракат натижасининг субъект манфаати томон (ўзин учун, ўз фойдасига) йўналишини билдиради: *Ота ёлғиз қўл, унга ип тайёрлаб бер, махсига шон қоқиш, пардоз бериш, шунга ўхшаш ишларни тез ўрганиб ол* (Ойбек, Қ. қ.). *Қурбон ота елиб-югуриб, сал кунда қишқи ва ёзги чойхонанинг кам-кўстини тўғрилаб олди* (А. Қаҳҳор, Қ. ч.). *Менинг Саломатим билан Султоним ҳам саводини чиқариб олди* (Х. Фулом, Машъал).

Ҳаракат натижасининг субъект томонига йўналиши ифодаланган ҳолларда ҳаракатни ўз устига олган объект ҳам объект томонига йўналган бўлиши мумкин. Лекин бунда субъектнинг йўналиши ёки йўналмаслиги асосий ўринда бўлмайди, балки ҳаракат натижасининг йўналиши асосий ўринда бўлади. Бунинг далили сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:

1) ол кўмакчи феъли ҳаракат натижасининг субъект томонига йўналишини ифодалаган ҳолларда ҳаракатни ўз устига олган объект субъект томонига йўналмаслиги мумкин: *Гапнинг пухтаси шуки, ғўзаларимизни ҳам тузатиб олди к, ҳосил ҳам мўл бўлди* (Ш. Рашидов, Б. к.) *Бир йилгина юкимизни енгил қилинг, ўзимизни тутиб олсак, кейин ҳиссасини чиқарамиз* (Ойбек, Н. қ.);

2) ол кўмакчи феъли билан ясалган бирикувларда етакчи феълдаги ҳаракатни ўз устига олган объект бўлмаслиги ҳам

мумкин (яъни етакчи феъл ўтимсиз феъл бўлиши мумкин);
ухлаб олмоқ, келиб олмоқ, етиб олмоқ;

3) ҳатто, *ол* кўмакчи феъли билан ясалган бирик-
кувларда етакчи феълдаги ҳаракатни ўз устига олган объект-
нинг йўналиши ўзга томонига бўлиши ҳам мумкин: *экинни*
экиб олмоқ, ҳосилни топшириб олмоқ, етказиб олмоқ каби.

Кўринадики, *ол* кўмакчи феъли ҳаракат натижасининг
субъект манфаатига йўналишини ифодалаган ҳолларда ҳара-
катни ўз устига олган объектнинг қай томонга йўналиши
аҳамиятли бўлмайди. Объект субъект томонга йўналган бўли-
ши ҳам мумкин, ўзга томон йўналган бўлиши ҳам мумкин.
Ҳатто, йўналувчи объект бўлмаслиги ҳам мумкин (ўтимсиз
феъллар билан бирикканда). Бунда *ол* феълнинг асл маъно-
си деярли йўқолади. Шу сабабли у ўтимли ва ўтимсиз феъл-
лар билан бирикаверади. *Ол* кўмакчи феъли ҳаракатни ўз
устига олган объектнинг субъект томонига йўналишини ифода-
лашда эса етакчи феъл ҳамма вақт ўтимли бўлади. Бунда
ҳаракат натижасининг ким томонга (ким фойдасига) йўнал-
ганлиги аҳамиятли бўлмайди.

3. *Ол* кўмакчи феъли айрим феъллар билан бирикканда,
ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъно-
сини билдиради. Бу маънода у ўтимли феъллар билан ҳам,
ўтимсиз феъллар билан ҳам бирика олади (*осиб олмоқ, ўраб*
олмоқ, бекиниб олмоқ каби).

Адолат чўйшапни юзига тортиб, ўраиб олди (С. Зун-
нунова, Гулхан). ... *қўш ёнида дадил қадам ташлаб бораётган*
қора болани бир нафас кузатиб турди ва ерга чўнқайиб
ўтириб олди (Ҳ. Фулом, Машъал).

Бундай ҳолларда етакчи феълдаги ҳаракатнинг бажарили-
шидан ҳам кўра, ундан юзага келувчи ҳолат (ҳолатнинг юзага
келиши) асосий ўринда туради. Мас., *боғлаб олмоқ, кийиб*
олмоқ, ёпишиб олмоқ бирикувларида асосий нарса, умуман,
боғлаш, кийиш, ёпишиш ҳаракатларининг бажарилиши эмас,
балки боғланган, кийинган, ёпишган ҳолатларнинг юзага ке-
лишидир.

Ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатга айланиши маъносини
қол ва *қўй* кўмакчи феъллари ҳам ифодалайди. Шунга кўра,
ол, қол, қўй кўмакчи феъллари бу маънода умумийликка эга.
Лекин *ол* кўмакчи феъли шу маънони билдирган ҳолларда
ўзига хос хусусиятлари билан *қол* ва *қўй* кўмакчи феъллари-
дан фарқланади. Бу фарқли хусусиятлар ҳақида қуйидаги-
ларни айтиш мумкин.

Қол кўмакчи феъли бу маънода, асосан, ўтимсиз феъллар
билан бирикади. *Ол* кўмакчи феъли эса ўтимли феъллар билан
ҳам, ўтимсиз феъллар билан ҳам бирика олади. Мас., *ерга*

қараб қолди дейилади, лекин *қаратиб қолди* дейилмайди. *Ол кўмакчи феълида* иккала ҳолат ҳам бўлаверади, яъни *ерга қараб олди*, дейиш ҳам мумкин, *ерга қаратиб олди* дейиш ҳам мумкин.

Бундан ташқари, *қол кўмакчи феъли* билан ясалган бирикувларда субъект актив бажарувчи сифатида бўлмайди. У юзага келган ҳолатда қолувчи сифатдагина бўлади. *Ол кўмакчи феъли* билан ясалган бирикувларда эса субъект актив бажарувчи сифатида бўлади. Қиёсланг: *ўтириб олди* — *ўтириб қолди*, *осилиб олди* — *осилиб қолди*, *суяниб олди* — *суяниб қолди*.

Субъектнинг актив бажарувчи сифатида бўлишини кўрсатиши жиҳатидан *ол кўмакчи феъли қўй кўмакчи феълига* ўхшайди. *Қўй кўмакчи феъли* ҳам юқоридаги маънода қўлланганда, субъект актив бажарувчи сифатида бўлади. Қиёсланг: *ётқизиб олди* — *ётқизиб қўйди*, *суяб олди* — *суяб қўйди*. Лекин бундан қатъий назар, *ол кўмакчи феъли ўзига* хос хусусиятлари билан *қўй кўмакчи феълидан* ҳам фарқланади.

Аввало, *қўй кўмакчи феъли* ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъносида деярли ҳамма вақт ўтимли феъллар билан бирикади: *ётқизиб қўйди*. *Ол кўмакчи феъли* эса ўтимли ва ўтимсиз феъллар билан бирика олади: *ўтиб олди*, *ётқизиб олди*.

Бундан ташқари, *ол кўмакчи феъли* етакчи феълдаги ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъносини билдирган ҳолларда йўналишнинг субъект томониغا бўлишини кўрсатади. Бунда икки ҳодиса бўлиши мумкин:

1) ҳаракат-ҳолат ўзга предметга (шу ҳаракат-ҳолатни ўз устига олган предметга) йўналган бўлади. Шу предмет (объект) эса субъектга йўналган бўлади: *Боласини кийинтириб олди*;

2) ҳаракат-ҳолатни ўз устига олган объект субъектнинг ўзи бўлади ва ҳаракат-ҳолат ҳам унинг ўзига йўналган бўлади: *ҳамма ёғини кўрпа билан ўраб олди* (ўраган ҳам, ўранган ҳам ўзи).

Қўй кўмакчи феъли билан ясалган бирикувларда ҳаракат-ҳолатни ўз устига олган объект ҳеч вақт субъект томон йўналган бўлмайди. Ҳаракат-ҳолат ана шундай объектга (субъект томон йўналмайдиган объектга) йўналган бўлади: *Боласини кийинтириб қўйди*. Унинг *ҳамма ёғини ўраб қўйди*. Яна қиёсланг: *суяб олмоқ* — *суяб қўймоқ*, *кўтариб олмоқ* — *кўтариб қўймоқ*, *қамаб олмоқ* — *қамаб қўймоқ*, *боғлаб олмоқ* — *боғлаб қўймоқ*, *бўғиб олмоқ* — *бўғиб қўймоқ*, *жойлаб олмоқ* — *жойлаб қўймоқ* ва бошқалар.

Демак, ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага кели-

ши маъносини ифодаловчи *ол* ва *қўй* кўмакчи феъллари ўзларига хос маъно оттенкаси билан бир-биридан фарқланади. Унинг бири ўрнида иккинчисини қўллаш билан ана шу маъно оттенкасида ўзгариш юз беради.

Лекин шуниси ҳам борки, маъно оттенкаси билан ўзаро фарқланувчи *ол* ва *қўй* кўмакчи феъллари юқоридаги маънода қўлланган ҳолларда уларнинг бири ўрнида иккинчисини қўллаш ҳамма вақт ҳам мумкин бўлавермайди. Бу нарса объектив ҳолатнинг, шунингдек, *ол* ва *қўй* кўмакчи феълларининг хусусиятлари билан изоҳланади: *Йигитлар қулоқчинларини тушириб, юзларини шамолга тескари қилиб олишган* (Р. Файзий, Ч. б. к.). *У анча хомуш. Мени кўрди-ю, ўзини тутиб олди* (М. Жўра, Яшасин қуёш). *У мени уч марта кўтариб ерга урмоқчи бўлди, лекин мен ҳар сафар оғимни ерга тираб олиб, йиқилмадим* (С. Улуғзода, Ёшлигимиз тонги).

Келтирилган учала мисолда ҳам етакчи феълдаги ҳаракатнинг бажарилганлиги ва ҳолатнинг юзага келганлиги ифодаланади. Лекин бу мисоллардаги *ол* кўмакчи феъли ўрнида шу маънони ифодаловчи *қўй* кўмакчи феълни қўллаб бўлмайди. Бунинг сабаби шундаки, келтирилган мисолларда етакчи феълдан юзага келган ҳолат субъектнинг ўзида. Буларда етакчи феълдаги ҳаракат-ҳолатни ўз устига олган объект субъектдан алоҳида бўлмайди. Мас., *юзини тескари қилиб олмоқ* бирикувида субъектнинг ўз юзини тескари қилган ҳолатга олганлиги ифодаланади. Ҳақиқатда ҳам, субъект ўз юзини бирор нарсадан тескари ҳолатга олиши мумкин. Лекин ўз юзини ана шундай ҳолатга қўймайди. Ўзганинг юзини эса шундай ҳолатга олиши ҳам шундай ҳолатга қўйиши ҳам мумкин: *унинг юзини тескари қилиб олди, унинг юзини тескари қалиб қўйди*.

Умуман, ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъноси ифодаланган ҳолларда шу юзага келган ҳолатни тутиб турувчи нарса субъектнинг ўзи бўлса, *ол* кўмакчи феъли ўрнида *қўй* кўмакчи феълни қўллаб бўлмайди. Мас., *болани кўтариб олмоқ, ёстиқни қучоқлаб олмоқ* бирикувларидаги *ол* кўмакчи феъли ўрнида *қўй* кўмакчи феълни қўллаб бўлмайди (қўлланса, бутунлай бошқа маъно ифодаланади).

Агар юзага келган ҳолатни тутиб туриш ўзга томонидан бўладиган бўлса, маъно оттенкасида ўзгариш юз беришидан қатъий назар, *ол* кўмакчи феъли ўрнида *қўй* кўмакчи феълни ва, аксинча, *қўй* кўмакчи феъли ўрнида *ол* кўмакчи феълни қўллаш мумкин: *қалъани ўрамоқ*. Қалъани девор, панжара ва бошқа нарса билан ўраш мумкин. Бунда ҳаракатни бажарувчи, ҳолатни юзага келтирувчи шахс субъектнинг ўзи бўлади. Лекин ўралган ҳолатни тутиб турувчи нарса эса девор, панжара ёки бошқа нарса бўлади. Бундай ҳолда ҳаракатнинг бажари-

лиши ва ҳолатнинг юзага келишини ифодаловчи ол ёки қўй кўмакчи феълини қўллаш мумкин бўлади: қалъани девор билан ўраб олмоқ, қалъани девор билан ўраб қўймоқ. Агар ўралган ҳолатни тутиб турувчи нарса субъектнинг ўзи бўлса, фақат ол кўмакчи феъли қўлланади (қўй кўмакчи феълини қўллаб бўлмайди): *Лашкар қалъани ўраб олди.*

Демак, ол кўмакчи феъли билан ясалган бирикувларда етакчи феълдан англашилган ҳолатни тутиб турувчи шахс субъектнинг ўзи ёки ундан бошқа шахс (нарса) бўлиши мумкин: *Энгашиб олмоқ, энгаштириб олмоқ. Қўй кўмакчи феъли билан ясалган бирикувларда эса етакчи феъл билдирган ҳолатни тутиб турувчи ҳамма вақт субъектдан ўзга шахс (ёки ўзга нарса) бўлади: энгаштириб қўймоқ, эгиб қўймоқ.*

Юқоридаги маънода қўй кўмакчи феълини ол кўмакчи феъли ўрнида қўллаш ҳамма вақт мумкин бўлавермаганидек, қўй кўмакчи феъли ўрнида ол кўмакчи феълини қўллаш ҳам ҳамма вақт мумкин бўлавермайди. Мас., *атамоқ* феъли. Бу феъл билдирган ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши объектив ҳолда мумкин бўладиган ҳодисадир. Лекин шу маънони ифодалашда *ата* феъли билан фақат қўй кўмакчи феъли бирика олади, ол кўмакчи феъли бирика олмайди, яъни *атаб қўйдим* дейилади, аммо *атаб олдим* дейилмайди (бу бирикувда иккала феъл мустақиллигини сақлайди). Чунки *ата* феъли билдирган ҳаракат ҳам, ундан юзага келадиган ҳолат ҳам ўзгага йўналган бўлади. Шунингдек, ҳаракат-ҳолат йўналган объект субъект томон йўналмайди.

Ол феъли билан ясалган бирикувларда субъект ҳаракатни онгли равишда, ўзи билиб туриб бажарувчи сифатида бўлади. Қўй кўмакчи феъли билан ясалган бирикувларда эса юзага келувчи ҳаракат-ҳолат субъектнинг мақсадига мувофиқ бўлмаслиги, хоҳиш-ихтиёрга қарама-қарши ҳаракат-ҳолат бўлиши ҳам мумкин. Ана шундай бўлган ҳолларда ҳам қўй кўмакчи феъли ўрнида ол кўмакчи феълини қўллаб бўлмайди: *Назаримда, ўзингизни олдириб қўйибсизми, жигар?* (Ўйгун, Навбаҳор).

Бу мисолдаги қўй кўмакчи феъли ўрнида ол кўмакчи феълини қўллаб бўлмайди.

Ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъносини ифодаловчи ол ва қўй кўмакчи феълларининг ўзаро фарқли хусусиятлари шулардан иборат. Умуман, бу маънода ол кўмакчи феъли ўтимли феъллар доирасида қўй кўмакчи феълига нисбатан камроқ қўлланади. Бу нарса ол кўмакчи феълнинг ўзига хос хусусияти билан изоҳланади. Ол кўмакчи феълнинг, асосан, жонли предметлар бажарадиган ҳаракатларга нисбатан қўлланиши ва жонли предметларнинг ҳам

актив суратда (ўз билгича) бажарадиган ҳаракатларига нисбатан қўллана олиши сабабли унинг қўлланиш доираси анча чегаралидир.

Ол кўмакчи феълининг етакчи феълдаги ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъносини ифодалашини қандай изоҳлаш мумкин, яъни бу маъно *ол* феълининг асл маъноларидан қайси бирига боғланади?

Ол феъли «ўзига қабул қилиш, ўзига ўтказиш» маъносидан ташқари яна «ўзини ёки ўзгани бирор ҳолатга ёки ўринга ўтказиш, бирор ҳолатга, ўринга, олиш» маъносини ҳам билдиради. Бунда ўтказиладиган ҳолат ёки ўринни бошқа сўзлар кўрсатади: *панага олмоқ, сояга олмоқ, четга олмоқ* каби. *Ол* кўмакчи феълининг юқоридаги маъноси (ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъноси) унинг мустақил феъл сифатида билдирадиган маъноларидан ана шунисига боғланади. Мас., *қуршаб олди*—қуршалган ҳолатга олди, *букчайиб олди* — ўзини букчайган ҳолатга олди, *ғужанак бўлиб олди* — ўзини ғужанак ҳолатга олди, *ғужанак қилиб олди* — ўзгани ғужанак ҳолатга олди.

Келтирилган бирикувларда *ол* феъли *сояга олмоқ, панага олмоқ* каби бирикувларда ифодаладиган маъноси билан қатнашганлиги сезилиб турибди. Лекин *ол* феъли *сояга олмоқ, панага олмоқ* каби бирикувларда (яъни отлар билан бирикканда) лексик-грамматик жиҳатдан мустақиллигини сақлайди. *Қуршаб олмоқ, букчайиб олмоқ* каби бирикувларда эса лексик-грамматик жиҳатдан мустақиллиги йўқолади ва у кўмакчи феъл сифатида бўлади. Бунинг сабаби шундаки, *панага олмоқ* каби бирикувларда бирикувнинг от қисми ифодалаган ҳолат тайёр ҳолдаги ҳолат бўлади ва субъект ўзини ёки ўзгани шу ҳолатга олади. Шунинг учун ҳам бундай бирикувларда *ол* феъли ҳам, унга бирикиб келган сўз ҳам ўз мустақиллигини сақлайди. *Қуршаб олмоқ, букчайиб олмоқ* каби бирикувлардаги *қурша, букчай* феъллари билдирган ҳаракат-ҳолат тайёр ҳолдаги ҳаракат-ҳолат бўлмайди. (Умуман, ҳар қандай феъл билдирган ҳаракат-ҳолат ҳеч вақт тайёр ҳолдаги ҳаракат-ҳолат бўлмай, балки уни субъект вужудга келтиради.) Демак, субъект бирор нарсани қуршаган ҳолатга олиш учун ёки ўзини букчайган ҳолатга солиш учун, аввало, шу ҳолатни юзага келтириши керак бўлади, сўнгра ўзини ёки ўзгани шундай ҳолатга олади. Қиёсланг: *панага олмоқ, пана қилиб олмоқ*. Биринчисида пана ҳолат бор ва субъект ўзини ёки ўзгани шу ҳолатга олади. Иккинчисида эса шундай ҳолат тайёр эмас. Уни субъект юзага келтиради ва ўзини ёки ўзгани шу ҳолатга олади.

Демак, *қуршаб олди, букчайиб олди* каби бирикувларда

субъектнинг ўзини ёки ўзгани етакчи феълдаги ҳолатга олганлиги ифодаланган экан, ўз-ўзидан, етакчи феълдаги ҳаракатнинг бажарилганлиги ва ҳолатнинг юзага келганлиги ҳам англашилади. Бу маъно бевосита ол феълнинг қатнашуви туфайли чиқади. Шунинг учун ҳам *қураб олмоқ*, *букчайиб олмоқ* каби бирикувларда ол феъли равишдош формасидаги феъл билдирган ҳаракатнинг бажарилиши ва шундай ҳолатнинг юзага келиши маъносини ифодаловчи сўз сифатида бўлади (ол феъли қатнашмаса, шу маъно ифодаланмайди). Бундан ташқари, бирор нарсани етакчи феъл билдирган ҳолатга олди, деган сўз ўша нарсаниг шундай ҳолатини юзага келтирди, деган сўздир. Қиёсланг: *оёғини йиғиштириб олди*—оёғини йиғиштирилган ҳолатга олди — оёғининг йиғиштирилган ҳолатини юзага келтирди. Демак, бундай бирикувларда ол феъли равишдош формасидаги феълдаги ҳаракатнинг бажарилиши ва шундай ҳолатнинг юзага келиши маъносини ифодаловчи сўзга айланади. Бу маъно равишдош формасидаги феъл билдирган маънога қўшимча маънодир. Шунинг учун ол феъли бундай бирикувларда кўмакчи феъл ҳисобланади.

4. *Ол* кўмакчи феъли айрим феъллар билан бирикканда, етакчи феълдаги ҳаракатнинг бир марта бажарилиши маъносини билдиради: *йўталиб олди*, *қимирлаб олди* каби.

Ҳаракатнинг бир марталиги маъносини *қўй* кўмакчи феъли ҳам ифодалайди: *қараб қўймоқ*, *хўрсиниб қўймоқ*, *туртиб қўймоқ*, *кўз қисиб қўймоқ* каби. Лекин ол ва *қўй* кўмакчи феъллари бу маънода ҳам ўзига хос маъно оттенкаси ва хусусиятлари билан бир-биридан фарқланади.

Ол кўмакчи феъли бир марталик маъносини ифодалаган ҳолларда ҳам субъект томонига йўналиш оттенкаси бўлади: *Йўлчи чуқур жойга етганда, бир шўнғиб олди* (Ойбек, Қ. қ.). *Терак орқасида қолган ой ҳам кучли елнинг кўмагида терак бошидан буларга мўралаб олди* (А. Қодирий, М. ч.).

Қелтирилган мисолларда етакчи феълдаги ҳаракатнинг бир марта бажарилганлиги билан бирга бу ҳаракатнинг субъект манфаатига йўналганлиги ҳам англашилади. Бу мисоллардаги ол кўмакчи феъли ўрнида *қўй* кўмакчи феъли қўлланса, ҳаракатнинг бир марталиги маъноси ўзгармайди. Лекин субъект томонига йўналиш оттенкаси йўқолади. Мас., *шўнғиб олди* бирикувида субъектнинг шу ҳаракатни ўз мақсади учун (бирор мақсадда) бажарганлиги англашилади. *Шўнғиб қўйди* дейилса, ана шу нарса бўлмайди. Бунда ҳаракатнинг бир марта «шунчаки» бажариб қўйилганлиги ифодаланади.

Ол кўмакчи феъли бир марталик маъносини билдирган ҳолларда маънони ҳамма вақт йўналиш оттенкаси билан ифо-

далашини шу нарсадаёқ очиқ кўриш мумкинки, агар ҳаракатнинг натижаси ёки ҳаракатни ўз устига олган объект объектив ҳолда субъект томонига йўналмайдиган бўлса, юқоридаги маънони ифодалаш учун *ол* кўмакчи феъли қўлланмайди. Бундай ҳолларда бир марталилик маъноси фақат *қўй* кўмакчи феъли орқали ифодаланади: *Бизнинг ишимизга ҳам бир назар солиб қўйсангизчи, ахир* (П. Турсун, Уқитувчи). *Жўрабой аканинг қўлидаги ҳали териси қуримаган қўзичоқлар аҳён-аҳён майингина «ба-а» деб қўйяди* (С. Анорбоев, Молнинг кўрки — мой).

Бу мисолларда *қўй* кўмакчи феъли етакчи, феълдаги ҳаракатнинг бир марталилиги маъносини билдиради. Лекин унинг ўрнида шу маънони ифодаловчи *ол* кўмакчи феълини қўллаш мумкин эмас. Чунки буларда етакчи феълдаги ҳаракат натижасининг субъект томонига йўналиши йўқ.

Бундан ташқари, *ол* ва *қўй* кўмакчи феъллари айнан бир феъл билан бирикканда, ҳамма вақт бир марталилик маъносини ифодалайвермайди. *Ол* кўмакчи феъли баъзи феъллар билан бирикиб, бир марталилик маъносини ифодаласа, *қўй* кўмакчи феъли худди шу феъл билан бирикканда, бошқа маъно ифодалайди ва, аксинча, *қўй* кўмакчи феъли баъзи феъллар билан бирикиб бир марталилик маъносини ифодаласа, *ол* феъли худди шу феъл билан бирикиб бошқа маъно ифодалайди. Мас., *сувга ботириб олмоқ* — *сувга ботириб қўймоқ*. Биринчисида бир марталилик маъноси, иккинчисида эса ҳолатнинг юзага келиши маъноси ифодаланади. *Ушлаб олмоқ*, *ушлаб қўймоқ* бирикувларида эса, аксинча, биринчисида ҳолатнинг юзага келиши, иккинчисида бир марталилик ифодаланади. Бу нарса объектив ҳолатнинг, шунингдек, *ол* ва *қўй* кўмакчи феълларининг хусусиятидан келиб чиқади.

Ол кўмакчи феълнинг бир марталили маъносининг ифодалашини қандай изоҳлаш мумкин?

Бир марталилик маъноси *ол* мустақил феълнинг «бирор ўрин ёки ҳолатдан олмоқ» маъноси асосида келиб чиққан. Равишдош + *ол* феълдан ташкил топган бирикувларда субъект ёки ўзга олинадиган ҳолат равишдош формасидаги феъл билдирадиган ҳолат бўлади. Равишдош формасидаги феъл билдирадиган ҳолат эса тайёр ҳолдаги ҳолат бўлмайди, уни субъект юзага келтиради. Демак, субъект аввал равишдош формасидаги феъл билдирган ҳолатни юзага келтиради ва ундан (шу ҳолатдан) ўзини ёки ўзгани олади. Ана шундан етакчи феълдаги ҳаракатнинг бир марта бажарилиши маъноси келиб чиқади, яъни субъект ўзида ёки ўзгада бирор ҳолатни юзага келтириб, ундан яна ўзини ёки ўзгани қайтариб олар экан, албатта, бу ҳаракат-ҳолат бир марта юзага келган бўла-

ди. Мас., *туйнукдан мўралаб олди* бирикувида ҳам субъектнинг мўралаши юзага келтириши ва мўралаш ҳолатидан ўзини олиши бор. Ана шундан равишдош формасидаги феъл билдирган ҳаракатнинг бир марта бажарилиши маъноси қелиб чиқади, ол феъли шу маънони ифодаловчи феъл сифатида қаралади.

Ол кўмакчи феъли айрим феъллар билан бирикканда, фақат етакчи феълдаги ҳаракатнинг бир марталилиги маъносини билдиради. Баъзи феъллар билан бирикканда эса бир марталилик маъносини ёки ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъносини ифодалайди. Бу ҳодиса етакчи феълдаги ҳаракат-ҳолатнинг хусусияти билан изоҳланади. Мас., *йўталмоқ* феъли билан бирикканда фақат бир марталилик маъносини ифодалайди, лекин ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъносини ифодаламайди. Чунки субъектнинг ўзи ўзини йўталган ҳолатга олиши (йўталган ҳолатда тутиб туриши) мантиқан бўлмайдиган ҳодисадир. Субъектда бундай ҳолатнинг юзага келиши бирор нарсанинг таъсирида, унинг хоҳиш-ихтиёридан ташқари юз бериши мумкин. Субъект шу ҳолатда қолувчи сифатидагина бўлади. Шунинг учун ҳам субъектда шундай ҳолат юзага келганлигини ифодалашда *қол кўмакчи феъли* қўлланади: *йўталиб қолди*.

Ол кўмакчи феъли *қарамоқ* феъли билан бирикканда эса бир марталилик маъносини ёки ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъносини ифодалай олади. Чунки бу икки ҳодиса объектив ҳолда бўлиши мумкин, яъни субъект ўзини қараган ҳолатга бутунлай олиши ҳам мумкин. Шунингдек, қараши ва қараган ҳолатдан ўзини олиши ҳам объектив тарзда мумкин бўлган ҳодисадир. Бундай ҳолларда ана шу икки маънодан қайси бири ифодаланиши, асосан, контекстда реаллашади: *Бармоқларини маҳси қўнжига суртаётиб атрофига қараб ҳам олди* (П. Турсун, Уқитувчи).

—*Қўчқор! Акаси, кўп хафа бўлма, Мана, Шербек қишлоққа боривоқ ёрингни ёнингга жўнатади, — деб тегилди Тўла-мат мўйлов.*

Қизлар ерга қараб олишди, йигитларга хуш ёқиб, кулишди (С. Анорбоев, Оқсой).

Биринчи мисолда етакчи феълдаги ҳаракатнинг бир марта бажарилганлиги маъноси, иккинчи мисолда етакчи феълдаги ҳаракатнинг бажарилганлиги ва ҳолатнинг юзага келганлиги маъноси ифодаланади.

Ол кўмакчи феълнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган равишдош формасига бирикканда ифодалайдиган маънолари ана шулардан иборат.

II. *Ол кўмакчи феъли равишдошнинг -а, -й* аффикслари билан ясалган турига бирикканда, қуйидаги маъноларни билдиради.

1. Ҳаракатни бажариш қобилиятига эгалик («уметь», «умение») маъносини билдиради (ўқий олмоқ, ёза олмоқ, суза олмоқ, ўйнай олмоқ каби). Бўлишсиз формада ҳаракатни бажариш қобилиятига эга эмаслиги ифодаланади:

Русча китоб мутолаа қила олмаса ҳам, лекин мукаддима тилига анча-мунча эпчил (Ойбек, Қ. қ.). Рашкка очик кўз билан қараш учун ақл-идроки бўлмаган... хўрознинг рашки билан ақл-идроки бўлган, ... ҳар нарсага очик кўз билан қарай оладиган... Сидиқжон аканинг рашки орасида фарқ бўлиши керакми, йўқми? (А. Қаҳҳор, Қ. ч.).

2. Ҳаракатни бажариш имкониятига эгалик, қодирлик (русча «мочь») маъносини билдиради: *Буни ҳам мен катта мақсадни кўзлаганлари учун шундай шаҳар қура олишган, деб ўйлайман (Р. Файзий, Ч. б. к.). Орадан олти ойларча вақт ўтгандан кейингина у иш бошлай олди (Саид Аҳмад, Илҳом париси).*

Ол кўмакчи феъли ифодаладиган қодирлик маъноси ол мустақил феълининг ҳозирги ўзбек тилидаги маъноларидан бирортасига ҳам боғланмайди. Ўзбек тили тарихига оид манбаларда ҳам, ол кўмакчи феълининг қодирлик маъносининг келиб чиқиш асосини кўрсатувчи бирор факт учрата олмадик. Шу сабабли бу ҳақда ҳозирча бирор фикр айтолмаймиз.

III. *Ол кўмакчи феъли етакчи феълга ҳеч қандай воситасиз бирикканда -(и)б* аффикси билан ясалган равишдошга бириккандегидек маъноларни ифодалайди. Фақат маъно оттенкасида бир оз ўзгариш бўлади: биринчидан, бундай бирикувда ҳаракатнинг бажарилиш тезлиги кучаяди (ҳаракатнинг тез, шартта бажарилиши ифодаланади); иккинчидан, бундай бирикувда ҳаракатнинг «ўйлаб ўтирмай, қараб ўтирмай» бажарилиши ифодаланади. Қисланг: *ёзиб олди — ёзди-олди, ўқиб олди — ўқиди-олди, бориб олди — борди-олди, кийиб олди — кияди-олди, ичиб оласан — ичасан-оласан* ва бошқалар.

Қисқа хулосалар:

1. *Ол кўмакчи феъли равишдошнинг -(и)б* аффикси билан ясалган турига ҳам, *-а, -й* аффикслари билан ясалган турига ҳам бирика олади: *ёзиб олди, ёза олди*. Шунингдек, етакчи феълга ҳеч қандай воситасиз ҳам бирика олади: *ёзди-олди*.

2. Равишдошнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган турига бирикканда қуйидаги маъноларни англатади:

а) етакчи феълдаги ҳаракатни ўз устига олган объектнинг субъект томонига йўналишини билдиради: *ажратиб олмоқ*;

б) ҳаракат натижасининг субъект манфаатига йўналиши (субъектнинг ҳаракатни ўзи учун бажариши) маъносини билдиради.

Ҳаракатнинг субъектнинг ўз манфаати учун бўлиши маъноси *ол* феълида йўналишнинг субъект томонига бўлишидан келиб чиққан;

в) ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъносини билдиради: *ўраниб олмоқ, қучоқлаб олмоқ*. Бу маъно *ол* мустақил феълининг «ўзини ёки ўзгани бирор ўрин ёки ҳолатга олмоқ» маъноси асосида келиб чиққан;

г) бир марталилик («однократность») маъносини билдиради: *ботириб олмоқ, йўталиб олмоқ*. Бу маъно *ол* феълининг «ўзини ёки ўзгани бирор ўрин ёки ҳолатдан олмоқ» маъноси асосида келиб чиққан;

д) *ол* феъли *-(у)б* аффикси билан ясалган равишдошга бирикканда, етакчи феълдаги ҳаракатнинг тўла бажарилиши маъноси ҳам ифодаланади. Лекин бу маъно *ол* мустақил феълининг бирор маъносидан келиб чиқмай, бирикув таркибидаги феъллар билдирган ҳаракатнинг бажарилишидаги олдинма-кейинликдан келиб чиқади, яъни бунда *ол* феълдаги ҳаракатнинг бажарилиши равишдош формасидаги феъл билдирган ҳаракатнинг бажарилишидан кейинда бўлади. Кейинги ҳаракатнинг бажарилиши ҳақидаги тасаввур биринчи ўриндаги ҳаракатнинг тўла бажарилиши маъносини келтириб чиқаради.

3. Равишдошнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган турига бирикканда қуйидаги маъноларни англатади:

а) ҳаракатни бажариш қобилиятига эгалик («уметь») маъносини билдиради: *ўқий олмоқ*.

б) ҳаракатни бажариш имкониятига (қудратига) эгалик («мочь») маъносини билдиради: *кела олмоқ, кўтара олмоқ*.

4. Етакчи феълга ҳеч қандай воситасиз бирикканда ҳам *-(у)б* аффикси билан ясалган равишдошга бириккандаги маъноларни ифодалайди. Фақат бунда етакчи феълдаги ҳаракатнинг «шартта, ўйлаб ўтирмай, қараб ўтирмай бажарилиши» оттенкаси қўшилади: *ёзди-олди, кетди-олди*.

Бер

Бер кўмакчи феълининг етакчи феълга бирикиши уч хил кўринишга эга: 1) равишдош ясовчи *-(у)б* орқали бирикади: *ёзиб берди*; 2) равишдош ясовчи *-а, -й* аффикслари орқали бирикади: *ёза берди*; 3) ҳеч қандай воситасиз бирикади: *ёзди-берди*.

1. *Бер* кўмакчи феъли равишдошнинг *-(у)б* аффикси би-

лан ясалган турига бирикканда қуйидаги маъноларни билдиради.

1. Етакчи феълдаги ҳаракатни ўз устига олган объектнинг субъектдан ўзга томонига йўналиши маъносини билдиради: *Понсодга бориб айтинг, бир шиша милтиқ ёғи топиб берсин* (Ҳ. Фулом, Машъал). *Кимдир унинг қўлидаги косани олиб, шопириб чой қуйиб берди* (А. Қаҳҳор, Қ. ч.). *Бу чолдан ҳар бало кутса бўлади. Уни ҳукуматга тугиб бериш керак* (П. Турсун, Уқитувчи).

Ҳаракатни ўз устига олган объектнинг субъектдан ўзга томонига йўналиши бер мустақил феълнинг асосий маъносида мавжуд (*бер* мустақил феъли «ўзгага ўтказмоқ, ўзидаги нарсани ўзга ихтиёрига ўтказмоқ» маъносини билдиради). Лекин келтирилган мисолларда *бер* феъли лексик ва грамматик жиҳатдан тўла мустақилликка эга эмас. *Тоғиб бермоқ, қуйиб бермоқ, тугиб бермоқ* бирикувлари таркибидagi сўзларнинг семантик жиҳатдан мустақиллигидан кўра, бир бутунлик белгиси кучлироқ. Бу бирикувларда *бер* феъли маълум даражада ўз маъносини сақласа-да, лекин у лексик жиҳатдан тўла мустақилликка эга эмас ва грамматик жиҳатдан ҳоким сўз эмас.

2. Етакчи феълдаги ҳаракатнинг ўзга учун бажарилиши (ҳаракат натижасининг ўзга манфаатига йўналиши) маъносини билдиради: *Гулнорхон ашула айтиб берса, чалиб бераман* (С. Зуннунова, Гулхан). *Раззоқ ака етаклаб келган қўйнинг ёғшти,— ёйлади Эъзозхон.— Менинг меҳмонимни укутиб бераётибди* (Ҳ. Фулом, Машъал). *Аяжон, ... сиз аниқроқ билиб беринг...* *Дадасининг нонвойхонасида Нюзомжон деган йигит ишлар эди. ...Қаердайкин. Иложи бўлса, шу бугун билиб беринг* (С. Зуннунова, Гулхан).

Келтирилган мисолларда ҳаракатнинг ўзга учун бажарилиши (ўзга манфаатига йўналиши) ифодаланади. Буларда йўналувчи объект йўқ.

Айрим феъллар билдирадиган ҳаракатлар ўз хусусиятлари билан салбий характерга эга бўлади. *Бер* кўмакчи феъли ана шундай характердаги ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бирикканда, юқоридаги маънолардан бошқа маъно ифодалайдигандек кўринади. Ҳақиқатда эса бундай бўлмайди. *Бунинг устига, Анвар, яна икки акасига қизамиқ тошиб, бир бола бунда ҳам ўлиб берди* (А. Қодирий, М. ч.). *Бу гапларни аввал хотинидан сўнгра ҳовлиқиб келган Қамбаралидан эшитиб, ишонмади ва икковини ҳам сўкиб берди* (А. Қаҳҳор, Қ. ч.). *Нима, тўғри гапни айтди-да. Сенга ўхшаб унга бобллаб берсам тузукмиди?* (Ш. Фуломов, Ерқин уфқлар).

Келтирилган мисолларда етакчи феълдаги ҳаракатнинг ба-

жарилиши ўзга шахс учун ҳеч қандай фойдали эмас. Шунга кўра, буларда *бер* кўмакчи феъли бошқачароқ маъно ифода-лайдигандек кўринади. Ҳақиқатда эса бу мисолларда ҳам *бер* кўмакчи феъли йўналишнинг субъектдан ўзга томонига бўли-шини билдиради. Мас., биринчи мисолдаги *ўлиб берди* бири-кувида *бер* кўмакчи феъли ҳаракат натижасининг субъектдан ўзгага йўналиши маъносини билдиради. Улим ҳаракатининг юзага келишининг ҳаракат натижаси йўналган шахс учун фой-дасизлиги (манфаатига мос эмаслиги) контекстдан англаши-либ туради. Умуман, *бер* кўмакчи феъли етакчи феълдаги ҳа-ракатнинг субъектдан ўзга томонига йўналиши маъносини билдиради. Ҳаракатнинг шу ўзга манфаатига мос келиши ёки келмаслиги контекстдан англашилиб туради. Мас., *ёғмоқ* феъли. *Бер* кўмакчи феъли *ёғ* феъли билан бирикканда, шу феълдаги ҳаракатнинг субъектдан ўзга томонига йўналиши маъносини билдиради. Бу ҳаракатнинг бажарилиши ўзга ман-фаатига мос келмаслиги (унинг учун фойдали бўлмаслиги) ёки манфаатига мос келиши мумкин. Бу нарса контекстда аниқ ифодаланади. Мас., *қор ёғиб берди*, *ёмғир ёғиб берди* гаплари-да қор ёки ёмғирнинг ёғиши ўзга манфаатига мос бўлиши ҳам, мос бўлмаслиги ҳам мумкин. Бу нарса контекстда реалла-шади.

Бер кўмакчи феъли салбий характердаги ҳаракатни бил-дирувчи феъллар билан бирикканда, маънонинг кучайиши ҳам мумкин. Мас., *сўкиб берди*, *бобиллаб берди*. Лекин бу ҳодиса ҳам *бер* кўмакчи феълига хос эмас. *Бер* кўмакчи феъли маънони кучайтириш хусусиятига эга эмас, маънони кучли оттенка билан ифодаланишига ҳеч қандай асос йўқ. *Сўкиб бер-ди*, *бобиллаб берди* каби бирикувларда маънонинг кучлироқ оттенка билан ифодаланиши етакчи феълдаги ҳаракатнинг салбий характерга эгаллиги ва унинг ўзга манфаатига мос келмаслигидан келиб чиқади.

Бер кўмакчи феъли билан ясалган бирикувларда етакчи феълдаги ҳаракатнинг тўла бажарилиши маъноси ҳам ифо-даланади: *Агар мумкин бўлса, Намангандаги ҳаётингиз... туғрисида... гапириб берсангиз эди* (А. Қаҳҳор, Қ. ч.). *Ҳар кун хабар олиб туришингиз учун қоғоз ёзиб бераман* (Х. Фулом, Машъал). *Розия билан Моҳира... раисдан янги молхона солиб беришни талаб қилишган эди* (М. Жўра, Икки қизнинг достони).

Келтирилган мисолларда етакчи феълдаги ҳаракатнинг тўла бажарилиши маъноси англашилади. Мас., *ёзиб бераман* бирикувида ёзиш ҳаракатининг тўла бажарилиши маъноси бор. Агар бу бирикувдан *бер* кўмакчи феъли тушириб қол-дирилса (*ёзаман* дейилса), ана шу тўла бажарилиш маъноси

бўлмайди. Тўла бажарилиш маъноси бундай бирикувларда икки феълдаги ҳаракатнинг олдинма-кейин бажарилишидан келиб чиқади. Олдинма-кейинликда эса равишдош формасидаги феъл билдирган ҳаракатнинг бажарилиши биринчи ўринда, *бер* феълидаги ҳаракатнинг бажарилиши кейинги ўринда туради. Ана шу нарса равишдош формасидаги феъл билдирган ҳаракатнинг тўла бажарилиши маъносини келтириб чиқаради: *Сидиқжон акам тупроқ таший қолсинлар, ўзим яхши бишқовоқ пўчоққа узун ип боғлаб бераман* (А. Қаҳҳор, Қ. ч.).

Бу мисолда етакчи феълдаги ҳаракатнинг тўла бажарилиши маъноси бор. Бу маънонинг келиб чиқиш асоси шундаки, субъект аввал ошқовоқ пўчоғига ипни боғлайди, сўнгра уни беради. Ана шундан боғлаш ҳаракатининг тўла бажарилиши маъноси келиб чиқади.

II. *Бер* кўмакчи феъли равишдошнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган турига бирикканда, қуйидаги маъноларни билдиради.

1. Ҳаракатнинг бажарилиши учун тўсиқ, монелик, қаршилик йўқлиги (тўсиқсиз, монеликсиз, қаршиликсиз бажарилиши) маъносини билдиради: *Янги ерга Ойқиз, Олимжон, Қаримлар кўча версин, қолаверса, уларнинг қариндош-уруғлари кўчсин* (Ш. Рашидов, Б. к.). *У ҳам домлага ўхшаш еб тўймаслардан. Олдига қўйилган ҳар қандай овқатни молдек шاپиллатиб ея берарэди* (П. Турсун, Уқитувчи).

Ҳаракатнинг бажарилиши учун қаршилиқнинг (тўсиқнинг) йўқлиги сўзловчи томонидан бўлиши ҳам мумкин, субъект томонидан бўлиши ҳам мумкин. Қаршилиқ, тўсиқнинг сўзловчи ёки бошқа шахс (нарса) томонидан йўқлиги яна қўшимча оттенкаларни келтириб чиқаради.

Қаршилиқ (тўсиқ)нинг йўқлиги сўзловчи ёки субъект томонидан бўлганда, ҳаракатнинг бажарилишига сўзловчи ёки субъектнинг қарши эмаслиги, «менга бари бир» деган маъно ифодаланади: *кетса кетаверсин, кетсам кетавераман* каби.

Тўсиқ (қаршилиқ) ҳаракат йўналган объект томонидан бўлса, субъект учун шу ҳаракатни бажариш объектида тўсиқ йўқлиги, шу объект устидаги ҳаракатни бемалол бажара олиши ифодаланади. Бунда *бер* кўмакчи феълнинг маъноси ол кўмакчи феълнинг маъносига яқин келади (*ҳар қандай китобни ўқийверади* — *ҳар қандай китобни ўқий олади*):

Синглингни айтмайсанми? ... Тракторни ҳам ҳайдай веради. ... Машинани ҳам юргиза веради. Қўйчи, қилмаган иши, билмаган ҳунари йўқ (Уйғун, Навбаҳор).

Буйруқ майли формасида ҳаракатни бажаришга сўзлов-

чининг қаршилиги йўқлиги, рухсат маъносини ифодалайди. Бунда *бер* кўмакчи феълнинг қол кўмакчи феълига яқинлиги кучлироқ бўлади: *олавер — олақол*. Лекин маъно оттенкаси жиҳатидан улар ўзаро фарқланади.

Қол кўмакчи феъли бу маънода қўлланганда, кўпинча, субъектнинг ёки сўзловчининг ҳаракатни бажаришга илтимоси ҳам бўлади (илтимос оттенкаси бўлади). Мас., *бера қол*, деганда, шу ҳаракатни бажариш учун ё субъектнинг, ёки сўзловчининг илтимоси борлиги сезилади.

Бер кўмакчи феълида илтимос оттенкаси деярли бўлмайди. Фақат ҳаракатни бажаришга сўзловчининг қарши эмаслиги ифодаланади: *беравер, олавер* каби.

Қол кўмакчи феъли ҳам илтимос оттенкасиз қўлланади. Лекин бу ҳодиса нисбатан кам учрайди: *кетса кета қолсин — кетса кетаверсин*.

2. Етакчи феълдаги ҳаракатнинг давомлилиги, такрорийлиги маъносини билдиради: ... *замон ўтган сайин унинг хизматига муҳтож кишилар ва шулар билан бирга даромад камая берди* (А. Қаҳҳор, Мирзо). ... *Экскаваторнинг ер қазий бериб оқариб кетган тишларидагина қуёшнинг қизғиш акси кўзга ташланиб қолади* (Р. Файзий, Ч. б. к.). *Ботирлини ўйлай бериб, жигаринг қон бўлиб оқди сен шўрликнинг!* (Х. Фулом, Машъал).

Давомлилик маъноси бошқа кўмакчи феъллар (мас., *ёт, тур, юр, ўтир, бор, кел* кўмакчи феъллари) орқали ҳам ифодаланади. Лекин *бер* кўмакчи феъли билдирадиган давомлилик бошқа кўмакчи феъллар ифодалайдиган давомлилик маъносидан ўзига хос оттенкаси билан фарқланади. *Бер* кўмакчи феълида ҳаракатнинг давом этиши бирор доира ёки пункт билан чегараланмайди. Бу кўмакчи феъл ҳаракатнинг тўхтамай, қаршиликсиз, чекланмай давом этишини билдиради (давомлилик шундай оттенка билан ифодаланади). Шунинг учун ҳам *бер* кўмакчи феъли давомлилик маъносини ифодалаган ҳолларда контекста, кўпинча, шу маънога мос келувчи «ҳадеб», «мунча» каби сўзлар ҳам қатнашади: *Бас энди, йиғлай берманг, онажон, бўлар иш бўлди* (П. Турсун, Ўқитувчи). *Сиз Хуббибой, ҳадеб унга қарай берманг, ўчакишиб қолади* (А. Қодирий, О. к.). ...*ҳариш отдай мунча менга сурканаверди деб юрсам, бунинг тагида гап бот экан* (А. Қаҳҳор, Хотинлар).

Бу мисоллардаги «ҳадеб», «мунча» сўзлари *бер* кўмакчи феълнинг маъносини таъкидлайди. Лекин бу сўзлар тушириб қолдирилса ҳам, ҳаракатнинг «ҳадеб, тўхтамай, қайтмай бажарилиши» ифодаланаверади.

III. *Бер* кўмакчи феъли етакчи феълга ҳеч қандай воси-

тасиз бирикканда, ҳаракатни ўз устига олган объектнинг ёки ҳаракат натижасининг ўзга томон йўналиши маъносини билдиради, яъни бунда у равишдошнинг *-(u)б* аффикси билан ясалган турига бирикканда билдирадиган маънони ифода-лайди. Фарқ шундаки, етакчи феълга ҳеч қандай воситасиз бирикканда, ҳаракатнинг тез, шартта, ўйлаб ўтирмасдан ба-жарилиши оттенкаси ҳам ифодаланади. Қиёсланг: *ёзиб берди* — *ёзди-берди*, *ўқиб берди* — *ўқиди-берди*, *бошлаб берди* — *бошлади-берди*...

Қисқа хулосалар:

1. *Бер* кўмакчи феъли етакчи феълга уч хил кўринишда бириқади: 1) *-(u)б* равишдош ясовчиси орқали бириқади: *ўқиб берди*; 2) *-а, -й* равишдош ясовчилари орқали бириқади: *ўқий берди*; 3) ҳеч қандай воситасиз бириқади: *ўқиди-берди*.

2. *-(u)б* аффикси билан ясалган равишдошга бирикканда: а) ҳаракатни ўз устига олган объектнинг субъектдан ўзга томонига йўналиши маъносини билдиради: *китобингни ўқиб берай*; б) ҳаракатнинг ўзга учун бажарилиши маъносини билдиради: *китоб ўқиб берди*.

Ҳаракатнинг ўзга учун бажарилиши маъноси *бер* феълида йўналишнинг ўзга томонига бўлишидан келиб чиққан.

3. Равишдошнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган турига бирикканда: а) ҳаракатнинг бажарилиши учун қаршилиқ, тўсиқни билдиради: *кетгвер, сўрайгвер*; б) давомлилик маъносини йўқлиги (тўсиқсиз, қаршиликсиз бажарилиши) маъносини тўхтовсизлик, тўсиқсизлик оттенкаси билан ифодалайди: *йиғлайгверди, югурагверди*.

4. Етакчи феълга ҳеч қандай воситасиз бирикканда *-(u)б* аффикси билан ясалган равишдошга бирикканда ифодалайдиган маънони ифодалайди. Фақат бунда ҳаракатнинг тез, шартта, ўйлаб ўтирмай бажарилиши оттенкаси ҳам бўлади: *ўқиди-берди, тўғрилади-берди*.

Қол

Қол кўмакчи феъли ўзбек тилида кўп маънолилиги билан, шунингдек, жуда кенг қўлланиши билан характерлидир.

Бу кўмакчи феълнинг етакчи феъл билан бирикиши уч хил кўринишга эга: 1) етакчи феълга равишдош ясовчи *-(u)б* аффикси орқали бириқади: *кўриб қолди*; 2) *-а, -й* равишдош ясовчилари орқали бириқади: *кела қолди*; 3) ҳеч қандай формасиз бириқади: *кетди-қолди*.

1. *Қол* кўмакчи феъли *-(u)б* аффикси билан ясалган равишдошга бирикканда қуйидаги маъноларни билдиради.

1. Айрым феъллар билан (асосан, ўтимсиз феъллар билан) бирикканда, етакчи феълдаги ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатга айланиши (ҳолатнинг юзага келиши) маъноси ифодаланади (*осилиб қолмоқ, суяниб қолмоқ, эгилиб қолмоқ, очилиб қолмоқ, тегиб қолмоқ, жуфтлашиб қолмоқ* каби): *Газетадан кўз олмай, ўнг қўли билан тимирскилаб ёнидаги пиёлани топиб, илиб қолган чойни шимирди* (Саид Аҳмад, Хукм); *Ушларнинг ўриги ҳовли билан битта бўлиб тўкилиб қолибди* (М. Исмоилий, Ф. т. о.).

Келтирилган мисолларда етакчи феълдаги ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатга айланиши (ҳолатнинг юзага келиши), субъектнинг шу ҳолатда бўлиши (қолиши), динамиканинг статикага айланиши ифодаланган²⁴, яъни *илиб қолган* деганда, илиш ҳаракатининг амалга ошганлиги ва субъектнинг илиган ҳолатда эканлиги маъноси ифодаланади. «Жуфтлашиб қолган» деганда ҳам жуфтлашиб ҳаракатининг амалга ошганлиги ва субъектнинг шу жуфтлашган ҳолатда эканлиги маъноси ифодаланади ва ҳоказо.

Юқоридаги каби (*совиб қолмоқ, қуриб қолмоқ, бўшаб қолмоқ, ёпишиб қолмоқ, кўкариб қолмоқ*) бирикувларда етакчи феълдаги ҳаракатнинг ҳолатга айланиши ва субъектнинг шу ҳолатда бўлиши (қолиши) маъносининг ифодаланиши қол феълнинг хусусияти билан изоҳланади.

Қол феълда субъект актив бажарадиган ҳаракат йўқ. Бу феъл субъектнинг мавжуд бўлган ҳолатда қолиши маъносини ифодалайди. Шунинг учун *қол* феъли юқоридаги каби бирикувларда, биринчидан, субъектнинг етакчи феълдаги ҳаракатни актив бажаришини ифодаламайди. Иккинчидан, субъектнинг бирор ҳолатда қолиши учун шундай ҳолат мавжуд бўлиши керак. Мас., *очилиб қолмоқ, суяниб қолмоқ* каби бирикувларда ҳам аввал субъектнинг қоладиган ҳолати (субъект мавжуд бўладиган ҳолат) юзага келиши керак. Бундай ҳолат эса етакчи феълдаги ҳаракат амалга ошгач юзага келади. Етакчи феълдаги ҳаракат амалга ошмай туриб, бундай ҳолат ҳам юзага келмайди. Демак, *юзи кўкариб қолди, деворга суяниб қолди* гапларида субъектнинг кўкарган, суянган ҳолатда қолганлиги, биринчидан, шундай ҳолатнинг юзага келганлигини, иккинчидан, етакчи феълдаги ҳаракатнинг бажарилганлигини кўрсатади.

²⁴ Қол кўмакчи феъли бошқа баъзи туркий тилларда ҳам ҳаракатнинг ҳолатга ўтиши маъносини билдиради. Қаранг: А. Харисов, Категория глагольных видов в башкирском языке, Уфа, 1944, стр. 66; Азербайжан дилинин грамматикаси, 1, Баку, 1960, 160-бет; Н. К. Дмитриев, Грамматика башкирского языка, М.—Л., 1948, стр. 199.

Қол кўмакчи феълининг етакчи феълдаги ҳаракатнинг бажарилиши ва шундай ҳолатнинг юзага келиши маъносини ифодалаш сабаби ана шунда.

2. Қол кўмакчи феъли баъзи ўтимсиз феъллар билан бирикканда, етакчи феълдаги ҳаракат-ҳолатнинг давомлилиги маъноси ифодаланади (*бақрайиб қолмоқ, серрайиб қолмоқ, тикилиб қолмоқ* каби): *Сидиқжон ичкарига киришни ҳам, кўчага чиқиб кетишни ҳам билмай останади туриб қолди* (А. Қаҳҳор, Қ. ч.). *Қайси бирини айтсам экан, қайси бирдан бошласам экан, ҳаммаси дард-алам..., — деб бир лаҳза ўйлашиб қолгач, сўзлай бошлади у* (Ж. Шарипов, Хоразм). *Бригадир музика ва ашула садақларини, қий-чув, шовқин-суронни эшитиб, ишни ҳам унутди-ю, кетмонга сўяниб зўр қизиқиш билан тикилиб қолди* (Ш. Рашидов, Б. к.).

Келтирилган мисолларда етакчи феълдаги ҳолатнинг давомлилиги маъноси ифодаланади. Лекин бундаги давомлилик маъносини бевосита қол кўмакчи феълига боғлаб бўлмайди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, қол феълида субъект актив бажарадиган ҳаракат-ҳолат йўқ. Шунингдек, бу феълда давомлилик маъноси ҳам йўқ. Агар қол феълида субъект актив бажарадиган ҳаракат бўлса ва бу феъл давомлилик маъносига эга бўлса, ҳар қандай ҳаракатнинг давомлилиги маъносини ифодалаш учун қол кўмакчи феълни қўллаш мумкин бўлар эди. Ваҳолонки, қол кўмакчи феъли ҳар қандай феъл билан бирикиб, субъектнинг шу феъл билдирган ҳаракатни давом эттириши (шу ҳаракатнинг давоми) маъносини ифодалайвермайди. Мас., *сотмоқ, урмоқ* феъллари ифодалайдиган ҳаракат давом этиши мумкин бўлган ҳаракат. Лекин қол кўмакчи феъли бу феъллар билан бирикиб, шу феъллардаги ҳаракатнинг давомлилиги маъносини ифодаламайди. Чунки, биринчидан, қол феълнинг ўзида давомлилик маъноси йўқ. Иккинчидан, бу феъллар ифодалаган ҳаракатлар субъект томонидан актив суратда бажариладиган ҳаракат. Субъект бу ҳаракатда фақат қолувчи сифатида бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам қол кўмакчи феъли ўз маъносини маълум даражада сақлаган ҳолда бу феъллар билан бирика олмайди. Бу нарса, қол кўмакчи феъли ҳаракатнинг давомлилигини ифодаловчи сўз (элемент) эмаслигини, шунингдек, *қараб қолмоқ, туриб қолмоқ* каби бирикувларда давомлилик маъносининг ифодаланиш сабабини қол кўмакчи феъли билан етакчи феълнинг лексик хусусиятидан келиб чиқиб изоҳлаш лозимлигини кўрсатади.

Юқорида кўриб ўтдикки, қол кўмакчи феъли етакчи феълдаги ҳаракатнинг ҳолатга ўтиши ва субъектнинг шу ҳолатда

қолиши маъносини билдиради. Субъект бирор ҳолатда қолди, деган сўз шу ҳолати давом этипти (субъектнинг шу ҳолати мавжуд) деган сўздир. Лекин бунда субъект бирор ҳолатни бажаришда давом этмай, балки бу ҳолат юзага келиб бўлган ва шундай қолган бўлади: *Очигини айтаверинг, йиғлайди деб кўрқманг. Йиғлайвериб кўникиб қолганман* (Саид Аҳмад, Мангулик қиссаси).

Бу мисолда етакчи феълдаги ҳаракатнинг ҳолатга айланиши ва шу ҳолат ҳозир ҳам мавжудлиги (давом этаётганлиги) маъноси ифодаланади. Демак, *туриб қолди* ва *кўникиб қолганман* бирикувларининг иккаласида ҳам қол феъли бир хил маънони — субъектнинг етакчи феълдан англашилган ҳолатда қолганлиги маъносини ифодалайди. Фарқ шундаки, *туриб қолди* бирикувида етакчи феълдаги ҳолатнинг бажарилишда давом этганлиги маъноси ифодаланса, *кўникиб қолганман* бирикувида кўникишнинг амалга ошиб бўлганлиги ва ундан юзага келган ҳолатнинг мавжудлиги маъноси ифодаланади. *Ўз-ўзидан равшанки, қол кўмакчи* феъли иккала бирикувда ҳам маълум даражада ўз маъноси билан қатнашгани (қолиш маъносини ифодалагани) ҳолда иккала бирикувда икки хил маънонинг (биринчисида давом, иккинчисида тугаллик маъносининг) ифодаланиши етакчи феълларнинг лексик хусусиятидан келиб чиқадиган ҳодиса. Мас., *йиланиб қолмоқ* бирикувида етакчи феъл ифодаланган ҳаракат статик ҳолатга ўтадиган ҳаракат эмас. Субъект шу ҳолатда қолди деган сўз — ўз-ўзидан, субъект шу ҳолатни бажаришда давом этди, деган маънони келтириб чиқаради. *Тикилиб қолмоқ* бирикуви ҳақида ҳам худди шуни айтиш мумкин. Демак, *тикилиб қолмоқ*, *йиланиб қолмоқ* каби бирикувларда етакчи феълдаги ҳаракат-ҳолатнинг давомлилиги маъносининг ифодаланиши, бир томондан, қол феълининг лексик хусусияти билан изоҳланса, иккинчи томондан, етакчи феълнинг лексик хусусияти билан изоҳланади.

3. *Қол кўмакчи* феъли ҳолатга айланиши мумкин бўлган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бирикканда, шу ҳаракатнинг амалга ошиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъносини ифодаланишини кўрдик. Бу кўмакчи феъл баъзи феъллар билан бирикканда, етакчи феълдаги ҳаракатнинг тўла даражада амалга ошиши ва тўла даражада ҳолатга айланиши маъноси эмас, балки унинг маълум даражада амалга ошиши ва ҳолатнинг маълум даражада юзага келиши маъноси ифодаланади: *Олмаларга ранг кириб қолибди* (Ҳ. Назир, С. ч.). *Ўртоқларингни қара, нозандай дастёрликка яраб қолди* (Ҳ. Назир, С. ч.). *Кечагина икки қуда учрашганла-*

рида болаларининг бўйи чўзилиб қолганлигини гаплашишган эди (Шухрат, Она рози).

Келтирилган мисолларда етакчи феъллардаги ҳаракатнинг амалга ошишга яқинлашганлиги эмас, балки шу ҳаракатнинг маълум даражада амалга ошганлиги ва маълум даражада шу ҳолатларнинг юзага келганлиги ифодаланади, яъни, мас., *ранг кириб қолибди* деганда, ранг киришга яқинлашганлик эмас, балки маълум даражада ранг кирганлик маъноси англашилади.

Етакчи феълдаги ҳаракатнинг тўла даражада эмас, балки маълум даражада амалга ошиши маъносининг ифодаланишининг қол мустақил феълнинг маъноси билан изоҳлаб бўлмайди. *Қол* мустақил феълда шундай маъно йўқ. Бундай маънонинг ифодаланишида етакчи феълдаги ҳаракатнинг хусусияти ҳам маълум даражада роль ўйнайди.

Ҳаракатнинг маълум даражада амалга ошиши ва шу даражадаги ҳолатнинг юзага келиши маъноси *қол* феъли ҳар қандай феъллар билан бирикканда эмас, балки бирданига бўлмайдиган, аста-секин, даражама-даража амалга ошадиган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бириккан ҳоллардагина ифодаланади.

Қол кўмакчи феъли даражама-даража амалга ошувчи ҳаракатни билдирадиган феъллар билан бирикканда, умуман, ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъносини билдиради. Ҳаракат-ҳолат юқори даражада ёки нормал даражада, ёки паст даражада юзага келган бўлиши мумкин. Ҳаракат-ҳолатнинг қай даражада юзага келганлиги, асосан, бошқа воситалар ёрдамида ифодаланади: *Бу тўрт кун ичида Саудий хийла жонланиб қолган эди* (А. Қаҳҳор, Сароб). *Нима бўлди-ю, уйланолмадим, ёшим ўтинқираб қолди* (Шухрат, Алданиш). *Қани ўтирингчи, ...Нега мунча рангингиз кетиб қолди* (А. Қаҳҳор, Хотинлар).

Биринчи ва иккинчи мисолларда етакчи феълдаги ҳолатнинг нормал даражадан пастроқ эканлиги *хийла* сўзи ва *-инқира* аффикси орқали ифодаланади. Учинчи мисолда эса ҳолат нормал даражадан ортиқ (кучли). Бу маъно *мунча* сўзи орқали ифодаланади.

Контекстда шундай сўзлар қатнашмаса, ҳолатнинг қай даражада юзага келганлиги (қай даражада мавжудлиги) аниқ ифодаланмайди. Мас., *қариб қолмоқ* бирикувида *қол* феъли қарилikka ўтиш процессининг тугаши ва қариллик ҳолатининг юзага келиши (субъектнинг шу ҳолатда қолиши) маъносини билдиради. Лекин қариллик даражаси аниқ ифодаланмайди. Қарилликнинг даражаси бошқа сўзлар орқали ифодаланади:

Бувим жуда қариб қолганлар (Р. Файзий, Эскурсия). *Ҳозир Жўраҳон анча қариб қолгандир* (Саид Аҳмад, Тўлқинлар).

Қол кўмакчи феъли даражама-даража амалга ошадиган ҳаракат-ҳолатни билдирувчи феъллар билан бирикканда, кўпинча, контекстдан ёки умумий ҳолатдан шу ҳаракат-ҳолатнинг энди юз берганлиги ҳам англашилади: *Кўчаларда одамларнинг қораси ҳам кўриниб қолди* (Саид Аҳмад, Саҳарларда). *Кеч кириб, осмонда юлдузларнинг кўзлари милтираб қолганди* (Саид Аҳмад, Ҳукм).

Келтирилган мисолларда контекстдан ва умумий ҳолатдан етакчи феълдаги ҳолатнинг энди юз берганлиги маъноси англашилади. Шунингдек, кўчаларда одамлар кўринадиган ҳолатнинг ва юлдузларнинг кўзлари милтиллайдиган ҳолатнинг юзага келиши бирданига юз берадиган ҳодиса эмас. Демак, етакчи феълдан юзага келадиган ҳолат бирданига юз бермайдиган, даражама-даража юзага келадиган ҳолат экан ва бу ҳолат энди юзага келган экан, ўз-ўзидан, бу ҳолат тўла даражада эмас, балки маълум даражада юзага келади.

Ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъносини билдирувчи қол кўмакчи феълнинг худди шу маънони ифодаловчи ол ва қўй кўмакчи феълларидан фарқи шундаки, қол кўмакчи феъли билан ясалган бирикувларда субъект актив бажарувчи сифатида эмас, балки юзага келган ҳолатда қолувчи сифатида бўлади. Ол ва қўй кўмакчи феъли билан ясалган бирикувларда эса субъект актив бажарувчи сифатида бўлади. *Урганиб қолди, семириб қолди, соғайиб қолди* каби бирикувларда ҳаракат-ҳолатнинг маълум даражада бажарилиши маъносининг ифодаланиши, бизнингча, қол кўмакчи феълнинг ана шу хусусияти билан изоҳланади.

Юқорида айтиб ўтдикки, қол кўмакчи феъли фақат даражама-даража юзага келувчи ҳаракат-ҳолатни билдирувчи феъллар билан бириккандagina шу маънони ифодалайди. Даражама-даража юзага келувчи ҳаракат-ҳолатнинг нормал даражаси эса бирданига юз бермайди. Қол феълида эса субъект актив бажарувчи сифатида бўлмайди (фақат қолувчи сифатида бўлади). Субъект актив бажарувчи бўлмас экан ва даражама-даража юзага келувчи ҳаракат-ҳолатнинг нормал даражаси бирданига юз бермас экан, албатта, субъектда юз берган бундай ҳаракат-ҳолат бошланғич ҳолатдаги ҳаракат-ҳолат бўлади. Ана шундан ҳаракат-ҳолатнинг маълум даражада юз бериши маъноси келиб чиқади.

Шуни ҳам айтиш керакки, ҳаракат-ҳолатнинг маълум даражада юз бериши деган сўз ҳаракат-ҳолатнинг кучсиз (сал, озгина) даражада юз бериши деган сўз эмас. Қол кўмакчи

феъли ҳаракат-ҳолатнинг кучсиз даражасини кўрсатмайди, балки унинг маълум даражада (нормал ҳолатга етмаган даражада) юз бериши маъносини билдиради. Бундай даражанинг нормал ҳолатга қанчалик яқин ёки узоқ эканлиги аниқ ифодаланмайди. Лекин, кўпинча, ҳаракат-ҳолат нормал даражага яқинроқ (аммо етмаган) бўлади. Шунинг учун ҳам қол кўмакчи феъли ўрнида ҳаракатнинг кучсиз даражасини кўрсатувчи *-и н қ и р а* аффиксини қўллаш кўп ҳолларда мумкин бўлмайди: *Мажлис қишлоқнинг ялли колхозлашишига пишиб қолганини кўрсатди* (Ҳ. Шамс, Душман).

Бу гапдаги қол кўмакчи феъли тушириб қолдирилса, ҳаракат-ҳолатнинг нормал даражада юз берганлиги ифодаланади. Қол феъли эса даражанинг нормал ҳолатга анча яқинлигини кўрсатади. Қол феъли ўрнида *-и н қ и р а* аффикси қўлланса, даражанинг кучсиз ҳолатда эканлиги ифодаланади (пишинқиради каби).

4. Қол кўмакчи феъли баъзи феъллар билан бирикканда, етакчи феълдаги ҳаракатнинг бажарилишига (тамомланишига) яқинлашганлик маъноси ифодаланади. Бу маъно қол кўмакчи феъли бирор давомли ишнинг тамомини, якуини билдирувчи *тугамоқ, етмоқ, бажармоқ, охирламоқ* каби феъллар билан бириккан ҳоллардагина ифодаланади: *Бу хотиннинг жони битта эмас, минг битта... Ҳозир тугаб қолган шамдай липиллаб ёнаётган жони башарти сўнган тақдирда ҳам қолган мингасини ёқиб кейин сўнади* (А. Қаҳҳор, Минг бир жон); *Бор, қизим, овқатинг совиб қолади, мен ҳам бўлиб қолдим* (Р. Файзий, Ни Хао). *Бу гапни олтишига бориб қолган бир чолдан эшитганлиги унга ниҳоятда наша қилди* (А. Қаҳҳор, Қ. ч.).

Бу мисолларда етакчи феълдаги ҳаракатнинг охирига етишига яқинлашганлиги маъноси ифодаланади. Лекин бу маънонинг ифодаланишини қол феълнинг лексик маъноси билан изоҳлаб бўлмайди, яъни бу маъно қол мустақил феълнинг лексик мундарижасидан келиб чиқмаган.

Қол кўмакчи феъли ҳолатга айланадиган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бирикканда, етакчи феълдаги ҳаракатнинг бажарилиши, ҳолатга айланиши ва субъектнинг шу ҳолатда қолиши маъносини ифодаланиши кўрдик. Юқорида келтирилган *тугаб қолмоқ, бўлиб қолмоқ, битиб қолмоқ* бириккувларидаги етакчи феъллар бирор ишнинг тамомини, якуини билдиради. Қол кўмакчи феъли бу феъллар билан бирикканда, ҳеч вақт ҳаракатнинг бажарилиши, ҳаракат субъектнинг статик ҳолатга ўтиши (шу ҳолатда қолиши) маъноси ифодаланмайди. Демак, қол кўмакчи феъли бу феъллар билан бирикканда, ўз маъносини йўқотади (ўз маъносини сақ-

лаган ҳолда бу феъллар билан бирика олмайди). Шундай экан, қол кўмакчи феъли *туғамоқ*, *бўлмоқ*, *етмоқ* каби феъллар билан бирикканда шу феъллар билдирган ҳаракатнинг кутилмаганда юз берганлиги ёки хоҳиш-ихтиёрдан ташқари суратда юз берганлиги маъноси ифодаланиши керак. Шундай маъно ифодаланади ҳам: *Кечикдик*, *туғаб қолбди*.

Лекин *туғамоқ*, *битмоқ* каби феъллар бирор давомли ҳаракатнинг тамомини (яқунини) билдиради. Узоқ давом этувчи ҳаракат яқунининг кутилмаган ҳолда, тасодифан бажарилиши эса жуда кам бўладиган ҳодисадир. Шунинг учун ҳам қол кўмакчи феъли *битмоқ*, *туғамоқ*, *етмоқ* каби феъллар билан бирикканда, тасодифийлик маъносининг ифодаланиши жуда кам учрайди.

Биз аввалги пунктда қол кўмакчи феъли бирданига бўлмайдиган, аста-секин, даражама-даража амалга ошувчи ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бирикканда, ҳолатнинг тўла даражада эмас, маълум даражада юзага келиши маъноси ифодаланишини кўрдик. *Битмоқ*, *туғамоқ*, *етмоқ* феъллари билдирган ҳаракат ҳам бирданига бажарилмайдиган, аста-секин (даражама-даража) амалга ошадиган ҳаракатдир. Шунга кўра, қол кўмакчи феъли бу феъллар билан бирикканда ҳам ҳаракатнинг маълум даражада амалга ошганлиги ва маълум даражада шундай ҳолатнинг вужудга келганлиги маъноси ифодаланиши мумкин. Ҳақиқатда ҳам, *битиб қолди*, *бўлиб қолди* каби бирикувларда етакчи феълдаги ҳолатнинг (битган, бўлган ҳолатнинг) маълум даражада юзага келганлиги маъноси ифодаланади. Ҳолатнинг маълум даражада юзага келганлиги маъносидан яқинлашганлик маъноси келиб чиқади, яъни битган ҳолат маълум даражада юзага келди, деган сўз битишга яқинлашди, деган сўздир.

Кўринадик, *туғаб қолди*, *етиб қолди*, *пишиб қолди* каби бирикувларда яқинлашганлик, оз қолганлик маъносининг ифодаланишида етакчи феъл билдирган ҳаракатнинг хусусияти ҳам асосий роль ўйнайди. Агар бирор феъл билдирган ҳаракат аста-секин, бошқа ҳаракатларнинг натижаси сифатида юзага келувчи ҳаракат бўлмаса, қол кўмакчи феъли бундай феъллар билан бирикканда, яқинлашганлик, оз қолганлик маъноси ифодаланмайди. Бундай феъллар билдирган ҳаракатнинг тўла даражада бажарилишига (тамомланишига) оз қолганлиги, яқинлашганлиги маъносини ифодалашда қол кўмакчи феъли *бўл* кўмакчи феъли билан бирга қўлланади (қол кўмакчи феълидан олдин *бўл* кўмакчи феъли қўлланади). Мас., *китобни ўқимоқ*. Албатта, ўқиладиган китоб тугаш, тамом бўлиш пунктига эга бўлади. Лекин *ўқи* феълнинг ўзида ана шу тугаш пункти ифодаланмайди. Шунингдек, *ўқи*

фёли билдирган ҳаракат бошқа бирор ҳаракатнинг якуини кўрсатувчи ҳаракат эмас. Шунинг учун ҳам қол кўмакчи фёли *ўқи* фёли билан бирикканда (*ўқиб қолди* бирикувида) яқинлашганлик, оз қолганлик маъносини ифодаламайди. Бу ҳаракатнинг бажарилишга, тамом бўлишга оз қолганлиги, яқинлашганлиги маъносини ифодалаш учун, албатта, *бўл* кўмакчи фёли ҳам қўлланади: *ўқиб бўлиб қолди*. *Бўл* фёлининг қўлланиши ҳаракатнинг тугаш, тамом бўлиш пунктига эгаллигини кўрсатади. Ҳаракат тугаш пунктига эга бўлар экан, ўз-ўзидан, бошланиш пунктига ҳам эга бўлади. Бошланиш ва тугаш пунктига эга бўлган ҳаракат давомла ҳаракат бўлади. Қол кўмакчи фёли аста-секин (даражама-даража) амалга ошадиган ҳаракатни билдирувчи фёллар билан бирикканда, ҳаракат-ҳолатнинг (тўла даражада эмас) маълум даражада юз бериши маъносини ифодалайди. Бундан эса, юқорида кўриб ўтганимиздек, яқинлашганлик маъноси келиб чиқади.

5. Етакчи фёлдаги ҳаракатнинг кутилмаган, тасодифий ҳаракат эканлиги маъносини билдиради²⁵: *Олиб келган одамнингиз саводли чиқиб қолди-ку...* (А. Қаҳҳор, Мирзо). *Нима бўлди-ю, Комилжон билан Жамила бир-бирларига дуч келиб қолишди* (Ж. Абдуллахонов, Албатта кут).
... *Мунча ҳаяллаб кетдингиз, этик олдингизми*.

— *Этикдан бошқа дард чиқиб қолди* (Ш. Рашидов, Б. к.).

6. Етакчи фёлдаги ҳаракатнинг хоҳиш-ихтиёрдан ташқари юзага келиши, ҳатто, хоҳиш-ихтиёрга қарама-қарши ҳолда юзага келиши маъноси ифодаланади: *Онани жиғибийрон қилган нарса гўдаклигида «бешик кетди» қилиб қўйилган Нодиранинг айнаиб қолиш хавфи эди* (Шуҳрат, Она рози).

Мухаррир ҳижолат бўлиб, ўзини оқлашга тиришди.

— *Баъзан кетиб қолади-да*.

— *Йўқ, баъзан кетиб қолмайди, ўзларинг атайлаб қиласизлар* (А. Қаҳҳор, Қ. ч.).

Етакчи фёлдаги ҳаракатнинг хоҳиш-ихтиёрдан ташқари, хоҳиш-ихтиёрга қарама-қарши эканлиги, шунингдек, кутилмаган, тасодифий ҳаракат эканлиги фақат ҳаракат субъекти нуқтаи назаридан эмас, сўзловчи нуқтаи назаридан ёки шу субъектга (унинг ҳаракатига) муносабатда бўлган бошқа шахснинг нуқтаи назаридан ҳам бўлиши мумкин. Буни юқорида келтирилган мисоллардан ҳам кўриш мумкин.

²⁵ қаранг: А. Ф. Гуломов, *Фёл*, Тошкент, 1954, 80-бет; Б. Жўраев, *Ҳозирги замон ўзбек тилида кўмакчи фёлларнинг қўлланиши ва маъноси*, «Ўзбек тили грамматикаси ва пунктуацияси масалалари», Тошкент — Наманган, 1959, 258-бет.

Қол кўмакчи феълининг тасодиф, кутилмаганлик маъносини, шунингдек, хоҳиш-ихтиёрдан ташқари, хоҳиш-ихтиёрга қарама-қарши ҳолда бажарилиш маъносини ифодалашини (унинг шу маъноларни ифодаловчи кўмакчи феълга айланишини) қандай изоҳлаш мумкин?

Қол феъли субъект актив бажарадиган ҳаракат ёки ҳолатни билдирмайди. Бу феъл субъектнинг мавжуд ҳолатида тинч суратда давом этиши ёки субъектнинг ўз билгидан ташқари суратда бирор ҳолатга гушиши (шундай ҳолатда қолиши; русча «очутиться, оказаться в каком-либо состоянии») маъносини билдиради: *Саидий эртасига Мунисхон айтган вақтда келиб жуда ноқулай ҳолатда қолди* (А. Қаҳҳор, Сароб). *Ўйлаб гапирган мақтовда бўлар, ўйламай гапирган мазаҳда қолар* (Мақол). *Табиб кўрбошига бир қараб қўйиб, ташвишда қолди* (А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши).

Келтирилган мисолларда қол феъли ўз маъносини сақлаган, яъни бу мисолларда қол феъли субъектнинг ноқулай ҳолатда, ташвишда қолганлиги маъносини билдиради. Шунинг билан бирга бу мисолларда қол феълга боғлиқ келган сўзлар ифодалаган ҳолат субъект учун кутилмаган ҳолат эканлиги, субъектнинг хоҳиш-ихтиёридан ташқари юзага келган ҳолат эканлиги маъноси ҳам англашилади. Бу маънонинг ифодаланиши келтирилган мисолларда қол феълнинг қўлланганлиги (қол феълнинг хусусияти) билан изоҳланади. Бу мисолларда қол феълнинг қўлланиши ноқулай ҳолатни, ташвишли ҳолатни субъект ўз билгича юзага келтирмаганлигини кўрсатади, яъни қол феъли субъектнинг шу ҳолатларни актив суратда (ўз билгича) юзага келтирувчи эмаслиги, унинг шу юзага келган ҳолатда қолувчи эканлигини кўрсатади. Бу ҳолатлар субъект ўз билгича юзага келтирган ҳолатлар эмас экан, субъект шу ҳолатларда фақат қолувчи сифатида бўлар экан, юзага келган бу ҳолатларнинг субъект учун кутилмаган, тасодифий (субъект ўйламаган) ҳолат бўлиши табиийдир. Демак, юқоридаги мисолларда кутилмаганлик, тасодиф маъносининг ифодаланиши қол феълнинг хусусияти билан (қол феълда субъектнинг актив бажарувчи сифатида бўлмаслиги билан) изоҳланади.

Субъектнинг бирор ҳолатда қолиши унинг учун кутилмаган ҳодиса бўлганидан, бу ҳолатнинг субъект хоҳиш-ихтиёрига қарама-қарши ҳолат эканлиги маъноси ҳам келиб чиқади (албатта, юз берган ҳолат салбий бўлгандагина унинг хоҳиш-ихтиёрга қарама-қарши ҳолат эканлиги англашилади).

Қол феъли кўмакчи феъл вазифасида қўлланганда ва ўз маъносини, қисман бўлса-да, сақлаган ҳолларда кутилмаганлик, тасодиф маъносининг ифодаланиши ва бунинг сабаби

ҳам худди шундай изоҳланади. Қол феъли кўмакчи феъл бўлиб келганда, кутилмаганлик, тасодиф маъноси билан бирга етакчи феълдаги ҳаракатнинг амалга ошиши ва ҳолатга айланиши ҳам ифодаланади. Чунки етакчи феълдаги ҳаракат амалга ошмай ва у ҳолатга айланмай туриб, субъект унда қолувчи ҳам бўлмайди, яъни субъект қоладиган ҳолат аввал юзага келиши керак. Бунинг учун эса етакчи феълдаги ҳаракат амалга ошиши лозим: *Аммо Мухторхон билан бир даражага тушиб қолиши Бўронбекни ранжитди* (Ҳ. Ғулом, Машғал). *Уларни зонтуқ ичига бир амаллаб сифдирди-ю, ўзи зонтуқдан ташқарига чиқиб қолди* (Ҳ. Назир, С. ч.).

Бу мисолларда етакчи феълдаги ҳаракатнинг амалга ошганлиги, ҳолатга айланганлиги, субъектнинг шу ҳолатда қолганлиги ва бу ҳолатнинг субъект учун кутилмаган, тасодифий ҳолат эканлиги ифодаланади. Бунда қол феъли ўз маъноси билан қатнашса (яъни субъектнинг қолганлигини ифодаласа) ҳам, лекин у, биринчидан, ўзи боғланиб келган феълга нисбатан кўмакчи феъл ҳисобланади ва, иккинчидан, кутилмаганлик, тасодиф маъноси ҳам шу қол феълени қўллаш орқали ифодаланади. Кутилмаганлик, тасодиф маъноси бевосита қол кўмакчи феълнинг қатнашуви орқали ифодаланар экан, ўз ўзидан, қол феъли шу маънони ифодаловчи сўз сифатида қаралади. Келтирилган икки мисолда, ҳатто, асосий нарса субъектнинг етакчи феълдан юзага келган ҳолатда қолганлиги эмас, балки етакчи феълдаги ҳаракатнинг кутилмаган, тасодифий ҳаракат эканлиги, шунингдек, хоҳиш-ихтиёрдан ташқари юзага келган ҳаракат эканлигидир. Иккала маънонинг ҳам қол феълга хослиги ва бунда «қолганлик» маъносига нисбатан «кутилмаганлик», «тасодифийлик» маъносининг асосий эканлиги бу бирикувларда қол феъли, асосан, кутилмаганлик, тасодиф маъносини ифодалаш учун қўлланганлигини кўрсатади. Қол феълнинг ана шу хусусияти бу феълни фақат кутилмаганлик, тасодиф маъносини ифодалаш учун қўллашга имкон беради. Қол феъли ҳолатга айланмайдиган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бирикканда, фақат кутилмаганлик маъноси ифодаланади, «қолганлик» маъноси ифодаланмайди: *Мактаб шахматчиларининг область мусобақаси давом этаётган залга тасодифан кириб қолдим* (Қ. У.). *Ғарамнинг олдига бориши билан тошлар орасидан чиқиб турган этакни кўриб қолиб, юраги шув этиб кетди* (П. Турсун, Уқитувчи). *Сергей ана шу ерга келганда, аланга шуъласида асирини таниб қолди* (Ҳ. Ғулом, Машғал).

7. Етакчи феълдаги ҳаракатни амалга ошириш учун мав-

жуд бўлган шароит ғанимат, қўлдан бой бериб бўлмайдиган шароит эканлиги маъноси ифодаланadi²⁶. Бундай ҳолларда контекста шу маънога мос келувчи «вақтида», «вақти ғаниматда» каби сўз ёки сўз бирикмалари қатнашуви ҳам мумкин: *Кечки паллада кўпроқ ишлаб қолиш учун бригада аъзолари зўр берардилар* (П. Турсун, Уқитувчи).

— *Шу билан нафсларинг ором оладими, қандай бетсиз одамсанлар!*

— *Ҳа, тўйчилик-да, оғзимиз चुчиб қолсин* (Ойбек, Қ. қ.). *Кўп ошиқманг, уларга ҳам айтамиз, уларнинг малайига ҳам айтиб қолайлик* (Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси).

Келтирилган мисолларда ифодаланган «ғанимат» маъносини қол феълининг лексик маъноси билан боғлаб бўлмайди, яъни у қол феълининг лексик маъносидан келиб чиққан маъно эмас. Бу маънонинг ҳаракат маъноси эмаслиги ҳам шуни кўрсатади.

Юқоридаги *Кечки паллада кўпроқ ишлаб қолиш учун зўр берардилар*, *Тўйчилик-да, оғзимиз चुчиб қолсин* гапларида қол кўмакчи феълининг қўлланиши субъект мақсадининг амалга ошиши учун имкон берадиган вақт-шароит (кечки палла, тўйчилик) ўтиб кетадиган, йўққа айланадиган вақт-шароит эканлигини кўрсатади, яъни ҳаракат субъекти қолади, унинг мақсадини юзага келишига имкон берадиган вақт-шароит ўтиб кетади. Ҳаракатнинг (мақсаднинг) амалга ошувига имкон берадиган вақт-шароит ўтиб кетадиган, йўққа айланадиган экан, албатта, у ғанимат ҳисобланади. Демак, «ғанимат» маъноси шу вақт-шароитнинг ўтиб кетадиган (йўққа айланадиган) вақт-шароит эканлигидан келиб чиқади. Бу ҳол эса қол кўмакчи феълининг қатнашуви билан реаллашади. Шунинг учун ҳам қол феъли ҳаракатни амалга ошириш учун мавжуд бўлган шароит ғанимат шароит шароит эканлигини ифодаловчи сўз сифатида қаралади.

8. Қол кўмакчи феъли *қутқармоқ*, *ушламоқ* каби айрим феъллар билан бирикканда, етакчи феълдаги ҳаракатни ўз устига олган объектнинг бирор ҳаракатни бажаришига йўл қўймаслик ёки унда бирор ҳаракат-ҳолат юз беришига йўл қўймаслик маъносини билдиради. Бундай ҳолларда юз бериши мумкин бўлган, лекин субъект йўл қўймаган ҳаракат ёки ҳодиса контекстан ёки умумий ҳолатдан англашилади: *Баъзилар тузоқни нарироққа бориб кўриш учун ўринларидан туриб кетишар, ammo Олимов тутиб қолар эди*. (Ҳ. Назир, С. ч.). *Қиш бўйи тўпланган намни сақлаб қоламан*

²⁶ Қаранг: А. Ғ. Фуломонов, Уша асар; Б. Жўраев, Уша асар.

деган дехқон эрта баҳордаёқ ерини сифатли борона қилиб қўяди (Т. ҳ.). ...Қамчи кўтаришнинг хавфли эканини тушунган Абдимажид раиснинг қўлидан ушлаб қолди (С. Анорбоев, Яйловда).

Келтирилган мисолларда етакчи феълдаги ҳаракатни бажариш орқали ҳаракат йўналган объектнинг бирор ҳаракатни бажаришига йўл қўймаслик маъноси ифодаланади. Бу маъно баъзи ҳолларда қол кўмакчи феъл қўлланмаса ҳам ифодаланаверади. Мас., бир ўлимдан асраб қолди — бир ўлимдан асради. Лекин қол кўмакчи феъли қўлланган ҳолат билан у қўлланмаган ҳолат маъно ва стилистик жиҳатдан бир-бирига тенг бўлмайди. Қол кўмакчи феъли қўлланганда, юз бериши мумкин бўлган ҳаракат-ҳолатнинг ўткинчи эканлиги ҳам англашилади. Қол кўмакчи феъли қўлланмаса, ана шу нарса ифодаланмайди. Қиёсланг: фалокатдан асрамоқ — фалокатдан асраб қолмоқ. Биринчисида, умуман, фалокатнинг юз беришига йўл қўймаслик, фалокатдан холи қилиш маъноси ифодаланади. Иккинчисида эса ана шу маъно билан бирга фалокатга учровчи шахс ёки нарсанинг қолувчи эканлигини, фалокатнинг ўткинчи эканлиги ҳам ифодаланади.

II. Қол кўмакчи феъли равишдошнинг -а, -й аффикслари билан ясалган турига бирикканда, турли маънолар ва маъно оттенкаларини ифодалайди. Бундай ҳолларда бирикувнинг қайси майл формасида бўлишига, нутқнинг кимга қаратилганлигига қараб қол кўмакчи феъли ифодалайдиган маънолар ҳам ҳар хил бўлади. Шунинг учун қол кўмакчи феъли етакчи феълга -а, -й аффикслари орқали бирикканда ифодаландиган маъноларни ҳар бир майл доирасида алоҳида олиб текшириш мақсадга мувофиқ бўлади.

1. Бирикув буйруқ майли формасида бўлганда:

1) етакчи феълдаги ҳаракат субъектнинг ёки ўзга шахснинг илтимосига (майлига, хоҳиш-ихтиёрига) кўра бўлса, шу ҳаракатни бажаришга рухсат, розилик, хайрихоҳлик маъноси ифодаланади. *Майли, майли, холажон, мен ўзимизнинг эшикдан чиқа қолай* (А. Қаҳҳор, Янги ер). *Жуда соз, миниб бора қолинг. Шаҳарда сизга бир иш ҳам бор* (М. Исмоилий. Ф. т.о.);

2) етакчи феълдаги ҳаракат ўзга учун (ўзга манфаати юзасидан) ёки ҳаракат субъекти манфаати юзасидан бажарилувчи ҳаракат бўлса, шунингдек, бу ҳаракатнинг бажарилиши илтимос (талаб) қилинмаган бўлса, хайрихоҳлик, тингловчига нисбатан хушмуомалалик маъноси ифодаланади: *Мен ана у сўқмоқдан юрсам ҳам бўлади. Лекин сизни нарироққача кузатиб, катта йўлдан кета қолай* (А. Қаҳҳор, Хотин-

лар). *Ю ра қол, қизим, мен сени кампирга топшириб чиқай, у ҳам одамшаванда* (Ойбек, Қ. қ.).

Бу мисолда фақат хайрихоҳлик ифодаланади.

Юқоридаги биринчи пунктда келтирилган мисолларда эса хайрихоҳлик маъноси билан бирга розилик маъноси ҳам ифодаланади;

3) етакчи феълдаги ҳаракат сўзловчининг истак-майлига кўра бўлувчи ҳаракат бўлса, шу ҳаракатни бажаришга хайрихоҳлик билан маслаҳат, илтимоснинг кучайиши, шундай қилиш маъқуллиги ифодаланади: *Уғлим, бугун қола қол, ойдинда балиқ овлар эдик, кечроқ кетарсан* (Ж. Шарипов, Хоразм).

— *Рўзиматми? Рўзимат кетмонда...*

— *Мен ҳам кетмон чопа қолай* (А. Қаҳҳор, Қ. ч.).
Шамол жуда ваҳимали гувилаётибди, қўрқаман. Шу ерда ёта қолинг (А. Қаҳҳор, Қ. ч.).

Бундай ҳолларда нутқ қаратилган шахс ҳам, ҳаракатни бажарувчи ҳам сўзловчининг ўзи бўлса, сўзловчининг шу ҳаракатни бажаришни ўзига маслаҳат кўриши, шуни маъқул топиши ифодаланади: *Тогда юриб сочим ўсиб кетди. Олдира қолай, деб навбат кутиб ўтирганимда даврада Умнат полвон пайдо бўлиб қолди* (С. Анорбоев, Оқсой). *Ю виб чиқа қолай, яна эртага меҳмон келиб қолиши бор* (Ж. Абдуллахонов, Она ҳурмати).

2. Аниқлик майли формасида қўлланганда:

1) ишнинг мақсадга мувофиқ, осонлик (қийинчиликсиз) ва тезлик билан бажарилиши маъноси ифодаланади: *Нега у қўл урган иш бита қолади-ку, Саидғозининг енгил иши ҳам оғир кўчади...* (С. Анорбоев, Оқсой). *Унинг ўрнига алоқа ишларини яхши биладиган мутахассис топила қолармикан?* (С. Анорбоев, Гўзаллик излаб);

2) умуман ишнинг осонлик ва тезлик билан юз бериши маъноси ифодаланади: *Сиз аллақандай тушунтирасиз... дарров тушуна қоламан* (А. Қаҳҳор, Сароб). *Икки-уч киши совчи қўйганда у, икки бола билан тинч турмуш қила олшини кўз олдига келтиролмай, розилик бермаган эди, нима бўлди-ю, уста Абдурахмон киши қўйганда дарров рози бўла қолди* (А. Қаҳҳор, Бошсиз одам).

3. Шарт майли формасида қўлланганда, кўпинча, етакчи феълдаги ҳаракатнинг тез бажарилишига хоҳиш-ихтиёрнинг кучлилиги ифодаланади. Бундай ҳолларда шу маънога мос келувчи *кошкийди, қани энди* каби сўз ёки сўз бирикмалари ҳам қатнашувчи мумкин: *... чарчаган тарозбонлар машина йўлига кўз тикканлар, тезроқ кела қола-ю, пахталарни пунктга таший қола* (Р. Файзий, Ч. б. к.). *Уни яна ўй*

босди... «Оҳ, кошкийди босди-босди қила қолишса»
(С. Анорбоев, Оқсой).

Қол кўмакчи феъли етакчи феълга *-а, -й* аффикслари орқали бирикканда, кесатиқ маъноси ифодаланиши мумкин. Лекин бу маъно қол кўмакчи феълига хос маъно эмас. Кесатиқ маъноси гап оҳангидан, контекстдан ёки умумий ҳолатдан келиб чиқади. Бундай ҳолларда қол кўмакчи феъли кесатиқни кучайтиради:

— Қани ичкари уйга кирилсин, ойим.

— ...Мен нима қилдим?

— Гап битта, уйга кира қолинг... (Яшин, Нурхон).

Мунча яхши, ҳукуматнинг хазинасини ҳам инъом қила қолинг... Ҳукуматнинг ерига мунча бино қўйишлик
(А. Қаҳҳор, Қ. ч.).

Келтирилган мисолларда қол кўмакчи феъли тушириб қолдирилса ҳам, кесатиқ маъноси ифодаланаверади. Лекин кесатиқнинг даражаси қол феъли қўллангандаги даражада кучли бўлмайди. Бундай ҳолларда қол кўмакчи феълининг кесатиқ маъносини кучайтириш сабаби шундаки, юқорида кўрганимиздек, қол кўмакчи феъли хайрихоҳлик, хушмуомалаликни билдиради. Ана шу хушмуомала, хайрихоҳлик кесатиқни кучайтиради.

Шуни айтиш керакки, қол кўмакчи феълининг *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдошга бирикканда ифодалайдиган маънолари шу феълнинг асл маъносига (мустақил феъл сифатида қўлланганда ифодалайдиган маъноларига) боғланмайди. Шунинг учун ҳам қол кўмакчи феъли бу маъноларда қол феълига қарама-қарши маъно билдирувчи *бор, кел, кет* феълларига ҳам, ҳатто, қол феълининг ўзига ҳам бирикаверади: *бора қол, кела қол, кета қол, қола қол*. Шунингдек, қол кўмакчи феълининг бу маъноларини қол мустақил феъли билдирган ҳаракатнинг бирор хусусиятидан келтириб чиқариш ҳам мумкин эмас.

Бизнингча, бу маънолар қол кўмакчи феълининг *-а, -й* ва *-(у)б* аффикслари орқали ясалган равишдошга қўшилган формалари ўртасида кейинчалик маъно жиҳатдан дифференциация юз беришидан келиб чиққан. Бунинг исботи сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин.

Тарихан қол кўмакчи феъли *-а, -й* аффикслари орқали ясалган равишдошга бирикканда ҳам *-и(б)* аффикси орқали ясалган равишдошга бирикканда билдирадиган маънони ифодалаган:

*Ҳар сори телмура қолди Мирзо,
Йўл бошинда тура қолди Мирзо.*

*Ҳам раият қила қолди фарёд,
Ким берур эмди дебон бизга дод*

(«Шайбонийнома»).

Оғасининг мундоқ енгил келганидан ва бизнинг мундоқ илдам етканимиздан донг ва мутахаййир бўлиб тура қолди («Бобирнома»). Бу хабар келган била ўтқа сув урғондек босила қолди («Бобирнома»).

Келтирилган мисоллардаги *телмура қолди, тура қолди, қила қолди, босила қолди* бирикувларида қол феъли маълум даражада ўз маъносини сақлаган, яъни буларда субъектнинг етакчи феълдан англашилган ҳолатда қолганлиги англашилади. Бу маъно ҳозирги ўзбек тилида *телмуриб қолди, туриб қолди, қилиб қолди, босилиб қолди* формасида ифодаланади. Тарихан *телмура қолди* бирикуви орқали ифодаланган маъно *телмуриб қолди* формаси орқали ҳам ифодаланган:

*Сув эли барча боқиб қолдилар,
Ҳасрат ўтини ёқиб қолдилар*

(«Шайбонийнома»).

Демак, тарихан *телмуриб қолди, боқиб қолди* формаси билан *телмура қолди, боқа қолди* формаси бир хил маъно ифодалаган.

Лекин тилда айнан бир хил маънони ифодаловчи параллел формалар ёки сўзларнинг бўлиши тил табиатига мос келмайди. Бундай параллел форма ёки сўзлар бўлса, у ўткинчи ҳодиса ҳисобланади. Кейинчалик бундай параллел формалардан бири ё йўқолади (истеъмолдан чиқади), ёки бу формалар ўртасида маъно жиҳатдан дифференциация юз беради. Ана шу қонунга кўра бир хил маъно ифодаловчи *боқа қолди* ва *боқиб қолди* формаларидан бири кейинчалик ё истеъмолдан чиқиши ёки бошқа маъно касб этиши лозим эди. Ўзбек тилида ана шу ҳодисанинг иккинчиси (маъно жиҳатдан дифференциация) юз берган.

Қол кўмакчи феълнинг *-а, -й* аффикслари орқали ясалган равишдошга бириккан формаси билан *-(и)б* аффикси орқали ясалган равишдошга бириккан формаси ўртасидаги маъно жиҳатдан дифференциация юз бериши натижасида *термула қолди* формаси ҳозирги ўзбек тилида ифодалайдиган маъносини касб этади. Албатта, бу ҳодиса бирдан юз бермайди. *Термула қолди* формаси маълум вақтларга қадар *термулиб қолди* формаси ифодалайдиган маънода, шунингдек, ҳозирги ўзбек тилида *термула қолди* формаси ифодалайдиган маънода параллел қўлланган. Бу ҳодиса Машрабнинг қўйидаги ғазалида ўз ифодасини топган:

*Дунёга келиб лойиға билмай бота қолдим,
Дармон йўғидин неча оғиз сўз қота қолдим...*

*Кўрдум мен ани душмани руҳи тан экандур,
 «Ло» ўқи била икки кўзига ота қолдим.
 Майхонага кирдим, била қолдим куяримни,
 Масжидга кириб, зоҳиди яхдек қота қолдим.
 Зоҳид менга бир шишада май, сенга намозинг,
 Минг тавфини бир шишаи майга сота қолдим.
 Ваҳдад майини муғон илгидин ичтим,
 Мансур каби дорға бошимни тута қолдим.
 Девоналиғим шуҳрати оламга тўлубдур,
 Бир жилвасиға икки жаҳондин ўта қолдим.
 Айб айламанғиз Машраби беҳудни, ёронлар,
 Найлайки, бу ғурбат кўчасидин ўта қолдим.*

Келтирилган ғазалда қол кўмакчи феъли фақат равишдошнинг *-а, -й* аффикслари орқали ясалган турига бириккан. Лекин бирикувларда ифодаланган маъно бир хил эмас. Мас., *бота қолдим, қота қолдим* бирикувлари ҳозирги ўзбек тилида *ботиб қолдим, қотиб қолдим* формасидагидек маънони ифодалаган. *Тута қолдим, ўта қолдим* бирикувлари ифодалаган маъно эса ҳозирги ўзбек тилида ҳам худди шу формада (*тута қолдим, ўта қолдим* тарзида) ифодаланади. Бу факт *тута қолди, ўта қолди* формасининг *тутиб қолди, ўтиб қолди* формасидан фарқли маънони ифодаловчи формага айланаётганлигини кўрсатади.

Тил тарихига оид ёзма манбаларнинг, айниқса, прозаик асарларнинг камлиги боқа қолди ва боқиб қолди формаси ўртасида маъно жиҳатдан дифференциация юз беришининг қайси даврлардан бошланганлигини аниқ белгилашга имкон бермайди. Лекин тил қонуниятига ва ўзбек тили тарихига оид фактларга асосланиб, қол кўмакчи феълининг *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдошга бириккан формаси ифодалайдиган маъно тура қол ва туриб қол формалари ўртасида маъно жиҳатдан дифференциация юз бериши натижасида келиб чиққан дея оламиз.

Қол кўмакчи феълининг *-а, -й* аффикслари орқали ясалган равишдош формасига бирикканда ифодалайдиган маъно шу феълининг асл маъносидан келиб чиққан маъно бўлганида, бошқа туркий тилларда ҳам қол кўмакчи феъли равишдошнинг *-а, -й* формасига бирикиб, худди ўзбек тилидаги каби маъноларни ифодалаши мумкин эди, яъни бу ҳодиса бошқа туркий тилларда ҳам бўлиши керак эди. Қол кўмакчи феълининг *-а, -й* аффиксли равишдошга қўшилиб, рухсат (розилик), хайрихоҳлик каби маъноларни ифодалаши ҳодисаси кўпчилик туркий тилларда учрамайди. Шунингдек, туркий тилларнинг баъзиларида қол кўмакчи феълининг равишдошнинг *-а,*

-й формасига бирикиши ё жуда кам учрайди, ёки бутунлай учрамайди²⁷. Мана бу ҳодиса ҳам ўзбек тилида *ола қол*, *тура қол* каби бирикувларда *қол* кўмакчи феъли ифодаладиган маъно шу феълнинг лексик маъносидан келиб чиқмай, балки икки форманинг (*ола қол* ва *олиб қол* формаларининг) дифференциациясидан вужудга келган маъно эканлигини кўрсатади.

Ўзбек тилида *қол* кўмакчи феълнинг *-(у)б* аффикси билан ясалган тури билдирадиган маънолар туркий тилларнинг айримларида *қол* феълнинг *-а*, *-й* аффикслари орқали ясалган равишдошга бириккан тури воситасида ҳам ифодаланган. Мас., проф. Н. А. Баскаковнинг кўрсатишича, қорақалпоқ тилида *қол* кўмакчи феълнинг *-а*, *-й* аффикслари орқали ясалган равишдошга бириккан формаси давомлилик ва тасодиф маъноларини ифодалайди. Шу маънолар *қол* феълнинг *-(у)б* аффикси орқали ясалган равишдошга бириккан формаси орқали ҳам ифодаланган²⁸. Ўзбек тилида эса тасодиф, давомлилик маъноси *қол* кўмакчи феълнинг фақат *-и(б)* аффикси воситасида ясалган равишдошга бириккан формаси орқали ифодаланган. Демак, қорақалпоқ тилида *тура қол* формаси билан *туриб қол* формаси маъно жиҳатдан тўла даражада дифференциацияга учрамайди. Ўзбек тилида эса *тура қол* формаси билан *туриб қол* формасининг маъно жиҳатдан дифференциацияси тўла даражада юз берган. Бу ҳодиса ҳам ҳозирги ўзбек тилидаги *тура қол* формаларининг маъно жиҳатдан дифференциацияси натижасида келиб чиққан маъно эканлигидан далолат беради.

III. *Қол* кўмакчи феъли етакчи феълга ҳеч қандай воситасиз унинг шахс-сон билан тусланган формасига бирикади. Бунда шахс-сон ва замон формалари етакчи феъл билан кўмакчи феълда бир хил бўлади: *Тошкентдан уйланса, сув қуйгандек тийинарқолар*, *Марғилон балосини эсидан ҳам чиқарар* (А. Қодирий, У. к.). *Ишни бошлаб юборган дастлабки кезларда ўт-оловдек ёпишган баъзи болалар сал ишламай тагин сўнди-қолди* (Р. Файзий, Раянинг арчаси). *Боши ёстиққа тегди дегунча ухлайди-қолди* (С. Зуннунова, Қанот).

²⁷ Қаранг: Н. Қ. Дмитриев, Грамматика башкирского языка, М.—Л., 1948, стр. 199; Ф. Г. Исхаков, А. А. Пальмбах, Грамматика тувинского языка, Фонетика и морфология, М., 1961, стр. 414.

²⁸ Қаранг: Н. А. Баскаков, Қарақалпақский язык, II, Фонетика и морфология, ч. 1, М., 1952, стр. 374—375. И. Е. Мамановнинг кўрсатишича, қозоқ тилида ҳам *қол* кўмакчи феълнинг *-а*, *-й* аффикслари билан ясалган равишдошга бириккан формаси тасодиф, қутилмаганлик маъноси билдиради. Қаранг: И. Е. Маманов, Вспомогательные глаголы в казахском языке, Алма-Ата, 1949, стр. 49.

Бу типдаги бирикувларда қол кўмакчи феъли равишдошнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган формасига бирикканда ифодалайдиган ҳолатнинг юзага келиши, давом, қутилмаганлик (тасодиф), ҳаракатнинг тезлик билан (бирдан, тўсатдан) бажарилиши каби маъноларни ифодалайди

1. Ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатга ўтиши: *Билмадим... ҳар нечук сув қуйгандек бўлди-қолди, илоҳи эм тушган бўлсин* (А. Қодирий, У. к.)

2. Давом: *Ҳалиги ерда бир мўйсафид келиб, ҳассасига суяниб тикилди-қолди* (Ойбек, Қ. қ.).

3. Қутилмаганлик, тасодиф: *Хотин бошқа нарсаларини ҳам сотиб тап-тайёр бўлиб турган экан, волидамиз билан қизини олибди-ю, бир кечада зим-ғойиб бўлибди-қолибди* (А. Қаҳҳор, Қ. ч.).

4. Ҳаракатнинг тезлик билан, бирдан бажарилиши: *Мени кўрди шекилли, бирпасда йўқ бўлди-қолди* (С. Анорбоев, Оқсой). *Итлар бирдан ўзгарди-қолди: қулоқларини қисиб, думларини лекиллашиб ҳар ёққа тарқаб кетди* (С. Анорбоев, Яйловда).

Келтирилган мисолларда қол кўмакчи феъли ифодалаган маънолар шу кўмакчи феълнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган равишдошга бирикканда ифодалайдиган маъноларининг ўзгинасидир. Фарқ шундаки, буларда ҳаракатнинг тезлик билан, шартта бажарилиши оттенкаси ҳам бўлади.

Қисқа хулосалар:

1. Қол кўмакчи феъли равишдошнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган турига ҳам, *-а, -й* аффикслари орқали ясалган турига ҳам бирикади. Шунингдек, етакчи феълга ҳеч қандай форма ёрдамсиз ҳам бирика олади: *кетиб қолди, кета қолди, кетди-қолди*.

2. Равишдошнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган турига бирикканда қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1) Ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши: *ёпишиб қолмоқ, кўкариб қолмоқ*. Бу маъно қол феълда равишдош формасидаги феъл билдирган ҳолатда қолувчи шахснинг борлигидан ва бу шахснинг шу ҳолатда қолиши учун аввал ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатга айланиши лозимлигидан келиб чиқади;

2) давомлилик маъносини билдиради: *шошиб қолмоқ, ўйланиб қолмоқ*. Бу маъно ҳам субъектнинг бирор ҳаракат-ҳолатда қолишидан келиб чиқади: *ўйланиб қолди* — ўйланган ҳолда қолди — ўйланишда давом этди;

3) ҳаракат-ҳолатнинг маълум даражада юз беришини билдиради: *соғайиб қолмоқ*;

4) оз қолганлик, яқинлашганлик маъносини билдиради:

битиб қолмоқ, етиб қолмоқ, яқинлашиб қолмоқ. Ҳаракат-ҳолатнинг маълум даражада юз бериши маъноси, шунингдек, оз қолганлик, яқинлашганлик маъноси етакчи феълдаги ҳаракатнинг даражама-даража (аста-секин) бажарилиш хусусияти билан қол феълда субъектнинг актив бажарувчи бўлмаслигидан келиб чиқади;

5) ҳаракатнинг тасодифан, қўққисдан бажарилиши маъносини билдиради: *ёзиб қолди, сўраб қолди;*

6) ҳаракатнинг хоҳиш-ихтиёрга қарама-қарши юз бериши маъносини билдиради: *сезиб қолади.* Ҳаракатнинг тасодифан, қўққисдан бажарилиши ва хоҳиш-ихтиёрга қарама-қарши ҳаракат эканлиги маъноси қол феълда субъектнинг актив бажарувчи бўлмаслиги, унинг юзага келган ҳолатда фақат қолувчи сифатида бўлишидан келиб чиққан;

7) ҳаракатнинг вақти ғаниматда, ғанимат шароитдан фойдаланиб бажарилиши маъносини билдиради: *ўйнаб қол, еб қол, ўқиб қол.* Бу маъно субъектнинг қолувчи, шароитнинг эса ўткинчи эканлигидан келиб чиқади;

8) *қутқармоқ, сақламоқ, тутмоқ* каби айрим феъллар билан бирикканда, ҳаракат йўналган объектда бирор ҳолатнинг юз беришига йўл қўймаслик, уни шундай ҳаракат-ҳолатдан холи қилиш маъносини билдиради: *тийиб қолмоқ, ушлаб қолмоқ.*

3. Равишдошнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган турига бирикканда, маслаҳат, хайрихоҳлик, рухсат, илтимос, даъват каби маъноларни билдиради: *ола қол, бера қолинг, ёза қолсин.*

Қол кўмакчи феълнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдошга бирикканда ифодалайдиган маъноси *ола қол* формаси билан *олиб қол* формаси ўртасида маъно жиҳатдан дифференциация юз бериши натижасида келиб чиққан.

4. *Қол* кўмакчи феълнинг етакчи феълга ҳеч қандай форма ёрдамисиз бириккан турида шу феълнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган равишдошга бирикканда ифодалайдиган маънолардан ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши, давом, тасодиф, хоҳиш-ихтиёрга қарама-қаршилиқ маънолари ифодаланади: *ёпишди-қолди, тикилди-қолди, ўлди-қолди, кетди-қолди.* Бу формада ҳаракатнинг тез, шартта бажарилиши оттенкаси ҳам бўлади.

Қўй

Бу кўмакчи феълнинг етакчи феъл билан бирикиши икки хил кўринишга эга: 1) етакчи феълга *-(и)б* равишдош формаси орқали бирикади: *айтиб қўйди;* 2) етакчи феълга ҳеч қандай форма ёрдамисиз бирикади: *айтди-қўйди.*

1. *Қўй* кўмакчи феъли равишдошнинг *-(и)б* аффикси орқали ясалган тури билан бирикканда қуйидаги маъноларни билдиради.

1. Ҳаракатнинг бажарилиши ва унинг натижаси сифатидаги ҳолатнинг юзага келиши маъносини билдиради (*суяб қўймоқ, очиб қўймоқ, илиб қўймоқ, ётқизиб қўймоқ* каби):

Бошидаги *кир, кўк чалмасининг узун пешини елкасидан осилтириб қўйган* (Ш. Тошматов, Э. қ). *Чигитни квадрат уялаб жойлаштирамиз. Бунинг учун иккита чигит экиш агрегатини тахт қилиб қўйдик* (Т. ҳ.). *Қандайдир бир куч уни ўтирган жойига михлаб қўйгандек қимирлатмади* (Саид Аҳмад, Хотин).

Осилтириб қўймоқ, тахт қилиб қўймоқ, михлаб қўймоқ бирикувларида етакчи феълдаги ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъносининг ифодаланиши ҳам бу бирикувларда *қўй* кўмакчи феълнинг, қисман бўлса-да, ўз маъносини сақлаганлиги билан изоҳланади, яъни бирор нарсани бирор ҳолатда қўйиш учун аввал шу ҳолатнинг мавжуд бўлиши керак. *Осилтириб қўймоқ, тахт қилиб қўймоқ, михлаб қўймоқ* бирикувларида қўйиладиган ҳолат (*осилтириғлик, тахт, михлоғлик ҳолатлари*) етакчи феълнинг ўзидан келиб чиқади. Бу ҳолатларнинг юзага келиши учун шу феъллар ифодалаган ҳаракат амалга ошиши керак. Демак, *осилтириб қўймоқ, тахт қилиб қўймоқ, михлаб қўймоқ* бирикувларидаги *қўй* феъли *осилтириғлик, тахт, михлоғлик ҳолатларининг юзага келганлигини* (мавжудлигини), бунинг натижаси ўлароқ, етакчи феъл ифодалаган ҳаракатнинг бажарилганлигини кўрсатади (ҳаракат бажарилмаса, ҳолат юзага келмас эди).

Демак, бундай бирикувларда ифодаланадиган ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъноси *қўй* феълнинг лексик маъноси бўлмай, шу феъл (*қўй* феъли) билдирган ҳаракат билан равишдош формасидаги феъл аңлатган ҳаракатнинг бажарилишидаги кетма-кетликдан келиб чиқади.

Қўй кўмакчи феълнинг етакчи феълдаги ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъносини ифодалаши келаси замон формасида, шунингдек, буйруқ майли формасида жуда аниқ кўринади:

— *Қайтишда қўниб ўтинлар, каклик тутиб қўйман.*

— *Бирга тутамиз, тузоқни тайёрлаб қўй* (С. Анорбоев, О. ш.). *Қачон қайтасан, болам, балиқ қовуриб қўйман* (Ҳ. Фулом, Машъал). *Хумга сув тўлдириб, ўтин ҳам ёриб қўй* (З. Фатхуллин, Ғунчалар).

Ташлаб қўйибман, оқсатиб қўйишибди каби бирикувлар-

да асосий нарса җарақатнинг бажарилиши, унинг тугаши эмас, балки унинг натижаси сифатида юзага келган ҳолатдир. Шунинг учун ҳам, буларда җарақатнинг қачон бажарилганлиги назарда тутилмайди. Албатта, бу бирикувларда етакчи феълдаги җарақатнинг ўтган замонга оидлиги англашилади. Лекин, бундан қатъий назар, *оқсатиб қўйишибди* бирикувида етакчи феълдаги җарақатнинг ўтган замонга оидлиги эмас, балки юзага келган ҳолатнинг ҳозир мавжудлиги ифодаланади:

Сабр қил хотин, еб турган гўштимиз бор. Уғлинг келган кунни сўяман, деб кўнглимдан ўтказиб қўйибман (Шухрат, Мукофот). *Феруза бўлса, қозонни кўтариб қўйиб, ўчоқ бошига чўкка тушади...* (С. Анорбоев, Яйловда). *Бунинг учун биз оғамиз Сергей билан баъзи табдирларни ўйлаб қўйдик* (Х. Ғулом, Машъал).

Бу мисолларда *кўнглидан ўтказиб қўймоқ, кўтариб қўймоқ, ўйлаб қўймоқ* бирикувларининг ҳаммаси ўтган замон формасида. Агар асосий нарса шу җарақатнинг бажарилишининг ўзи бўлса, *ўтказибман (ўтказдим), кўтариб, ўйладик* формасида қўлланар ва бу җарақатларнинг ўтган замонга оидлиги ифодаланаверар эди. Лекин булардаги асосий нарса җарақатнинг натижаси — юзага келган ҳолат бўлганидан бирикувлар ўтган замон формасида бўлишидан қатъий назар, етакчи феълдаги җарақатнинг қачон бажарилганлиги эмас, балки унинг мавжуд ҳолати назарда тутилади. Бу ҳолат эса нутқ сўзланиб турган вақтда мавжуд, яъни мас., *кўнглимдан ўтказиб қўйибман* бирикувида ҳозир ҳам кўнглида борлиги ифодаланади.

Етакчи феълдаги җарақатнинг бажарилиши ва ҳолатга айланиши маъносини (динамиканинг статикага айланишини) қол кўмакчи феъли ҳам ифодалайди. Фарқ шундаки, қол кўмакчи феъли билан ясалган бирикувларда субъект актив бажарувчи сифатида бўлмайди. У юзага келган ҳолатда фақат қолувчи сифатида, *қўй* кўмакчи феъли билан ясалган бирикувларда эса актив бажарувчи сифатида бўлади²⁹. Шунинг учун ҳам бундай ҳолларда *қол кўмакчи феъли*, асосан, ўтимсиз феъллар билан, *қўй* кўмакчи феъли эса ўтимли феъллар билан бирикади. Қиёсланг: *очилиб қолмоқ — очиб қўймоқ, суяниб қолмоқ — суяб қўймоқ, ҳайрон бўлиб қолмоқ — ҳайрон қилиб қўймоқ, совиб қолмоқ — совитиб қўймоқ*.

Қўй кўмакчи феъли җарақатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъносини билдирганда, етакчи феълдаги

²⁹ Қаранг: Н. К. Дмитриев, Грамматика башкирского языка, М.—Л., 1948, стр. 200.

ҳаракатнинг тўла даражада юзага келиши маъноси ҳам англашилади, яъни ҳаракатнинг натижаси сифатидаги ҳолатнинг юзага келиши шу ҳаракатнинг тўла бажарилганлигини кўрсатади. Мас., *боғлаб қўймоқ* бирикувида боғланган ҳолатнинг юзага келиши ифодаланади. Боғланган ҳолат юзага келар экан, ўз-ўзидан, боғлаш ҳаракати божарилган бўлади. Лекин бундан *қўй* кўмакчи феъли ҳаракатнинг тамом бўлиши, туғши маъносини билдиради, деган хулоса чиқмайди. *Қўй* кўмакчи феълидаги асосий нарса ҳаракатнинг натижаси сифатидаги ҳолатнинг юзага келишидир. Бунда ҳаракатнинг тамом бўлиши таъкидланмайди.

2. *Қўй* кўмакчи феъли баъзи феъллар билан бирикканда давомлилик маъноси ифодаланади: *Нихоят, бугунги сўроқ Зиёдиллани анча ўйлан тириб қўйди* (Ҳ. Ғулом, Машъал). *Ҳали у ерда, ҳали бу ерда янги туғилаётган қўзилар чўпонларни шошириб қўйган, уларда тиним йўқ* (Т. Ҳ.).

Келтирилган мисолларда етакчи феълдаги ҳаракат-ҳолатнинг давомлилиги маъноси ифодаланади. Лекин булардаги давомлиликни (давомлилик маъносини) бевосита *қўй* кўмакчи феълнинг лексик маъноси билан изоҳлаб бўлмайди. *Қўй* феълда давомлилик маъноси йўқ. Агар бу феълда давомлилик маъноси бўлганида, у ҳар қандай феъл билан бирикиб шу феълдаги ҳаракатнинг давомлилигини ифодалаш учун қўллана олар эди. Ваҳоланки, *қўй* кўмакчи феъли саноқли феъллар билан бириккандагина давомлилик маъноси ифодаланади. Мас., *қўй* кўмакчи феъли *бермоқ, олмоқ* феъллари билан бирикканда, ҳеч вақт давомлилик маъноси ифодаланмайди.

Лекин, шуниси борки, *қаратиб қўймоқ, шошириб қўймоқ* каби бирикувларда давомлилик маъноси *қўй* кўмакчи феълнинг қатнашуви билан ифодаланади. Бу нарса *қаратиб қўймоқ, шошириб қўймоқ* каби бирикувларда давомлилик маъносининг ифодаланишини *қўй* кўмакчи феъли билан етакчи феълнинг лексик хусусиятидан келиб чиқиб изоҳлаш лозимлигини кўрсатади.

Юқорида (биринчи пунктда) *қўй* кўмакчи феълнинг етакчи феълдаги ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатга айланиши, субъектнинг етакчи феълдаги ҳаракатни ўз устига олган субъектни шу ҳолатда қўйиши (қолдириши) маъносини ифодалаш айтилди. Шунингдек, бу ҳолатнинг энди субъект томонидан бажарилмайдиган (статик) ҳолат эканлиги ҳам айтилди. Бирор ҳолатда қолдирди (бирор ҳолатда қўйди) деган сўз, унинг шу ҳолати мавжуд деган сўздир. Шу ҳолати мавжуд деган сўз эса шу ҳолати давом этяпти деган сўздир.

Лекин бу ҳолат актив бажарилишда давом этаётган ҳаракат-ҳолат бўлмай, балки юзага келиб бўлган статик ҳолатдир: *Мармар сиёҳдонга суяб қўй и л г ан конвертга кўзи тушиб, мийиғида кулди* (С. Анорбоев, Директорнинг даъвоси).

Келтирилган мисолда етакчи феълдаги ҳаракатнинг (суяшнинг) бажарилганлиги, ҳолатга айланганлиги ва шу ҳолатнинг мавжудлиги ифодаланади. Демак, *шошириб қўйди, суяб қўйди* бирикувларининг иккаласида ҳам қўй кўмакчи феъли бир хил маънони — етакчи феълдаги ҳаракатнинг бажарилганлиги ва ҳолатнинг юзага келганлиги маъносини билдиради. Фарқ шундаки, *шошириб қўйди* бирикувида шошириш ҳаракатининг давоми ифодаланса, *суяб қўйди* бирикувида суяш ҳаракатининг бажарилганлиги ва ҳолатнинг юзага келганлиги ифодаланади.

Демак, қўй кўмакчи феъли иккала бирикувда ҳам маълум даражада ўз маъноси (етақчи феълдан юзага келган ҳолатда қўйиш маъноси) билан қатнашгани ҳолда иккала бирикувда икки хил маънонинг ифодаланиши етакчи феълларнинг лексик хусусиятидан келиб чиқадиған ҳодисадир.

3. Ҳаракатнинг хоҳиш-ихтиёрдан ташқари, хоҳиш-ихтиёрга қарама-қарши ҳолда юз бериши маъносини билдиради: *Афтидан, улар энди ёлғиз қолишганда табиатнинг ғайирлиги келибди-ю, ажратмоқчи бўлиб, билмасдан би р л а ш т и р и б қ ў й и б д и* (А. Мухтор, Туғилиш). *Гўзал қўлидаги гулдастани адашиб қолдими, она тили ўқитувчисига б е р и б қ ў й д и* (Р. Файзий, Биринчи сентябрь). *Жуда ёмон хато қилиб қ ў й д и к. Сўндирмоқчи бўлган оловимизга сув ўрнига мой п у р к а б қ ў й д и к* (А. Мухтор, Қор. қ.).

Ҳаракатнинг хоҳиш-ихтиёрдан ташқари, хоҳиш-ихтиёрга қарама-қарши бажарилиши маъносида қўй кўмакчи феъли буйруқ-истак майлининг бўлишли формасида қўлланмайди. Чунки субъект ҳеч вақт ўз манфаатига зид бўлган ҳаракатни бажаришни орзу қилмайди (хоҳламайди). Шунингдек, сўзловчи ҳам ўз манфаатига зид бўлган ҳаракатни бажаришни ўзгага буюрмайди. Бундан чиқадики, буйруқ-истак майли формасининг маъноси билан хоҳиш-ихтиёрдан ташқари бажарилиш маъноси бир-бирига қарама-қаршидир. Шу сабабли *билдириб қўй, сездириб қўй* формасида ҳеч вақт хоҳиш-ихтиёрдан ташқари бажарилиш маъноси ифодаланмайди. *Билдириб қўйма, сездириб қўйма* формасида эса шу маъно ифодаланади. Чунки бўлишсизлик формаси ҳам, қўй кўмакчи феъли ҳам ҳаракатнинг бажарилишига сўзловчининг тарафдор эмаслигини билдиради, яъни бўлишсизлик формаси-

нинг маъноси билан *қўй* кўмакчи феълининг маъноси характер жиҳатидан бир-бирига мос келади.

Ҳаракат-ҳолатнинг хоҳиш-ихтиёрдан ташқари, хоҳиш-ихтиёрга қарама-қарши юз бериши маъноси бевосита *қўй* мустақил феълининг лексик мундарижасидан келиб чиқадиган маъно эмас. *Қўй* мустақил феълининг маъносида хоҳиш-ихтиёрдан ташқари бажарилиш элементи йўқ.

Қўй кўмакчи феъли ҳаракатнинг бажарилиши ва унинг натижаси сифатидаги ҳолатнинг юзага келиши маъносини ифодалайди. Худди шу маънони *қол* кўмакчи феъли ҳам ифодалайди. Демак, *қол* ва *қўй* кўмакчи феъллари бу маънода ўзаро синоним ҳисобланиб, уларнинг бир-биридан фарқли хусусияти бирининг (*қол* кўмакчи феълининг) ўтимсиз феъллар билан, иккинчисининг ўтимли феъллар билан бириктириладир. *Қўй* кўмакчи феълининг кутилмаганлик, хоҳиш-ихтиёрдан ташқари бажарилиш маъносини ифодалаш учун қўлланиши (шу маънони касб этиши), бизнингча, унинг юқоридаги маънода *қол* кўмакчи феъли билан умумийликка эгаллиги таъсирида юз берган. Аниқроқ қилиб айтганда, ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъносини ифодаловчи *қол* кўмакчи феълининг кутилмаганлик, хоҳиш-ихтиёрдан ташқари бажарилиш маъносида қўлланиши *қол* кўмакчи феъли билан синоним бўлган *қўй* кўмакчи феълининг ҳам шу маънода қўлланишига сабаб бўлган. Чунки *қол* кўмакчи феъли ҳаракатнинг кутилмаганда, хоҳиш-ихтиёрдан ташқари бажарилиши маъносида қўлланганда ҳам дастлабки даврларда маълум даражада ўз маъносини сақлаган ва бунинг натижаси ўлароқ, фақат ўтимсиз феъллар билан бириккан. Ҳаракатнинг кутилмаганда, хоҳиш-ихтиёрдан ташқари бажарилиши эса фақат ўтимсиз феъллар билдирадиган ҳаракатлар доирасидагина эмас, балки ўтимли феъллар билдирадиган ҳаракатларда ҳам бўлиши мумкин. Шунга кўра, кутилмаганлик, хоҳиш-ихтиёрдан ташқари бажарилиш маъноси дастлаб *қол* кўмакчи феълида юз берган ва *қол* кўмакчи феъли бу маънода фақат ўтимсиз феъллар билан бириккан экан, ўтимли феъллардаги ҳаракатнинг кутилмаганда, хоҳиш-ихтиёрдан ташқари бажарилиши маъносини ифодалашда, ўз-ўзидан, *қол* кўмакчи феълининг синоними бўлган *қўй* кўмакчи феъли қўлланган. Мас., *йиқилмоқ* феълидаги ҳаракатнинг кутилмаганда, хоҳиш-ихтиёрдан ташқари юз бериши маъноси *қол* кўмакчи феъли орқали ифодаланган бўлса, *йиқитмоқ* феълидаги ҳаракатнинг хоҳиш-ихтиёрдан ташқари юз бериши маъноси *қўй* кўмакчи феъли орқали ифодаланган: *йиқилиб қолмоқ* — *йиқитиб қўймоқ*.

4. *Қўй* кўмакчи феъли айрим феъллар билан бирикканда,

етақчи феълдаги ҳаракатнинг бир марта бажарилиши маъносини билдиради (*қараб қўймоқ, кулиб қўймоқ, қимирлаб қўймоқ, туртиб қўймоқ каби*):

Фуломжон... қоронғида ҳам кўзлари чақнаб турган саманини пешонасидан силаб, суйиб қўйди (М. Исмоилий, Ф. т. о.). *Тогда асаларидан панд еган Қўзбой, беихтиёр қулоғини ушлаб қўйди* (Ҳ. Назир, С. ч.) *Пирнафас ака билан Полвон бир-бирларига қараб қўйдилар* (Ж. Шарипов, Хоразм).

Контекстдаги бошқа сўзлар ёки замон формалари етакчи феълдаги ҳаракатнинг такрорийлигини билдириши мумкин. Лекин шунда ҳам *қўй* кўмакчи феъли етакчи феълдаги ҳаракатнинг бир марталигини ифодалайди:

Касали ўқтин-ўқтин бир кўриниш бериб қўяди (Ойбек, Қ. қ). *У ўқишга ҳар замонда бир қатнаб қўяр...эди* (П. Турсун, Ҳқитувчи). *Фақат сигирларнинг кавшаниши, вақти-вақти билан пишллаб қўйишларигина эшитилади* (С. Анорбоев, Эл фарзанди).

Келтирилган мисолларда етакчи феълдаги ҳаракатнинг такрорийлиги ифодаланади. Лекин такрорийликни шу гаплардаги *ўқтин-ўқтин, ҳар замонда, вақти-вақти билан* сўзлари билдиради. *Қўй* кўмакчи феъли эса ана шу вақти-вақти билан, *ўқтин-ўқтин, ҳар замонда* юз берувчи ҳаракатнинг ҳар сафар бир марта бўлишини англатади.

Қўй кўмакчи феълнинг бу (бир марталик) маъноси *қўй* мустақил феълнинг маъноларидан қайси бирига боғланади?

Қўй мустақил феъли «бирор ҳаракат-ҳолатни тўхтатмоқ, ўзини бирор ҳаракат-ҳолатдан тиймоқ» маъносини билдиради (бу унинг асосий маъноларидан бири):

— *Ҳой сизитлар, нега куласизлар,— деди Бердибой бири олиб, бири қўйиб чувиллашаётганларга* (Т. Сидиқбеков, Тоғ орасида).

Чайқалади денгиз беором...

Жўшишига қараб тўймайман.

Оқ чечакдек кўпиклар ййнар,

Қарашимни асло қўймайман

(Ғайратий).

Бу икки мисолда *қўй* феъли «тўхтатмоқ», «тиймоқ» маъносини билдиради. *Қўй* кўмакчи феъли ифодалайдиган «бир марталик» маъноси *қўй* мустақил феълнинг ана шу маъноси асосида келиб чиққан, яъни *кулиб қўймоқ, йўталиб қўймоқ* каби бирикувларда ҳам *қўй* феъли аслида «тўхтатмоқ», «тиймоқ» маъноси билан қатнашади. Лекин *кулиб*

қўймоқ, йўталиб қўймоқ каби бирикувлардаги равишдош формасидаги феъл билдирган ҳаракат тайёр ҳолдаги ҳаракат бўлмайди, балки уни субъект юзага келтиради. Демак, субъект бу ҳаракатни тўхтатишдан аввал шу ҳаракатнинг ўзини юзага келтиради — аввал кулади, сўнгра қўяди (тўхтатади). Ана шундан равишдош формасидаги феъл билдирган ҳаракатнинг бир марта бажарилиши маъноси келиб чиқади, яъни ҳаракатнинг юзага келиши ва тўхташи (йўққа айланиши) шу ҳаракатнинг бир марта бажарилиши маъноси-ни келтириб чиқаради.

II. *Қўй* кўмақчи феъли етакчи феълга ҳеч қандай форма ёрдамисиз бирикканда қўидаги маъноларни билдиради.

1. Ҳаракатнинг бажарилиши ва унинг натижаси сифатидаги ҳолатнинг юзага келиши маъносини билдиради: *Ойнага урилиб оқаётган ёмғир қалин кўкимтир пардадай Кўксой водийсини кўзлардан тўсди-қўйди* (С. Анорбоев, Оқсой). *У чиройли йигитни кўрса, эс-ҳушини йўқотади-қўйди* (С. Зуннунова, Иккинчи хотин). *Менга қолса, шартта ташкилотни ёпардим-қўйардим* (Ойбек, Н. қ.).

Келтирилган мисоллардаги *тўсди-қўйди, йўқотади-қўйди, ёпардим-қўйардим* формасидаги бирикувлар ўрнида *тўсиб қўйди, йўқотиб қўйди, ёпиб қўйардим* формасидаги бирикув қўлланса ҳам, ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъноси ифодаланади. Лекин биринчи формада (*тўсди-қўйди формасида*) шу маъно «кескин», «тез», «шартта», «бирпасда» бажарилиш оттенкаси билан ифодаланади.

2. Етакчи феълдаги ҳаракат хоҳиш-ихтиёрга қарама-қарши ҳаракат эканлигини билдиради: *Хўжабеков қўрқоқлик қилиб қочди. Бу билан ўзини фоти қилди-қўйди* (С. Анорбоев, О. ш.). Бунда ҳам ҳаракатнинг тез, осонгина бажарилиши англашилади. Қиёсланг: *сездириб қўйди — сездирди-қўйди*.

3. Бир марталик («однократность») маъносини билдиради. Бундай ҳолларда *қўй* феълининг асл маъноси («қўйиш, тўхтатиш» маъноси) маълум даражада сезилиб туради:

Е пирай, отаси, бормисиз? ... Эшикка қарайман-қўйман, қарайман-қўйман... (Ш. Тошматов, Э. қ.). *Э, қизим, иш йўқ, зерикканимдан устарани қайрайман-қўйман, қайрайман-қўйман* (Ойбек, Н. қ.).

Бундай ҳолларда *қўй* феълининг асл маъносининг сезилиб туриш сабаби шундаки, қарайман-қўйман деганда ҳар бир феъл алоҳида урғу билан айтилади, ҳар бир феълнинг маъноси алоҳида таъкидланади. *Қўй* феъли *-(и)б* аффикси

билан ясалган равишдошга бирикканда ана шу нарса бўлмайди: *қараб қўйди*. Шунинг учун ҳам бу формада *қўй* феълининг асл маъноси бутунлай сезилмайди. Умуман, бир марталик маъносини ифодалашда *қўй* кўмакчи феълининг *-(и)б* аффикси билан ясалган равишдошга бириккан формаси кенг қўлланади. *Қаради-қўйди, қарайман-қўйман* формаси эса, асосан, етакчи феълдаги ҳаракат бирдан ортиқ, такрорланиб бажарилган ҳоллардагина қўлланади. Шунинг учун бутун бирикунинг ўзи ҳам такрорланган ҳолда қўлланади: *қарайман-қўйман, қарайман-қўйман* каби.

Бундан ташқари *қарайман-қўйман* формасида бир мартаги ҳаракатнинг, умуман, бирдан ортиқ такрорланиши эмас, балки системали равишда такрорланиши ифодаланади. Агар ҳаракатнинг фақат бирдан ортиқ такрорланганлиги ифодаланадиган бўлса, *қўй* кўмакчи феълнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган равишдошга бириккан формаси қўлланаверади ва бунда такрорийлик маъноси етакчи феълни такрорий ҳолда қўллаш ёки бошқа сўзлар орқали ифодаланади. Қиёсланг: *қараб-қараб қўйди — қаради-қўйди, қаради-қўйди*.

4. Етакчи феълдаги ҳаракатнинг қаршиликсиз, ўйлаб ўтирмасдан, осонгина бажарилиши маъносини билдиради: *Лаълининг қўйнини шу вақтгача пуч ёнғоққа тўлдириб келадиганини оппа-очиқ айтди-қўйди* (Ҳ. Фулом, Машъал). *Битта болани қўшиб бер, бошлаб боради-қўйди* (Санд Аҳмад, Қўшиқ). *Арслонбекнинг шунча мол-дунёни давлатга ихтиёрий топишишига ишондигиниз-қўйдингизми?* (Ҳ. Фулом, Машъал).

Бу мисоллардаги *айтди-қўйди, бошлаб боради-қўйди, ишондигиниз-қўйдингизми* бирикунлари ўрнида *айтиб қўйди, бошлаб бориб қўйди, ишониб қўйдингизми* формасидаги бирикунларни қўллаб бўлмайди.

5. Буйруқ майли формасида қўлланганда, буйруқ маъноси бутунлай бўлмайди, балки ҳаракатни бажаришга даъват, маслаҳат маъноси ифодаланади. Бунда етакчи феълдаги ҳаракатнинг мақсадга мувофиқ ҳаракат эканлиги, ўйлаб ўтирмасдан бажаравериш лозим бўлган ҳаракат эканлиги англашларини

Узингизни койитиб овора бўлманг, тайёр бизнинг қўшда ҳайданг-қўйинг (А. Қодирий, О. к.). *Ундай бўлса, биронта одамни туширинг-у, олдириб чиқинг-қўйинг-да* (М. Исмоилий, Ф. т. о.).

Қўй кўмакчи феъл *айт, гапир, қара* феъллари билан юқоридаги кўринишда бирикканда, субъектнинг шу феъллар билдирган ҳаракатга астойдил муносабатда бўлмаслиги, ҳаракатнинг «шунчаки бажарилиши» маъносини ҳам билдира-

ди: *Мен ҳовлига югураман, олма тагида ёлғиз ўзи тинч ўйнаб ўтирган акам Исамуҳаммадга (қанд ва попуқни) кўз-кўз қиламан. У жуда ювош... ҳархашасиз бўлганидан, қ и з и қ и б қ а р а й д и - қ ў й д и* (Ойбек, Болалик). *Гап кеп қолди, шунчалик бир ай т д и м - қ ў й д и м - д а* (Уйғун, Қалтис ҳазил).

Қ и с қ а х у л о с а л а р :

1. Қўй кўмакчи феъли етакчи феълга икки хил кўринишда бирикади: 1) равишдош ясовчи *-(у)б* аффикси орқали бирикади: *айтиб қўйди*; 2) ҳеч қандай форма ёрдамисиз бирикади: *айтди-қўйди*.

2. *-(у)б* аффикси билан ясалган равишдош формасига бирикканда қўйидаги маъноларни билдиради:

1) ҳаракатнинг бажарилиши ва унинг натижаси сифатидаги ҳолатнинг юзага келиши: *боғлаб қўйди, ўраб қўйди*. Бу маъно қўй феълда қўйиладиган шахс ёки нарсанинг борлигидан ва қўйиладиган ҳолатнинг юзага келиши учун аввал ҳаракатнинг бажарилиши лозимлигидан келиб чиқади;

2) давомлилик маъносини билдиради. Давомлилик эса субъектнинг ҳаракат-ҳолатига нисбатан эмас, балки шу ҳаракат-ҳолатга қўйилган шахснинг ҳаракат-ҳолатига нисбатан бўлади: *шошириб қўйди*;

3) ҳаракатнинг хоҳиш-ихтиёрдан ташқари, хоҳиш-ихтиёрга қарама-қарши тарзда бажарилиши маъносини билдиради: *сездириб қўйди*. Бу маъно қўй мустақил феълнинг маъноларидан бирортасига боғланмайди. Қўй кўмакчи феълнинг ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъносига қол кўмакчи феъли билан умумийлика эгаллиги кейинчалик қўй кўмакчи феълнинг ҳам, худди қол кўмакчи феъли каби, кутилмаганлик, хоҳиш-ихтиёрдан ташқари бажарилиш маъносига қўлланишига сабаб бўлган (шунга олиб келган) бўлиши керак.

4) бир марталилик («однократность») маъносини билдиради: *қараб қўйди, ўқрайиб қўйди*. Бу маъно қўй мустақил феълнинг «тўхтатмоқ», «тиймоқ» маъноси асосида келиб чиққан.

3. Етакчи феълга ҳеч қандай формасиз бирикканда қўйидаги маъноларни билдиради:

1) ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши: *бекитди-қўйди, ёзди-қўйди*. Бунда ҳаракатнинг тез, шартта, ўйлаб ўтирмай бажарилиши оттенкаси ҳам бўлади;

2) хоҳиш-ихтиёрга қарши бажарилиш маъносини билдиради: *сездирди-қўйди*. Бунда ҳаракатнинг тез, осонликча бажарилиш оттенкаси бўлади;

3) бир марталилик («однократность») маъносини билдиради. Бу форма бир марталилик маъносига, асосан, ҳаракат

системали равишда такрорланган ҳоллардагина қўлланади. Шу сабабли бирикувнинг ўзи ҳам кўпинча такрор ҳолда қўлланади: *қарайман-қўйман, қарайман-қўйман*;

4) етакчи феълдаги ҳаракатнинг осонгина, қийинчиликсиз, қаршиликсиз бажарилиши маъносини билдиради: *боради-қўяди, сўрайди-қўяди, ишонади-қўяди*;

5) буйруқ майлида буйруқ маъноси йўқолиб, ҳаракатни бажаришга даъват, маслаҳат маъноси ифодаланади: *айт-қўй, кет-қўй, сўрасин-қўйсин*.

Кет

Кет кўмакчи феълнинг етакчи феъл билан бирикиши уч хил кўринишга эга: 1) етакчи феълга равишдош ясовчи *-(и)б* аффикс орқали бирикади: *йиқилиб кетмоқ, семириб кетмоқ*; 2) равишдош ясовчи *-а, -й* аффикслари орқали бирикади: *суриштира кетмоқ, йўрғалай кетмоқ*; 3) ҳеч қандай форма ёрдамисиз бирикади: *ўтди-кетди, ёзди-кетди*.

Бу кўмакчи феъл, асосан, ўтимсиз феъллар билан ва кам даражада ўтимли феъллар билан бирикади: *кўнайиб кетмоқ, оқариб кетмоқ, савалаб кетмоқ*.

1. Кет кўмакчи феъли равишдошнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган турига бирикканда, қуйидаги маъноларни билдиради.

1. Ҳаракатнинг тўла бажарилиши маъносини билдиради: *тарқаб кетмоқ, улғайиб кетмоқ, қўшилиб кетмоқ, ўрганиб кетмоқ* каби.

Бундай ҳолларда кет кўмакчи феъли тўла бажарилиш маъносига яна бошқа қўшимча маъноларни ҳам бера олади:

1) субъектнинг равишдош формасидаги ҳаракат юз берган ўриндан яна нарига йўналиши (бошқа томонга кетиши) маъносини билдиради. Бунда кет феълнинг асл маъноси маълум даражада сақланади (сезилиб туради): *Назирқулнинг қалбида кўтарилган тўфон вужудидаги ўчиш олдида турган учқун бетидан кулли супуриб кетди* (Саид Аҳмад, Ҳукм). *Ана энди Ҳасанхон полвон кўп қўшиннинг ўргасидан эсонмон чиқиб кетди* («Далли»). *Чайланинг тагидан шамол уриб турибди. Қозиқлар маҳкам бўлмаса, чайлани учуриб кетадигандай* (С. Анорбоев, О. ш.).

Келтирилган мисолларда етакчи феълдаги ҳаракатнинг тўла бажарилиши маъноси билан бирга субъектнинг ёки ҳаракатни ўз устига олган объектнинг ўз ўрнидан бошқа томонга йўналиши маъноси ҳам ифодаланади. Бу маъно кет феълнинг асл маъносининг ўзидир. Шунинг учун ҳам келтирилган мисолларда кет феъли мустақил феълга ўхшаб кўринади.

Мас, қўшиннинг ўртасидан эсон-омон чиқиб кетди гапидаги чиқиб кетди бирикувида «кетиш» тушунчаси бор. Лекин бу бирикувдаги асосий ҳаракат кетиш ҳаракати эмас, балки чиқиб кетди ҳаракатидир. Кет феъли билдирган маъно чиқ феълнинг маъносига қўшимча тарздаги маънодир. Шунинг учун бу бирикувдаги кет феъли ўрнида ол кўмакчи феъли қўлланса ҳам, асосий маъно ўзгармайди: эсон-омон чиқиб кетди — эсон-омон чиқиб олди;

2) нормал ҳолатдан кучлилиқни (юқорилиқни) билдиради, яъни маънони кучли оттенка билан ифодалайди. Бундай ҳолларда кет феълнинг асл маъноси бутунлай йўқолади: семириб кетмоқ, кўпайиб кетмоқ, оқариб кетмоқ каби.

Кучайтириш қўидаги ҳодисаларга нисбатан бўлади:

а) ҳаракат-ҳолатнинг даражасига нисбатан бўлади. Хабарни ўқиб, шу қадар уялиб кетдимки, ўзимни шарманда бўлгандай ҳис қила бошладим (Ж. Абдуллахонов, Юрак куйлари). Агар селитра ҳаддан ташқари кўп солинса, ғўза ғовлаб кетади-ю, ҳосил тугмайди (М. Жўра, Коммунизм куртаклари). Тошкент шунчалик ўзгариб, шунчалик ёшариб кетибдики, Муҳиддин чарчаганини ҳам толиққанини ҳам унутди (Р. Файзий, Ч. б. к.);

б) кучайтириш вақтга нисбатан бўлади. Бунда етакчи феълдаги ҳаракатнинг юзага келганига анча вақт бўлганлиги (анча вақт ўтиши) ифодаланади: Замона кажрафтори режаларимизни остин-устун қилиб юбормаганда, ишимиз ўн чандон осон кўчарди. Афсуски, катта толлар кесилиб кетди (Х. Ғулом, Машъал). — Йўқ, — патнусдан бир бурда нон олиб жавоб берди Йўлчи, — ерсотилиб кетган (Ойбек, Қ. қ.). Э, мухбир ука, бормисиз? Биз томонларга сира келмай кетдингиз (Саид Аҳмад, Хазина);

в) кучайтириш масофага нисбатан бўлади. Бунда макондаги масофанинг нормал ҳолатдан узунлиги (узоқлиги) ифодаланади: Қўлтиқ таёқли нотаниш киши орқада қолиб кетди (Саид Аҳмад, Саргузашт). Узоқларга чўзилиб кетган дарё лабидаги майсалар устига палос, кўрпачалар солинди (Х. Зиёхонова, Унутилмас хатолар);

г) бир нафасда («моментально») юз бериши мумкин бўлган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бирикканда, кучайтириш ҳаракатнинг тезлигига нисбатан бўлади, яъни ҳаракатнинг жуда ҳам сезилмас (қисқа) вақт моментида бажарилиши маъноси ифодаланади: Қоронғида тугмачасини пийнаслаб юраманми. Яна ўти тегиб кетмасин, деб кўрқаман (Ойбек, О. в. ш.). Раис зум ўтмай, ўзи йўлаган фикрлардан ўзи чўчиб кетди (Ш. Рашидов, Б. к.). Узганине фарзандида ўзига нисбатан фарзандлик ҳиссини кўзгаторган хотинга

юрагининг аллақаерида муҳаббат учқуни йилт этиб кетганини сезмай қолди (Саид Аҳмад, Меҳрибон).

Демак, кет кўмакчи феълининг маъноларидан бири ҳаракат-ҳолатнинг тўла даражада юз бериши маъносидир.

Бу ўринда шуни айтиб ўтиш керакки, ҳаракатнинг тўла бажарилиши деган сўз, ҳаракатнинг тугаши, тамом бўлиши (ўтиши) деган сўз эмас. Мас., қизиқиб кетмоқ, ғовлаб кетмоқ бирикувларида ҳаракатнинг тугаши (ўтиши) эмас, балки тўла даражада (ҳатто, ортиқ даражада) юз бериши маъносини билдиради: Қани энди, худо бизга ҳам ўғил берса, худди ма-на шунақа чопқиллаб юриб кетса (Ҳ. Ғулом, Машъал) ...бир ўспирин укаси бор экан, бу ҳам бировда ишлар экан, ўзини эплаб кетади (Ойбек, Қ. қ.).

Келтирилган мисолларда кет кўмакчи феъли юриш ва эплаш ҳаракат-ҳолатининг тамом бўлиши (ўтиши) маъносини эмас, балки тўла даражада юзага келиши маъносини билдиради. Шунинг учун ҳам бу икки мисолдаги кет кўмакчи феъли ўрнида тугаш, тамом бўлиш маъносини билдирувчи бўл кўмакчи феълини қўллаб бўлмайди.

2. Айрим феъллар билан бирикканда, етакчи феълдаги ҳаракатнинг бошланиши (субъектнинг шу ҳолатни бажаришга киришиши) ва давом этиши маъносини билдиради. Бундай ҳолларда ҳам маъно, кўпинча, кучли оттенка билан ифодаланади. Кет кўмакчи феъли бу маънода ўтимли феъллар билан ҳам бирика олади: Олдинги сафда ўтирганлардан бири туриб ...яна сўз берилмаган йигитни дўппослаб кетди (А. Қаҳҳор, Сароб). У, бирор киши билан учрашди дегунча, икки лунжини тўлдириб, гапга тушиб кетади («Муштум»). Ҳевада кучли табиблардан шу киши қолди, дим сара одам,— дея Иброҳим ота Утар бузани мақтаб кетди (Ж. Шарипов, Хоразм).

Кет кўмакчи феъли давомлиликни билдириши ва ҳаракатни кучли оттенкада ифодалаши билан бирга бу ҳаракатнинг олдин бўлмаганлиги, энди юзага келиши ва шу хилда давом этишини ҳам кўрсатади. Қиёсланг: дўппослаб ётмоқ — дўппослаб кетмоқ, гапириб ётмоқ — гапириб кетмоқ.

Бундан ташқари, давомлиликни ифодаловчи барча кўмакчи феълларда ҳаракат узлуксиз давом этаётган бўлиши шарт эмас. Мас., ёзиб юрмоқ, ёзиб турмоқ, ёзиб бормоқ бирикувларида ёзиш ҳаракатининг давомлилиги маъноси ифодаланади. Лекин ёзиш ҳаракати узилмасдан давом этувчи ҳаракат сифатида ифодаланмайди, балки ёзиш ҳаракати вақтнинг маълум қисмларида бажарилмаслиги ҳам мумкин: воқеаларни ёзиб бораман. Гап шундаки, буларда ҳаракатнинг тугамаганлиги, бажарилишда давом этиши ифодаланади.

Кет кўмакчи феъли эса субъектнинг ҳаракатни бажаришга киришиши ва шу пайтда давом эттиришда бўлишини билдиради. Бу давомлилик, одатда, ҳаракат биринчи бор узилгунча бўладиган давомлиликдир: *қучоқлашиб кетди, савалаб кетди, гапириб кетди, хаёл суриб кетди* каби. Демак, *кет* кўмакчи феъли ҳаракатнинг, умуман, давомлилигини эмас, балки бошланган вақтдаги давомлилигини билдиради.

Кет кўмакчи феъли ана шу хусусияти билан давомлиликни ифодаловчи барча кўмакчи феъллардан фарқланади.

II. *Кет* кўмакчи феъли равишдошнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган турига бирикканда, етакчи феълдаги ҳаракатнинг бошланиши (субъектнинг етакчи феълдаги ҳаракатни бажаришга киришиши) ва шу хилда давом этиши маъносини билдиради: *Ана шунда Арслонбек жаноблари тоқадан бир тахта қоғоз олиб, ўқий кетди* (Ҳ. Фулом, Машъал). *Ўйин ҳам бир турли назокат касб этиб, Гулсинбиби йўрғалай кетди* (А. Қодирӣ, У. к.).

Юқорида кўриб ўтдикки, *кет* кўмакчи феъли равишдошнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган турига бирикканда ҳам худди шу маънони ифодалай олади. Лекин бундан *кет* кўмакчи феълнинг равишдошнинг *-(и)б* аффикси орқали ясалган турига бириккан формаси билан *-а, -й* аффикслари орқали ясалган турига бириккан формаси бу маънода ҳар жиҳатдан бир-бирига тенг келади, деган хулоса чиқмайди.

Аввало, *кет* кўмакчи феълнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдошга бириккан формаси оддий сўзлашувда жуда кам қўлланади. Юқорида кўрсатилган маънони ифодалашда ҳам оддий сўзлашувда, асосан, *кет* кўмакчи феълнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган формасига бириккан тури қўлланади. Бундан ташқари, *кет* кўмакчи феълнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдошга бириккан формаси ўрнида унинг *-(и)б* аффикси билан ясалган равишдошга бириккан формасини деярли ҳамма вақт қўллаш мумкин бўлади. Лекин *-(и)б* аффикси билан ясалган равишдошга бириккан формаси ўрнида *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдошга бириккан формасини қўллаш ҳамма вақт ҳам мумкин бўлавермайди. Мас., *кет* кўмакчи феъли равишдошнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган турига бирикканда, ҳаракатнинг бошланиши ва давом этиши маъносини англатиш билан бирга субъектнинг шу ҳаракатга бутунлай берилганлигини (шу ҳаракатда узоқ бўлишини) ҳам кўрсатади. Бунда, ҳатто, ҳаракатни бажаришга киришиш ва давом эттириш маъносига нисбатан ҳаракатга бутунлай берилиш, шу ҳаракатда узоқ давом этиш маъноси асосий ўринда бўлади. Ана шундай ҳолларда *кет* кўмакчи феълнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган

равишдошга бириккан формаси ўрнида -а, -й аффикслари билан ясалган равишдошга бириккан формасини қўллаб бўлмайди: *Кечирасиз, ҳасрат қилишга тушиб кетибман* (С. Анорбоев, Гўзаллик излаб). *Фуломжон узоқ ўй суриб кетгани сабабли суҳбат узилиб қолди* (М. Исмоилий, Ф. т. о).

III. *Кет* кўмакчи феъли етакчи феълга ҳеч қандай форма ёрдамисиз бирикканда, ҳаракатнинг тўла даражада бажарилиши маъносини билдиради. Бундай ҳолларда ҳам маъно кучайиши бўлади: *Мажлисдан қўрқиб керак эмас, ҳаммамиз ҳам мажлисдан ўтганмиз. Сени ҳамма билади, бир пасда ўтасан-кетасан* (А. Қаҳҳор, Қ. ч.). *Бир учи совуқ қор бўронларидан бошланиб, охири қуёшли гирдобларда чўмилган қадим ва азим мамлакат ўпирилди-кетди* (Ойбек, Н. қ.). *Уй ичида ўтиравериб зерикканингизда тепаликка чиқинг-у, атрофга бир қаранг..., дилингни хира қилган ғашлик тутундай тарқалади-кетди* (П. Турсун, Уқитувчи).

Кет кўмакчи феъли етакчи феълга ҳеч қандай форма ёрдамисиз бирикканда, маъно асосан, тезликка нисбатан кучаяди. Равишдошнинг -(и)б аффикси билан ясалган турига бирикканда эса кучлилиқ ҳаракатнинг даражасига нисбатан бўлади. Қиёсланг: *ўтиб кетди — ўтди-кетди, ўпирилиб кетди — ўпирилди-кетди, ўзиб кетди — ўзди-кетди*.

Юзаки қараганда, *кет* кўмакчи феъли етакчи феълга ҳеч қандай форма ёрдамисиз бирикканда ҳам кучайтириш ҳаракатнинг даражасига нисбатан бўладигандай (ҳаракатнинг юқори даражаси ифодаланадигандай) кўринади. Мас., *ғовлади-кетди* бирикувида ҳам ғовлашнинг юқори даражада юз берганлиги ифодаланадиганга ўхшайди. Ҳақиқатда эса бундай эмас. Чунки, биринчидан, *кет* кўмакчи феълнинг аста-секин, даражама-даража ривожланиб, сўнгра нормал ҳолатда юзага келадиган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан ҳеч қандай формасиз бирикиши деярли учрамайди. Мас., семир-иш жуда тез юз берадиган ҳодиса эмас. Шунинг учун бу феъл билан *кет* кўмакчи феълнинг *семирди-кетди* шаклида бирикиши деярли учрамайди. Иккинчидан, *кет* кўмакчи феъли равишдошнинг -(и)б аффикси билан ясалган турига бириқиб, ҳаракат-ҳолатнинг нормал даражадан юқорилигини билдирган ҳолларда шу маънога мос келувчи *жуда, ғоят, ниҳоятда* каби сўзлар ҳам қўлланиши мумкин бўлади: *жуда пишиб кетди, ғоят гўзал бўлиб кетибди, ниҳоятда кўпайиб кетади*.

Кет кўмакчи феъли етакчи феълга ҳеч қандай формасиз бирикканда, ҳаракат-ҳолатнинг юқори даражасини кўрсатмаслиги сабабли унинг олдидан *жуда, ғоят, ниҳоятда* каби сўзлар қўлланмайди. Мас., *кўпайди-кетди* дейилади (бунда

ҳаракатнинг тез юз берганлиги ифодаланади); лекин *жуда кўпайди-кетди* дейилмайди.

Демак, тўла бажарилиш маъносини ифодаловчи *кўпайди-кетди* формаси билан *кўпайиб кетди* формасининг ўзаро фарқли хусусияти биринчисида кучайишнинг тезликка нисбатан, иккинчисида ҳаракатнинг даражасига нисбатан бўлишидир.

Юқорида айтилганлардан маълум бўлдики, *кет* кўмакчи феъли икки асосий маънони билдиради: 1) ҳаракатнинг тўла бажарилиши; 2) давомлилик.

Кет кўмакчи феълининг давомлилик маъносини ва тўла бажарилиш маъносини ифодалаш қизиқ ҳодисадир, яъни тўла бажарилиш ва давомлилик маънолари бир-бирига қарама-қарши маънолардир. Шунинг ўзиёқ *кет* кўмакчи феъли билдирадиган бу икки маънонинг келиб чиқиш асоси ва келиб чиқиш йўли бир хил эмаслигини кўрсатади.

Кет феъли субъектнинг ўзи мавжуд бўлган ўриндан бошқа томонга йўл олиши маъносини билдиради. Бу деган сўз субъект ўз ўрнидан нари йўналди (нари ўтди) деган сўздир. *Кет* феъли айрим феъллар билан бирикканда, шу феълдаги ҳаракатнинг бажарилиши ва субъектнинг ҳаракат бажарилган пунктдан яна нари ўтиши маъносини билдиради: *Қуёш дарёнинг этак ёғига ботиб кетди* (Ҳ. Фулом, Машъал).

Бу мисолда қуёшнинг ботганлиги ва ботган ўриндан яна нари ўтганлиги (яна нари кетганлиги) ифодаланади. Демак, *кет* феъли худди юқорида кўрсатилган маъноси билан қатнашган, яъни у субъект (қуёш)нинг бирор пунктдан (бу ўринда ботган пунктдан) ўтганлигини билдиради. Ана шу нарса ботиш ҳаракатининг тўла бажарилганлиги маъносини келтириб чиқаради, яъни қуёш ботиш ҳаракати бажариладиган пунктга етган ва ундан яна нари ўтган (кетган) экан, албатта, ботиш ҳаракати тўла бажарилган бўлади.

Кет кўмакчи феъли ўтимли феъллар билан бирикканда ҳаракатни ўз устига олган объектнинг ўз ўрнидан нари йўналиши (нари кетиши) ифодаланади. Ана шу нарса ҳам етакчи феълдаги ҳаракатнинг тўла бажарилиши маъносини келтириб чиқаради: *Шамол тол бутоқларига илинган жужун кўйлаклари учиб кетди* (Саид Аҳмад, Саргузашт).

Бу мисолда етакчи феълдаги ҳаракатни ўз устига олган объектнинг (кўйлакларнинг) ўзи мавжуд бўлган ўриндан (демак, ҳаракат юз берган ўриндан) нарига кетиши ифодаланади. Ана шундан ҳаракатнинг тўла бажарилиши маъноси келиб чиқади, яъни субъект ҳаракатни объект мавжуд бўлган ўринда бажариб, уни яна ўзи йўналган томонга кетказган экан, албатта, бу ҳаракат тўла бажарилган ҳаракат бўлади.

Келтирилган мисолларда *кет* феъли маълум даражада ўз маъносини сақлашдан қатъий назар, у лексик-грамматик жиҳатдан мустақилликка эга эмас. *Ботиб кетди, учириб кетди* бирикувларида асосий ҳаракат кетиш ҳаракати эмас, балки ботиш ва учирши ҳаракатларидир. Кесимга қўйиладиган сўроққа ҳам шу феъллар жавоб бўлади. *Кет* феъли лексик мустақилликка эга бўлмаганлигидан, мустақил сўроқ талаб этмайди ҳам. Шу сабабли *ботиб кетмоқ, учириб кетмоқ* бирикувларида *бот, учир* феъллари *кет* феълнинг белгисини кўрсатмайди. Бу нарса мазкур бирикувларда *кет* феълнинг *бот, учир* феълларига нисбатан кўмакчи феъл эканлигини, шу феълларнинг маъносига қўшимча маъно билдирувчи феъл эканлигини кўрсатади. Лекин бу бирикувларда *кет* феъли билдирадиган қўшимча маъно шу феълнинг маълум даражада сезилиб турган ўз асл маъноси эмас, балки шу маъно асосида келиб чиқадиган тўла бажарилиш маъносидир. Чунки *ботиб кетди* бирикувида *кет* феъли ботиш ҳаракатининг ҳарактеристикасини билдирувчи сўз ҳисобланади. Ботиш ҳаракатининг характеристикасини кўрсатувчи маъно эса кетиш маъноси эмас, балки тўла бажарилиш маъносидир.

Кет кўмакчи феълнинг маънони кучли оттенка билан ифодалашини (ҳаракатнинг юқори даражасини кўрсатишини) қандай изоҳлаш мумкин?

Юқорида кўрдикки, *кет* феъли субъектнинг ҳаракат юз берган пунктдан яна нари ўтишини билдиради. Ана шу нарса ҳаракатнинг юқори даражада юз бериши маъносини келтириб чиқаради. Мас., *қуёш ботиб кетди* гапида қуёшнинг ботиш ҳаракати юз берадиган пунктдан яна нари кетганлигини билдиради. Демак, шу ҳаракат бутунлай даражада юз берган бўлади. *Семириб кетди* бирикувида ҳам субъектнинг семириш юз берган пунктдан (семиришнинг нормал даражасидан) яна ўтганлиги, ундан юқорилашгани ифодаланади. Ана шундан семиришнинг нормал ҳолатдан юқори даражада юз бериши маъноси келиб чиқади.

Энди *кет* кўмакчи феълнинг давомлилик маъносининг келиб чиқиши ва унинг шу маънони ифодаловчи кўмакчи феълга айланишига тўхтаймиз.

Ҳозирги ўзбек тилида *кет* феъли бирор ҳаракат-ҳолатга киришиш ва берилиш маъносини ҳам билдиради. Бунда субъект киришадиган ва бериладиган ҳолат *кет* феълга боғланиб келган сўз орқали ифодаланади. Мас., *сукутга кетмоқ, пинакка кетмоқ* бирикувларида *кет* феъли худди шу маънони ифодалайди. *Кет* кўмакчи феълнинг *суриштириб кетди, гапира кетди* каби бирикувларда ифодалайдиган маъноси шу келтирилган мисолларда ифодалайдиган маъносининг ўзидир,

яъни бунда ҳам кет феъли суриштиришга киришганлик ва берилганлик, гапиришга киришганлик ва берилганлик маъносини билдиради. Шунинг учун ҳам, кет кўмакчи феъли бундай бирикувларда субъектнинг етакчи феълдаги ҳаракат-ҳолатни бошлаганлиги ва шу хилда давом этиши маъносини билдиради, яъни бирор ҳаракат-ҳолатга киришди ва берилди, деган сўз шу ҳаракатни бошлади ва давом эттирди, деган сўздир: *Аҳмад Ҳусайин тор, ҳаммомдай иссиқ уйда ўтирар... Тез-тез хаёлга кетар эди* (Ойбек, Н. қ.) *Раҳим ота шу ўтирганича хаёл суриб кетди* (Р. Файзий Ч. б. к.). *Кеч кирди, Ҳожи ака ўртачароқ хуррак тортиб уйқуга кетди* (А. Қаҳҳор, Минг бир жон). *Шу йўсин ивир-шивир, аччиқ-сучук ҳолат ичида ухлаб кетди* (А. Қодирӣ, Ҳ. к.).

Биринчи икки мисолдаги *хаёлга кетмоқ* ва *хаёл суриб кетмоқ* бирикувлари ифодалаган маъно деярли бир хил. Шунингдек, *уйқуга кетмоқ*, *ухлаб кетмоқ* бирикувлари ифодалаган маъно ҳам деярли бир хил. Бошқача қилиб айтганда, тўртгала мисолда ҳам кет феъли бир хил маънони ифодалайди. Фарқ шундаки, *хаёлга кетмоқ* ва *уйқуга кетмоқ* бирикувларида кет феъли ўз мустақиллигини йўқотган эмас. *Хаёл суриб кетмоқ*, *ухлаб кетмоқ* бирикувларида эса у лексик-грамматик мустақиллигини йўқотган (кўмакчи феъл ҳисобланади).

Кет феъли субъектнинг бирор ҳаракат-ҳолатга берилиши маъносидан қўлланганда, шу ҳаракат-ҳолатни билдирувчи сўз от бўлса, кўпинча, кет феълидан олдин *туш* феъли ҳам қўлланади: *Ҳожиматнинг чакаги очилиб, гапга тушиб кетди* (Саид Аҳмад, Қадрдон далалар). *Оқсоқол опа уларнинг ишларини бир кузатиб чиққач, қаторга ўтиб, ишга тушиб кетди* (Саид Аҳмад, Оқсоқол опа).

Иккала мисолда ҳам, кет феъли берилиш маъносини билдиради. Шу сабабли *ишга тушиб кетди* гапи *ишлаб кетди* (ишлай кетди) тарзида ифодаланса ҳам, асосий маъно ўзгармайди. Фарқ шундаки, *ишга тушиб кетди* бирикувида киришиш (бошлаш) маъноси *туш* феъли орқали, берилиш маъноси кет феъли орқали ифодаланади. *Ишлаб кетди* (*ишлай кетди*) бирикувида эса иккала маъно ҳам кет феълига хос бўлиб қолади. *Гапга тушиб кетди*, *ўйинга тушиб кетди* каби бирикувлардан кет феъли тушириб қолдирилса, фақат ҳаракатнинг бошланиши маъноси ифодаланиб, давомлилик маъноси бўлмайди: *гапга тушиди*, *ўйинга тушиди*. Демак, *гапга тушиб кетди* бирикувида ифодаланадиган давомлилик маъноси бевосита кет феълига хос маъно ҳисобланади. Лекин бу давомлилик шу ҳаракатнинг бошланган вақтидаги давомлиликдир, яъни *ишга тушиб кетди* гапида субъектнинг ишга тушган вақтдаги шу ҳаракатга (ишга) берилганлиги ифодаланади. *Савалаб*

кетди, сўрай кетди, ишлай кетди бирикувларида ҳам худди шундай маъно ифодаланади. Бунда субъектнинг шу ҳаракат-ҳолатда яна қанча давом этиши назарда тутилмайди.

Кет кўмакчи феълининг ҳаракатнинг бошланиши ва бошланган вақтидаги давомлилиги маъносини ифодалаши, бизнингча, шундай изоҳланади.

Қисқа хулосалар:

1. *Кет* кўмакчи феълининг етакчи феълга бирикиши уч хил кўринишга эга: 1) етакчи феълга равишдош ясовчи *-(и)б* аффикси орқали бирикади: *тугаб кетди*; 2) равишдош ясовчи *-а, -й* аффикслари орқали бирикади: *ўйнай кетди*; 3) ҳеч қандай форма ёрдамисиз бирикади: *тугади-кетди*.

2. Равишдошнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган турига бирикканда, икки хил маънони билдиради: 1) ҳаракат-ҳолатнинг тўла даражада юзага келиши маъносини билдиради. Ҳаракат-ҳолатнинг даражаси нормал ҳолатдан юқори бўлиши мумкин бўлса, *кет* кўмакчи феъли ҳамма вақт унинг юқори даражаси юзага келишини кўрсатади: *битиб кетди, тугаб кетди, семириб кетди, ёришиб кетди*; 2) ҳаракатнинг бошланиши ва шу бошланган вақтдаги давомини билдиради: *ўйнаб кетди, гапириб кетди*.

3. Равишдошнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган турига бирикканда, фақат ҳаракатнинг бошланиши ва шу моментдаги давоми маъносини билдиради: *ўйнай кетди, гапира кетди*. Лекин *кет* феълининг *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдошга бириккан формаси шу маънода ҳам *-(и)б* аффикси билан ясалган равишдошга бириккан формасига нисбатан кам қўлланади.

4. Етакчи феълга ҳеч қандай формасиз бирикканда, ҳаракатнинг тўла бажарилиши маъносини билдиради. Бунда ҳаракатнинг бажарилиш тезлиги ортади: *ўтди-кетди, битди-кетди*.

5. *Кет* кўмакчи феълининг тўла бажарилиш маъноси *кет* мустақил феълининг лексик мундарижасидан келиб чиқмаган, балки шу маъно таъсирида (субъектнинг ҳаракат юз берган пунктдан яна нари кетишидан) келиб чиққан.

6. Ҳаракатнинг бошланиши ва шу моментдаги давомлилиги маъноси *кет* феълининг бирор ҳаракат-ҳолатга киришиши ва унга берилиш маъносидан келиб чиққан.

Юбор

Юбор кўмакчи феъли етакчи феълга икки хил кўринишда бирикади: 1) равишдош ясовчи *-(и)б* аффикси орқали бирикади: *парчалаб юбормоқ, тўкиб юбормоқ, йиғлаб юбормоқ*

каби; 2) ҳеч қандай форма ёрдамсиз бирикади: *ташлади-ворди, жўнади-ворди* каби.

Бу кўмакчи феъл ўтимли феъллар билан ҳам, ўтимсиз феъллар билан ҳам бирика олади. Лекин ўтимсиз феъллар билан бириқиши кам феъллар доирасида учрайди.

1. *Юбор* кўмакчи феъли равишдошнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган турига бирикканда, етакчи феълдаги ҳаракатнинг тўла бажарилиши маъносини билдиради: *Икки кундан бери чарақлаб турган қуёшнинг тапти кўп ерларда қорларни эритиб, ер бағрига с и н г д и р и б ю б о р д и* (Ҳ. Шамс, Душман). *Мавсумга олдиндан ҳозирлик кўрилмаган жойларда... бошоқ иссиқда қовжираб, донини тўкиб юборади* (Қ. У.). *Мактабдошим, балки мени унутиб юборгандирсан* (Саид Аҳмад, Севгинга содиқман).

Юбор кўмакчи феъли билан ясалган бириқувларда етакчи феълдаги ҳаракатнинг хусусиятига қараб, тўла бажарилиш маъносига қўшимча тарздаги яна бошқа маънолар ҳам ифодаланади.

1. *Юбор* кўмакчи феъли айрим феъллар билан бирикканда, ўз асл маъносини маълум даражада сақлайди. Ана шу маъноси тўла бажарилиш маъносига қўшимча тарздаги маъно ҳисобланади. Бунда ҳаракатни ўз устига олган объектни ўзи мавжуд бўлган ўриндан бошқа томонга йўналтириш (юбориш) ифодаланади:

Сурхонни бўғиб, унинг сувини омборга буриб юбориш керак («Муштум»). *Она кўриб-билиб туриб укасини қўлдан чиқариб юборган катта ўғлидан хафа бўлди* (Шуҳрат, Она рози). *Кечқурун борганида уни эшик олдида биров қарши олиб, йўлакка киргизиб юборди* (А. Қаҳҳор, Сароб).

2. Бирор феълдаги ҳаракат даражасининг ҳар хиллилик (паст, нормал, юқори) эҳтимоли бўлса, *юбор* кўмакчи феъли бундай ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бирикканда, шу ҳаракатнинг юқори (кучли) даражаси юз беришини билдиради. Бундай ҳолларда *юбор* феълнинг асл маъноси бутунлай сезилмайди (йўқолади): *Ҳадича аянг яхши аёл-ку, ... лекин ўғлини талтайтириб юборибди-да* (Ҳ. Назир, С. ч.). *Сўк совуқни оширади, тақсир, меъдани сусайтириб юборади* (Ҳ. Фулом, Машъал). *Булардан чиққан қаттиқ овоз қулоқни том битириб юборгудай эди* (Ҳ. Назир, С. ч.).

3. Бир зумда («моментально») бажарилиши мумкин бўлган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бирикканда, ҳаракатнинг жуда қисқа (сезиларсиз) вақт ичида юз бериши маъносини билдиради, яъни маънонинг кучайиши тезликка нис-

Батан бўлади: *Шайтон энди ёнбошига келтираман деб турганда мингбоши ч а л и б ю б о р д и* (М. Исмоилий, Ф. т. о.). *Қайиққа шалоп этиб тушганида, унинг савдойиларниқига ўхшаш ёшли кўзлари дармони қуриб ётган Степанни ҳам ўрнидан турғаз и б ю б о р д и* (А. Мухтор, Қор. қ.). *Нарзи тоға жўрттага ва қўққисдан а й т и б ю б о р г а н бу сўздан ўзи ҳам хурсанд бўлиб, тишининг оқини кўрсатди* (Ш. Тошматов, Э. қ.).

II. *Юбор* кўмакчи феъли етакчи феълга ҳеч қандай форма ёрдамисиз бирикканда ҳам, ҳаракатнинг тўла даражада юз бериши маъносини билдиради ва маънони кучли оттенка билан ифодалайди. Бунда маънонинг кучайиши тезликка нисбатан бўлади, яъни ҳаракатнинг шартта, ўйлаб ўтирмасдан, тез бажарилиши ифодаланади: *Мен ҳам битта-яримта қирчиллама қиз топаман-у, уйланаман-вораман* (Уйғун, Қалтис ҳазил).

— *Нега кетди?..*

— *Билмасам,... «Отни олиб чиқ», деди. Кетди-ворди* (П. Турсун, Уқитувчи).

Юбор кўмакчи феъли етакчи феълга ҳеч қандай форма ёрдамисиз бирикканда, ҳамма вақт *вор* тарзида қўлланади (*юбор > ювор > вор*). Худди шундай қўлланиши *-(и)б* аффикси билан ясалган равишдош формасига бирикканда ҳам учрайди. Бунда етакчи феълнинг охиридаги «б» товуши (равишдош ясовчи аффикси) ҳам тушиб қолади: *Қамбар акангиз нархимни жуда ерга у р и в о р д и - к у!* (Уйғун, Қалтис ҳазил). *Ҳў садағанг кетай маликалар, унақа эмас, бунақа, деб то гап уқдиргунимча, чувиллашиб, қулоқ-миямни е в о р а й дейишди* (С. Анорбоев, Оқсой).

Юбор кўмакчи феъли етакчи феълга ҳеч қандай форма ёрдамисиз бирикканда кучайтириш тезликка нисбатан бўлиши сабабли тез, шартта ўйлаб ўтирмасдан бажарилиши мумкин бўлмаган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бу формада бирикмайди. Мас., қариш, қаритиш шартта, тез юз берадиган (бажариладиган) ҳаракат эмас. Шунинг учун ҳам *юбор* кўмакчи феъли *қарит* феъли билан *қаритди-ворди* формасида бирикмайди.

Ҳаракатнинг тўла даражада юзага келиши маъносини билдириши ва шу маънони кучли оттенка билан ифодалашига кўра, *юбор* кўмакчи феъли *кет* кўмакчи феълнинг синоними ҳисобланади, яъни *кет* кўмакчи феъли ҳам ҳаракатнинг тўла юзага келиши маъносини билдиради ва шу маънони кучли оттенка билан ифодалайди. Фарқ шундаки, ҳаракатнинг тўла бажарилиши маъносини билдиришда ва маънони кучли оттенка билан ифодалашда *кет* кўмакчи феъли, асосан, ўтимсиз

фeъллaр билaн бирикaди. Юбор кўмакчи фeъли эсa, асoсaн, ўтимли фeъллaр билaн бирикaди. Қиёслaн: *ошиб кетди* — *ошириб юборди*, *ўтиб кетди* — *ўтказиб юборди*, *чўзилиб кетди* — *чўзиб юборди*, *семириб кетди* — *семиртириб юборди*, *исиб кетди* — *иситиб юборди* вa бошқaлaр.

Юбор кўмакчи фeълининг тўлa бажарилиш маъносини билдиришини қaндaй изоҳлaш мумкин?

Юқоридa кўриб ўтдикки, юбор кўмакчи фeъли ҳарaкaтнинг тўлa (бутунлaй) бажарилишини билдириши вa маънони кучли oттенкaдa ифoдaлaши билaн кет кўмакчи фeълигa ўхшaйди. Бунинг сабaби кет вa юбор фeъллaрининг асoсий фeъл сифaтидa қўллaнгaндa ифoдaлaйдигaн маъносидa бир хил моментнинг мaвжудлигидир. Мaс., кет фeъли субъектнинг ўзи мaвжуд бўлгaн ўриндaн бошқa тoмoнгa қaрaб жўнaши маъносини билдирaди. Юбор фeълидa ҳам ўзи мaвжуд бўлгaн ўриндaн бошқa тoмoнгa жўнaш бор. Бирoқ фaрқ шундaки, юбор фeълидa субъектнинг ўзи эмaс, бaлки бошқa шaхс жўнaйди (жўнaшни бошқa шaхс бажарaди). Қиёслaн: *уйгa кетди* — *уйгa юборди* (*уйгa кетди* — уйгa жўнaди, *уйгa юборди* — уйгa жўнaтди). Дeмaк, юбор фeъли «кеткaзмoқ», «жўнaтмoқ» маъносини билдирaди (бу унинг маъноларидaн бири). Ҳозирги ўзбек тилидa юбор фeъли шу маънодa кeнг қўллaнaди:

— *Иним Раззоқвой, нафсиламир, шу ерда қолганингиз маъқул.*

— *Раззоқвойни ҳеч қaергa ю б o р м a й м и з...* (Ҳ. Гулом, Мaшъaл).

Бу мисoлдa юбор фeъли «кеткaзмoқ», «жўнaтмoқ» маъносини билдирaди. Юбор фeълининг кўмакчи фeъл сифaтидa қўллaнгaндa ифoдaлaйдигaн маъноси унинг худди шу маъноси асoсидa (тaъсиридa) келиб чиққaн. Шунинг учун кет вa юбор кўмакчи фeъллaри маъно жиҳaтдaн умумийликкa эгa. Кет кўмакчи фeълининг, асoсaн, ўтимсиз фeъллaр билaн бирикishi, юбор кўмакчи фeълининг эсa, асoсaн, ўтимли фeъллaр билaн бирикishi шу фeъллaрнинг аслидa бири (кет) ўтимсиз, иккинчиси (юбор) ўтимли фeъл экaнлиги билaн изоҳлaнaди.

Дeмaк, юбор фeълининг кўмакчи фeългa aйлaниши вa унинг маъносининг келиб чиқиш йўли ҳам худди кет фeълининг кўмакчи фeългa aйлaниши вa у ифoдaлaйдигaн маънонинг келиб чиқиш йўли билaн бир хил бўлaди.

Юқоридa aйтдикки, юбор фeъли ҳарaкaтни ўз устигa олгaн объектни ўзи мaвжуд бўлгaн ўриндaн бошқa тoмoнгa жўнaтиш маъносини билдирaди. Бу дeгaн сўз ҳарaкaтни бeвоситa бажарувчи шaхсни ўзи мaвжуд бўлгaн ўриндaн нaригa жўнa-

тиш (кетказиш) деган сўздир. Бунда субъектнинг ўзи мавжуд бўлган ўрни йўналиш бошланган пункт ҳисобланади. Ҳаракатни бевосита бажарувчи шахс шу пунктдан нарига жўнайди (нарига ўтади). *Юбор кўмакчи феъли феъллар билан бирикканда ҳам шу маъносини ифодалайверади ва бунда ана шу юбор феълига бирикиб келган феълдаги ҳаракатнинг бажарилиш пункти жўнатиш (юбориш) бошланадиган пункт бўлади: Саври хола неварасини кўчага чиқариб юбориб, самовар қўйишга уннаб кетди* (Р. Файзий, Қайнана).

Бу мисолда юбор феъли лексик-грамматик жиҳатдан тўла мустақилликка эга бўлмаса ҳам, лекин у ўз маъносини бутунлай йўқотган эмас. Бунда субъектнинг бевосита ҳаракат бажарувчи шахсни чиқарилган пунктдан яна нари жўнатганлиги (юборганлиги) ифодаланади. Ана шундан юбор феълига бирикиб келган феъл (*чиқар* феъли) билдирган ҳаракатнинг тўла-тўкис бажарилганлиги маъноси келиб чиқади. Демак, ҳаракатнинг тўла-тўкис (бутунлай) бажарилиши маъноси юбор феълининг таъсирида келиб чиқяпти. Юбор феъли юқоридаги каби бирикувларда лексик-грамматик жиҳатдан мустақилликка эга бўлмаган ҳолларда унинг ўзи ифодаладиган маъноси (жўнатиш маъноси) эмас, балки шу маъно таъсирида келиб чиқадиган юқорида кўрсатилган маъноси (ҳаракатнинг тўла-тўкис бажарилишини кўрсатиши) асосий ўринга ўтади, яъни у «жўнатмоқ» маъносини ифодаловчи сўз сифатида эмас, балки тўла-тўкис бажарилиш маъносини ифодаловчи сўз сифатида қаралади. Буни келтирилган мисолда ҳам аниқ кўриш мумкин. Ундаги «... *кўчага чиқариб юбориб*,...» гапида юбор феъли ўз маъносини маълум даражада сақлаган. Ҳатто, бу гапнинг мазмунини «...*кўчага юбориб*,...» тарзида ифодалаш ҳам мумкин. Лекин *чиқариб юбормоқ* бирикувида юбор кўмакчи феъли ўз маъноси билан қатнашганлигидан қатъий назар, у лексик-грамматик жиҳатдан тўла мустақилликка эга эмас. Акс ҳолда равишдош формасидаги феъл синтактик жиҳатдан ҳол вазифасида, юбор феъли эса кесим вазифасида бўлар эди.

Чиқариб юбормоқ бирикувида *чиқар* феъли юбор феълининг белгисини кўрсатмайди, балки шу феъл ифодалаган ҳаракат асосий ҳаракат ҳисобланади ва кесимга қўйиладиган сўроққа ҳам шу феъл жавоб бўлади. Бу бирикувда асосий маъно равишдош формасидаги феъл орқали ифодаланар экан ва бу феъл юбор феълининг белгисини кўрсатмас экан, ўз-ўзидан, юбор феъли бунининг бирор белгисини кўрсатувчи сўз (унинг маъносини бирор томондан конкретлаштирувчи сўз) сифатида бўлади. Демак, *чиқариб юбормоқ* бирикувида юбор феълининг маъноси эмас, балки шу маънодан келиб

чиққан маъноси (*чиқар* феълидаги ҳаракатнинг тўла бажарилганлигини кўрсатиш) асосий ўринда туради. Шунинг учун ҳам *чиқариб юбормоқ* бирикувида *юбор* феълининг ўз маъноси сезилиб туришидан қатъий назар, у шу маънони ифодаловчи сўз сифатида эмас, балки *чиқар* феълидаги ҳаракатнинг тўла бажарилганлигини кўрсатувчи сўз сифатида қаралади.

Юбор кўмакчи феълининг маънони кучли оттенка билан ифодалашини (ҳаракат-ҳолатнинг кучли даражасини кўрсатишини) қандай изоҳлаш мумкин?

Юқорида кўрдикки, *юбор* феъли ҳаракатни ўз устига олган объектни ҳаракат юз берган пунктдан яна нари жўнатиш маъносини билдиради. Ҳаракатнинг юқори даражада юз бериши маъноси ҳам *юбор* феълининг ана шу маъноси таъсирида келиб чиқади. Мас., *дўпписини учуриб юборди* гапида *юбор* феъли маълум даражада ўз маъносини сақлайди ва дўппининг учуш пунктдан бутунлай узийлиши, шу пунктдан нари жўнатилиши англашилади. Дўппи учган ва учуш пунктдан яна нари юборилган экан, албатта, учуш ҳаракати тўла даражада юз берган бўлади. *Юбор* кўмакчи феъли даражамадаража юз берадиган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бирикканда ҳам, ҳаракатни ўз устига олган объектнинг ҳаракат юзага келган пунктдан (нормал даража пунктдан) яна нари ўтганлиги, нормал пунктдан юқорилашганлиги ифодаланади. Мас., *ғовлатиб юбормоқ* бирикувида ғовлатилган нарсанинг ғовлаш юз берган пунктдан (ғовлашнинг нормал даражасидан) яна нари юборилиши (яна юқори кўтарилиши) ифодаланади. Ана шундан ғовлаш ҳаракат-ҳолатининг нормал даражадан юқорилиги маъноси келиб чиқади.

Айтилганлардан маълум бўлдики, *юбор* кўмакчи феъли билдирадиган тўла бажарилиш ва ҳаракатнинг юқори даражада юз бериши маънолари бевосита *юбор* мустақил феълининг лексик мундарижасидан келиб чиққан маънолар бўлмай, шу маънонинг таъсирида келиб чиққан маънолардир.

Қисқа хулосалар:

1. *Юбор* кўмакчи феълининг етакчи феълга бирикиши икки хил кўринишга эга: 1) етакчи феълга равишдош ясовчи **(-и)б** аффикси орқали бирикади: *қизиқтириб юборди*; 2) ҳеч қандай форма ёрдамисиз бирикади: *кетди-ворди*.

2. Равишдошнинг **(-и)б** аффикси билан ясалган формасига бирикканда ҳам, шунингдек, етакчи феълга ҳеч қандай форма ёрдамисиз бирикканда ҳам, ҳаракатнинг тўла бажарилишини билдиради ва маънони кучли оттенка билан ифодалайди. Фарқ шундаки, равишдошнинг **(-и)б** аффикси билан ясалган турига бирикканда, кучайтириш, асосан, ҳаракатнинг даражасига нисбатан бўлади. Етакчи феълга ҳеч қандай форма

ёрдамисиз бирикканда эса кучайтириш тезликка нисбатан бўлади.

3. Ҳаракатнинг тўла бажарилишини билдириши ва маънони кучли оттенка билан ифодалашига кўра, *юбор* кўмакчи феъли *кет* кўмакчи феълининг синоними ҳисобланади. Бу маънода *юбор* кўмакчи феъли, асосан, ўтимли феъллар билан, *кет* кўмакчи феъли эса, асосан, ўтимсиз феъллар билан бирикади.

4. Тўла бажарилиш маъноси *юбор* мустақил феълининг лексик мундарижасидан эмас, балки унинг таъсирида келиб чиққан маънодир.

Ташла

Ташла кўмакчи феълининг етакчи феълга бирикиши икки хил кўринишга эга: 1) равишдош ясовчи *-(и)б* аффикси орқали бирикади: *ёзиб ташлади*; 2) ҳеч қандай воситасиз бирикади: *ёзди-ташлади*.

Бу кўмакчи феъл фақат ўтимли феъллар билан бирикади.

1. *Ташла* кўмакчи феъли *-(и)б* аффикси билан ясалган равишдошга бирикканда, худди *кет* ва *юбор* кўмакчи феъллари каби, ҳаракатнинг тўла юзага келиши маъносини билдиради ва шу маънони кучли оттенка билан ифодалайди: *Урмон-жон соқолини буткул қирдириб ташлагани ва бунинг устига каттакон оқ қалпоқ кийиб олгани учун юзи кичкина ва қоп-қора кўринар эди* (А. Қаҳҳор, Қ. ч.). *Бир қўли кўкраги аралаш дока билан боғлаб ташланган эди* (С. Зуннунова, Гулхан). *Отлиқ аскарларимиздан бир группаси Н. қишлоғидаги душман гарнизонини бурдалаб ташлади* (Н. Сафаров, Қаҳрамоннинг туғилиши).

Ташла кўмакчи феъли билан ясалган бирикувларда етакчи феълдаги ҳаракатнинг хусусиятига қараб тўла бажарилиш маъносига қўшимча тарздаги яна бошқа маънолар ҳам ифодаланади:

1) *ташла* кўмакчи феъли айрим феъллар билан бирикканда, ўз асл маъносини маълум даражада сақлайди. Унинг ана шу маъно тўла бажарилиш маъносига қўшимча тарздаги маъно ҳисобланади: *Раҳматилла гўё ўз ғояларининг амалга оширидан умид узган ва бу ғояларни кўнглидан чиқариб ташлаган...* (А. Қаҳҳор, Қ. ч.). *Дастурхон ёзиб, топган-тутганини тўкиб ташлади* (С. Анорбоев, О. ш.). *У исиб кетди шекилли, нарироқда ўтириб маҳсини ечиб ташлади* (Ҳ. Зиёхонова, Учрашганда);

2) айрим феъллар билан бирикканда, ҳаракатнинг юқори (кучли) даражада юз беришини билдиради (маънони кучли

оттенка билан ифодалайди). Бундай ҳолларда ташла феълининг асл маъноси деярли сезилмайди (деярли йўқолади): *Уйинг куйгур бу камбағалчилик одамнинг ёруғ дунёдан бўлган умидини кемириб, зангдай е б т а ш л а р э к а н* (А. Қаҳҳор, Қ. ч.). *Ботиралининг ўлиmidан кейинги воқеалар мени жуда э з и б т а ш л а д и* (Х. Фулом, Машғал). *Бу ёғини менга қўйиб берасиз, қ и й и б т а ш л а й м а н* (Уйғун, Қалтис ҳазил);

3) ташла кўмакчи феъли айрим феъллар билан бирикканда, етакчи феълдаги ҳаракатнинг тез, субъект учун қийинчиликсиз бажарилиши ҳам англашилади. Бу нарса ташла кўмакчи феълининг маънони кучайтириш хусусиятидан, шунингдек, етакчи феълдаги ҳаракатнинг хусусиятидан келиб чиқади: *Муҳаммад Жамол пок, самимий ишқини тасвир этувчи янги-янги шеърларини шу замон т ў қ и б т а ш л а р э д и* (Ойбек, Н. қ.). *Бошқалар бир йилда 70—75 лекция ўқиса, мен тезкорлик билан 250—300 лекция ў қ и б т а ш л а й м а н* («Муштум»);

4) айрим феъллар билан бирикканда, ҳаракатнинг кўп марта юз бериши ифодаланади: *тирнаб ташлади, уриб ташлади, гапириб ташлади, тишлаб ташлади* каби.

Бундай бирикувларда ҳаракатнинг кўп марта юз бериши маъносининг ифодаланиши ҳам ташла кўмакчи феълининг маънони кучайтириш хусусияти билан изоҳланади. Мас., *баданини кўкартириб ташлади* гапида кўкартириш ҳаракат-ҳолатининг баданда тўла даражада юз берганлиги ифодаланади ва шу маъно кучли оттенка билан ифодаланади. Кўкартириш баданнинг бир пунктида (бир ўрнида) эмас, балки барча қисмида юз берган экан, албатта, бу ҳаракат-ҳолат бирдан ортиқ ўринда (демак, бирдан ортиқ марта) юз берган бўлади. *Чимчилаб ташлади, тишлаб ташлади* бирикувларида ҳам худди шундай.

2. Ташла кўмакчи феъли етакчи феълга ҳеч қандай форма ёрдамсиз бирикканда ҳам, етакчи феълдаги ҳаракатнинг тўла-тўқис (бутунлай) бажарилиши маъносини ифодалайди. Фарқ шундаки, етакчи феълга ҳеч қандай форма ёрдамсиз бирикканда, тўла-тўқис бажарилиш маъноси билан бирга ҳаракатнинг тез, бирпасда, шартта бажарилиши ҳам ифодаланади, яъни бунда маънонинг кучайиши ҳамма вақт тезликка нисбатан бўлади.

Ташла кўмакчи феъли *-(и)б* аффикси билан ясалган равишдошга бирикканда ҳаракатнинг тез, бирпасда бажарилиши ифодаланиши мумкин. Лекин тезликнинг даражасидаги юқорилик етакчи феълга ҳеч қандай форма ёрдамсиз бириккандагича бўлмайди. Қиёсланг: *ёзиб ташлади—ёзди-ташлади*.

Равишдош формасига бирикканда, маънонинг кучайиши тезликка нисбатан эмас, балки ҳаракатнинг даражасига нисбатан бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда *ташла* кўмакчи феълнинг *-(и)б* аффикси орқали ясалган равишдошга бириккан формаси ўрнида етакчи феълга ҳеч қандай воситасиз бириккан формасини қўллаб бўлмайди. Мас., *оғир меҳнат уни эзиб ташлади* гапида *ташла* кўмакчи феъли етакчи феълдаги ҳаракатнинг тез юз берганлигини эмас, балки юқори даражада юз берганлигини билдиради. *Ташла* кўмакчи феъли етакчи феълга ҳеч қандай форма ёрдамисиз бирикканда, ҳеч вақт ҳаракатнинг юқори даражада юз бериши маъносини билдирмайди. Шунинг учун ҳам *эзиб ташлади* формаси ўрнида *эди-ташлади* формасини қўллаб бўлмайди.

Умуман, *ташла* кўмакчи феълнинг етакчи феълга ҳеч қандай форма ёрдамисиз бириккан турига нисбатан равишдош формасига бириккан тури кўп қўлланади.

Ташла кўмакчи феъли ҳар қандай ўтимли феъл билан ҳам бирикавермайди. Бунинг сабаби *ташла* кўмакчи феълнинг стилистик жиҳатдан нейтрал эмаслигидадир. Кўриб ўтдикки, *ташла* кўмакчи феъли ҳаракатнинг тўла бажарилганлигини кучли отенка билан ифодалайди. Ўзбек тилидаги феъллар билдирадиган ҳаракатларнинг ҳаммаси ҳам кучли отенка билан (кучайтирилиб) ифодаланиши мумкин бўлган ҳаракат эмас. Уларнинг баъзиларини кучли отенка билан ифодалаш мумкин, баъзилари эса кучайтирилмайдиган ҳаракатдаги ҳаракатлар бўлади. Мас., *асрамоқ, сайламоқ, сезмоқ, танимоқ, эсламоқ* феъллари ўтимли феъллар ва бу феъллар ифодалаган ҳаракатлар ҳам тўла юзага келиши мумкин бўлган ҳаракатлардир. Лекин *ташла* кўмакчи феъли бу феъллар билан бирика олмайди. Чунки бу ҳаракатлар *ташла* кўмакчи феъли ифодалайдиган отенкада кучайтириладиган ҳаракатлар эмас.

Ташла кўмакчи феъли ўтимли феъллар билан бирикиши ва ҳаракатнинг тўла юз бериши маъносини кучли отенкада ифодаланиши билан *юбор* кўмакчи феълга жуда яқин туради. Ҳатто, баъзан айрим феъллар доирасида *ташла* кўмакчи феълни ўрнида *юбор* кўмакчи феълни ва, аксинча, *юбор* кўмакчи феълни ўрнида *ташла* кўмакчи феълни қўллаш мумкин бўлади: Мас., *қириб юбормоқ — қириб ташламоқ, парчалаб ташламоқ — парчалаб юбормоқ, эзиб юбормоқ — эзиб ташламоқ, янчиб ташламоқ — янчиб юбормоқ* каби. Жуда кўп ҳолларда *ташла* кўмакчи феълни ўрнида *юбор* кўмакчи феълни ва, аксинча, *юбор* кўмакчи феълни ўрнида *ташла* кўмакчи феълни қўллаш мумкин бўлмайди. Мас., бирор тўмонга қараб йўналувчи ҳаракатни билдирадиган *қузмоқ, тортмоқ, топширмоқ, ҳайдамоқ* каби феъллар билан деярли ҳамма вақт *юбор* кў-

макчи феъли бирикади (*қувиб юбормоқ, тортиб юбормоқ, топшириб юбормоқ, ҳайдаб юбормоқ*).

Шунингдек, *юбор* кўмакчи феъли айрим феъллар билан бирикканда, етакчи феълдаги ҳаракатнинг нормал даражадан юқорилигини билдиради. *Ташла* кўмакчи феъли худди шу феъллар билан бирикмаслиги мумкин (бу ҳақда кейинроқ гапирамиз). Мас., *ташла* кўмакчи феъли *семиртирмоқ, талтайтирмоқ, руҳлантирмоқ* каби феъллар билан деярли бирикмайди. Бу феъллар билдирган ҳаракатнинг тўла юзага келганлигини ва унинг нормал даражадан юқорилигини ифодалашда деярли ҳамма вақт *юбор* кўмакчи феъли қўлланади.

Кўринадики, *ташла* кўмакчи феъли тўла бажарилиши ва кучайтирилиши мумкин бўлган ҳаракатни билдирувчи феълларнинг ҳаммаси билан ҳам бирикавермайди. Шу жиҳатдан унинг қўлланиш доираси янада тораяди.

Юбор кўмакчи феъли бирикадиган айрим феъллар билан *ташла* кўмакчи феъли ҳам бирика олади ва иккаласи ҳам ҳаракатнинг тўла бажарилиши маъносини билдиради. Лекин бунда *юбор* ва *ташла* кўмакчи феъллари маъноси ва маъно оттенкаси билан бир-бирига бутунлай тенг бўлмайди, балки тўла бажарилганлик маъносидан бошқа қўшимча маънолари ва маъно оттенкалари билан ўзаро фарқланади.

Мас., *юбор* кўмакчи феъли *тепмоқ, урмоқ, тирнамоқ, чизмоқ* каби баъзи феъллар билан бирикканда, ҳаракатнинг бир марта тўла бажарилиши маъносини билдиради, *ташла* кўмакчи феъли шу феъллар билан бирикканда, ҳаракатнинг тўла бажарилиши маъносини билдириш билан бирга унинг бирдан ортиқ (кўп) юз беришини ҳам кўрсатади. Қиёсланг: *тепиб юбормоқ* — *тепиб ташламоқ, уриб юбормоқ* — *уриб ташламоқ, тирнаб юбормоқ* — *тирнаб ташламоқ, гапириб юбормоқ* — *гапириб ташламоқ, сачратиб юбормоқ* — *сачратиб ташламоқ*.

Юбор феъли айрим феъллар билан бирикканда, маънони кучайтирмай, умуман, ҳаракатнинг тўла бажарилишини ифодалаши мумкин. *Ташла* кўмакчи феъли эса худди шу феъл билан бирикканда, маънони кучли оттенкада ифодалаши мумкин. Қиёсланг: *эшикни очиб юбор* — *эшикни очиб ташла, бекитиб юбор* — *бекитиб ташла*.

Бундан ташқари, *юбор* ва *ташла* феъллари кўмакчи феъл сифатида қўлланган айрим ҳолларда уларнинг ўз асл маъноси ҳам маълум даражада сезилиб туради. Шундай ҳолларда, гарчи *юбор* ва *ташла* феълларининг бири ўрнида иккинчисини қўллаш мумкин бўлса ҳам, лекин маънода, қисман бўлса-да, ўзгариш юз беради: *Шундай бўлгандан кейин полдаги сувни яна очиб юборишини қандай нафи бор?* (Р. Файзий, Ч. б. к.). *Бу кунни кўрадиган кўзимни ўйиб ташла сам бўлмайдимми?* (Саид Аҳмад, Ҳукм).

Бу мисолларда *юбор* ва *ташла* феълларининг ўз (асл) маъноси маълум даражада сақланган. Шунинг учун ҳам уларнинг бири ўрнида иккинчиси қўлланса, бир оз бўлса-да, маънода ўзгариш юз беради.

Юбор ва *ташла* кўмакчи феъллари ўз асл маъноларини бутунлай йўқотиб, ҳаракат-ҳолатнинг кучли (юқори) даражада юз беришини билдирган ҳолларда баъзан уларнинг бири ўрнида иккинчисини қўллаш мумкин бўлади. Бунда даражанинг кучлиги *юбор* кўмакчи феълидагига нисбатан *ташла* феълида юқори бўлади. Қиёсланг: *қийнаб юборди* — *қийнаб ташлади*, *бузиб юборди* — *бузиб ташлади*.

Ташла кўмакчи феълнинг тўла бажарилиш маъносини ифодалашини қандай изоҳлаш мумкин?

Ташла кўмакчи феъли билдирадиган тўла бажарилиш маъноси *ташла* мустақил феълнинг биринчи маъноси («бросать» маъноси) асосида келиб чиққан. *Ташла* феълнинг бу маъноси билан *қўй* феълнинг маъносида умумий томон — ҳар иккаласида ҳам субъектнинг ўзидаги (асосан, қўлида) мавжуд нарсани ерга ёки бошқа нарса устига ўтказиш бор. Фарқ шундаки, қўйиш жараёнида нарса қўйиладиган жойгача қўл билан кузатилади, қўйилгандан сўнг қўл ундан узилади. Ташлашда эса ўзидан бошқа ўринга ўтказиладиган нарса ўша ўрингача қўл билан кузатилмайди, балки ўша ўринга иргитилади. Қиёсланг: *ерга қўймоқ* — *ерга ташламоқ*, *столга қўймоқ* — *столга ташламоқ*.

Ташла феъли отлар билан бирикиб келганда, деярли ҳамма вақт лексик-грамматик жиҳатдан мустақиллигини сақлайди ва синтактик жиҳатдан гапнинг мустақил бўлаги (асосан, кесим) вазифасида, унга бирикиб келган жўналиш ёки чиқиш келишигидаги сўз эса ўрин ҳоли вазифасида келади: *ерга ташлади*, *сувга ташлади*.

Ташла феъли феъллар билан бирикиб келганда ҳам лексик-грамматик жиҳатдан мустақиллигини сақлаши мумкин. Лекин айрим ҳолларда, *ташла* феъли ўз маъносини сақлашдан қатъий назар, у ифодалаган ҳаракат асосий бўлмай, равишдош формасидаги феъл ифодалаган ҳаракат асосий ҳаракат бўлиши мумкин: *Менинг бу ерга келишимдан мақсадим... колхоз тузишда ҳамма меҳнаткашларнинг қонини сўриб келган муштумзўрларни таг-томири билан юлиб ташлашда сиз оға-иниларимга ёрдам беришдир* (А. Қаҳҳор, Қ. ч.). — *Ҳаётхон,— деди Ғуломжон, эзиб турган юкни устидан ағдариб ташлагандек*, кифтларини ростлаб (М. Исмоилий, Ф. т. о.). *Аҳмаджон... қора қалин сочи орасидан сизиб пешонасига тушаётган қонни дам-бадам бармоғи билан сидириб ташларэди* (А. Қаҳҳор, О. ю.).

Келтирилган учала мисолда ҳам *ташла* феъли маълум даражада ўз маъносини сақлаган. Мас., *сидириб ташлади* бирикувида сидириш ҳам, ташлаш ҳам бор. Лекин бундан қатъий назар, мазкур бирикувда *ташла* феъли лексик-грамматик жиҳатдан тўла мустақилликка эга эмас. Шунинг учун ҳам, у жўналиш келишигидаги сўзни бошқариб келмайди (бундай сўз талаб этилмайди ҳам). Кесимга қўйиладиган сўроққа ҳам *ташла* феълининг ўзи жавоб бўла олмайди. Равишдош формасидаги феъл (*сидир* феъли) эса махсус сўзни («қонни» сўзини) бошқариб келган. Бу нарса унинг лексик мустақиллигини сақлаганлик белгисидир. *Сидириб ташла* бирикувида *ташла* феъли лексик жиҳатдан тўла мустақилликка эга бўлмас экан, ўз-ўзидан, грамматик жиҳатдан ҳам ҳоким бўлмайди. Натижада, бу бирикувда лексик жиҳатдан мустақиллигини тўла сақлаган *сидир* феъли асосий феъл сифатида, *ташла* феъли эса шу феълнинг маъносига қўшимча маъно ифодаловчи (унинг маъносини бирор жиҳатдан ойдинлаштирувчи) сўз сифатида бўлади. Бу қўшимча маъно *ташла* феълнинг асл маъноси эмас, балки шу маъноси таъсирида келиб чиқадиган маъно — тўла бажарилиш маъноси бўлади.

Сидириб ташла, ечиб ташла каби бирикувларда тўла бажарилиш маъноси қандай келиб чиқади?

Уқорида айтилдики, *сидириб ташла* бирикувида сидириш ҳам, ташлаш ҳам бор. Бунда ташлаш юз беришидан олдин сидириш юз бериши керак. Сидириш юз бергандан кейингина ташлаш бажарилади, яъни аввал сидирилади сўнг ташланади. Ана шундан *сидириб ташла* бирикувида *сидир* феъли билдирган ҳаракатнинг тўла юз бериши маъноси келиб чиқади. Бу маъно бевосита *ташла* феълнинг қатнашуви билан келиб чиқадиган маънодир.

Демак, *сидириб ташла, чиқариб ташла* каби бирикувларда *ташла* феълнинг ўз маъноси сезилиб турса-да, лекин у ўз маъносини ифодаловчи сўз сифатида эмас, балки тўла бажарилганлик маъносини ифодаловчи сўз сифатида қатнашади. Бошқача қилиб айтганда, бундай бирикувларда *ташла* феъли лексик ва грамматик жиҳатдан мустақиллигини сақламаганлиги туфайли, у ўзининг қатнашуви билан келиб чиқадиган тўла бажарилиш маъносини ифодаловчи сўзга айланади. Бу маъно равишдош формасидаги феъл ифодалаган маънога қўшимча тарздаги маъно бўлгани учун *ташла* феъли ҳам ана шу равишдош формасидаги сўзга нисбатан ёрдамчи (кўмакчи) сўз сифатида бўлади.

Ташла кўмакчи феълнинг маънони кучли оттенка билан ифодалашини қандай изоҳлаш мумкин? *Ташла* феъли билан қўй феъли қиёсланса, бунинг сабаби аниқ бўлиб қолади.

Юқорида *ташла* феъли билан *қўй* феълининг маъносида умумий томон борлиги ва буларнинг бирида (*қўй* феълида) қўйиладиган нарса қўйиладиган жойгача қўл билан кузатилиши, иккинчисида эса кузатилмаслиги, балки ўша жойга иргитилиши айтилди. Шунинг ўзидан кўриниб турибдики, *ташла* феъли билдирган ҳаракатнинг бажарилишида кескинлик бор. *Қўй* феълида эса ҳеч қандай кескинлик йўқ. *Ташла* феъли билдирган ҳаракатдаги ана шу кескинлик у кўмакчи феъл сифатида қўлланганда, маънонинг кучайишига (кучли оттенкада ифодаланишига) сабаб бўлган деб қараш мумкин. *Қўй* феълида кескинлик бўлмаганлиги сабабли у кўмакчи феъл сифатида қўлланганда, тўла бажарилиш маъносини ифодалайди, холос. Бунда маънонинг кучайиши бўлмайди. Қйёсланг: *чиқариб қўй* — *чиқариб ташла*, *еб қўй* — *еб ташла*.

Ташла феълида ҳаракатнинг бажарилиши кескинлик билан бўлиши билан бирга, кўпинча, субъект ҳаракатни ўз устига олган объектга нисбатан бефарқ, ҳатто, салбий муносабатда бўлади. Шу сабабли *ташла* кўмакчи феъли ҳаракатнинг кучли даражада юз беришини ифодалашда, асосан, ҳаракат йўналган объект учун салбий характердаги ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бирикади: *жеркиб ташламоқ*, *қириб ташламоқ*, *қийнаб ташламоқ* каби. Ҳаракат йўналган объектнинг манфаатига мос бўлган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан эса деярли бирикмайди. Мас., *руҳлантирмоқ*, *қизиқтирмоқ*, *мақтамоқ* каби феъллар билан бирикмайди. Бу феъллар билдирган ҳаракатнинг юқори даражада юз беришини ифодалаш учун *юбор* кўмакчи феъли қўлланади: *руҳлантириб юборади*, *қизиқтириб юборади*, *мақтаб юборма* каби.

Қисқа хулосалар:

1. *Ташла* кўмакчи феълининг етакчи феълга бирикиши икки хил кўринишга эга: 1) етакчи феълга равишдош ясовчи *-(и)б* аффикси орқали бирикади: *янчиб ташлади*; 2) ҳеч қандай форма ёрдамисиз бирикади: *ёзди-ташлади*.

2. Бирикувнинг иккала турида ҳам етакчи феълдаги ҳаракатнинг тўла бажарилиши маъносини билдиради ва маъно кучли оттенка билан ифодаланади.

3. Равишдошнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган турига бирикканда, кучайтириш тезликка ёки (кўпинча) ҳаракатнинг даражасига нисбатан бўлиши мумкин. Етакчи феълга ҳеч қандай форма ёрдамисиз бирикканда, кучайтириш ҳамма вақт тезликка нисбатан бўлади ва *-(и)б* аффикси билан ясалган равишдошга бириккандаги тезликнинг даражасига нисбатан кучли бўлади.

4. Тўла бажарилиш маъноси *чиқариб ташламоқ, сидириб ташламоқ* каби бирикувларда *ташла* феълдаги ҳаракатнинг *чиқар, сидир* феълларидаги ҳаракатдан кейин бажарилишидан келиб чиққан.

5. Маънонинг кучли оттенка билан ифодаланиши *ташла* феъли билдирган ҳаракатнинг бажарилишидаги кескинликнинг таъсирида келиб чиққан.

Сол

Сол кўмакчи феъли равишдошнинг *-(и)б* ва *-а, -й* аффикслари билан ясалган турига бирикади: *Бутун дардини тўкиб солди. Тура солиб югуриб кетди.* Бу кўмакчи феъл ўтимли феъллар билан ҳам, шунингдек, ўтимсиз феъллар билан ҳам бирика олади.

1. *Сол* кўмакчи феъли равишдошнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган турига бирикканда, ҳаракатнинг тўла-тўқис бажарилиши маъносини билдиради ва шу маънони кучли оттенка билан ифодалайди. Бу маънода у фақат ўтимли феъллар билан бирикади: *Сен мендан ҳар қанча хафа бўлсанг ҳам, кўнглимга тугиб қўйганимни энди айтиб солмасам иложи йўқ* (А. Қодирий, О. к.). *Унинг кўзлари Жамилага бошқача боқар эди. Балки юрагида борини ҳозир очиб солом оқчи бўлгандир* (Ж. Абдуллахонов, Албатта кут). *Рус, татар, яҳудий савдогарларидан бу кун эшитган кўнгилисиз воқеаларни, подшоҳ ҳукуматининг аҳволи анча танг эканини тўкиб солди* (Ойбек, Қ. қ.).

Сол кўмакчи феъли ўтимли феъллар билан бирикиши ва ҳаракатнинг тўла, бутунлай бажарилиши маъносини ифодалаш хусусияти билан *ташла* кўмакчи феълига жуда яқин туради. Лекин улар ўзига хос хусусияти билан бир-биридан фарқланади. Шунинг учун ҳам уларнинг бири ўрнида иккинчисини қўллаш ҳамма вақт ҳам мумкин бўлавермайди.

Умуман, *сол* кўмакчи феъли *ташла* кўмакчи феълига нисбатан ғоят пассив. Бу кўмакчи феъл жуда кам феъллар билангина бирика олади. *Сол* кўмакчи феъли бирикадиган феъллар билан *ташла* кўмакчи феъли ҳам бирика олади, лекин *ташла* кўмакчи феъли бирика оладиган феълларнинг жуда кўпчилиги билан *сол* кўмакчи феъли бирика олмайди. *Мас., кесиб ташламоқ, бўяб ташламоқ, ғижимлаб ташламоқ, ёндириб ташламоқ* каби бирикувлардаги етакчи феъл билан *сол* кўмакчи феъли бирика олмайди (бунинг сабаби ҳақида кейинроқ гапирамиз).

Шу нарса ҳам характерлики, *сол* кўмакчи феъли бирор феъл билан бирикиб, шу феълдаги ҳаракатнинг тўла бажарилиши маъносини ифодалаган ҳолларда етакчи феъл бошқариб келган сўз билдирган нарса-предмет бирдан ортиқ бўлади. Шунинг учун ҳам етакчи феълга бошқарилган сўз кўп ҳолларда ё кўплик формасида бўлади, ёки контекстда шу сўз билдирган нарса-предметнинг кўплигини (бирдан ортиқлигини) кўрсатувчи сўз қатнашади: *Юрагига тўпланиб қолган ўз туйғуларини очиб солди* (П. Турсун, Уқитувчи). *Добротворцев... бу жойлар ҳақида китобларда ўқиб билганининг ҳаммасини айтиб солмоқда* (А. Мухтор, Опа-с.). *Ботир-алига бор гапни айтиб солди* (Ҳ. Ғулом, Машъал).

Етакчи феъл бошқариб келган нарса-предметнинг бирдан ортиқлиги *сол* феълнинг маънони кучайтириш хусусиятидан келиб чиқади. Тўғрироғи, етакчи феъл бошқариб келган нарса-предмет бирдан ортиқ бўлганлиги ва етакчи феълдаги ҳаракат улар устида тўла бажарилиши учун ҳам бундай ҳолларда *сол* кўмакчи феълни қўллаш мумкин бўлади. Мас., *айтмоқ* феъли. Агар айтиладиган нарса битта бўлса (битта гап, бир оғиз сўз бўлса), бундай ҳолларда *айт* феъли билан бирга *сол* кўмакчи феъли ҳам қўлланмайди. Айтиладиган нарса кўп бўлса (яъни гап кўп бўлса), *сол* кўмакчи феълни қўллаш мумкин бўлади.

Сол кўмакчи феъли билан ясалган бирикувларда тўла бажарилиш маъносининг ифодаланишини қандай изоҳлаш мумкин?

Сол кўмакчи феъли билан ясалган бирикувларда ифодаланадиган тўла бажарилиш маъноси равишдош формасидаги феъл билдирган ҳаракат билан *сол* феъли билдирган ҳаракатнинг бажарилишидаги кетма-кетликдан келиб чиқади. Мас., *тўкиб солмоқ* бирикувида тўкиш ҳаракати солиш ҳаракатидан олдин бажарилади. Кейин юзага келадиган ҳаракатнинг бажарилиши ҳақидаги тасаввур, ўз-ўзидан, ундан олдин бўладиган ҳаракатнинг тўла бажарилишини кўрсатади, яъни олдинма-кейин юзага келадиган ҳаракатларнинг кейингисининг юзага келиши ҳақида гап бўлар экан, ундан аввалгисининг тўла бажарилиши шубҳасиз бўлади. Чунки аввалгиси бажарилмаса, кейингиси ҳам бажарилмайди. *Тўкиб солмоқ* каби бирикувларда тўла бажарилиш маъносининг ифодаланиш сабаби ана шунда.

Сол кўмакчи феълнинг қўлланиш доирасининг маълум феъллар доирасида чегараланганлиги (жуда кам феъллар билан бирикиши) унинг ўз асл маъносини тамомила йўқотмаганлиги билан изоҳланади, яъни *сол* кўмакчи феълида шу феъл ифодалайдиган ҳаракатга хос белги бутунлай йўқолма-

ган. Буни қуйидаги мисолларни қиёслаганда аниқ сезиш мумкин: *Бирорта киши йўқки, худди Норматнинг кўнглида бўлган талабни очиб жанжал бошласа-ю, Нормат ҳам шунга қўшилиб истагини бутун айтиб солса* (Ҳ. Шамс, Ишламай тишлаган — оғримай ўлади). *Юраги типирчилаб, бор гапни очиб солгиси келди-ю, яна Ҳадича аянинг қайта-қайта қилган илтимоси эсига тушди* (Ҳ. Назир, С. ч.). *Шунча гапнингиз бор экан, неги мажлисга солмадингиз?* (Саид Аҳмад, Қ. д.). *Ўзинг ўйлаб кўр Усмонжон! — деди Сафарбой унга маслаҳат солиб* (Т. Сидиқбеков, Тоғ орасида).

Келтирилган тўрт мисолнинг ҳаммасида ҳам сол феъли бир асосий маъноси билан қатнашган, яъни буларнинг ҳаммасида ҳам сол феъли бирор нарсанинг ўртага солиниши тушунчасини ифодалайди. Фарқ шундаки, кейинги икки мисолда сол феъли мустақил феъл, биринчи икки мисолда эса кўмакчи феъл ҳисобланади. Лекин биринчи икки мисолда ҳам сол феъли ўз маъно мустақиллигини тўла сақламаган бўлсада, шу феълдаги ҳаракатга хос хусусият сақланган, яъни буларда етакчи феълдаги ҳаракатни ўз устига олган объект (истак ва гап)нинг, сўзловчи ва тингловчи ўртасига (ёки ўзга шахс олдига) «солиниши» сезилиб туради (солиш тушунчаси бор). Сол феъли кўмакчи феъл вазифасида қўлланганда ҳам ана шу «солиш» тушунчаси деярли ҳамма вақт сақланиши сабабли сол кўмакчи феълининг қўлланиши жуда кам феъллар доирасида чегараланиб қолади. Мас., дарахтни кесиш ҳаракатининг тўла бажарилишини кучли оттенка билан ифодалашда *юбор, ташла* кўмакчи феъллари қўлланаверади: *кесиб юборди, кесиб ташлади*. Лекин сол кўмакчи феъли қўлланмайди. Чунки кесиш ҳаракати ва бу ҳаракатни ўз устига олган объект ўртага йўналмайди. Шу сабабли дарахтни *кесиб солди* дейилмайди.

2. Сол кўмакчи феъли равишдошнинг -а аффикси билан ясалган турига бирикканда, ўзи ҳам деярли ҳамма вақт -(и)б аффикси билан ясалган равишдош формасида бўлади ва етакчи феъл билан бирга содда гап таркибидаги равишдош оборотнинг кесими вазифасида келади. Бунда субъектнинг етакчи феълдаги ҳаракатни туғатган (бажарган) замоноқ, шу оннинг ўзидаёқ содда гапнинг кесими вазифасида келган феълдаги ҳаракатни бажаришга ўтиши (шу ҳаракатни бажариши) ифодаланади: *Йўлчи пичоқни ола солиб, узоққа отди* (Ойбек, Қ. қ.). *Саидғози қўлидаги қаламини қўя солиб, чапакка зўр берди* (С. Анорбоев, Оқсой).

Бу маънода сол кўмакчи феъли ўтимсиз феъллар билан ҳам бирика олади: *Йўғон киши ўрнидан тура солиб, Са-*

фаровга ташланди (А. Қаҳҳор, Қ. ч.). У к е л а с о л и б, т р о-
туардаги арқонларга ёйилган кирларга кўз ташлади
(Ш. Тошматов, Э. қ.). У шийпон олдида «Оқтой»дан т у ш а
с о л и б, Қудратга мақтанди (Х. Назир, С. ч.).

Шу нарса характерлики, ҳозирги ўзбек тили нуқтаи наза-
ридан тура солиб, кела солиб каби бирикувларда бевосита
сол кўмакчи феълнинг ўзига хос бўлган маъно ҳақида гапи-
риш қийин, яъни буларда фақат сол кўмакчи феълнинг ўзи
орқали ифодаланадиган маъно йўқ. Бунинг далили сифатида
қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

а) тура солиб, кела солиб каби бирикувлардан сол кўмак-
чи феъли тушириб қолдирилса-да, маъно ўзгармайди (бу асо-
сий далилдор). Қиёсланг: кела солиб ишга тушди — кела
ишга тушди, тура солиб қочди — тура қочди.

Агар кела солиб ишга тушди гапида кел феълидаги ҳа-
ракатнинг бажарилиши биланоқ иккинчи ҳаракатга ўтиш
маъноси бевосита сол кўмакчи феълига хос маъно бўлганида
эди, бу гапдан сол кўмакчи феълени тушириб қолдириш мум-
кин бўлмасди;

б) ҳар қандай кўмакчи феъл, етакчи феълга қандай фор-
мада бирикишидан қатъий назар, ўзи бирикиб келган феъл-
нинг маъносига қўшимча маъно беради. Туша солиб, кела
солиб каби бирикувларда эса сол кўмакчи феъли бирикиб
келган феъллар билдирган ҳаракатлар бирор томондан кон-
кретлаштирилмайди, балки тезлик билан иккинчи ҳаракатга
ўтиш ифодаланади. Мас., кела солиб ишга тушди гапида ке-
лишнинг жуда тез бажарилганлиги ифодаланмайди — келиш
секин-аста бўлиши мумкин. Бунда ишга тушишнинг келган
оннинг ўзида юз бериши ифодаланади. Кўринадики, тезлик
маъноси ҳам сол кўмакчи феъли бирикиб келган феъллардаги
ҳаракатга эмас, балки бошқа феълдаги (ундан кейин бошла-
нувчи) ҳаракатга хос. Кўмакчи феълларнинг бирортасида
ҳам бундай ҳодиса бўлмайди. Ҳар қандай кўмакчи феъл ўзи
бирикиб келган феълнинг маъносига қўшимча маъно беради
(унинг маъноси ўзи бирикиб келган феълдаги ҳаракатга ало-
қадор бўлади);

в) кўмакчи феълларнинг -(и)б ёки -а, -й аффикслари бил-
лан ясалган равишдошга бирикканда ифодаладиган маъно-
си фақат у (кўмакчи феъл) равишдош формасида қўлланган-
дагина реаллашмай, балки унинг маъноси шахс-сон билан
тусланганда ҳам, ҳатто, инфинитив формасида қўлланганда
ҳам ифодаланаверади. Мас., сол кўмакчи феълнинг -(и)б
аффикси билан ясалган равишдошга бирикканда билдирадиган
маъноси шу феъл барча майл формасида қўлланганда
ҳам, барча замон формасида қўлланганда ҳам аниқ ифода-

ланаверади: *тўкиб солса, тўкиб сол, тўкиб солди, тўкиб солди, тўкиб солмоқчи, тўкиб солмоқ* каби. Бундай бирикувларда *сол* кўмакчи феъли ўзига хос маъно ифодалаши сабабли, тушириб қолдирилса, *сол* кўмакчи феълига хос маъно ҳам йўқолади. Қиёсланг: *гапирмоқ — гапириб солмоқ*. Шунга кўра, *сол* кўмакчи феъли *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдош формасига бирикканда ўзига хос бирор қўшимча маъно ифодалайдиган бўлса, унинг бу маъноси фақат равишдош формасида қўллангандагина эмас, балки турли майл формаларида, турли замон формаларида, ҳатто инфинитив формасида ҳам реаллашаверад эди.

Айтилганларнинг ҳаммаси *кела солиб (ишга тушди)* каби бирикувларда ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан *сол* феълининг фақат ўзига хос маъно борлиги ҳақида гапириш қийин эканлигини кўрсатади.

Қисқа хулосалар:

1. *Сол* кўмакчи феъли равишдошнинг *-(у)б* ва *-а, -й* аффикслари билан ясалган турига бирикади.

2. *-(у)б* аффикси билан ясалган равишдошга бирикканда, ҳаракатнинг тўла бажарилиши маъносини билдиради. Бунда фақат ўтимли феъллар билангина бирикади.

3. Ҳаракатнинг тўла бажарилиши маъносини ифодалаган ҳолларда ҳам, кўнинча, *сол* мустақил феълидаги ҳаракатга хос белгини («солиш» оттенкасини) сақлайди. Ана шу оттенкаси билан тўла бажарилиш маъносини ифодаловчи бошқа кўмакчи феъллардан фарқланади.

4. *Сол* кўмакчи феъли ифодалайдиган тўла бажарилиш маъноси равишдош формасидаги феъл билдирган ҳаракатнинг *сол* феълидаги ҳаракатдан аввал бажарилиши хусусиятидан келиб чиқади.

5. Равишдошнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган турига бирикканда, ўзи ҳам ҳамма вақт равишдош формасида қўлланади ва бунда етакчи феълдаги ҳаракатдан тезлик билан (кескин) бошқа бир ҳаракатга ўтиш маъноси ифодаланади. Лекин бу маъно ҳозирги ўзбек тилида *сол* кўмакчи феълисиз фақат *-а* аффикси билан ясалган равишдош формаси орқали ҳам ифодаланаверади.

Туш

Туш кўмакчи феъли, асосан, равишдошнинг *-(у)б* аффикси орқали ясалган турига бирикади ва қуйидаги маъноларни билдиради.

1. Ҳаракатнинг тўла бажарилиши маъносини пастга (қуйига) йўналиш оттенкаси билан ифодалайди: *Директор*

оғир гавдасини кўтариш учун жон-жаҳди билан интилди-ю, яна юмшоқ қумга ағдарилиб тушди (Ш. Рашидов, Б. к.). *От мункиб кетганда эгарнинг устидан дўмба лоқ ошиб тушган паранжисиз қиз, ўйноқи каптардай абжирлик билан ўзини ўнғариб олди-да, жувонга ёрдам бергани шошилди* (А. Қаҳҳор, Мастон).

Келтирилган мисолларда ҳаракатнинг тўла бажарилиши маъноси билан бирга юқоридан пастга йўналиш тушунчаси ҳам бор.

Туш кўмакчи феъли билан ясалган бирикувларда ифодаланадиган тўла бажарилиш маъноси *туш* мустақил феълнинг бирор маъносидан келиб чиқадиган маъно эмас. Тўла бажарилиш маъноси бундай бирикувларда равишдош формасидаги феъл билдирган ҳаракат билан *туш* феълидаги ҳаракатнинг олдинма-кейин бажарилишидан келиб чиқади. Мас., *ирғиб тушмоқ* бирикувида аввал биринчи феълдаги ҳаракат сўнгра иккинчи феълдаги ҳаракат бажарилади, яъни аввал ирғиш сўнгра тушиш бўлади (ирғиш бўлмаса, тушиш ҳам бўлмайди). Олдинма-кейин бўлувчи ҳаракатнинг кейингисига ўтиш (кейингисининг бажарилиши) биринчисининг тўла бажарилиши маъносини келтириб чиқаради, яъни *ирғиб тушмоқ* бирикувидаги тушиш ҳаракатининг бажарилиши ирғиш ҳаракатининг тўла бажарилганлигини кўрсатади. Бу маъно *туш* феълнинг бирор маъносидан келиб чиқмаса-да, *туш* кўмакчи феълнинг қатнашуви билан келиб чиқиши сабабли шу кўмакчи феълга хос маъно сифатида қаралаверади.

Туш кўмакчи феъли билан ясалган бирикувларда ифодаланадиган юқоридан пастга йўналиш тушунчаси *туш* мустақил феълнинг асл маъносининг ўзидир. Лекин бундай бирикувларда *туш* феъли лексик-грамматик жиҳатдан мустақилликка эга бўлмайди. Равишдош формасидаги феъл эса лексик-грамматик жиҳатдан мустақиллигини сақлайди. Шу сабабли равишдош формасидаги феъл асосий феъл, *туш* феъли кўмакчи феъл ҳисобланади ва унинг маъноси ҳам асосий маънога қўшимча тарздаги маъно (асосий маънонинг оттенкаси) ҳисобланади.

Туш кўмакчи феъли билан ясалган бирикувларда баъзан равишдош формасидаги феъл тушириб қолдирилса ҳам ёки *туш* феъли тушириб қолдирилса ҳам асосий маъно ўзгармайди: *Қовоғи о с и л и б т у ш д и*. Бундай ҳолларда қайси феълнинг асосий феъл эканлигини белгилаш қийинроқ бўлади: *Мингбоши, қўққисдан чаён чақиб олгандай, сесканиб кетди. Ранги ўчди, қовоғи яна баттар т у ш д и* (М. Исмоилий, Ф. т. о.). *Акасининг бу ҳаракатидан Рағнонинг кўнгли бузи-*

либ, қовоғи осилди-ю, аразлаганча ҳовлига тушиб кетди (Х. Назир, С. ч.).

Равишдош формасидаги феълни тушириб қолдириш мумкинлигидан бундай ҳолларда *туш* феъли асосий феълдек кўринади. Ҳақиқатда эса *қовоғи осилиб тушди* бирикувида *туш* феъли асосий феъл эмас, балки кўмакчи феъл ҳисобланади. Чунки, биринчидан, бундай бирикувларда равишдош формасидаги феълнинг ёки *туш* феълнинг тушириб қолдирилиши равишдош формасидаги феъл маъно жиҳатдан *туш* феълга жуда яқин ёки унинг синоними бўлгандагина мумкин бўлади. Равишдош формасидаги феъл маъно жиҳатдан *туш* феълга жуда яқин бўлганлигидан уни тушириб қолдириш мумкин ва унинг маъноси *туш* феъли орқали ифодаланаверади. *Қовоғи осилиб тушди* бирикувида ҳам *осил* феъли маъно жиҳатдан *туш* феълга жуда яқин (у ҳам юқоридан пастга йўналишни кўрсатади) бўлганлигидан *осил* феъли тушириб қолдирилса ҳам, унинг маъноси *туш* феъли орқали ифодаланаверади. Лекин бундай феъллар уч-тўрттадан ошмайди.

Иккинчидан, бундай бирикувларда *туш* феълни тушириб қолдириш мумкинлигининг ўзиёқ унинг асосий феъл эмаслигини кўрсатади. Гап шундаки, равишдош формасидаги феъл билан шахсли феълнинг ўзаро бирикувида асосий феъл шахсли феъл бўлиб, у грамматик жиҳатдан ҳокимдир. Шахсли феъл ана шу белгисини сақлаган бўлса, уни тушириб қолдириш мумкин бўлмайди.

Учинчидан, *қовоғи осилиб тушмоқ* бирикувида *туш* феълни тушириб қолдириш ҳамма вақт мумкин бўлади. Лекин *осил* феълни тушириб қолдириш ҳамма вақт мумкин бўлавермайди: *Мамарайим афандининг калтакесак терисига ўхшаган юзидаги жилмайиш осилиб тушган хунук қовоқларигача етиб борди* (М. Исмоилий, Ф. т. о.).

Келтирилган мисолда *туш* феълни тушириб қолдириш мумкин, лекин *осил* феълни тушириб бўлмайди. Бу ҳодиса мазкур бирикувда *осил* феълнинг етакчи феъл, *туш* феълнинг кўмакчи феъл эканлигини кўрсатади.

Демак, *ағдарилиб тушмоқ*, *осилиб тушмоқ* каби бирикувларда *туш* феъли ўз маъносини қай даражада сақлашидан қатъий назар, *туш* феъли тушириб қолдирилса-да, асосий маънонинг ўзгармаслиги мазкур бирикувларда унинг кўмакчи феъл эканлигини кўрсатади. Айрим ҳолларда равишдош формасидаги феълни (етақчи феълни) тушириб қолдириш мумкинлиги эса шу феълнинг маъно жиҳатдан *туш* феълга жуда яқин бўлиши билан изоҳланади.

Умуман, *туш* кўмакчи феъли юқоридаги маънода қўлланган ҳолларда унинг асл маъноси ҳамма вақт маълум дара-

жада сақланади. Шу сабабли унинг бу маънода қўлланиш доираси жуда тор (кам феъллар доирасида қўлланади). Чунки, биринчидан, бундай ҳолларда *туш* феълнинг асл маъноси маълум даражада сақланар экан, у ўтимсиз феъллар билангина бирика олади. Иккинчидан, ҳамма ўтимсиз феъллар билдирадиган ҳаракат юқоридан пастга йўналувчи ҳаракат эмас, балки маълум ўтимсиз феъллардагина йўналиш юқоридан пастга бўлиши мумкин. Йўналиш объектив ҳолда юқоридан пастга бўлмаса, бундай ҳолларда *туш* кўмакчи феълни қўллаб бўлмайди. Мас., *алангламоқ, безмоқ, чангимоқ, етмоқ, завқланмоқ, исимоқ, йўталмоқ, кулмоқ, мириқмоқ, сайрамоқ, семирмоқ, титрамоқ, тўхтамоқ, уялмоқ, чанқамоқ, ярамоқ, қутулмоқ, ҳайиқмоқ* каби феълларда қўйига (пастга) йўналиш бўлмайди. Шу сабабли *туш* кўмакчи феълни бундай феъллар билан бирикмайди. Бу нарса *туш* кўмакчи феълнинг қўлланиш доирасини яна ҳам чегаралаб қўяди.

2. *Туш* кўмакчи феълни *ярашмоқ, ёқмоқ* каби айрим феъллар билан бирикканда, субъектнинг ҳаракат йўналган объекта етакчи феълдаги ҳолатда ўринлашиши (шундай ҳолатда келиши), маъносини билдиради: *Ҳошиясига аллақандай живир-живир гул нақшланган бу тўн унинг паст бўйига, қотма гавдасига жуда ярашиб тушибди* (Х. Фулом, Машъал): *Куй Ойқиз юрагига жуда ёқиб тушди шекилли, ичида унга жўр бўлди* (Ш. Рашидов, Б. к.). *Аммо бу икки ўрим соч қирқ кокилга қараганда жуда ҳам ўзига келишиб тушиб, анга яна бир қайта улғворлик ва олийлик бағишладилар* (А. Қодирий, У. к.).

Келтирилган мисолларда *туш* кўмакчи феълни юқоридан қўйига йўналишни кўрсатмайди. Чунки унинг бу маъноси *туш* мустақил феълнинг «юқоридан қўйига йўналмоқ» маъносига боғланмайди, балки «мос келмоқ, тўғри келмоқ» (русча «подходить») маъносига боғланади: *Комилжон... хиргойи қилиб ашула айтди.. Деҳқонбой ҳам қўшилди. Бироқ унинг овози жўр тушмагач: «Ошналарга ғараз ноошнодир кўзларинг!» Тамом!— деб пилоткасини қўлига урди Комилжон* (Н. Сафаров, Львов ҳақида ҳикоя).

*От-анжоминг хўп тушибди муносиб,
Томоша қилгали келдим, Авазжон*

(«Хушкелди»).

Туш кўмакчи феълнинг юқорида келтирилган уч мисолда билдирган маъноси мана шу икки мисолдаги *туш* феълнинг маъносига мос келади.

Туш кўмакчи феълни бу маънода жуда ҳам саноқли феъллар доирасида қўллана олади. Бунинг сабаби шундаки, *туш*

феъли мустақил феъл сифатида ҳам («подходить» маъносида) жуда кам қўлланади. *Туш* феъли бу маънода қўлланган ҳолларда, кўпинча, ўзи бирикиб келган сўз билан бир бутунликни ташкил этади, яъни таркибидаги сўзларнинг мустақиллигидан кўра, бир бутунлик белгиси кучлироқ бўлади: *мос тушмоқ, маъқул тушмоқ, жўр тушмоқ* каби. *Туш* кўмакчи феъли ҳам юқоридаги маънода ҳар қандай феъллар билан эмас, балки маъно жиҳатдан *туш* феълнинг шу маъносига («подходить» маъносига) жуда яқин бўлган феъллар билангина бирика олади. Бундай феъллар эса саноқлидир.

Қисқа худосалар:

1. Ҳозирги ўзбек адабий тилида *туш* кўмакчи феъли равишдошнинг *-(и)б* аффикслари билан ясалган турига бирикади ва қуйидаги маъноларни билдиради: 1) ҳаракатнинг тўла бажарилиши маъносини қуйига (пастга) қараб йўналиш отенкаси билан ифодалайди: *ағдарилиб тушди*; 2) субъектнинг ҳаракат йўналган объектга етакчи феълдаги ҳолатда ўринлашиши маъносини билдиради: *келишиб тушди, жўр бўлиб тушди*.

2. *Туш* кўмакчи феъли ҳамма вақт асл маъносини маълум даражада сақлаши туфайли унинг қўлланиш доираси жуда чегарали (кўмакчи феъл вазифасида жуда кам феъллар доирасида қўлланади).

Ул

Ул кўмакчи феъли равишдошнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган турига бирикади. Бу феъл ўтимли феъллар билан ҳам, ўтимсиз феъллар билан ҳам бирика олади: *кулиб ўлди—кулдириб ўлди, шошиб ўлди—шошириб ўлди* каби.

Маъноси:

1. Ҳаракат-ҳолатнинг юқори даражада (нормал ҳолатдан юқори) юз беришини билдиради (*соғиниб ўлмоқ, чанқаб ўлмоқ* каби):

Бай-бай-бай, совуқ еб ўлибсан-ку, уйга кира қол (Т. ҳ.). *Бир оздан кейин чиқиб ойим билан сўрашинг, кирмаганингиз учун қайин оналарингиз севинишиб ўлаёттибдилар* (А. Қодирий, У. к.). *Эрталабдан бери тинмайди. Чақир, бир оз дамини олсин, чарчаб ўлди* (Қ. У.).

2. Давомлилиқ, такрорийлик маъносини билдиради (*суриштириб ўлди, чақириб ўлди* каби): *Шу бугун ўзим уйқудан қолиб мудраб ўляпман* (Ҳ. Зиёхонова, Икки врач). *Аллавақтгача ухлай олмадим, қўрқиб ўлдим* (сўзлашувдан).

Ул кўмакчи феълнинг кўрсатилган иккала маъноси ҳам

унинг (*ўл* мустақил феълининг) бир кўчма маъносига боғланади.

Ўл мустақил феъли «бирор ҳаракатни бажаришга ортиқ даражада берилмоқ, бирор нарсага ортиқ даражада мойил бўлмоқ» маъносини билдиради (бу унинг кўчма маъноларидан биридир). *Ўл* кўмакчи феълининг маъноси *ўл* феълининг кўчма маъноларидан ана шунисига боғланади: *Ҳаммадан сени шуниси қизиқтирган бўлса керак-а... Уйин-кулги деса ўл асан* (Х. Зиёхонова, Биринчи мактуб). *Ҳалиги Мамасаид деганимизнинг қизи ҳам бўйига етиб, кўзга кўриниб қолди. Бирорта ҳамёни каттароққа пулласам, деб, томоғи тақиллаб ўлиб юрибди* (П. Турсун, ўқитувчи).

Келтирилган мисолларнинг ҳаммасида ҳам *ўл* феъли, асосан, бир хил маънони—ортиқ даражада берилиш, ҳаракат-ҳолатнинг ортиқ даражада бўлиши маъносини билдиради. Фарқ шундаки, юқоридаги икки пунктда келтирилган мисолларда *ўл* феъли равишдош формасидаги феъл билдирган ҳаракатнинг характеристикасини кўрсатади (унинг маъноси равишдош формасидаги феълнинг маъносига қўшимча маъно ҳисобланади). Шунинг учун ҳам у кўмакчи феълдир. Кейинги мисолларда эса *ўл* феъли мустақил феъл бўлади. Ҳатто, охириги мисолда унинг ўзи етакчи феълдир.

Ўл кўмакчи феълининг маъноси *ўл* мустақил феълининг юқорида кўрсатилган кўчма маъносининг ўзи эканлигини яна шунда ҳам очиқ кўриш мумкинки, *ўл* феълидан ясалган равишлар ҳаракатнинг ортиқ даражада юзга келиши маъносини билдиради, яъни худди *ўл* кўмакчи феъли ифодалаган маънони ифодалайди. Қиёсланг: *ўлгудай чарчадим*—*чарчаб ўлдим*, *ўлгудай йиғлади*—*йиғлаб ўлди*; *ўлгудай кулдим*—*кулиб ўлдим*, *ўлгудай чақирди*—*чақириб ўлди*.

Чарчаб ўлди бирикувидаги *ўл* феъли *ўлгудай чарчади* бирикувидаги *ўлгудай* равиши билан бир хил маъно ифодалаганидан, у ҳам мустақил сўздек кўринади. Ҳақиқатда эса бундай эмас. Чунки ҳаракатнинг белгисини кўрсатиш ва синтактик жиҳатдан ҳол вазифасида келиш равишларга хос хусусиятдир. Шунинг учун ҳам *ўлгудай чарчади* бирикувида *ўлгудай* сўзи лексик жиҳатдан мустақил сўз (равиш), синтактик жиҳатдан эса ҳол ҳисобланади. Равишдош формасидаги феъл билан шахсли феълдан ташкил топган бирикувларда шахсли феълнинг равишдош формасидаги феълнинг белгисини кўрсатиши ва синтактик жиҳатдан ҳол вазифасида келиши мустақил феълларга хос хусусият эмас. Икки феълнинг ўзаро бирикувида ҳамма вақт бунинг акси бўлади, яъни равишдош формасидаги феъл шахсли феълдаги ҳаракатнинг белгисини кўрсатади. Шахсли феълнинг равишдош формасидаги феъл-

нинг белгисини кўрсатиши фақат кўмакчи феълларга хос хусусиятдир. Шундай экан, *чарчаб ўлди* бирикувида *ўл* феъли ўзининг кўчма маъноларидан бирини ифодалашидан қатъий назар, кўмакчи феъл ҳисобланади.

Агар *ўл* феъли шу маъноси билан равишдош формасида қўлланиб, ўзи бирикиб келган феълнинг белгисини кўрсатса, у мустақил сўз ҳисобланади (*ўлиб ишламоқ* каби): *Турғунбой ака ҳар куни эрта билан чиқиб кетиб, ҳуфтонга яқин ўлиб чарчаб келарди* (Ойдин).

Бу мисолда *ўл* феъли мустақил сўз ҳисобланади. У ўзи бирикиб келган феълнинг белгисини кўрсатиб, синтактик жиҳатдан ҳол вазифасида келган.

Демак, *чарчаб ўлди, севиниб ўлди* каби бирикувларда равишдош формасидаги феъл *ўл* феълининг белгисини кўрсатмай, аксинча, *ўл* феъли равишдош формасидаги феълнинг белгисини (характеристикасини) кўрсатиши сабабли у (*ўл* феъли) кўмакчи феъл ҳисобланади.

Ҳаракатнинг ортиқ даражада бажарилиши маъноси ҳаракатнинг юқори (кучли) даражада бажарилиши маъносини ва такрорийлик, давомлилик маъносини келтириб чиқаради, яъни ортиқлик ҳаракат-ҳолатнинг кучига нисбатан бўлиши ҳам мукин, шу ҳаракатнинг миқдорига нисбатан бўлиши ҳам мумкин. *Ўл* кўмакчи феъли айрим феъллар билан бирикканда, фақат ҳаракатнинг кучи (даражаси) даги ортиқлик ифодаланади: *чанқаб ўлмоқ, совуқ еб ўлмоқ, соғиниб ўлмоқ, чарчаб ўлмоқ* каби. Айрим феъллар билан бирикканда эса ортиқлик ҳаракатнинг миқдорига нисбатан бўлади ва бунда такрорийлик, давомлилик маъноси ифодаланади. Чунки ҳаракат бирдан ортиқ бўлди, деган сўз такрорланди, давом этди, деган сўздир: *сўраб ўлди, чақириб ўлди, югуриб ўлди, кулиб ўлди* каби. Лекин бунда ҳам маънонинг кучайиши бор, яъни *сўраб ўлди* — жуда кўп сўради, *кулиб ўлди* — роса кулди, жуда кўп кулди. Шу хусусияти билан *ўл* феъли такрорийлик маъносини ифодаловчи бошқа кўмакчи феъллардан фарқланади.

Ҳаракатнинг кучи (даражаси)нинг нормал ҳолатдан юқорилигини бошқа кўмакчи феъллар, мас., *кет* кўмакчи феъли ҳам ифодалайди. Лекин кучлилиқ (юқорилиқ) *ўл* кўмакчи феълида яна ҳам ортиқ бўлади. Қиёсланг: *чанқаб кетдим — чанқаб ўлдим, чарчаб кетди — чарчаб ўлди*.

Ўл кўмакчи феъли барча кўмакчи феъллардан фарқланувчи ўзига хос, қизиқ бир хусусиятга эга. Бу кўмакчи феъл етакчи феълдан олдин ҳам қўлланади: *ўлди севиниб, ўлди кула-кула, ўлди ёзғириб, ўлди суриштириб* каби. Бу ҳодиса оддий сўзлашувда кўп учрайди. Кўмакчи феълнинг етакчи

фeълдан аввал қўлланиши бошқа бирорта ҳам кўмакчи фeълда учрамайди.

Ул кўмакчи фeъли етакчи фeълдан олдин қўлланганда, маъно яна ҳам кучаяди, шахс-сон билан тусланган *ул* фeълини равишдош формасидаги фeълдан олдин қўллаш билан маъно яна ҳам кучайтиради: *суриштириб ўлди — ўлди суриштириб, севиниб ўлди — ўлди севиниб*. Буларнинг иккинчисида маъно биринчисига нисбатан кучли бўлади. Бундай ҳолда *ул* фeъли алоҳида урғу билан айтилади.

Сўз охирида шунини ҳам айтиш керакки, *ул* фeъли кўрсатилган маънода мустақил фeъл сифатида қўлланганда ҳам, шунингдек, кўмакчи фeъл сифатида қўлланганда ҳам, кўпинча, салбий оттенкага эга бўлади. Шунинг учун ҳам, субъект *ул* фeълини бу маънода ўз ҳаракатига ёки ўзи билан сирдош, ҳар нарсани тортинмай гаплашиши мумкин бўлган шахснинг ҳаракатига нисбатан қўллаверилади. Лекин субъект учун жуда ҳурматли бўлган шахснинг ҳаракатига нисбатан қўлламайди. Мас., субъект ўзининг мудраш ҳаракатининг ортиқ даражада юз беришини «*мудраб ўляпман*» тарзида ифодалайверади. Шунингдек, ҳар нарсани очиқчасига гапираверадиган дўстига нисбатан «*мудраб ўляпсан*» деяверади. Лекин ҳар нарсани очиқ гаплашавермайдиган (азиз) меҳмонига нисбатан «*мудраб ўляпсан*», демайди.

Қисқа хулосалар:

1. Ул кўмакчи фeъли равишдошнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган турига бирикади ва икки маънони ифодалайди: 1) ҳаракат-ҳолатнинг кучли даражада юзага келиши маъноси: *чарчаб ўлди*; 2) такрорийлик, давомлилик маъноси: *мақтаб ўлди*. Бунда ҳам маънонинг кучайиши бўлади.

2. Ул кўмакчи фeълининг иккала маъноси ҳам *ул* мустақил фeълининг бир кўчма маъносидан — ортиқ даражада берилмоқ, ортиқ даражада мойил бўлмоқ маъносидан келиб чиққан.

3. Ул кўмакчи фeъли етакчи фeълдан олдин ҳам қўллана олади. Бунда маъно яна ҳам кучаяди: *ўлди севиниб*.

Кўр

Кўр кўмакчи фeъли равишдошнинг *-(и)б* ва *-а, -й* аффикслари билан ясалган турига бирикади. Бу кўмакчи фeъл ўтимли фeъллар билан ҳам, ўтимсиз фeъллар билан ҳам бирика олади: *ишлаб кўр, бориб кўр, ялиниб кўр, айта кўрма каби*.

1. *Кўр* кўмакчи фeъли равишдошнинг *-(и)б* аффикс билан ясалган турига бирикканда, етакчи фeълдаги

ҳаракат синаш, билиш учун бажариладиган ҳаракат (билиш, синаш ҳаракати) эканлиги маъносини билдиради: *Зокир ота Сидиқжонга бир оз ғўза чоптириб кўрди-ю, чопиққа ниҳоятда чечан эканини кўриб: «Отанга раҳмат!»— деди (А. Қаҳҳор, Қ. ч.). Майли, толеи йўқ дўстингни бугун бўлмаса, эртага ёқлаш тўғрисида ўйлаб кўраман (Ш. Рашидов, Б. к.). Мирқосим извошдан тушиб, ...сийрак катта тарақларни қучоқлаб, чамалаб кўрди (Х. Фулом, Машғал).*

Кўр мустақил феълнинг асосий маъноларидан бири «синамоқ, текширмоқ, тажрибадан ўтказмоқ» маъносидир:

— Сен ўн беш кунда саводини чиқарсанг, мен ўн кунда чиқараман.

— Ҳўп, иккита одам топ, кўра миз! (А. Қаҳҳор, Мирзо).

*Бир йигитнинг аслин билай десангиз,
Маъракада ўтириб-туришин кўринг (Махтум-қули).*

Ботирсинган йигитни

Ер келганда кўра миз.

Чечансинган йигитни

Дов келганда кўра миз (Мақол).

Кўрайчи, қадамим муборак бўлармикан (А. Қодирий, У. к.).

*Кўр кўмакчи феълнинг маъноси кўр мустақил феълнинг ана шу маъносининг ўзидир. Фарқ шундаки, кўр феъли «синаш, текшириш» маъносида равишдош формасидаги феъл билан бирикиб келганда, лексик-грамматик жиҳатдан мустақиллиги йўқолади. У ифодалаган маъно равишдош формасидаги феъл ифодалаган маънога қўшимча тарздаги маъно ҳисобланади, яъни бунда кўр феъли равишдош формасидаги феъл билдирган ҳаракатнинг характеристикасини кўрсатади. Шу сабабли у кўмакчи феъл ҳисобланади. Кўр феъли шу маънода ўзи якка қўлланганда (равишдош формасидаги феълга бирикмаганда), лексик-грамматик жиҳатдан мустақиллиги тўла сақланади: *Нима эканини билдингми?... Турган-битгани асал... мана, чайнаб кўр! Кўргин, бўлмаса, иннайкейин дегин (А. Қаҳҳор, Анор).**

Бу мисолда *кўр* феъли *чайнаб кўр* бирикувида ҳам, шунингдек, якка ҳолатда ҳам бир хил маънода қўлланган — иккаласида ҳам синаш, текшириш маъносини билдиради. Лекин бундан қатъий назар, *чайнаб кўр* бирикувида *кўр* феъли кўмакчи феъл ҳисобланади. Чунки у равишдош формасидаги феъл билдирган ҳаракат билиш, белгилаш учун бажарилувчи ҳаракат эканлигини, демак, шу феълдаги ҳаракатнинг ха-

рактистикасини кўрсатади. Равишдош формасидаги феъл билан шахсли феълнинг ўзаро бирикувида иккала феъл лексик ва грамматик жиҳатдан мустақиллигини сақлаган ҳолларда ҳамма вақт равишдош формасидаги феъл шахсли феълнинг белгисини кўрсатади ва грамматик жиҳатдан унга тобе бўлади. Шахсли феълнинг равишдош формасидаги феъл билдирган ҳаракатнинг белгисини — характеристикасини кўрсатиши фақат кўмакчи феълларга хос хусусиятдир, яъни етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувлардагина шундай ҳодиса бўлади.

Демак, *ичиб кўр, еб кўр, ёзиб кўр* каби бирикувларда *кўр* феъли ифодалайдиган маъно шу феълнинг мустақил феъл сифатида ифодалайдиган маъноларидан биридир. Лекин бундай бирикувларда *кўр* феъли равишдош формасидаги феъл билдирган ҳаракатнинг характеристикасини кўрсатиши сабабли у (*кўр* феъли) кўмакчи феъл ҳисобланади.

2. *Кўр* кўмакчи феъли равишдошнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган турига ҳам бирикади. Бу ҳодиса фақат буйруқ майли доирасидагина учрайди, *кўр* феълнинг ўзи эса ҳамма вақт бўлишсиз формада қўлланади. Бунда ҳаракатни бажармасликни қатъий таъкидлаш, қатъий огоҳлантириш маъноси ифодаланади (*бора кўрма, ола кўрмасин* каби): *Формада олиб бора кўрма... ЗАГС мудирининг жини кўзғамасин тагин* (А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар). *Қақилдоқсанки, отанг эшити кўрмасин...* (Ойбек, Н. қ.). *Бу сирни ҳеч кимга айта кўрма* (Ғайратий, Тепалик мазор).

Қара, боқ

Қара ва *боқ* кўмакчи феъллари фақат равишдошнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган турига бирикади ва *кўр* кўмакчи феъли равишдошнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган турига бирикканда ифодалайдиган маънони — етакчи феълдаги ҳаракат билиш, белгилаш, аниқлаш учун бажарилувчи ҳаракат эканлиги маъносини билдиради: *Малоҳат суриштиргани корхонага борибди. Суриштириб қараса, Жонфигон фақат ўн етти кун ишлабди, холос* (А. Қаҳҳор, Жонфигон). *Рашид ака хотинининг ўша кунги гапидан кейин бундоқ ўйлаб қараса, колхозда гўё унинг мавқеи тарози босмайди* (Шухрат, Мукофот). *Ҳа, яна бир камчилик: ...хужуминг бу сафар суст кўринади. Мана ўқиб боқ* (Ойбек, Н. қ.). *Шербекнинг юзига қўлининг орқасини қўйиб боқса, ҳойнаҳой иссиқ чиқаётгандир* (С. Анорбоев, О. ш.).

Бир хил маъно ифодаловчи *кўр, қара, боқ* кўмакчи феъллари ўртасида стилистик жиҳатдан бирор фарқ йўқ. Шунинг-

дек, улардан бирини фақат бирор шевага хос, деб ҳам бўлмайди. Бу кўмакчи феъллар жонли сўзлашувда ҳам, ёзувда ҳам аралаш қўлланаверади:

Уйлаб кўринг, бу улар учун жуда ҳам катта меҳнат, машаққат эмасми?... Энди ўйлаб қарасам, у бахтини эмас, бахтсизлигини йўқотган экан (Саид Аҳмад, Баҳор сувлари).

*Битта эмас қўлинг қизим,
Иккита-ку санаб боқ:
Санаб кўрар у яна жим
Ва қиқирлар қақаноқ* (Т. Тўла, Иқбол кўшиғи).

Етакчи феълдаги ҳаракатнинг синаш, билиш учун бажарилувчи ҳаракат эканлиги маъносини ифодаловчи юқоридаги уч кўмакчи феъл фақат қўлланиши жиҳатидан ўзаро фарқланади. Булар ичида энг актив (кўп) қўлланувчиси *кўр* кўмакчи феълдир. *Қара* кўмакчи феъли унга нисбатан анча кам қўлланади. *Қара* кўмакчи феълига нисбатан *боқ* кўмакчи феъли яна ҳам кам қўлланади.

Қара феълнинг асосий маъноси «назар ташламоқ, назар солмоқ» маъносидир. Бу маънода у ҳамма вақт жўналиш келишигидаги сўзни бошқариб келади. *Кўр* феъли эса биринчи маъносида ҳамма вақт тушум келишигидаги сўзни бошқариб келади: *китобга қара* — *китобни кўр*. Лекин *қара* феъли ҳозирги ўзбек тилида *кўр* феълнинг синоними сифатида кенг қўлланади ва худди *кўр* феъли каби тушум келишигидаги сўзни бошқариб келади: *гапини кўр* — *гапини қара*, *рангини кўр* — *рангини қара*, *ҳидини кўр* — *ҳидини қара* каби. Шунингдек, *қара* феъли ҳам *кўр* феъли каби «синамоқ» маъносига эга: *Бир-икки кун ишлай. Кейин қарайман, ёқмас, бошқа ерга кетаман* (сўзлашувдан).

Бу мисолдаги *қара* феъли ўрнида *кўр* феъли қўлланса ҳам, маъно ўзгармайди. *Қара* кўмакчи феълнинг маъноси ҳам унинг шу маъносининг ўзидир, яъни *ишлаб қара* бирикувида ҳам *қара* феъли натижани билиш маъносини билдиради. Бу маъно равишдош формасидаги феълнинг маъносига қўшимча тарздаги маъно бўлгани учун *қара* феъли кўмакчи феъл ҳисобланади.

Боқ феъли мустақил феъл сифатида «синамоқ, текширмоқ» маъносига эга эмас. Лекин у «назар солмоқ» маъносида *қара* феълнинг синоними ҳисобланади. Бизнингча, бу феълнинг ҳаракатнинг билиш, белгилаш учун бажарилиши маъносини ифодаловчи кўмакчи феъл сифатида қўлланиши унинг *қара* феъли билан синонимлиги таъсирида бўлса керак.

Бил кўмакчи феъли равишдошнинг -а, -й аффикслари орқали ясалган тури билан бирикади ва етакчи феълдаги ҳаракатни бажаришга қодирлик, шу ҳаракатнинг субъект кўлидан келиши (бўлишсиз формада қодир эмаслик, кўлидан келмаслик) маъносини билдиради. Шунга кўра, у ол кўмакчи феълнинг синоними ҳисобланади: ...*фирқа сенинг душманларинг билан ҳам ҳисоблаша олади, турмушингни ҳам тугата билди* (А. Қодирий, О. к.). *Бунинг устига Шерназарбой Шомурод бахши билан Вакил ўртасидаги адоват ва келишмовчиликлардан яхши фойдалана билди* Ж. Шарипов, Хоразм). *Қани иложи бўлса, битта одам тутмасдан, бутун ишни ўзинг эплай билсанг...* (Ойбек, К. қ.). *Чўпоннинг иши пахтакорникидан қолишмайди. Фақат ҳамма гап ишни дўндира билишда* (С. Анорбоев, Ҳаракатда баракат).

Проф. Н. А. Баскаковнинг кўрсатишича, бу маънода бил кўмакчи феълнинг қўлланиши ўғиз группасига мансуб бўлган туркий тиллар учун характерли (норма) ҳисобланади. Бошқа группага оид тилларда эса бу маънода, асосан, ол кўмакчи феъли қўлланади*. Проф. А. Н. Кононов ўзбек адабий тилида ҳаракатни бажаришга қодирлик маъносида бил кўмакчи феълнинг қўлланишини «нормадан четланиш» деб ҳисоблайди³⁰. Проф. А. Ғ. Фуломов ҳам юқоридаги маънода бил кўмакчи феълнинг қўлланиши ўзбек адабий тили учун характерли эмас, балки «баъзан учраб қолувчи» ҳодиса деб кўрсатади³¹.

Бил кўмакчи феълнинг қўлланиши ҳақида айтилган бу фикрлар ҳақиқий ҳолатга мос келади. Бу кўмакчи феъл ўзбек адабий тили учун асос бўлувчи шеваларда деярли қўлланмайди³², балки у ўзбек тилининг ўғиз лаҳжасига оид шеваларда, мас., хоразм шеваларида қўлланади ва маъно жиҳатдан адабий тилдаги ол кўмакчи феълга тенг келади³³.

* Н. А. Баскаков, Каракалпакский язык, II, Фонетика и морфология, ч. I, М., 1952, стр. 381—382.

³⁰ А. Н. Кононов, Грамматика современного узбекского литературного языка, М.—Л., 1960, стр. 201.

³¹ А. Ғ. Фуломов, Феъл, Тошкент, 1954, 79-бет.

³² Ўзбек адабий тилининг диалектал асоси ҳақида. Қаранг: В. В. Решетов, О диалектной основе узбекского литературного языка. Вопросы языковедения, № 1, 1955.

³³ Қаранг: Ф. Абдуллаев, Хоразм шевалари, I, Тошкент, 1961, 171-бет.

Ўзбек адабий тилида ҳаракатни бажаришга қодирлик (бажаришнинг қўлдан келиши) маъносида ол кўмакчи феълини қўллаш нормал ҳолат ҳисобланади. Бу кўмакчи феъл жисмоний ҳаракатни бажаришга қодирлик маъносини ифодалаш учун ҳам, ақлий ҳаракатни бажаришга қодирликни ифодалаш учун (яъни у русча «мочь» ва «уметь» маъноларида) ҳам қўлланаверади: тура олмоқ, чопа олмоқ, ўқий олмоқ, ёза олмоқ каби.

Бадий адабиётларда бил кўмакчи феълининг ҳам «мочь», «уметь» маъноларида қўлланиши кўп учрайди. Лекин бундай қўллашнинг ҳозирги адабий тил нуқтаи назаридан сунъийлиги кўп ҳолларда сезилиб туради. Бу ҳодиса, айниқса, бил кўмакчи феъли «мочь» маъносида қўлланганда жуда аниқ сезилади: *Энди руҳсат, кета биласиз...* (М. Исмоилий, Ф. т. о.). *Содиқ Саркор чанғалидаги калитларни икки-уч тортиб ҳам ола билмади* (Ҳ. Шамс. Ҳуқуқ) ...агар ўз دادаси ва акалари эшитса, улар Йўлчининг шалоқ йигит эканига ишонадилар, ҳайдайдилар; кейин Йўлчини хизматкорликка ола билмади (Ойбек, Қ. қ.) ...кун обдон қизиққандан кейин ҳаммалари ишдан чиқиб икки соат ухлаб оладилар. Шунда улар тилаганча чой ича билдилар (А. Қодирий, О. қ.).

Келтирилган мисолларда бил феълининг «мочь» маъносида қўлланиши адабий тил нуқтаи назаридан нормал ҳолат ҳисобланмайди ва бу нарса аниқ сезилиб туради.

Бил кўмакчи феъли ақл билан бажариладиган ҳаракатларга нисбатан («уметь» маъносида) қўлланганда, сунъийлик сезилмайди, балки адабий тил нуқтаи назаридан ҳам нормал ҳолат сифатида бўлаверади. Чунки бунда бил кўмакчи феълининг маъноси унинг мустақил феъл сифатида қўлланганда ифодалайдиган маъносига тўғри қелади: *Лекин масала тўғри йўли, ҳақиқатни кўрсата билишда* (Ойбек, Н. қ.) ...ҳар бир меҳнаткаш оқни қорадан, дўстни душмандан ажрата билиши керак (Ҳ. Фулом, Мащъал). Шароит билан алдамасдан, ишлата билиш керак одамларни... (А. Мухтор, Туғилиш). Алиқул фикрини ошкор айтиш зарурати туғилиб қолганда ҳам ўзини тута биларди (Ш. Рашидов, Б. қ.).

Келтирилган мисолларда бил кўмакчи феъли билдирган маъно унинг мустақил феъл сифатида қўлланганда ифодалайдиган маъносининг ўзи эканлиги сезилиб туради. Шунинг учун ҳам келтирилган мисолларда бил феълининг қўлланишида сунъийлик сезилмайди, яъни юқоридаги мисолларда бил

кўмакчи феълининг қўлланиши шу кўмакчи феъл қўлланмайдиган шеваларнинг вакиллари учун ҳам сунъий («ғалати») сезилмайди. Шунга кўра, бизнингча, бирор ҳаракатни бажаришни билиш («умение производить к.-л. действия») маъносини ифодалаш учун бил кўмакчи феъли қўлланган ҳолатларни нормадан четланиш, деб қарамаса ҳам бўлади³⁴. Ҳатто, бу маънода ол кўмакчи феълига нисбатан бил кўмакчи феълини қўллаш, кўп ҳолларда, жуда ўринли бўлади. Юқорида келтирилган мисоллардаги бил кўмакчи феъли ўрнида ол кўмакчи феъли қўлланса, бу нарса аниқ кўринади: ажрата билиш керак — ажрата олиш керак, ишлата билиш керак — ишлата олиш керак. Албатта, бу бирикувларда ол кўмакчи феълига нисбатан бил кўмакчи феълини қўллаш ўринлидир.

Ез

Ез кўмакчи феъли равишдошнинг -а, -й аффикслари билан ясалган турига бирикади ва қуйидаги маъноларни билдиради:

1. Ҳаракатнинг юз беришига оз қолганлиги, лекин ҳали бажарилмаганлиги маъносини билдиради: *Қизнинг паранжисини кўриши биланоқ йигитнинг юраги қинидан чиқа ёзди* (Ойбек, Қ. қ.). *Осилжонни қаттиқ титроқ босди, уларнинг салобатидан кўрқиб, ўйлаб қўйган гапини йўқота ёзди* (Ж. Шарипов, Хоразм). *Агар Офтобхон тасодифан кибриб қолмаса, онангдан ажрала ёзган экансан* (Ҳ. Зиёхонова, Арзанда). *Ҳаммалари кулишиб, айниқса, Ҳолмирза аканинг хи-хилашдан ичаги узила ёзди* (А. Қодирий, О. к.).

2. Ҳаракатнинг тўла даражада бажарилишига яқинлашганлик, оз қолганлик маъносини билдиради: *Кумушбиби энди ўн еттини қўйиб, ўн саккизга қадам босганлигидан бўйи ҳам онасига ета ёзган, аммо жуссаси онасига кўра тўлароқ эди* (А. Қодирий, У. к.). *Механик-ҳайдовчи ярим соатдан бери чиқаз олмай, моторни гувиллатавериб ёнилғини тугата ёзган экан* (Саид Аҳмад, Чўл бургути).

— *Қўлдошвой, рўйхат нима бўлди?*

— *Рўйхат тамом бўла ёзди* (Ҳ. Шамс, Душман).

Ез кўмакчи феъли ҳаракатнинг бажарилишга яқинлашганлиги (бажарилиш арафасида эканлиги) маъносини ифо-

³⁴ Проф. Н. А. Баскаковнинг кўрсатишича, қорақалпоқ тилида ҳам бил кўмакчи феъли, кўпинча, ҳаракатни бажаришни билиш (уддалаш) маъносида қўлланади (юқоридаги асар, 382-бет).

далаган ҳолларда етакчи феъл, одатда, тугал бажарилиш маъносини ифодаловчи феъллар бўлади. Агар бирор феъл билдирган ҳаракат шундай характерга эга бўлмаса, бу ҳаракатнинг бажарилишига яқинлашганлиги маъносини ифодалашда *ёз кўмакчи феъли билан бирга бўл кўмакчи феъли* ҳам қўлланади: *Ҳамма ўз пилласини топшириб бўла ёзди-ю,..* (З. Фатхуллин, Ғунчалар). *Мана, Кўкорол пахтазори ғумай, қиёқ, печак каби ўтлардан тозаланиб бўла ёзди* (Ҳ. Назир, С. ч.).

Юқоридаги иккала пунктда келтирилган мисолларда ҳам *ёз кўмакчи феъли*, умуман, оз қолганлик маъносини билдиради. Фарқ шундаки, *йиқила ёзди, ўла ёзди* каби бирикувларда ҳаракатнинг бажарилишига оз қолганлиги, лекин бажарилмаганлиги маъноси (русча «чуть не...» деган маъно) ифодаланади. *Тугата ёзди, ўқиб бўла ёзди* каби бирикувларда эса ҳаракатнинг бажарилмаганча қолиши (яъни «чуть не...» деган маъно) ифодаланмайди, балки ҳаракатнинг тўла бажарилишга яқинлашганлиги ифодаланади. Шу сабабли *ёз кўмакчи феълининг йиқила ёзди* бирикувида ифодалаган маъноси билан *ўқиб бўла ёзди* бирикувида ифодалаган маъносини бир-биридан фарқли маънолар сифатида қараган маъқулроқ.

Ёз кўмакчи феъли билан ясалган бирикувлар, асосан, ўтган замон формасида қўлланади. Бу ҳодисани фақат ўзбек тилигагина эмас, шунингдек, бошқа туркий тилларга нисбатан ҳам айтиш мумкин.

А. Харисовнинг кўрсатишича, бунинг сабаби *ёз кўмакчи феъли билан ясалган бирикувларда етакчи феълдаги ҳаракатнинг тасодифий ҳаракат бўлишидир*³⁵. Агар шундай бўлса, у ҳолда *ёз кўмакчи феълининг тасодиф маъносига эгаллиги кўрсатилиши керак эди. Лекин автор бу ҳақда ҳеч нарса демайди. Бошқа туркий тилларга оид адабиётларда ҳам ёз кўмакчи феълининг тасодиф маъносига эгаллиги кўрсатилмайди. А. Харисовнинг ишида келтирилган мисолларнинг ҳам ярмидан кўпида тасодиф маъноси йўқ.*

Тўғри, *ёз кўмакчи феъли айрим феъллар билан бирикканда, етакчи феълдаги ҳаракат тасодифий ҳаракат эканлиги англашилади. Лекин бу маъно ёз кўмакчи феъли орқали ифодаланмайди, балки етакчи феълдаги ҳаракатнинг хусусиятидан келиб чиқади. Мас., йиқила ёзди бирикувида етакчи феълдаги ҳаракатнинг тасодифий ҳаракат эканлиги англашилади. Лекин бундаги тасодиф маъносининг ёз кўмакчи феълига дахли йўқ. Ёз кўмакчи феъли бу бирикувда ҳам оз қол-*

³⁵ Қаранг: А. Харисов, Категория глагольных видов в башкирском языке, Уфа, 1944, стр. 71.

ганлик маъносини билдиради. Тасодиф маъноси эса етакчи феълдаги ҳаракатнинг хусусиятидан келиб чиқади, яъни бу ҳаракат (йиқилиш) субъект онгли равишда бажарадиган ҳаракат эмас. Бу ҳаракатнинг юз бериши субъектнинг хоҳиш-ихтиёридан ташқари бўлади. Ана шундан тасодиф маъноси келиб чиқади.

Айтайлик, *ёз* кўмакчи феъли тасодиф маъносига эга бўлсин. Лекин бу билан *ёз* кўмакчи феълининг деярли ҳамма вақт ўтган замон формасида қўлланиш сабабини исботлаб бўлмайди. Чунки келгусида бўладиган ҳаракат ҳам тасодифий ҳаракат бўлиши мумкин. Мас., қол кўмакчи феъли тасодиф маъносига эга. Лекин қол кўмакчи феъли бу маънода фақат ўтган замон маъносидагина эмас, шунингдек, ҳозирги замон, келаси замон маъноларида ҳам қўллана олади: *Бироз келиб қолса, қаерга яширинамиз?*

ёз кўмакчи феъли билан ясалган бирикувларнинг деярли ҳамма вақт ўтган замон формасида қўлланиши шу кўмакчи феълнинг ўз маъноси билан изоҳланади, яъни ҳаракатнинг юзага келишига оз қолиши фақат шу ҳодиса юз берган ҳоллардагина реаллашади. Йўқ ҳаракатнинг (келгусида бўладиган ҳаракатнинг) бажарилишига оз қолиши ҳақида аввалдан ҳукм чиқариш мантиққа тўғри келмайди. Мас., эртага бўладиган йиқилиш ҳаракатининг бажарилишига оз қолиши ҳақида бугун ҳукм чиқарилмайди. Шунга кўра, ҳеч вақт *«эртага йиқила ёзасан»* дейилмайди. Кулиш ҳаракатининг ҳам келгусида бажарилишига оз қолиши ҳақида илгаридан ҳукм чиқариб бўлмайди (*эртага кула ёзади* дейилмайди) ва ҳоказо. *ёз* кўмакчи феъли билан ясалган бирикувларнинг келаси замон маъносида қўлланмаслик сабаби, бизнингча, ана шунда.

Ҳозирги замон формасида ҳаракат сўзловчининг кўз олдида (яъни унинг учун реал факт сифатида) бўлади. Шундай экан, *ёз* кўмакчи феъли ҳозирги замон формасида қўлланиши лозим бўлади. Ҳақиқатда ҳам *ёз* кўмакчи феъли ҳозирги замон маъносида қўлланиши мумкин. Лекин шуниси борки, ҳаракатнинг бажарилишига оз қолиб, лекин бажарилмасликнинг юзага келишида давом этавериши объектив ҳолда кам бўладиган ҳодиса. Мас., йиқилишга ёки кўришга оз қолишнинг сўзловчи кўз олдида давом этавериши жуда ҳам кам бўладиган ҳодиса. Шунга кўра, *ёз* кўмакчи феълнинг ҳозирги замон формасида қўлланиши (*йиқила ёзяман, кўра ёзяман* формасида қўлланиши) ҳам деярли учрамайди.

Ҳаракатнинг бажарилиш олдида бўлиши объектив ҳолда кўп бўладиган ҳодиса. Лекин *ёз* кўмакчи феъли ҳаракатнинг бажарилиш олдида эканлиги маъносини ифодаламайди. У

хамма вақт ҳаракатнинг бажарилишга оз қолганлиги, лекин бажарилмаганлиги маъносини ифодалайди. Ҳаракатнинг бажарилмаганлиги назарда тутилмай, унинг фақат бажарилишга оз қолганлиги (бажарилиш олдида эканлиги) маъносини ифодалашда қол кўмакчи феъли ёки *де* феълининг биринчи шахс истак майлига бириккан формаси қўлланади.

Мас., бирор нарсанинг йиқилиш арафасида (йиқилиш олдида) мавжудлигини ифодалашда деярли ҳамма вақт *демоқ* феълининг биринчи шахс истак майлига бириккан формаси қўлланади: *йиқилай деяпти*. Бунда ҳаракатнинг юзга келмаганлиги ифодаланмайди. Фақат шу ҳаракатнинг бажарилиш олдида эканлиги ифодаланади: *Вой, ахир гуручини солай деяпман-а*, болам (Р. Файзий, Қайнана).

Бу мисолда субъектнинг гуручни солиш арафасида турганлиги — гуручни солишга жуда оз вақт қолганлиги ифодаланади. *Ёз* кўмакчи феъли бу маънони ифодаламаслиги сабабли *солай деяпман* бирикуви ўрнида *сола ёзпман* бирикувини қўллаб бўлмайди.

Демак, ҳаракатнинг бажарилишга оз қолиб, унинг бажарилмасликда (йўқ ҳаракатлигича қолишда) сўзловчи кўз олдида давом этиши ҳам объектив равишда жуда кам бўладиган ҳодиса. *Ёз* кўмакчи феъли билан ясалган бирикувларнинг ҳозирги замон формасида жуда кам қўлланишининг сабаби ҳам ана шунда.

Ёз кўмакчи феъли ҳақида фикр баён қилинган адабиётларнинг баъзиларида *ёз* мустақил феълининг «писать» маъноси³⁶, айримларида «лишиться» маъноси³⁷, баъзиларида эса «ошибаться» маъноси³⁸ кўрсатилади. Бу билан авторлар *ёз* кўмакчи феълининг маъноси унинг ана шу ўзлари кўрсатган маъносига боғланади, деб қарайдиларми ёки, умуман, *ёз* мустақил феълининг шу маънога эгалигини кўрсатадиларми, бу нарса ҳам аниқ эмас.

Ёз кўмакчи феълининг «хат ёзмоқ», «қанот ёзмоқ», «дастурхон ёзмоқ» каби бирикувларда *ёз* феълига алоқаси йўқлигига шубҳа бўлмаса керак. Чунки бу бирикувлардаги *ёз* феъли ифодалайдиган маъно билан *йиқила ёзди* бирикувидаги *ёз* феъли ифодалайдиган маъно ўртасида ҳеч қандай боғланиш (алоқа) йўқ.

Шунингдек, *ёз* кўмакчи феъли ифодалайдиган маъно —

³⁶ Қаранг: Н. К. Дмитриев, Грамматика башкирского языка, М.—Л., 1948, стр. 200.

³⁷ Қаранг: А. Харисов, Категория глагольных видов в башкирском языке, Уфа, 1940, стр. 70.

³⁸ Қаранг: Н. А. Баскаков, Қаракалпакский язык, II, Фонетика и морфология, ч. 1, М., 1952, стр. 376.

бажарилишга оз қолиш маъносини ёз мустақил феълининг «гуноҳ қилмоқ» маъносидан келтириб чиқариш ҳам мумкин эмас. Чунки гуноҳ қилишда «оз қолиш» элементи йўқ.

Йиқила ёзди каби бир-икки бирикувларда ҳаракатнинг тасодифан юз беришининг англашилишидан ёз кўмакчи феълининг кўрсатилган маъноси билан ёз мустақил феълининг «адашмоқ», «янглишмоқ» маъноси ўртасида боғланиш бордек кўринади, яъни *йиқила ёзди* бирикувида ҳам ҳаракатни «билмасдан бажариш» англашилади. Лекин ёз кўмакчи феъли билдирадиган «оз қолганлик» маъносини ёз мустақил феълининг «адашмоқ, янглишмоқ» маъносидан келтириб чиқариб бўлмайди. Чунки, биринчидан, ёз кўмакчи феъли бириккита феъл билан бириккандагина шу феълдаги ҳаракатнинг тасодифан, хоҳиш-ихтиёрдан ташқари юз бериши англашилади. Лекин бу маъно ҳам, юқорида кўриб ўтганимиздек, етакчи феълдаги ҳаракатнинг хусусиятидан келиб чиқади. Иккинчидан, адашиш, хато қилиш, янглишишда «оз қолиш» элементи йўқ. Шунга кўра, субъектнинг бирор ҳаракатни билмасдан (янглишиб) бажаришидан ҳеч вақт оз қолиш, яқинлашиш маъноси келиб чиқмайди. Аксинча, билмасдан, янглишиб бажариб қўйиладиган ҳаракат фақат тасодифий, хоҳиш-ихтиёрдан ташқари юз берувчи ҳаракат бўлади. Демак, ёз феъли «адашмоқ», «янглишмоқ» маъноси билан кўмакчи феълга айланган бўлганида, бу кўмакчи феъл оз қолганлик маъносини эмас, балки тасодиф маъносини ифодалаш керак эди.

Бизнингча, ёз феъли тарихан ҳозирги ўзбек тилида *озаймоқ* феъли билдирадиган маънога («камаймоқ, оз қолмоқ» маъносига) ҳам эга бўлган бўлса керак. Ҳозирги ўзбек тилида *озмоқ* феъли билдирадиган маъно ҳам бунга маълум даражада далил бўла олади. *Озмоқ* феъли ҳозирги ўзбек тилида тананинг нормал ҳолатдан озайиши маъносини билдиради. Бунда камайиш, оз қолиш тушунчаси бор, яъни «озди» деганда танадаги гўшт, ёғ кабиларнинг нормал даражадан озайиши (камайиши) ифодаланади. *Оз* феъли тарихан ҳам худди шу маънога эга бўлган бўлиши керак. Унинг фақат киши ёки бошқа жониворларнинг танасидаги гўшт-ёғнинг камайиши маъносида қўлланиши кейин юз берган ҳодиса бўлса керак. Аслида эса, умуман, *озайиш* (оз қолиш) маъносида қўлланган бўлса керак³⁹. Худди шу маънода оз феъли билан

³⁹ Проф. Қ. К. Юдахиннинг кўрсатишича, қирғиз тилида *озмоқ* феъли «камбағаллашмоқ» маъносига ҳам эга. Қаранг: Проф. Қ. К. Юдахин, Киргизско-русский словарь, М., 1940, стр. 59. *Оз* феълининг бу маъноси ҳам, албатта, унинг «озаймоқ, камаймоқ» маъносига эга бўлганлигини кўрсатади. Чунки камбағаллашди, деган сўз мол-мулки камайди, озайди деган сўздир.

бирга ёз феъли ҳам қўлланган, деб қараш мумкин. Чунки тарихан оз ва ёз феъллари деярли бир хил маънода қўлланган. Бу ҳодисани ҳозирги туркий тиллардаги ёз ва оз феълларини қиёслаганда ҳам аниқ кўриш мумкин. Мас., ўзбек тилидаги *ақдан озмоқ, йўлдан озмоқ* бирикувларидаги оз феъли ўрнида бошқирд тилида ёз феъли қўлланади⁴⁰. Бу ҳодиса ҳозирги ўзбек тилига оид бадий асарларда ҳам учраб туради: *Дарҳақиқат а қ л д а н ё з и б кўчаларда кезиш ва кишанга тушишнинг ўзи ҳам Зайнаб учун кичкина жазо ҳисобланмас эди* (А. Қодирий, У. к.).

Хуллас, бизнинг тахминимизча, ёз феъли тарихан «озаймоқ» (оз қолмоқ) маъносига ҳам эга бўлган. *Йиқила ёзди, бўла ёзди* каби бирикувларда ёз кўмакчи феъли ифодаладиган маъно ана шу маънонинг ўзидир. Бунда *-а, -й* аффикслари билан ясалган *йиқила, бўла* формасидаги равишдош «бўлишга, йиқилишга» деган маънони билдирган. *Ёз* феъли эса «оз қолди, кам қолди» маъносини билдирган, деб қараш мумкин, яъни *йиқила ёзди* — йиқилишига оз қолди, *бўла ёзди* — бўлишига оз қолди.

Кўринадики, ёз феъли «озаймоқ, кам қолмоқ» маъносини ифодаловчи мустақил феъл сифатида ҳозир қўлланмайди. Шу маънони ифодаловчи кўмакчи феъл сифатида эса кўпчилик туркий тилларда қўлланади.

Қ и с қ а х у л о с а л а р :

1. *Ёз* кўмакчи феъли равишдошнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган турига бирикади ва ҳаракатнинг бажарилишига оз қолганлик маъносини билдиради. Бунда икки хил ҳолат бўлиши мумкин:

1) ҳаракатнинг бажарилишига оз қолганлиги, лекин бажарилмаганлиги (русча «чуть не...») маъноси ифодаланади: *йиқила ёзди*;

2) ҳаракатнинг бажарилишига оз қолган (яқинлашган) ҳолатда эканлиги ифодаланади: *ишлар бита ёзди*.

2. *Ёз* кўмакчи феъли билан ясалган бирикувлар деярли ҳамма вақт ўтган замон формасида қўлланади.

3. *Ёз* кўмакчи феълнинг маъноси шу феълнинг «озаймоқ» («оз қолмоқ») маъносига боғланади. Лекин *ёз* феъли ҳозирги ўзбек тилида шу маънони ифодаловчи мустақил феъл сифатида қўлланмайди.

⁴⁰ Қаранг: «Башкирко-русский словарь», М., 1958, стр. 715.

III. КҰМАКЧИ ФЕЪЛЛАРНИНГ СЕМАНТИК КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Кўриб ўтдикки, кўмакчи феълларнинг ҳар бири ўзи бири-киб келган равишдош формасидаги феълнинг (асосий феълнинг) маъносига турли қўшимча маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади. Кўмакчи феълларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши билан бирга улар маъно ва вазифаларидаги умумий томонлари билан маълум группаларга ҳам бўлинади. Мас., кўмакчи феълларнинг айримлари ҳаракат процессининг характеристикасини кўрсатади, айримлари модал маъноларни ифодалайди ва ҳоказо. Маъноси ва вазифасидаги ана шундай умумий томонларига қараб кўмакчи феълларни қуйидаги группаларга ажратиш мумкин:

1. Ҳаракат процессининг характеристикасини кўрсатувчи кўмакчи феъллар.
2. Модал маъноларни ифодаловчи кўмакчи феъллар.
3. Йўналиш маъносини ифодаловчи кўмакчи феъллар.

1. Ҳаракат процессининг характерistikасини кўрсатувчи кўмакчи феъллар

Ҳаракат процессининг характеристикасини кўрсатувчи кўмакчи феъллар маъно ва вазифаларига кўра, ўзаро яна алоҳида группаларга (турларга) бўлинади:

- 1) ҳаракатнинг бошланғич фазасини кўрсатувчи кўмакчи феъллар;
- 2) ҳаракатнинг бажарилишдаги фазасини кўрсатувчи кўмакчи феъллар;
- 3) ҳаракатнинг бажарилишга яқинлашган фазасини кўрсатувчи кўмакчи феъллар;

4) ҳаракатнинг тўла (туғал) бажарилиш фазасини кўрсатувчи кўмакчи феъллар;

5) ҳаракатнинг юқори (интенсив) фазасини кўрсатувчи кўмакчи феъллар;

6) ҳаракатнинг нормал (тўла) даражага етмаган фазасини кўрсатувчи кўмакчи феъллар;

7) ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши фазасини кўрсатувчи кўмакчи феъллар;

8) ҳаракатнинг бир марталилигини билдирувчи кўмакчи феъллар;

9) ҳаракатнинг бир лаҳзада (сезиларсиз вақт ичида) юз беришини билдирувчи кўмакчи феъллар.

**Ҳаракатнинг бошланғич
фазасини кўрсатувчи
кўмакчи феъллар**

Бу группага *бошла, кел, кет* кўмакчи феъллари киради.

Бошла кўмакчи феъли, умуман, ҳаракатнинг бошланиши, субъектнинг етакчи феълдаги ҳаракатни бажаришга киришиши маъносини билдиради. Ҳаракатнинг бошлангандан сўнг давом этганлиги ёки давом этмаганлиги назарда тутилмайди. *Бошла* кўмакчи феъли ҳаракатнинг бошланиши маъносига бошқа бирор қўшимча маъно ёки қўшимча оттенка ифодаламайди.

Кел кўмакчи феъли ҳар қандай феъллар билан эмас, балки баъзи аста-секин, даражама-даража ривожланиб, сўнгра тўла (нормал) ҳолатда юз берувчи ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бирикқандагина ҳаракатнинг бошланғич фазаси юзага келиши маъносини билдиради. Мас., узумнинг пишиши, қўйнинг семириши, дарахтнинг гуллаши бирданига юз берадиган ҳодиса эмас, балки аста-секин, даражама-даража юз берадиган ҳодисадир. *Кел* кўмакчи феъли ана шундай характердаги ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бирикқанда, ҳаракатнинг бошланғич фазаси юзага келиши маъносини билдиради: *пишиб келяпти, семириб келяпти, гулаб келяпти, ўрганиб келяпти, қоронғилашиб келяпти* каби.

Кел кемакчи феъли ҳаракатнинг умуман бошланиши маъносини эмас, балки бошланғич фазасининг юзага келиши ва ҳаракатнинг нормал даражага қараб йўналиши маъносини билдиради. Бунда ҳаракат нормал даражага қараб йўналишда (ривожланишда) бўлади.

Бундан ташқари, *кел* кўмакчи феъли ҳаракатнинг бошланғич фазасини билдирган ҳолларда, кўпинча, ҳаракат-

ҳолатнинг жуда элементар тарзда эканлиги англашилади. *Бошла* кўмакчи феъли эса бу маънони таъкидламай, балки, умуман, бошланиш маъносини билдиради. Мас., *бодом гуллай бошлади* деганда гуллаш ҳаракатининг бошланганлиги ифодаланади. Бунда, албатта, бодомда гуллар пайдо бўлган бўлади. *Бодом гуллаб келяпти* деганда эса бодомда ҳали бирор та тўла очилган гул йўқ бўлиши мумкин. Бунда бодомнинг гуллашга ўтиш процессида эканлиги (гулнинг бошланғич элементлари юз берганлиги) ифодаланади.

Кет кўмакчи феъли ҳар қандай феъллар билан эмас, балки баъзи феъллар билан бириккандagina ҳаракатнинг бошланғич фазасини кўрсатади. *Кет* кўмакчи феъли бир текисда давом этадиган характердаги ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бириккандagina шу ҳаракатнинг бошланғич фазасини (бошланғич фазаси юзага келишини) кўрсатади. Ҳаракат бир текисда давом этувчи ҳаракат бўлганидан бундай ҳолларда бошланғич фазадаги давомлилик ифодаланади, яъни ҳаракатнинг умуман бошланиши эмас, балки бошланғич ҳолатдаги давомлилиги ифодаланади. *Бошла* кўмакчи феъли эса фақат ҳаракатнинг бошланиши маъносини билдиради. Қиёсланг: *гапир бошлади — гапир кетди, ўйнай бошлади — ўйнай кетди.*

Кет кўмакчи феълнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шуки, у кўпинча, маънони кучли оттенка билан ифодалайди, яъни субъектнинг ҳаракатга берилиб бутун вужуди билан киришишини билдиради.

Хулоса қилиб айтганда, ҳаракатнинг бошланғич фазасини кўрсатувчи кўмакчи феъллар ичида энг кўп (универсал) қўлланувчиси *бошла* кўмакчи феълдир. Бу кўмакчи феъл ҳаракатнинг бошланиши маъносига бошқа бирор қўшимча маъно ёки қўшимча оттенка ифодаламайди. *Кел* ва *кет* кўмакчи феъллари ҳаракатнинг бошланғич фазасини ифодалашда ҳар қандай феъл билан бирикаврмайди. Уларнинг бу маънода қўлланиши маълум феъллар доирасида чегараланган. *Кел* ва *кет* кўмакчи феълларининг ҳар бири ҳамма вақт ўзига хос бирор қўшимча маъно ёки қўшимча оттенка ҳам ифодалайди. Бу кўмакчи феълларнинг бири ўрнида иккинчисини қўллаш ҳеч вақт мумкин бўлмайди. *Кел* ва *кет* кўмакчи феъллари ўрнида *бошла* кўмакчи феълни қўллаш мумкин. Бу билан бошланғич фазанинг юз бериши маъноси ўзгармайди. Лекин *кел* ёки *кет* кўмакчи феъллари ўрнида *бошла* кўмакчи феълни қўлланса, *кел* ва *кет* кўмакчи феъллари ифодалайдиган қўшимча маънолар йўқолади.

**Ҳаракатнинг бажарилишдаги
фазасини кўрсатувчи
кўмакчи феъллар**

Бу группага *ёт, тур, юр, ўтир, бор, кел, бер (вер)* кўмакчи феъллари киради. Бу кўмакчи феълларнинг ҳаммаси ҳам субъектнинг ҳаракат-ҳолатни бажаришда мавжудлигини (мавжуд бўлганлиги, мавжуд бўлиши), бажаришда давом этиши маъносини билдиради.

Ёт, тур, юр, ўтир кўмакчи феъллари ўзига хос умумий белги-хусусиятлари билан *бор, кел ва бер (вер)* кўмакчи феълларидан фарқланади. Бу кўмакчи феъллар, умуман, субъектнинг ҳаракат-ҳолат процессида мавжуд бўлиши маъносини билдиради. Буларда ҳаракатнинг бошланиш ёки тугаш фазаларга муносабати ифодаланмайди: *ишлаб ётмоқ, ишлаб турмоқ, ишлаб юрмоқ, ишлаб ўтирмоқ* каби.

Бор ва кел кўмакчи феъллари субъектнинг ҳаракат-ҳолатни бажариш процессида мавжуд бўлиши маъноси билан бирга шу ҳаракат-ҳолатнинг бошланиш ва тугаш пунктларига муносабатини ҳам ифодалайди, яъни булар ҳаракатнинг йўналиш бошланган ва йўналиш қаратилган пунктлар бўйлаб давом этувчи ҳаракат эканлигини билдиради: *тарбиялаб бормоқ, тарбиялаб келмоқ*⁴¹.

Бер (вер) кўмакчи феъли равишдошнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган формасига бирикканда, субъектнинг ҳаракатни бажариш процессида бўлиши маъносини (давомлилик маъносини) билдиради. Бундай ҳолларда *бер* кўмакчи феъли субъектнинг ҳаракатни бажариш процессида бўлиши маъноси билан бирга унинг (субъектнинг) шу ҳаракатдан қайтмаслиги, тўхтамаслиги, шу ҳаракатни қаршиликсиз, монеликсиз бажариши каби маъноларни ҳам ифодалайди: *уйнайверди, ишлайверди, ухлайверди* каби.

**Ҳаракатнинг бажарилишга
яқинлашган фазасини
кўрсатувчи кўмакчи феъллар**

Бу группага *қол ва ёз* кўмакчи феъллари киради.

Қол ва ёз кўмакчи феъллари ҳар қандай феъллар билан эмас, балки бирор ҳаракатнинг якунини, унинг тугаш пунктини билдирувчи *бўл, бит, ет* каби феъллар билан бириккандагина яқинлашганлик маъносини (ҳаракатнинг бажарилиш

⁴¹ *Ёт, тур, юр, ўтир* кўмакчи феълларининг, шунингдек, *бор ва кел* кўмакчи феълларининг ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида аввал гапирилганлиги сабабли бу ўринда уларни такрорлаб ўтирмаймиз.

га яқин фазада эканлигини) билдиради: *етиб қолдик, ета ёздик, битиб қолди, бита ёзди* каби.

Бошқа феъллар билдирган ҳаракатнинг бажарилишга яқин фазада эканлигини ифодалашда *қол ёки ёз кўмакчи феълларидан олдин тугаллик маъносини ифодаловчи бўл кўмакчи феъли ҳам қўлланади: ёзиб бўлиб қолди, ёзиб бўла ёзди; топшириб бўла ёзди, топшириб бўлиб қолди* каби. Бу маънода *ёз кўмакчи феъли қол кўмакчи феълига нисбатан кам қўлланади. Ёз кўмакчи феълида яқинлик даражаси қол кўмакчи феълидагига нисбатан кучлироқ бўлади, яъни топшириб бўла ёзди бирикувида ҳаракат топшириб бўлиб қолди бирикувидагига нисбатан бажарилиш (туғаш) пунктига яқин ҳолатда бўлади.*

**Ҳаракатнинг тўла (туғал)
бажарилиш фазасини
кўрсатувчи кўмакчи феъллар**

Бу группага *бўл, бит, битир, чиқ, ет, ўт, ол, қўй, кет, юбор, ташла, сол, туш* кўмакчи феъллари киради. Бу кўмакчи феъллар ичида энг кўп. (универсал ҳолда) қўлланувчиси *бўл* кўмакчи феълидир.

Бит, битир кўмакчи феъллари тўла бажарилиш (туғаллик) маъносида *бўл* кўмакчи феълига нисбатан жуда кам қўлланади. Бу кўмакчи феъллар қўлланган ҳолларда тугаллик маъноси алоҳида таъкидланади. Шунинг учун ҳам *бит* ва *битир* феълларининг мустақиллик даражаси *бўл* феълидагига нисбатан кучлироқ бўлади: *ёниб битмоқ, еб битирмоқ* каби.

Чиқ кўмакчи феъли ҳаракатнинг тўла (туғал) бажарилиши маъносида қўлланганда ҳам шу феъл билдирган ҳаракатга хос хусусият маълум даражада сақланади. Шунинг учун ҳам *чиқ* кўмакчи феъли бирор феълга бирикиб, тугаллик маъносини ифодалаш учун шу феълдаги ҳаракатни ўз устига олган (ёки ҳаракат йўналган) объект кириш ва чиқиш пунктларига эга бўлган объект бўлиши керак. Акс ҳолда ҳаракатнинг тугаллиги маъносини ифодалаш учун *чиқ* кўмакчи феъли қўлланмайди.

Агар объект кириш ва чиқиш пунктларига эга бўлмаса ёки феъл ўтимсиз бўлса, *чиқ* кўмакчи феъли ҳаракатнинг тугаллигини эмас, балки вақтнинг тугаллигини билдиради: *кечаси билан ёғиб чиқмоқ, кечаси билан эшикни қоқиб чиқмоқ* каби.

Ет кўмакчи феъли ҳам ҳамма вақт ўз асл маъносини маълум даражада сақлайди. Бу кўмакчи феъл, асосан, даражама-

даража юз берадиган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бирикади ва ҳаракатнинг тўла даражада юз бериши (тўла даражага етиши) маъносини билдиради.

Ут кўмакчи феъли, асосан, воқеа-ҳодисаларнинг тугаллигини ифодалаш учун қўлланади: *тўй бўлиб ўтди* каби. Бу кўмакчи феъл ҳам ҳамма вақт ўз асл маъносини маълум даражада сақлайди.

Ол ва қўй кўмакчи феъллари ҳаракатнинг тўла бажарилиш фазасини кўрсатган ҳолларда ҳамма вақт ўзига ҳос бирор қўшимча оттенка ҳам ифодалайди. Мас., ол кўмакчи феъли ҳаракатнинг субъект учун бажарилиши оттенкасини билдиради: *еб ол, ичиб ол* каби. Қўй кўмакчи феъли, кўпинча, ҳаракатнинг хоҳиш-ихтиёрга қарама-қарши бажарилиши, тасодифан юз бериши маъносини билдиради: *еб қўймоқ, ичиб қўймоқ*. Лекин ол ва қўй кўмакчи феъллари тугаллик тўла бажарилиш маъносини ифодаловчи сўз сифатида қўлланганда, улар ифодалайдиган бошқа маънолар асосий ўринда бўлмайди. Ҳатто, баъзи ҳолларда, улар ифодалайдиган қўшимча маънолар жуда сезиларсиз даражада бўлади ва фақат тўла бажарилиш маъносининг ўзи ифодаланади: *чайингни ичиб қўй* («қолмасин, ҳаммасини ич»).

Кет ва юбор кўмакчи феълларининг тўла бажарилиш маъносига қўлланиши анча чегараланган. Бу ҳодиса шу феълларнинг ўзига ҳос хусусияти билан изоҳланади.

Ташла кўмакчи феъли ҳар жиҳатдан кет ва юбор кўмакчи феълларига яқин туради. Қиёсланг: *кўмилиб кетди — кўмиб юборди — кўмиб ташлади*.

Сол кўмакчи феъли ҳам ўз асл маъносини маълум даражада сақлайди. Бу кўмакчи феъл саноқли даражадаги ўтимли феъллар билан бирикади ва ҳаракат йўналган объектларнинг шу ҳаракатга тўла даражада тортилганлигини билдиради: *бор гапни айтиб солмоқ, тўкиб солмоқ* каби.

Туш кўмакчи феъли ҳам бу маънода жуда кам қўлланади ва, кўпинча, йўналиш оттенкасини ҳам ифодалайди: *йиқилиб тушди, сўлиб тушди* каби.

Ҳаракатнинг юқори
(интенсив) фазасини
кўрсатувчи кўмакчи феъллар

Бу группага *кет, юбор, ташла, ўл* кўмакчи феъллари киради. Бу кўмакчи феъллар турли даражада (нормал, паст, юқори даражада) юз бериши мумкин бўлган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бирикканда, ҳамма вақт ҳаракатнинг

юқори даражаси (фазаси) юз беришини билдиради: *семириб кетди, семиртириб юборди; чарчаб кетди, чарчатиб юборди, чарчаб ўлди. Ул кўмакчи феъли ҳаракат-ҳолатнинг кет, юбор, ташла кўмакчи феъллари билдирган даражадан ҳам юқорилигини билдиради: қийналиб кетди, қийнаб юборди, қийнаб ташлади, қийналиб ўлди.*

**Ҳаракатнинг нормал (тўла)
даражага етмаган фазасини кўрсатувчи кўмакчи
феъл — қ о л феъли**

Қол кўмакчи феъли аста-секин, даражама-даража ривожланиб, сўнгра тўла даражаси юз берувчи ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бирикканда, шу ҳаракатнинг нормал даражага етмаганлигини (маълум даражада юз берганлигини) билдиради. Бу жиҳатдан у кет ва юбор кўмакчи феълларнинг антоними ҳисобланади: семириб қолибди — семириб кетибди.

**Ҳаракатнинг бажарилиши
ва ҳолатнинг юзага келиши фазасини
кўрсатувчи кўмакчи феъллар**

Бу группага *ол, қол, қўй* кўмакчи феъллари киради. *Ол, қол, қўй* кўмакчи феъллари равишдошнинг *-(иб) б* аффикси билан ясалган турига бирикканда, ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъносини билдиради. Бу маънони ифодалашда *ол* кўмакчи феъли ўтимли феъллар билан ҳам, ўтимсиз феъллар билан ҳам бирика олади. *Қол* кўмакчи феъли асосан, ўтимсиз феъллар билан, *қўй* кўмакчи феъли ўтимли феъллар билан бирикади. Ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъносини ифодалаган ҳолларда *ол, қол* ва *қўй* феъллари ўз асл маъноларини маълум даражада сақлайди. Қиёсланг: *суяб олди — суяб қолди — суяб қўйди.*

**Ҳаракатнинг бир марталигини
билдирувчи кўмакчи феъллар**

Бу группага *ол* ва *қўй* кўмакчи феъллари киради. *Ол* ва *қўй* кўмакчи феъллари айрим феълларга равишдош ясовчи *-(и)б* аффикси орқали бирикиб, ҳаракатнинг бир марта бажарилиши маъносини билдиради: *Айвонда ўтирган хотинлар*

оқсоқол опани кўриб, бир-бири билан кўз уриштириб олдилар (Саид Аҳмад, Оқсоқол опа). *Сидиқжон... бош иргитиб, илжайиб қўйди* (А. Қаҳҳор, Қ. ч.).

Ҳаракат бирдан ортиқ (такрорий) бажарилиши ҳам мумкин. Лекин шунда ҳам ол ва қўй кўмакчи феъллари ҳаракатнинг ҳар сафар бир марта (бўлиниб-бўлиниб) бажарилишини билдиради: *Ҳамма болалар бир-бир шу томонга қараб олишарди* (Р. Файзий, Биринчи хат). *Эрининг қаҳр-ғазабидан юрак олдиргани учун ҳам орқасига қараб-қараб қўярди* (Ш. Рашидов, Б. к.).

Ҳаракатнинг бир лаҳзада (сезиларсиз вақт ичида) юз беришини билдирувчи кўмакчи феъллар

Бу группага *кет, юбор, туш* кўмакчи феъллари киради. *Кет, юбор, туш* кўмакчи феъллари бир нафасда юз бериши мумкин бўлган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бирикканда, ҳаракатнинг жуда тез, кўз очиб юмгунча бўлиб ўтиши маъносини билдиради: *чўчиб кетди, чўчиб тушди, чўчитиб юборди* каби. Бундай ҳолларда учала кўмакчи феъл ҳам маънони кучли оттенка билан ифодалайди. Маънонинг кучайиши эса тезликка нисбатан бўлади.

2. Модал маъноларни ифодаловчи кўмакчи феъллар

Кўмакчи феълларнинг маълум бир группаси сўзловчининг ҳаракатга бўлган турли муносабатини кўрсатувчи маъноларни — модал маъноларни ифодалайди. Бундай маънолар ҳар бир кўмакчи феълнинг анализида айтиб ўтилган бўлсада, бу ўринда қайси кўмакчи феълнинг модал маънони ифодалашини, шунингдек, кўп маъноли кўмакчи феълларнинг қайси бир маъноси модал маъно эканлигини кўрсатиб ўта-миз.

Кўмакчи феъллар ифодалайдиган модал маънолар жуда хилма-хил. Модал маъноларни ифодалаш нуқтаи назаридан кўмакчи феълларни йирик-йирик группаларга ажратиб бўлмайди. Шу сабабли ҳар бир кўмакчи феълнинг қандай модал маънони ифодалашини алоҳида-алоҳида кўрсатиб ўта-миз.

Ол кўмакчи феъли. Бу кўмакчи феъл равишдошнинг *-а, -й* аффикслари орқали ясалган турига бирикиб, қодирлик маъносини ифодалайди: *қила олади, ёза олади, ўқий олади* каби.

Бил кўмакчи феъли. Бу кўмакчи феъл ҳам равишдош

нинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган турига бириқиб, қодирлик маъносини билдиради: *қила билади, ажрата билади.*

Бўл кўмакчи феъли. Бу кўмакчи феъл ҳаракатнинг бажарилиши учун объектив имкониятнинг мавжудлиги маъносини (мумкинликни) билдиради: *ўқиб бўлади (ўқиш мумкин), ўтиб бўлади (ўтиш мумкин, ўтиш имконияти бор).*

Қол кўмакчи феъли. Бу кўмакчи феъл равишдошнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган турига бирикканда уч хил модал маънони ифодалайди:

1) ҳаракатнинг тасодифан, кутилмаганда юз бериши маъносини билдиради: *Қандай қилиб бу хат қўлингга тушиб қолди?* (Ойбек, Қ. қ.). *Қарим отанинг таҳмини тўғри чиқиб қолди* (А. Қаҳҳор, Тўйда аза);

2) ҳаракатнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги, хоҳиш-ихтиёрга қаршилиги маъносини билдиради: *Нафас олса, жонбахшидан, дилкашидан айрилиб қоладигандек жим зшитди* (М. Исмоилӣ, Ф. т. о.). *Қочинг, биров кўриб қолади* (Ҳ. Фулом, Машъал);

3) «ғанимат» маъносини, ҳаракатни бажариш учун имкон берувчи шароит ўткинчи («ғанимат») шароит эканлигини билдиради: *Юр тезроқ, вагондан жой олиб қолайлик* (З. Фатхуллин, Фунчалар). *Қани, жуфтакни ростлаб қолдингчи* («Муштум»).

Қол кўмакчи феъли равишдошнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган турига бирикканда, турли майл формаларида қўлланишига қараб ҳар хил модал маъноларни ифодалайди.

Буйруқ майли формасида қўлланганда, хайрихоҳлик, илтимос, даъват, рухсат каби маъноларни ифодалайди: *ола қол, бера қолинг, ёза қолсин* каби.

Аниқлик майли формасида ҳаракатнинг мақсадга мувофиқ қолда, осонлик билан, ният қилгандек юз бериши маъноларини билдиради: *тушуна қолади, кета қолди, бера қолди* каби.

Шарт майли формасида сўзловчи ёки субъектнинг ҳаракатнинг тезроқ бажарилишига жуда тарафдорлиги, шуни жуда хоҳлаши маъносини билдиради. *Қани энди Ханкаси тушмагур уламани тақа қолса* (Саид Аҳмад, Ханка билан Танка). *Нима эди-я, эҳ... эсимга туша қолса-чи* (Р. Файзий, Ростини айтдим).

Қўй кўмакчи феъли. Бу кўмакчи феъл ҳаракатнинг хоҳиш-ихтиёрдан ташқари юз бериши, етакчи феълдаги ҳаракат бажарилмаслиги керак бўлган ҳаракат эканлиги маъносини билдиради. *Мени кечиринг, Эъзозхон, кўнглингизга озор бериб қўйдим* (Ҳ. Фулом, Машъал). *Сидиқжон буни билдириб қўймаслик учун эрталаб чойдан кейин ёр-*

жўраларини кўриб келиш баҳонаси билан уйдан чиқиб кетди (А. Қаҳдор, Қ. ч.).

Б е р (в е р) кўмакчи феъли. Бу кўмакчи феъл равишдошининг *-а, -й* аффикслари билан ясалган турига бирикканда, ҳаракатнинг бажарилиши учун тўсиқ, монеликнинг йўқлиги каби модал маъноларни билдиради: *еяверади, кетавераман, беравер, олаверди* каби.

К ў р кўмакчи феъли. Бу кўмакчи феъл икки хил модал маънони билдиради: 1) равишдошнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган турига бирикканда, асосан буйруқ майлида ва бўлишсиз формада қўлланиб, ҳаракатни бажармасликни қатъий таъкидлаш, қатъий огоҳлантириш маъносини билдиради: *ола кўрма, бора кўрмасин* каби; 2) равишдошнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган турига бирикканда, етакчи феълдаги ҳаракат синаш, билиш (белгилаш) учун бажарилувчи ҳаракат эканлиги маъносини билдиради: *ўқиб кўр, еб кўрди, сўраб кўраман* каби.

Қ а р а, б о қ кўмакчи феъллари. Бу иккала кўмакчи феъл ҳам етакчи феълдаги ҳаракат синаш, билиш (белгилаш) учун бажарилувчи ҳаракат эканлигини билдиради: *ўқиб қара, ўқиб боқ, еб қара, еб боқ* каби.

Т у р кўмакчи феъли. Тур кўмакчи феъли ҳаракатнинг вақтинча, бирор бошқа ҳаракат ёки ҳодиса юз бергунча бажарилишда (ёки бажарилмасликда) бўлиши маъносини («вақтинча», «ҳозирча» деган маънони) билдиради: *ишлай тур, бормай тур, айтмай тур* каби.

Ю р, ў т и р кўмакчи феъллари. Бу кўмакчи феъллар ҳаракатнинг бажарилиши маъқул эмаслиги маъносини билдиради: *... мен уни излаб марказга б о р и б ю р и б м а н* (Ш. Ғуломов, Бўз ер уйғонди). *Бирор зиён-заҳмат ет к а з и б ю р м а с и н тағин* (С. Анорбоев, Оқсой). *Тирик одамни дабдурустан «йўқ қилинди» д е б ў т и р и б д и* (А. Мухтор, Опа-с.).

Е з кўмакчи феъли. Бу кўмакчи феъл ҳаракатнинг бажарилишига сал қолганлиги, лекин бажарилмаганлиги (русча «чуть не...») маъносини билдиради: *ўла ёзди, йиқила ёзди* каби.

3. Йўналиш маъносини ифодаловчи кўмакчи феъллар

Ҳаракатнинг ўзга учун ёки субъектнинг ўзи учун бажарилиши (ҳаракат натижасининг ўзига ёки ўзгага йўналиши) маъносини ифодаловчи билан *ол ва бер* кўмакчи феъллари алоҳида гурпани ташкил этади.

ол кўмакчи феъли равишдошнинг *-(и) б* аффикси билан ясалган турига бирикканда, ҳаракат натижасининг субъект манфаатига йўналганлиги маъносини билдиради: *ўрганиб олмоқ, ўйнаб олмоқ* каби. *Бер* кўмакчи феъли равишдошнинг *-(и) б* аффикси билан ясалган турига бирикканда, аксинча, ҳаракатнинг ўзга учун бажарилиши маъносини билдиради: *ўқиб бермоқ, ўйнаб бермоқ, сўзлаб бермоқ* каби.

Ўзбек тилидаги *бор, кел, кет, юбор, туш* кўмакчи феъллари ҳам йўналишни билдиради. Лекин буларни йўналиш маъносини ифодаловчи *ол* ва *бер* кўмакчи феъллари билан бир гурпуага киритиб бўлмайди. Чунки, биринчидан, бу кўмакчи феъллар асосан йўналишни ифодаловчи кўмакчи феъллар эмас; яъни йўналиш маъноси бу кўмакчи феълларнинг асосий маъноси эмас, балки бошқа бир маъносига қўшимча тарздаги маънодир. Мас., *йиқилиб кетмоқ, учириб кетмоқ* бирикувларида *кет* кўмакчи феълнинг асосий маъноси ҳаракатнинг тўла бажарилиши маъносидир. *Ёзиб олмоқ, ёзиб бермоқ* каби бирикувларда *ол* ва *бер* кўмакчи феъллари ифодаляйдиган йўналиш маъноси шу кўмакчи феълларнинг асосий маъноси ҳисобланади. Иккинчидан, *ол* ва *бер* кўмакчи феъллари билдирадиган йўналиш ҳамма вақт шахсга қараб бўладиган йўналишдир (йўналиш ўзига ёки ўзгага томон бўлади). *Бор, кел, кет, юбор, туш* каби кўмакчи феъллардаги йўналиш бундай характерга эга эмас. Ана шу икки ҳодисани ҳисобга олиб, *бор, кел, кет, юбор, туш* кўмакчи феълларини йўналиш маъносини ифодаловчи *ол* ва *бер* кўмакчи феъллари қаторига киритмадик.

IV. ҚУМАҚЧИ ФЕЪЛЛАРНИНГ ВИД КАТЕГОРИЯСИГА МУНОСАБАТИ

Туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида вид категорияси масаласи тўла ҳал этилмаган, мунозарали ва энг мураккаб масалалардан ҳисобланади. Туркий тиллар бўйича вид категорияси темасида тўртта кандидатлик диссертацияси ёқланди⁴², шунингдек, айрим монографиялар⁴³ ва мақолалар⁴⁴ майдонга келди. Лекин, шунга қарамай, туркий тилларда вид категорияси масаласида туркологлар бир хил фикрга келган эмаслар. Айрим туркологлар туркий тилларда вид категорияси бор, деб қарашса, бошқалари бу фикрни рад этадилар.

1956 йилда Олмаотада туркий тилларда вид категорияси масаласига ва эргашган қўшма гаплар масаласига бағишланган махсус кенгаш ўтказилди. Бу кенгаш туркологларнинг вид категорияси масаласида бир хил фикрда эмаслигини яққол кўрсатди. Б. А. Серебренников, Г. Г. Мусабоев, С. А. Аманжолов, С. Қ. Кенесбаев каби бир группа туркологлар туркий тилларда вид категорияси борлигини инкор этгани ҳолда, И. Е. Маманов, А. И. Харисов, Н. Т. Сауран-

⁴² Қаранг: Г. Шарипов, Категория глагольного вида в современном узбекском литературном языке (канд. диссертация), М., 1945; А. Харисов, Категория глагольных видов в башкирском языке, Уфа, 1954; З. И. Алиева, Категория глагольного вида в азербайджанском языке (канд. диссертация), М., 1953; И. Қ. Уюкбаев, Категория глагольного вида в современном казахском языке (канд. диссертация), Алма-Ата, 1954.

⁴³ Л. Н. Харитонов, Формы глагольного вида в якутском языке, М.—Л., 1960.

⁴⁴ А. А. Юлдашев, Категория глагольного вида в башкирском языке, сб. «Вопросы грамматического строя», М., Изд-во АН СССР, 1955, стр. 362—386; Содиқ Фердаус, Феълларнинг вид категорияси, В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетининг илмий асарлари (Ўзбек тили масалалари), Тошкент, 1957, 84—93-бетлар.

баев, Н. А. Баскаков ва бошқа айрим туркологлар туркий тилларда вид категорияси борлигини эътироф этидилар⁴⁵. Хуллас, бу кенгашда ҳам туркий тилларда вид категорияси масаласида бир хил фикрга келинмади.

Туркий тилларда вид категорияси ҳақида гапирганда, асосан, етакчи феъл билан кўмакчи феълдан ташкил топган феъл конструкциялари ва бундай конструкцияларда кўмакчи феъллар ифодалайдиган маънолар назарда тутилади. Проф. В. М. Насилов А. Харисовнинг «Категория глагольных видов в башкирском языке» номли ишига ёзган сўз бошисида: «Бошқирд тилида феълларнинг вид категорияси» темаси ўз моҳияти билан туркий тиллардан биридаги кўмакчи феълларнинг роли ва функциялари ҳақидаги темадир»,⁴⁶ — дейди.

Туркий тилларда вид категорияси бор, деб қаровчилар фақат бир фикрдагина — туркий тилларда вид категорияси бор, дейиш билангина ўзаро бирлашадилар. Вид категориясини ҳал этишда эса улар ўзаро бир хил фикрда эмаслар.

Туркий тилларда вид категорияси борлигини эътироф этиш, ўз-ўзидан, бир қатор масалаларни ҳал этишни (бир қатор сўроқларга жавоб беришни) талаб этади.

Туркий тилларда вид категорияси борлигини эътироф этиш, биринчи навбатда, бу тиллардаги вид категориясининг ўзига хос хусусиятини очиб беришни талаб этади, яъни туркий тилларда ҳам феъллар вид категориясини ифодалашига кўра, худди рус тилидаги каби, икки турга — тугалликни ва давомлиликни билдирувчи феълларга бўлинадими ёки турларга бўлиниши рус тилидагидан фарқланадими, деган сўроққа жавоб беришни тақозо этади.

Туркий тилларда вид категорияси ҳақида гапирганда, асосан, кўмакчи феъллар ифодалайдиган маънолар назарда тутилиши сабабли кўмакчи феълларнинг шу ҳодисага муносабатини аниқ белгилаш, яъни ҳамма кўмакчи феъллар вид категориясига алоқадорми ёки маълум кўмакчи феълларгина вид маъносини ифодалайдими, деган сўроққа жавоб бериш, шунингдек, қайси кўмакчи феъллар виднинг қандай турини ҳосил қилишини ҳам белгилаш керак бўлади.

Туркий тилларда вид категорияси борлигини эътироф этувчиларнинг баъзилари бу тилларда ҳам феълларни вид маъносини ифодалашига кўра, худди рус тилидаги каби, икки

⁴⁵ Қаранг: «Вопросы грамматики тюркских языков» (Материалы координационного совещания по проблемам глагольного вида и сложноподчиненного предложения в тюркских языках, состоявшегося 24—27 сентября 1956 г.), Алма-Ата, 1958.

⁴⁶ Қаранг: А. Харисов, Категория глагольных видов в башкирском языке, Уфа, 1944, стр. 3.

турга — давомли ёки тугалланмаган (несовершенный, незаконченный) вид ва тугалланган (совершенный, законченный) вид турига бўладилар⁴⁷. Айрим ўртоқлар эса, туркий тиллардаги феълларни вид маъносини ифодалашига кўра гуруҳлашда рус тили нуқтаи назаридан ёндошмайдилар, яъни бу тилларда ҳам феъл видлари икки турга бўлинади, деб қарамайдилар⁴⁸.

Туркий тилларда вид категорияси бор, деб қаровчи ўртоқларнинг баъзилари кўмакчи феълларнинг ҳаммасини вид категорияси билан боғлайдилар⁴⁹. Айримлари эса баъзи кўмакчи феълларнинг вид маъносига эга эмаслигини кўрсатадилар⁵⁰.

Вид маъносини ифодалашига кўра, кўмакчи феълларни турларга (группаларга) ажратишда ҳам қарама-қаршиликлар бор. Мас., А. Харисов бошқирд тилида *тош* (туш) кўмакчи феълни давомли видни ҳосил қилади, деб кўрсатса⁵¹, А. А. Юлдашев бу кўмакчи феълни тугалланган (совершенный) видни ҳосил қилувчи кўмакчи феъллар қаторига киритади⁵².

А. Харисов ва А. А. Юлдашевларнинг кўрсатилган ишларида *йор* (*юр*), *тор* (*тур*), *ултир* (*ўтир*), *ят* (*ёт*), *бар* (*бор*), *кел* (*кел*), *бир* (*бер*) феъллари давомли (несовершенный) видни ҳосил қилади, деб кўрсатилади. Ф. Г. Исхаков ва А. А. Пальмбахнинг «Грамматика тувинского языка» асарида *тур*, *чор* (*у*) *юр*, *олур* (*ўтир*), *чыт* (*ёт*) кўмакчи феъллари тугалланмаган (незаконченный) вид турига, бошқа кўмакчи феълларнинг ҳаммаси эса тугалланган (законченный) вид турига киритилади⁵³.

Ана шу кўрсатиб ўтилган фактларнинг ўзиёқ туркий тилларда вид категорияси бор, деб қаровчи ўртоқларнинг фақат вид категориясини эътироф этиш билангина бир хил фикрда

⁴⁷ Қаранг: А. А. Юлдашев, Система словообразования и спряжение глагола в башкирском языке, М., 1958, стр. 81—86; И. Е. Маманов, Вспомогательные глаголы в казахском языке, Алма-Ата, 1949, стр. 69—72.

⁴⁸ Қаранг: Н. А. Баскаков, Каракалпакский язык, II, Фонетика и морфология, ч. 1, М., 1952, стр. 357—386; Содиқ Фердаус, Феълларнинг вид категорияси, В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетининг илмий асарлари (Ўзбек тили масалалари), Тошкент, 1957, 84—93-бетлар; Л. Н. Харитонов, Формы глагольного вида в якутском языке, М.—Л., 1960.

⁴⁹ Қаранг: А. Харисов, кўрсатилган асар; Содиқ Фердаус, кўрсатилган мақола.

⁵⁰ Қаранг: А. А. Юлдашев, кўрсатилган асар, 81-бет.

⁵¹ А. Харисов, кўрсатилган асар, 53-бет.

⁵² А. А. Юлдашев, кўрсатилган асар, 82-бет.

⁵³ Ф. Г. Исхаков, А. А. Пальмбах, Грамматика тувинского языка, М., 1961, стр. 409.

эканликларини, шу масалани ҳал этишда эса улар ўртасида бирликнинг йўқлигини кўрсатади.

Туркий тилларда ҳам феъл видлари, худди рус тилидаги каби, икки турга — тугалланган (совершенный) вид ва тугалланмаган (несовершенный) вид турларига бўлинади (феъллар шундай видларга эга) деб қаровчи ўртоқлар ўз фикрларини исботлашда бу тилларда ҳам ҳаракатнинг давомлилиги (тугалланмаганлиги) ва тугалланганлигини ифодаловчи махсус формалар борлигини кўрсатадилар. Шу фикрларига мос ҳолда давомлиликни ифодаловчи кўмакчи феъллар билан ясалган конструкцияларни тугалланмаган (несовершенный, незаконченный) вид турига, тугалликни ифодаловчи кўмакчи феъллар билан ясалган конструкцияларни тугалланган (совершенный, законченный) вид турига киритадилар.

Феъл видларини икки турга бўлувчиларнинг айримлари кўмакчи феълларнинг ҳаммасини виднинг ана шу икки турига группалайдилар. Буларда бирорта ҳам кўмакчи феъл вид категориясидан четда қолмайди⁵⁴.

Феъл видларини икки турга бўлувчи ўртоқларнинг айримлари эса ҳамма кўмакчи феълларни вид категориясига боғлайвермайдилар. Улар фақат давомлилик ва тугаллик маъносини ифодаловчи кўмакчи феълларгина вид маъносига эга деб қарайдилар. Лекин қайси феъл давомлиликни ва қайси феъллар тугалликни ифодалашини белгилашда улар ўртасида яна ҳар хилликлар бор. Мас., А. А. Юлдашев *йор* (юр), *тёр* (тур), *ят* (ёт), *ултыр* (ўтир), *бар* (бор), *кел* (кел) кўмакчи феъллари, шунингдек, *-а*, *-й* аффикслари билан ясалган равишдошга бирикувчи *бер* кўмакчи феъли тугалланмаган (несовершенный) вид маъносини билдиради; *бот* (бит), *ет*, *ал* (ол), *қуй* (қўй), *бир* (бер), *ташла*, *ебэр* (юбор), *кит* (кёт), *қара* (қара), *тош* (туш) кўмакчи феъллари тугалланган (совершенный) вид маъносини билдиради деб кўрсатади⁵⁵.

И. Е. Мамановнинг кўрсатишича, *бол* (бўл), *жет* (ет), *бит* (бит) *битир* (битир), *қал* (қол), *қой* (қўй), *жибер* (юбор), *кет*, *сал* (сол), *шық* (чиқ), *таста* (ташла) кўмакчи феъллари тугалланган (законченный) вид маъносини; *отыр* (ўтир), *тур*, *жатыр* (ётир) кўмакчи феъллари, шунингдек, равишдошнинг *-а*, *-й* аффикслари билан ясалган турига бирикувчи *бер*, *тус* (туш) кўмакчи феъллари тугалланмаган (незаконченный) вид маъносини билдиради⁵⁶.

⁵⁴ Қаранг: Ф. Г. Исхаков, А. А. Пальбах, кўрсатилган асар, 409-бет; А. Харисов, кўрсатилган асар.

⁵⁵ А. А. Юлдашев, кўрсатилган асар, 81—84-бетлар.

⁵⁶ И. Е. Маманов, кўрсатилган асар, 71—72-бетлар.

Келтирилган фактлардан кўриниб турибдики, туркий тиллар нуқтаи назаридан феъл видларини икки турга бўлувчи ўртоқлар фақат бу тилларда ҳам феълларнинг икки види бор, дейиш билан бир хил фикрдалар. Шу «видлар»нинг моҳиятини очишда ва қайси кўмакчи феъллар виднинг қайси турини ҳосил қилишини белгилашда улар ўзаро бир хил фикрда эмаслар.

Туркий тилларда ҳам феъл видлари, худди рус тилидаги каби, икки турга бўлинади (феълларнинг икки хил види бор) деб қаровчи ўртоқларнинг шу тиллардаги барча кўмакчи феълларни вид категорияси билан боғлашлари ҳақиқий ҳолатга мос келмайди. Чунки туркий тиллардаги ҳамма кўмакчи феъллар ҳам ё тугаллик, ёки тугалланмаганлик маъносини ифодалайвермайди. Мас., ўзбек тилидаги *бошла, ёз, кўр, қара, боқ, бил* кўмакчи феъллари давомлилик маъносини ҳам, тугаллик маъносини ҳам ифодаламайди. Демак, феъл видларини икки турга ажратишда давомлилик ёки тугалликнинг ифодаланиши асосга олинар экан, *бошла, ёз, кўр, қара, боқ, бил* кўмакчи феъллари, ўз-ўзидан, виднинг у турига ҳам, бу турига ҳам кирмайди.

Шуни айтиш керакки, давомлилик ва тугаллик маъноларига эга бўлган кўмакчи феълларни конкрет белгилаш билан мазкур тилда вид категориясининг бор ёки йўқлиги ҳал этилган бўлмайди, яъни давомлилик ва тугаллик маъноларини ифодаловчи кўмакчи феълларни конкрет белгилаш билан бу тилда ҳам вид категорияси борлиги ва бу тилда ҳам феъл видлари, худди рус тилидаги каби, икки турли эканлиги исботланган бўлмайди.

Ўзбек тилидаги давомлилик маъносига эга бўлган кўмакчи феъллар, умуман, давомлиликни ифодалаш учун эмас, балки ҳамма вақт маълум бир маънодаги (конкрет ҳолатдаги) давомни ифодалаш учун хизмат қилади. Мас., *ёт* кўмакчи феъли субъектнинг ҳаракат-ҳолатга берилганлиги, уни жон-жаҳди билан бажаришини ифодалайди (*ёзиб ётибди*). *Тур* кўмакчи феъли ҳаракат-ҳолатнинг қисқа (чегараланган) вақт ичида давом этишини билдиради (*ишлаб тур*) ва ҳоказо.

Ўзбек тилидаги давомлилик маъносига эга бўлган кўмакчи феъллар фақат давомлиликнинг ўзини ифодалаш учунгина қўлланмаслиги сабабли уларни ҳар қандай давомлиликни ифодалаш учун қўллайвериш мумкин бўлмайди. Мас., *бор* ва *кел* кўмакчи феъллари ҳар қандай давомлиликни эмас, балки субъектнинг маълум бир пунктга қараб йўналишида бажарилувчи ҳаракатининг давомлилигини ифодалаш учунгина

қўллана олади⁵⁷. Агар бирор феъл билдирган ҳаракат ана шундай йўналишда бажарилмайдиган ҳаракат бўлса, *бор* ва *кел* кўмакчи феъллари бу феъл билан бирика олмайди (яъни шу феъл билдирган ҳаракатнинг давомлилиги маъносини ифодалаш учун *бор* ва *кел* кўмакчи феълларини қўллаш мумкин бўлмайди). Мас., *ухламоқ* феъли билдирган ҳаракат-ҳолат давомли (тугалланмаган ҳаракат-ҳолат) бўлиши мумкин. Лекин шу ҳаракат-ҳолатнинг давомлилиги маъносини ифодалаш учун *бор* ёки *кел* кўмакчи феъллари қўлланмайди.

Демак, давомлилик маъносини ифодалашда *ёт*, *тур*, *юр*, *ўтир*, *бор*, *кел* каби кўмакчи феъллардан хоҳлаган бирини (ёки, умуман, улардан бирини) қўллаш мумкин бўлавермайди.

Давомлилик маъносини ифодаловчи кўмакчи феълларнинг рус тилидаги «несовершенный вид»ни ҳосил қилувчи формалардан фарқланувчи асосий белгиларидан яна бири шуки, ўзбек тилида ҳаракатнинг давомлилигини ифодалашда ҳамма вақт ҳам кўрсатилган кўмакчи феъллардан бири қўлланавермайди. Мас., бирор шахс бир неча кун ёки бир неча ой давомида китоб ўқиш билан машғул бўлган ёки ҳозир ҳам китоб ўқийётган бўлиши мумкин (яъни китоб ўқиш ҳаракати давомли бўлиши мумкин). Лекин субъект шу ҳаракатнинг давомлилигини ифодалашда давомлилик маъносини билдирувчи кўмакчи феъллардан бирини қўллаши шарт эмас. Бу кўмакчи феъллардан ҳеч қайсисини қўлламаган ҳолда ҳам давомлилик маъносини ифодалаш мумкин, яъни «Шу вақтгача нима қилдинг?» деган сўроққа «Китоб ўқидим» ёки «Китоб ўқияпман» деб жавоб бераверади. Бу билан ҳаракатнинг давомлилиги маъноси йўқолмайди. Агар ўзбек тилидаги давомлиликни ифодаловчи кўмакчи феъллар тугалланмаган вид шаклини ясовчи воситалар бўлганида, шу маънони ифодалашда ҳамма вақт шу кўмакчи феъллардан бирини қўллаш шарт бўлар эди.

Демак, ўзбек тилида ҳаракатнинг тугалланмаганлиги, давомлилиги маъносини ифодалашда ҳамма вақт давомлилик маъносини ифодаловчи кўмакчи феъллардан бирини қўллаш шарт бўлавермайди. Бу нарса ҳам давомлилик маъносига эга бўлган кўмакчи феълларнинг тугалланмаганлик маъносини ифодаловчи доимий воситалар эмаслигини кўрсатади.

Хуллас, ўзбек тилида ҳаракатнинг тугалланмаганлиги маъносини ифодалашда шу ҳаракатни билдирувчи феълнинг тугалланмаган вид формасида бўлиши шарт эмас.

⁵⁷ Ҳар бир кўмакчи феълнинг маъноси ва қўлланишдаги хусусиятлари ҳақида аввалги бўлимда тўла гапирилгани учун бу ўринда уларни яна қайтариб ва мисоллар келтириб ўтирмаймиз.

Давомлиликни ифодаловчи кўмакчи феъллар ҳақида юқорида айтилган гапларни тугалликни ифодаловчи кўмакчи феълларга нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Ўзбек тилидаги (шунингдек, бошқа туркий тиллардаги) тугаллик маъносига эга бўлган кўмакчи феъллар, умуман, тугаллик маъносини ифодалаш учун эмас, балки ҳамма вақт маълум бир характердаги тугалликни ифодалаш учун қўлланади, яъни улар ҳамма вақт тугаллик маъносидан ташқари қўшимча маъноларни ҳам ифодалайди. Мас., *кет* кўмакчи феъли ҳаракат субъектининг ёки ҳаракатни ўз устига олган объектнинг ўзи мавжуд бўлган пунктдан нари йўналиши (удаление) маъносини, шунингдек, ҳаракат-ҳолатнинг кучли даражада юз бериши маъносини билдиради: *учириб кетмоқ*, *семириб кетмоқ* каби. Рус тилидаги феълларнинг тугалланган формалари бундай хусусиятга эга эмас. Улар фақат тугалланганлик маъносини ифодалайди.

Тугаллик маъносига эга бўлган кўмакчи феълларнинг ҳар бири ҳамма вақт ўзига ҳос яна бошқа қўшимча маънони ифодалаш сабабли ҳаракатнинг оддий тугаллигини ифодалашда бу кўмакчи феъллардан хоҳлаган бирини қўллаш мумкин бўлавермайди. Мас., *чиқ* кўмакчи феъли тугаллик маъносини ифодалайди. Лекин шу маънони ифодалашда у ҳар қандай феъл билан бирикавермайди. *Чиқ* кўмакчи феълнинг бу маънода бирор феъл билан бирикиши учун ҳаракатни ўз устига олган объект кириш (бошланиш) ва чиқиш (туғаш) пунктларига эга бўлган объект бўлиши керак. Мас., «*китобни ўқиб чиқдим*» дейилади, лекин бир коса сўтни тугал даражада ичгаўликни «*бир коса сўтни ичиб чиқдим*» тарзида ифодаланмайди. Чунки бунда ҳаракатни ўз устига олган объект (бир коса сўт) кириш ва чиқиш пунктларига эга бўлган объект эмас. Бундан ташқари, *чиқ* феъли билдирган тугаллик маъноси фақат ҳаракатга нисбатан эмас, балки вақтга нисбатан бўлиши ҳам мумкин: *Қор кечаси билан ёғиб чиқди*. Бунда қорнинг ёғиши тугаган бўлиши шарт эмас (кундузи ҳам ёғаётган бўлиши мумкин). Рус тилидаги «*совершенный вид*» маъносини ифодаловчи феъл формаларининг бирортаси ҳам бундай хусусиятга эга эмас, улар фақат ҳаракатнинг тугаллиги маъносини ифодалайди.

Шуни ҳам айтиш керакки, тугаллик маъносига эга бўлган кўмакчи феъллар аини бир вақтнинг ўзида тугаллик маъносидан яна бошқа маънони ифодалаш сабабли баъзи кўмакчи феълларда унинг ана шу маъноларидан қайси бирининг асосийлигини белгилаш қийин бўлади. Мас., *қол* кўмакчи феъли. Бу феъл, одатда, тугалликни ифодаловчи кўмакчи феъллар қаторига киритилади. *Қол* кўмакчи феълнинг асосий маъно-

ларидан бири ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши (ҳаракатнинг ҳолатга айланиши) маъносидир: *очилиб қолди* каби. Демак, бунда, биринчидан, ҳаракатнинг тугаши маъноси, иккинчидан, ҳолатнинг юзага келиши маъноси бор. *Очилиб қолди* бирикувида ана шу маънолардан қайси бири асосий маъно? Бизнингча, бунда ҳаракатнинг тугаши эмас, балки ҳолатнинг юзага келиши асосий ўринда, яъни *очилиб қолди* бирикувида очиқ ҳолатнинг юзага келиши таъкидланади⁵⁸. Ҳолатнинг юзага келиши эса ҳаракатнинг бажарилганлиги маъносини келтириб чиқаради.

Демак, айрим кўмакчи феъллар тугаллик маъносига эга бўлса ҳам, лекин бу маъно уларнинг асосий маъносига айланмаган. Албатта, бундай кўмакчи феълларни тугаллик маъносини ифодаловчи (тугалланган вид формасини ясовчи) формалар қаторига киритиб бўлмайди.

Шунинг ўзиёқ ўзбек тилидаги тугаллик маъносига эга бўлган кўмакчи феъллар фақат тугалликнинг ўзини эмас, балки уларнинг ҳар бири маълум бир маънодаги тугалликни ифодаловчи воситалар эканлигини кўрсатади.

Ўзбек тилидаги феъллар билдирган ҳаракатлар давом этмаган, бир мартагина бажарилган бўлиши мумкин. Лекин шундай характердаги ҳаракатларнинг ифодаланишида тугалликни билдирувчи кўмакчи феълларнинг қўлланиши шарт эмас: *Зухра дераза ёнидан уйга қарамасдан ўтди. Эшикка келганда, электр токи ургандай, орқасига ташланди* (С. Зуннунова, Янги директор).

Бу мисолдаги иккала феъл билдирган ҳаракат ҳам давомли эмас, балки тугалланган ҳаракат. Лекин бу ўринда тугалликни ифодаловчи кўмакчи феъллардан бирортаси ҳам қўлланмаган. Ҳатто тугалликни ифодаловчи кўмакчи феълни қўллаш талаб этилмайди ҳам.

Демак, ўзбек тилида ҳаракатнинг тугаллиги маъносини ифодалашда ҳамма вақт шу маънога эга бўлган кўмакчи феълларнинг қўлланавермаслиги бу кўмакчи феълларнинг тугаллик маъносини реаллаштирувчи доимий воситага айланмаганлигини кўрсатади. Шу сабабли ўзбек тилидаги тугалликни ифодалай оладиган кўмакчи феълларни рус тилидаги тугалланган вид формалари билан тенглаштириш мумкин эмас.

Рус тилидаги феълларнинг тугалланган вид тури ҳозирги замон формасида қўлланмайди, яъни ҳозирги замон маъно-

⁵⁸ Озарбайжон тилининг грамматикасида қол кўмакчи феъли тугаллик маъносини ифодаловчи кўмакчи феъллар қаторига киритилмайди, балки у ҳаракатнинг ҳолатга ўтишини кўрсатувчи видни ҳосил қилади, дейилади; Қарағ: «Азербәјҹан дилинин грамматикасы» (коллектив). Баку, 1960, 160-бет.

сига эга эмас. Улар фақат ўтган замон ва келаси замон маъноларига эга. Туркий тилларда ҳам вид категорияси бор, деб қаровчи ва феълларни вид нуқтаи назаридан икки турга (тугалланган вид ва тугалланмаган вид турига) бўлувчи ўртоқларнинг айримлари ўз фикрларини тўла исботлашга уриниб, бу тилларда ҳам феълларнинг тугалланган вид тури, худди рус тилидаги каби ҳозирги замон маъносига эга бўлмайди, деб кўрсатадилар. Мас., А. Харисов бошқирд тилидаги тугалликни ифодаловчи кўмакчи феъллар билан ясалган феъл конструкциялари ҳозирги замон маъносига эга эмас деб кўрсатади⁵⁹. Лекин туркий тиллар фактлари, жумладан, ўзбек тили фактлари бу фикрни қувватламайди: *Шовуллашини қара-я! Машғаллари ка май иб қоляпти* (А. Мухтор, Қор. қ.). *Ота йўл ёқасидаги қийшайиб қолган ёш ўрик, олма тупларини тўғрилаб қўймоқда* (Ҳ. Назир, С. ч.). *Уларда ҳисоб-китоб ишларини йўлга қўйиш масалалари ишлаб чиқилляпти* (Қ. У.). *Добротворцев... бу жойлар ҳақида китобларда ўқиб билганининг ҳаммасини тўкиб солмоқда* (А. Мухтор, Опа-с.). *Шунча одам орасида ҳар қайсиси ўзидан хавотир қилмай, бир-бирининг сирини очиб ташлаётибди* (А. Қаҳқор, Оғайнилар). *Асосий ғаллакор областларда комбайнларни ва бошқа ўрим-йўғим машиналарини ремонт қилиш кечиктириб юборилмоқда* (Қ. У.). *Байрамни жанг билан қон тўкиб кутиб оляпмиз* (И. Раҳим, Чин муҳаббат). *Бир йўғон одам Элмурод билан, худди йиқилиб тушаётгандай, бесўнақай эгилиб кўришди* (П. Турсун, Уқитувчи). *Бўладиган бўлсак, тезроқ бўлганимиз яхши, вақт ўтиб кетяпти* (Ҳ. Шамс Душман).

Келтирилган мисоллардаги кўмакчи феълларнинг ҳаммаси ҳам тугаллик маъносига эга. Лекин улар ҳозирги замон формасида қўлланган. Демак, бу жиҳатдан ҳам ўзбек тилидаги тугаллик маъносини ифодаловчи кўмакчи феълларни рус тилидаги феълларнинг тугаллик вид формалари билан тенглаштириб бўлмайди.

Рус тилидаги вид грамматик жиҳатдан тўла даражада шаклланган. Бу тилдаги феъллар ҳамма вақт виднинг бирор формасида бўлади, яъни бир феъл ё тугалланган вид, ёки тугалланмаган вид формасида бўлади. Бу ҳодисани ўзбек тилига нисбатан айта олмаймиз. Агар ўзбек тилида ҳам грамматик вид категорияси мавжуд бўлганида ва бу тилда ҳам феълларнинг икки хил види бўлганида, феъллар ҳамма вақт

⁵⁹ А. Харисов, Категория глагольных видов в башкирском языке, Уфа, 1944, стр. 55.

виднинг ана шу икки турдан бирига мансуб ҳолда бўлар экан. Чунки вид категорияси бор экан, феъллар шу категориядан холи бўлмайди ва виднинг икки тури мавжуд экан, барча феъллар шу икки турдан бирига мансуб бўлиши керак. Ўзбек тилида бу ҳодисани кўрмаймиз. Гарчи ўзбек тилида тугаллик ва давомлилик маъносини ифодаловчи кўмакчи феъллар кўп бўлса-да, феъллар шу кўмакчи феъллардан бири билан ҳамма вақт ҳам қўлланавермайди. Феълларнинг тугаллик ёки давомлилик маъносини ифодаловчи кўмакчи феълларсиз қўлланиши умумий характерга эга. Хоҳлаган бир бадий асарни олиб қаралса, унда айнан бир феълнинг тугаллик ёки давомлилик маъносини ифодаловчи кўмакчи феълларсиз қўлланган ҳолати жуда кўп учрайди. Шундай экан, ўзбек тилида ҳам худди рус тилидаги каби вид категорияси бор, дейиш тўғри бўлмайди.

Энди туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида, шу тилларнинг ўзига хос (рус тилидагидан фарқли) вид системаси борми ёки йўқми, деган масалага тўхтаб ўтайлик.

Юқориде айтилгандек, туркий тилларда вид категорияси борлигини эътироф этувчи ўртоқларнинг айримлари бу тилларда рус тилидаги каби вид системаси йўқ, балки шу тилларнинг ўзига хос вид системаси бор, деб қарайдилар. Шу сабабли уларнинг айримлари туркий тиллардаги феълларни вид ифодалашига кўра, рус тилидагидан бошқача группалайдилар. Мас., проф. Н. А. Баскаковнинг «Каракалпакский язык» асарида феъллар вид нуқтаи назаридан икки асосий группага бўлинади⁶⁰. Ҳар бир тур ўз ичида яна майда турларга бўлинади.

Биринчи турга феълнинг бўлишли ва бўлишсиз формаси, шунингдек,

-къыла,	-увла	-вла	-ымсыра
-қиде	-ювле	-вле	-имсире

-инъкъыра каби аффикслар билан ясалган формаси киритилади.

-инъкире кўмакчи феълларнинг барчаси виднинг иккинчи турига киритилади⁶¹.

Кўринадики, Н. А. Баскаков қорақалпоқ тилидаги феълларни вид маъноларини ифодалашига кўра, группалашда рус тили нуқтаи назаридан ёндошмайди. Автор рус тилининг вид системаси билан туркий тилларнинг вид системаси ўзаро фарқли деб қарайди⁶².

⁶⁰ Қаранг: Н. А. Баскаков, Каракалпакский язык, II, Фонетика и морфология, ч. 1, М., 1952, стр. 353.

⁶¹ Шу асар. 357—386-бетлар.

⁶² 1956 йили Олмаотада бўлиб ўтган кенгашда ҳам автор шу фикрини алоҳида таъкидлайди. (Кенгаш материаллари тўпламининг 134—137-бетларига қаранг).

Озарбайжон Фанлар академияси чиқарган «Озарбайжон тилининг грамматикаси»да озарбайжон тилида вид категорияси борлиги ва бу тилда феълларнинг вид маъносини ифодалашига кўра беш турга бўлиниши (беш хил вид борлиги) кўрсатилади: 1) ҳаракатнинг давомлигини кўрсатувчи кўмакчи феъллар; 2) ҳаракатнинг «инкишофини» кўрсатувчи кўмакчи феъллар; 3) ҳаракатнинг ҳолатга ўтишини кўрсатувчи феъллар; 4) ҳаракатнинг тўла бажарилишини кўрсатувчи кўмакчи феъллар; 5) ҳаракатнинг бажарилиши бошланишини кўрсатувчи феъл⁶³.

Демак, бу асарда феълларнинг вид ифодалашига кўра группаланиши Н. А. Баскаковнинг асаридан тамомила фарқли.

Айрим туркологлар ҳам туркий тиллардаги феълларнинг вид маъноларини ифодалашига кўра рус тилидаги феъллардан фарқланишини кўрсатадилар, яъни туркий тиллардаги феълларни вид нуқтаи назаридан тугалланган-тугалланмаган видни ифодаловчи феълларга ажратмайдилар. Лекин бу тилларда феълларнинг вид маъносини ифодалашига кўра неча турга бўлинишини (яъни бу тилларда неча хил вид борлигини) ҳам аниқ кўрсатмайдилар. Улар мазкур тилларда ҳам феълларнинг вид формасига эгаллиги ва бу формалар орқали маълум бир вид маъноси ифодаланишини айтиш билан чегараланмадилар. Мас., Л. Н. Харитонов «Формы глагольного вида в якутском языке» номли асарида туркий тилларда, жумладан, ёкут тилида, вид категорияси борлигини эътироф этсада, бироқ туркий тилларда, жумладан, ёкут тилида, феълларнинг вид маъносини ифодалашига кўра неча турга бўлиниши (неча хил вид борлиги) ҳақида аниқ фикр айтмайди.

Тўғри, автор ўз асарини «Ёкут тилида феълларнинг вид категорияси» ёки «Ёкут тилида феъл видлари» деб атамаган, балки «Ёкут тилида феълнинг вид формалари» деб атаган. Асарга бундай ном бериш билан автор ўзини бу тилда неча хил вид борлигини белгилаб беришдан холи қилади, яъни бу билан автор фақат феълнинг вид формалари ҳақида фикр юритмоқчи эканлигини кўрсатади. Ҳақиқатда ҳам асарда вид маъноларини ифодаловчи аффиксал ва аналитик формалар анализ қилинади.

Аналитик формалар маъно хусусиятига кўра тўрт турга бўлинади: 1) ҳаракатнинг бошланишини билдирувчи форма-

⁶³ Қаранг: «Азәрбајҷан дилинин грамматикасы» (коллектив), 1, Мор-фолюкија, Бақы, 1960, 150—162-бетлар.

⁶⁴ Л. Н. Харитонов, Формы глагольного вида в якутском языке. М.—Л., 1960.

лар: 2) ҳаракатнинг давомлилигини билдирувчи формалар; 3) ҳаракатнинг тугаллигини билдирувчи формалар; 4) ҳаракатнинг қисқа вақтчилигини билдирувчи формалар⁶⁵. Лекин бу билан автор ёқут тилида феъл видларининг тўрт турга эгаллигини айтмайди, балки фақат аналитик формаларнинг ўзини шундай турга бўлади. Аффиксал формада яна бошқача видларнинг ҳам борлиги кўрсатилади⁶⁶.

Хуллас, бу асарда ёқут тилида вид категорияси мавжудлиги ва феълларнинг вид ифодалашига кўра неча турга бўлиниши (неча хил вид борлиги) очиб берилмаган. Автор ҳаракатнинг турли характеристикасини билдирувчи кўмакчи феълларнинг ва аффиксларнинг ўзига хос хусусиятини анализ қилиш билан чегараланади.

Ўзбек тили грамматикасига оид адабиётларнинг айримларида ҳам бу тилда вид категорияси борлиги эътироф этилади. Мас., ЎзССР Фанлар академияси нашр этган «Ҳозирги замон ўзбек тили» китобида, шунингдек, У. Турсунов ва Ж. Мухторовларнинг «Ҳозирги замон ўзбек тили» китобида вид категорияси борлиги кўрсатилади, яъни буларда «вид категорияси» алоҳида тема сифатида берилади⁶⁷. Лекин иккала асарда ҳам вид категориясининг қандай ҳодиса эканлиги ва унинг ўзига хос хусусияти ва бу тилда виднинг неча тури борлиги очиб берилмаган.

Филология фанлари кандидати С. Фердауснинг «Феълларнинг вид категорияси» номли мақоласида ҳам феъл видларининг неча турга бўлиниши аниқ кўрсатилмайди. Фақат феъл видларининг мазмунан ранг-баранглиги айтилади: Автор бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «...феълларнинг видлари шаклан хилма-хил ва мазмунан ранг-барангдир»⁶⁸... «Видлар субъект амалининг ўқиб турибман, ёзиб ётибман, гапириб ётибди каби бўлиб, давомлилигини; ёзиб ташлайди, гапириб қўйдини, айтиб бердим каби бўлиб, давомсизлигини; чўзгилади, турткилади каби бўлиб, такрорланишини; гапирди, ёзди, ёзади, қонди, туртди каби бўлиб, такрорланмаслигини англатади. Булардан ташқари, вид шакллари яна субъект амалининг гапириб олди, ўриб олди, ёзиб олди, ўқиб олди каби бўлиб,

⁶⁵ Кўрсатилган асар, 85—100-бетлар.

⁶⁶ Шу асар, 10—44-бетлар.

⁶⁷ Қаранг: «Ҳозирги замон ўзбек тили» (коллектив), ЎзФА нашриёти, Тошкент, 1957, 425—426-бетлар; У. Турсунов, Ж. Мухторов, Ҳозирги замон ўзбек тили, Самарқанд, 1960, 133—134-бетлар.

⁶⁸ Қаранг: Содиқ Фердаус, Феълларнинг вид категорияси, В. И. Ленин номидаги Урта Осиё Давлат университетининг илмий асарлари (Ўзбек тили масалалари), Тошкент, 1957, 84-бет.

субъектнинг ўзига аталганини, субъектнинг ўз шахсияти учун бажарилганини; *гапириб берди, ёзиб берди, ўқиб берди, сузлаб берди* каби бўлиб, амалнинг субъектдан бошқага қаратилганини, аталганини ҳам англатади. Яна вид шакллари орқали *ёза олди, гапира оласан, кўра оласиз* каби бўлиб, субъектнинг амални бажаришга қодир экани маъноси ҳам ифодаланadi. Шу тариқа феълларнинг вид категориясининг нутқимиздаги ўрни ва вазифалари хилма-хил ва ранг-барангдир»⁶⁹.

Кўринадики, С. Фердаус ҳам ўзбек тилида феъл видларининг шаклан хилма-хиллиги ва мазмунан ранг-баранглиги ҳақида гапиради. Бу тилда виднинг неча тури борлиги ва нима учун шундай турларга бўлиниши ҳақида аниқ бир нарса айтилмайди. Лекин асосий феъл билдирган маънога қўшимча маънони ифодаловчи хилма-хил шаклларнинг борлиги ва бу шаклларнинг мазмунан ранг-баранглигини кўрсатиш билан бу тилда вид категорияси борлиги исботланган бўлмайди.

Келтирилган фактлар кўрсатадики, туркий тилларда шу тилларнинг ўзига хос вид системаси бор деб қаровчилар ҳам фақат бу тиллардаги вид системасининг рус тилидаги вид системасидан фарқли эканлигини эътироф этиш билангина ўзаро бир хил фикрдалар, лекин шу нарсани исботлашда улар ўзаро бир хил фикрда эмаслар. Бу ўртоқларнинг ишларида туркий тилларда ёки туркий системадаги тиллардан бирини рус тилидаги вид системасидан фарқли вид системаси темасининг борлиги ишонarli тарзда исботланмаган. Уларнинг ҳар бирининг ишида вид системасининг ҳар хил баён этилишининг сабаби ҳам ана шундадир.

Туркий тилларда, жумладан ўзбек тилида, феълларни вид маъносини ифодалашига кўра икки гурппага бўлиш ва барча кумакчи феълларни ана шу икки вид доирасига киритиш қанчалик чалкашлик туғдирса, бу тиллардаги вид системаси рус тилидагидан фарқли деб қараб, шу мақсадга мос ҳолда феълларни видларга ажратишга уриниш ундан ҳам ортиқроқ чалкашликларни келтириб чиқаради.

Туркий тиллардаги, жумладан ўзбек тилидаги, вид системаси рус тилидаги вид системасидан фарқли деб қараб, ўз ўзидан, бу тилларда феъл видларининг икки тури эмас, балки ундан ортиқ тури борлигини эътироф этиш бўлади. Чунки бу тилларда давомдлик ва тугаллик маъносини ифодаловчи воситалар бор. Бу тилларда вид категорияси бор, деб қаралар, экан, албатта, булар ҳам виднинг алоҳида турлари ҳисобланиши керак бўлади. Бошқа хил маъноларни ифодаловчи

⁶⁹ Кўрсатилган мақола, 89-бет.

кўмакчи феъллар билан ясалган бирикувлар эса виднинг яна бошқа турлари сифатида қаралиши лозим. Мас., ҳаракатнинг бошланиши маъносини ифодаловчи *бошла* кўмакчи феъли билан ясалган (*ишлай бошлади* каби) конструкциялар виднинг алоҳида бир тури сифатида ҳаракатнинг қисқа вақт ичиди бажарилиши (вақтинча бажарилиши) маъносини билдирувчи кўмакчи феъл билан ясалган (*ишлай тур* каби) конструкциялар виднинг алоҳида бир тури сифатида қаралиши керак бўлади. Вид системасини рус тилидагидан бошқача талқин этувчи ўртоқларнинг ишларига назар ташласак, ҳақиқатда ҳам худди шундай ҳолни кўрамиз. Мас., Л. Н. Харитонов ҳаракатнинг бошланиши маъносини ифодаловчи кўмакчи феъллар билан ясалган конструкцияларни виднинг алоҳида бир формаси сифатида, ҳаракатнинг қисқа вақтли эканлигини билдирувчи кўмакчи феъллар билан ясалган конструкцияларни виднинг алоҳида бир формаси сифатида қарайди. С. Фердаус ҳаракатнинг ўзгага ва субъектнинг ўзига қаратилганини билдирувчи *ол* ва *бер* кўмакчи феъллари билан ясалган конструкцияларни виднинг алоҳида турлари сифатида, шунингдек, қодирлик маъносини ифодаловчи *ол* кўмакчи феъли билан ясалган (*ёза олади* типдаги) конструкцияларни виднинг алоҳида тури сифатида қарайди.

Кўринадики, туркий тиллардаги вид системасини рус тилидагидан фарқли ҳолда талқин этувчи ишларда бу тилларда ҳам ҳаракатнинг давомлилиги ва тугаллиги маъносини ифодаловчи воситаларнинг, демак, шундай вид турларининг борлиги инкор этилмайди, балки бу тилларда виднинг рус тилида бўлмаган яна бошқа турлари мавжудлиги кўрсатилади. Бу нарса туркий тиллардаги кўмакчи феълларнинг ҳаммасини вид категориясига боғлаш натижасида келиб чиқади.

Кўмакчи феълларнинг бирор грамматик категорияга муносабати ҳақида тапирганда аввало шуни айтиш керакки, ўзбек тилидаги кўмакчи феълларнинг ҳаммасини бир грамматик категорияга, мас., вид категориясига боғлаб бўлмайди. Чунки, аввалги бўлимда кўриб ўтганимиздек, кўмакчи феълларнинг айримлари ҳаракат процессининг турли характеристикасини, баъзилари эса сўзловчининг ҳаракатга турли муносабатини кўрсатади. *Ол* ва *бер* кўмакчи феъллари бўлса йўналиш маъносини билдиради. Бу уч ҳодиса бир-биридан тамомил фарқли бўлган грамматик ҳодисалардир. Бас, шундай экан, бу уч хил грамматик ҳодисани бир грамматик категорияга оид маънолар деб қараш ва барча кўмакчи феълларни шу грамматик категорияни ҳосил қилувчи воситалар, деб ҳисоблаш тўғри бўлмайди.

Демак, ўзбек тилида вид категорияси ёки шунга ўхшаш

бирор категория бор, деб қаралганда ҳам юқоридаги уч ҳодисадан биттаси назарда тутилиши, яъни ё ҳаракат процессининг характеристикасини кўрсатувчи маънолар ёки йўналиш маъноси назарда тутилиши керак бўлади. Бироқ ўзбек тилида вид категорияси бор, деб қаровчи авторларнинг ишида, юқорида кўриб ўтганимиздек, вид категорияси деганда қандай ҳодиса тушунилиши очиб берилмаган.

Проф. Н. А. Баскаковнинг кўрсатишича, вид категорияси ҳаракат-ҳолат процессининг характеристикасини кўрсатади⁷⁰. Агар ўзбек тилида вид категорияси бор, деювчи ўртоқлар ҳам вид категориясини худди шу маънода тушунсалар, у ҳолда вид категорияси борасида фақат шу маънони ифодаловчи кўмакчи феъллар ҳақида гапириб, модал маъноларни ва йўналиш маъносини ифодаловчи кўмакчи феълларни бу категория билан боғламасликлари керак бўлади.

Бироқ ўзбек тилида ҳаракат-ҳолат процессининг турли характеристикасини кўрсатувчи кўмакчи феълларнинг борлигига қараб бу тилда унинг ўзига хос вид категорияси бор дея оламизми?

Бизнингча, йўқ, бор дея омаймиз.

Ҳар бир грамматик категория ўзига хос белгиси билан бошқа грамматик категориялардан фарқланади. Грамматика ана шундай категориялар учун қоида яратишда жужъий ҳолатларни эмас, балки умумий ҳолатларни назарда тутаяди. Мас., замон категорияси ҳаракатнинг нутқ моментига муносабатини кўрсатади (ўтган замон ҳам, ҳозирги замон ҳам, келаси замон ҳам ҳаракатнинг нутқ моментига муносабатини кўрсатади). Шунингдек, замон маънолари ҳамма вақт маълум грамматик формалар ёрдамида ифодаланади, яъни маълум бир замон маъносининг ифодаланишида шу маънони ифодаловчи форма ҳамма вақт қўллана олади. Мас., ҳар қандай ҳаракатнинг ҳозирги замонда бўлаётганлигини ифодалашда *-я л* аффикси қўллана олади.

Ҳаракат процессининг турли характеристикасини кўрсатувчи кўмакчи феъллар маълум бир грамматик категорияга оид маънони ифодаловчи формаларга хос (мас., *-я л* аффикси каби) хусусиятларга эга эмас. Улар ҳаракат процессининг маълум бир томонини кўрсатиш хусусиятига эга бўлсалар-да, лекин шу маънони ифодалашда барча феъллар доирасида ва системали тарзда қўллана олмайдилар (буни давомлилик ва тугаллик маъносига эга бўлган кўмакчи феъллар мисолида ҳам кўрган эдик).

⁷⁰ Қаранг: Н. А. Баскаков, Каракалпакский язык, II, Фонетика и морфология, ч. I, М., 1952, стр. 352.

Мас., қол кўмакчи феъли ҳаракат-ҳолатнинг маълум даражада (нормал ҳолатдан паст даражада) юз беришини, кет кўмакчи феъли ҳаракат-ҳолатнинг ортиқ даражада юз беришини ифодалайди; *семириб қолди, семириб кетди*. Лекин шунга қараб ўзбек тилида феълларнинг шундай вид тури (демак, шундай вид шакли) бор дея олмаймиз. Чунки *қол* ва *кет* кўмакчи феъллари бу маънода барча феъллар билан эмас, балки саноқли феъллар билангина қўллана олади. Шунингдек, ўзбек тилида ҳаракатнинг паст даражада ёки юқори даражада юз беришини ифодалаш учун ҳамма феълларга бирика олувчи грамматик форма йўқ. Мас., *ухла* феъли билдирган ҳаракат-ҳолат ҳам нормал ҳолатдан кам даражада ёки нормал ҳолатдан ортиқ даражада юз бериши мумкин бўлган ҳаракат-ҳолатдир. Бироқ шу маъноларни ифодалаш учун *ухла* феъли билан *қол* кўмакчи феъли ҳам, *кет* кўмакчи феъли ҳам бирика олмайди ва ўзбек тилида *ухла* феъли билдирган ҳаракат-ҳолатнинг ортиқ ёки кам даражада юз берганлигини ифодаловчи бошқа грамматик форма ҳам йўқ. Шундай экан, қандай қилиб *кет* ёки *қол* кўмакчи феълни виднинг маълум бир турини ҳосил қилувчи грамматик формалар дея оламиз. Бизнингча, бундай ҳукм чиқариб бўлмайди.

Қол ва *кет* кўмакчи феъллари ҳақида айтилганларни бошқа кўмакчи феълларга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Ўзбек тилида бир грамматик маънонинг ифодаланишида ҳамма феъллар билан бирика олувчи ва шу маънонинг реаллашувида ҳамма вақт қўлланувчи бирорта ҳам кўмакчи феъл йўқ. Агар кўмакчи феъллар вид категориясини ҳосил қилувчи воситалар бўлганида, шу категорияга ҳос маънонинг ифодаланишида улар барча феъллар доирасида ва системали тарзда қўлланиши керак эди. Кўмакчи феъллар ана шундай системани ҳосил қилмас экан, ўз-ўзидан, улар вид категориясини ҳосил қилувчи воситалар ҳам бўла олмайди.

Кўмакчи феълларни вид категориясига боғлаб қўйиш ўқиш-ўқитиш ишларида ҳам бирор ижобий натижа бермайди. Аксинча, бундай қилинганда ўқитувчининг ҳам ўқувчининг ҳам боши қотирилади, холос. Чунки кўмакчи феълларнинг маълум бир группаси виднинг бир турини, бошқалари виднинг бошқа турини ҳосил қилади, деб айтилган билан шу айтилган гапни амалда изчиллик билан татбиқ этиб бўлмайди. Агар фалон кўмакчи феъл виднинг фалон турини ҳосил қилади, деб қонун-қоида яратилар экан, бу маънонинг ифодаланишида шу кўмакчи феълнинг барча феъллар доирасида қўлланиши ва ҳамма вақт қўлланиши эътироф этилган бўлади. Бироқ, юқорида кўриб ўтганимиздек, ўзбек тилидаги кўмакчи феъллар бундай хусусиятга эга эмас.

Хулоса қилиб айтганда, асосий феъл билдирган маънога турли қўшимча маъноларни ифодаловчи кўмакчи феълларнинг борлигига қараб ўзбек тилида ҳам вид категорияси бор, дейиш ва барча кўмакчи феълларни вид формаларини ҳосил қилувчи воситалар, деб қараш назарий жиҳатдан асосли бўлмаганидек, амалий жиҳатдан ҳам ижобий натижа бермайди. Ўзбек тилида вид категорияси бор, деб кўмакчи феъллар ифодалайдиган барча маъноларни вид маънолари эканлигини ва барча кўмакчи феъллар вид формаларини ҳосил қилувчи воситалар эканлигини исботлашга уриниш бекорга вақт, бекорга куч сарф қилишдан бошқа нарса эмас.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

«Кўмакчи феъл» термини отларга бирикиб қўшма феъл ҳосил қилувчи ва боғлама вазифасида қўлланувчи феълларга нисбатан ҳам, шунингдек, феъллар билан бирикиб турли грамматик маъноларни ифодалаш учун хизмат қилувчи *бошла, ол, бер, кет, қол, ёз* каби феълларга нисбатан ҳам қўлланиб келмоқда. Лекин отлар билан бирикиб, қўшма феъл ҳосил қилувчи ва боғлама вазифасида қўлланувчи феъллар билан феълларга бирикиб, ҳаракатнинг турли характеристикасини кўрсатувчи феъллар ўзларига хос хусусиятлари билан бир-биридан фарқланувчи ҳодисалар ҳисобланади. Уларни бир-бирини киритиш ва бир ном билан («кўмакчи феъл» номи билан) аташ тўғри бўлмайди. «Кўмакчи феъл» термини феъллар билан бирикиб ҳаракатнинг турли характеристикасини кўрсатувчи *бошла, ол, қўй, кет, юбор, кўр, ёз* каби феълларга нисбатан қўллангани маъқул.

Кўмакчи феъллар етакчи феълга равишдош формаси орқали бирикади.

Кўмакчи феъл билан етакчи феълнинг *айтди-қўйди, ёзди-олди* типда бирикиши ҳам бор. Лекин бу ҳодиса умумий характерга эга эмас. Етакчи феълга фақат шу формада бирикувчи бирорта ҳам кўмакчи феъл йўқ. Шунингдек, ҳамма кўмакчи феъллар ҳам етакчи феъл билан шу типда бирикавермайди, балки *-(и)б* ёки *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдошга бирикувчи баъзи кўмакчи феълларгина етакчи феълга кўрсатилган типда ҳам бирика олади.

Етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувлар ташқи кўринишдан сўз бирикмалари ва қўшма феълларга ўхшайди. Лекин улар ўзига хос хусусиятлари билан сўз бирикмаларидан ҳам, қўшма феъллардан (қўшма сўзлардан) ҳам фарқланади. Етакчи феъл билан кўмакчи феълнинг ўзаро бирикувидан сўз бирикмаси ҳам, қўшма феъл ҳам ҳосил

бўлмайди, балки аналитик конструкция (аналитик форма) ҳосил бўлади. Шунга кўра, бундай конструкцияларни грамматиканинг синтаксис баҳсида ўрганишни тавсия этиш ёки уларни феъл ясалиши (қўшма феъл ясалиши) ҳодисаси деб ҳисоблаш тўғри бўлмайди.

Ўзбек тилида тамомила кўмакчи феълга айланган (муस्ताқил феъл сифатида қўлланмай, фақат кўмакчи феъл вазифасида қўлланадиган) бирорта ҳам феъл йўқ. Муस्ताқил феълларнинг маълум бир группасигина кўмакчи феъл вазифасида ҳам қўлланади.

Кўмакчи феъл вазифасида қўлланувчи феъллар тилда муस्ताқил феъл сифатида ҳам қўлланувчи феъллар бўлганидан бундай феълларнинг муस्ताқил феъл сифатида ёки кўмакчи феъл вазифасида қўлланганлиги, кўпинча, контекстда реаллашади. Айрим кўмакчи феълларнинг маъноси шу феълларнинг муस्ताқил маъносига тўғри келади. Бундай ҳолларда уларнинг кўмакчи феъл ёки муस्ताқил феъл эканлигини белгилаш қийин бўлади.

Рашидош билан шахсли феълнинг ўзаро бирикувида рашидош формасидаги феъл шахсли феълнинг белгисини кўрсатса, шахсли феъл муस्ताқил феъл ҳисобланади. Аксинча, шахсли феъл рашидош формасидаги феъл билдирган ҳаракатнинг характеристикасини кўрсатса, шахсли феъл кўмакчи феъл ҳисобланади.

Кўмакчи феъллар грамматик маънони ифодалашига кўра, аффиксларга — форма ясовчи аффиксларга ўхшайди. Лекин улар ўзларига хос хусусиятлари билан аффикслардан фарқланади.

Кўмакчи феълларнинг айримлари ё рашидошнинг фақат *-а, -й* аффикслари билан ясалган турига, ёки фақат *-(и)б* аффикси билан ясалган турига бирикади. Баъзи кўмакчи феъллар эса рашидошнинг ҳар икки турига ҳам бирика олади.

Рашидошнинг фақат *-а, -й* аффикслари билан ясалган турига бирикувчи кўмакчи феъллар бор-йўғи учтагина: бошла, ёз, бил.

Рашидошнинг ҳар икки турига бирика олувчи кўмакчи феъллар, одатда, *-а, -й* аффикслари билан ясалган рашидошга бирикканда бошқа маъно, *-(и)б* аффикси билан ясалган рашидошга бирикканда бошқа маъно ифодалайди: *ўқиб олмоқ, ўқий олмоқ*. Айрим кўмакчи феълларгина рашидошнинг *-а, -й* ва *-(и)б* аффикслари билан ясалган турига бирикканда ҳам бир хил маъно ифодалаши мумкин. Лекин бундай ҳолларда кўмакчи феълнинг *-а, -й* аффикслари билан *-(и)б* аффикси орқали ясалган рашидошга бириккан-

даги формаси бошқа бирор қўшимча маъноси ёки маъно оттенкаси, шунингдек, бошқа хусусиятлари билан ўзаро фарқланади.

Кўмакчи феълларнинг айримлари фақат бир маънони ифодаласа, айримлари бирдан ортиқ маънога эга.

Кўп маънолилиқ, асосан, равишдошнинг **-(u)б** аффикси билан ясалган турига бириқувчи кўмакчи феълларда учрайди. Равишдошнинг ҳар икки турига бириқувчи кўмакчи феъл кўп маъноли бўлса, унинг маъноларидан кўпчилик қисми равишдошнинг **-(u)б** аффикси билан ясалган турига бирикканда ифодаланадиган маънолар бўлади.

Ҳозирги ўзбек тилида кўпчилик кўмакчи феълларнинг **(u)б** аффикси билан ясалган равишдошга бириқиши ва кўп маънолилиқ ҳодисасининг ҳам **-(u)б** аффикси билан ясалган равишдошга бириқувчи кўмакчи феълларда учраши **-а, -й** аффиксларининг анча қадимдан пассив ясовчига айланганлиги, **-(u)б** аффиксининг эса, аксинча, равишдош ясовчи актив аффиксга айланганлиги билан изоҳланади. **-а, -й** аффикслари билан равишдош ясалиши пассив ҳодисага айлангандан кейинги даврларда келиб чиққан кўмакчи феълларнинг ҳаммаси равишдошнинг **-(u)б** аффикси билан ясалган турига бириқувчи кўмакчи феъллар ҳисобланади. Шунингдек, бир феълнинг бир-биридан фарқли маъноларни ифодаловчи кўмакчи феълга айланиши ҳам **-(u)б** аффикси билан ясалган равишдошнинг шахсли феъл билан бириқишидан ҳосил бўлган феъл бирикмалари негизда юз берганлиги сабабли кўп маънолилиқ ҳодисаси ҳам равишдошнинг **-(u)б** аффикси билан ясалган турига бириқувчи кўмакчи феълларда учрайди.

Кўмакчи феълларнинг қўлланиши доираси ҳам ҳар хил бўлади. Айрим кўмакчи феъллар жуда кўп феъллар доирасида қўллача олса, баъзилари кам феъллар билангина бирика олади. Бу ҳодиса кўмакчи феълнинг ўз асл маъносини маълум даражада сақлаганлиги ёки сақламаганлиги, кўмакчи феъл ифодалайдиган қўшимча маъно ёки маъно оттенкаларининг етакчи феъл билдирадиган ҳаракатнинг хусусиятига мос келиши ёки мос келмаслиги ва шу каби сабаблар билан изоҳланади.

Кўмакчи феълнинг бирор феъл билан бирика олиши учун шу феъл билдирган ҳаракат объектив ҳолда кўмакчи феъл ифодалайдиган маънода бажарилиши мумкин бўлган ҳаракат бўлиши керак. Акс ҳолда, кўмакчи феъл шу ҳаракатни билдирувчи феъл билан бирикмайди.

Етакчи ва кўмакчи феъллардан ташкил топувчи феъл конструкцияларида кўмакчи феъл битта ёки бирдан ортиқ бўлиши мумкин. Айниқса, бир етакчи ва икки кўмакчи феълдан

ташқил топган конструкциялар ҳозирги ўзбек тилида кўп қўлланади. Уч кўмакчи феълли конструкциялар нисбатан кам учрайди. Учдан ортиқ кўмакчи феълли конструкциялар эса деярди учрамайди.

Бирдан ортиқ кўмакчи феълли конструкцияларда ҳар бир кўмакчи феъл ўзига хос маъно билан қатнашади. Бундай конструкцияларда кўмакчи феълларнинг қўлланиш ўрни эркин эмас. Қайси кўмакчи феълнинг олдин, қайсининининг кейин қўлланиши улар ифодалайдиган маъно билан изоҳланади.

Бирдан ортиқ кўмакчи феълли конструкцияларда ҳеч вақт қарама-қарши маъноли кўмакчи феъллар қўлланмайди, аммо бир кўмакчи феъл кетма-кет қўлланиши мумкин. Бунда мазкур кўмакчи феъл бир-биридан фарқли икки хил маънони ифодалайди, яъни омоним кўмакчи феъл сифатида қатнашади: *ёзиб бера бера бер, ётиб қола қол* каби.

Кўмакчи феъл ифодалайдиган маънонинг (ёки маъноларнинг) келиб чиқиш йўли ҳам барча кўмакчи феълларда бир хил эмас.

Айрим кўмакчи феълларнинг маъноси унинг мустақил феъл сифатида ифодалайдиган маъносига (мустақил маъносига) тўғри келади. Мас., *бошла* ва *бул* кўмакчи феълларида худди шундай ҳодисани кўрамыз.

Айрим кўмакчи феълларнинг маъноси шу феълнинг лексик мундарижасидан келиб чиқади. Мас., *ол* ва *бера* кўмакчи феъллари ифодалайдиган ҳаракатнинг субъект томонига йўналиши ёки ўзга томонига йўналиши маъноси *ол* ва *бера* мустақил феълларининг лексик мундарижасидан келиб чиққан маънодир.

Баъзи кўмакчи феълларнинг маъноси шу феъл билдирган ҳаракат билан равишдош формасидаги феъл билдирган ҳаракатнинг ёки бошқа ҳодисанинг ўзаро муносабати таъсирида келиб чиққан. Мас., *қол* кўмакчи феъли билдирадиган ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъноси, шунингдек, ҳаракатнинг вақти ганиматда бажарилиши маъноси ана шундай йўл билан келиб чиққан маънолардир.

Айрим кўмакчи феълларнинг бирор маъноси шу кўмакчи феълнинг *-(и)б* аффикси орқали ясалган равишдошга бириккан формаси билан *-а*, *-й* аффикслари орқали ясалган равишдошга бириккан формаси ўртасида маъно жиҳатдан дифференциация юз бериши натижасида келиб чиқади. Мас., *қол* ва *тур* кўмакчи феълларининг *-а*, *-й* аффикслари билан ясалган равишдошга бирикканда ифодалайдиган маънолари ана шундай йўл билан келиб чиққан.

Айрим кўмакчи феълларнинг бирор маъноси шу кўмакчи феълнинг бошқа бир маъноси асосида юзага келади. *Қол* кў-

макчи феъли билдирадиган ҳаракатнинг маълум даражада (қисман) бажарилиш маъноси, *бер* кўмакчи феълининг давомлилик маъноси шундай маънолардан ҳисобланади.

Кўмакчи феъллар турли грамматик маъноларни ифода-лайди. Ҳар бир кўмакчи феъл ўзига хос хусусияти билан бош-қа кўмакчи феъллардан фарқланишидан қатъий назар, маънодаги умумий томонларига кўра кўмакчи феълларни маълум группаларга ажратиш мумкин. Мас., кўмакчи феъллар модал маъноларни ифодалаши ёки ҳаракат процессининг ха-рактеристикасини кўрсатишига қараб маълум группаларга бўлинади.

Ўзбек тилидаги кўмакчи феъллар вид категориясини ҳо-сил қилувчи воситалар бўлмай, уларни бир грамматик кате-горияга боғлаш ҳеч қандай асосга эга эмас.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Кириш	6
«Кўмакчи феъл» термини ҳақида	6
Етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувлар характери	8
Кўмакчи феъллар	15
I. Кўмакчи феълларнинг лексик-грамматик хусусиятлари	15
II. Кўмакчи феълларнинг маъноси, қўлланишдаги хусусиятлари ва улар ифодалайдиган маънонинг келиб чиқиши	19
Бошла	32
Ет, тур, юр, ўтир	34
Бор	66
Кел	74
Бўл	85
Бит (битир)	88
Чяқ	89
Ет	96
Ут	97
Ол	99
Бер	110
Қол	115
Қуй	134
Кет	144
Юбор	152
Ташла	158
Сол	165
Туш	169
Ул	173
Кўр	176
Қара, боқ	178
Бил	180
Ез	182
III. Кўмакчи феълларнинг семантик классификацияси	188
Ҳаракат процессининг характеристикасини кўрсатувчи кў- макчи феъллар	188
Модал маъноларни ифодаловчи кўмакчи феъллар	195
Июналиш маъносини ифодаловчи кўмакчи феъллар	197
IV. Кўмакчи феълларнинг вид категориясига муносабати	199
Умумий хулосалар	216

На узбекском языке

Азим Хаджиев

**ВСПОМОГАТЕЛЬНЫЕ ГЛАГОЛЫ
В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ**

**Издательство «Фан» Узбекской ССР
Ташкент — 1966**

Мухаррир Ҳ. У. Нурмухамедов
Рассом В. Битков
Техмуҳаррир Р. Ҳ. Рузиёва
Корректорлар Муқаррам Алиева, Назира Раҳимова

Теринга берилди 18/X-66 й. Босишга руҳсат этилди 8/XII-66 й.
Формати 60×90^{1/16}—7,0 қоғоз л. Босма л. 14,0 Ҳисоб-нашриёт л. 13,6
Нашриёт № 1602, Тиражи 2000. Баҳоси 1 с. 17 т.

ЎзССР «Фан» нашриётининг босмаҳонаси, Л. Б. Шабстри кўчаси, 21.
Заказ 321, Нашриёт адриси: Гоголь кўчаси, 70.

4Ўз

X59 Ҳожиев Азим.

Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. Масъул муҳар-
рир З. Маъруфов. Т., «Фан», 1966.

259 бет. (ЎзССР Фан. акад. А. С. Пушкин
номидаги тил ва адабиёт ин-ти). Тиражи 2000.

Ҳаджиев А. Вспомогательные глаголы в
узбекском языке.

4Ўз